

В. С. НЕРСЕСЯНЦ

# ҲУҚУҚ ФАЛСАҒАСИ

ҚИСҚАЧА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Масъул муҳаррир  
юридик фанлар доктори, профессор  
А. Х. САИДОВ

«АДОЛАТ»  
Тошкент-2003

**Нерсеяни В. С.**  
ҲУКУҚ ФАЛСАФАСИ / Масъул муҳаррир: А. Х. Саидов, Т., «Адолат»,  
2003. 280- бет.

Ушбу қисқача ўқув қўлланмаси ҳуқуқ фалсафасига бағишланган. Китобда ҳуқуқ фалсафасининг умумий муаммолари, шунингдек ҳуқуқ фалсафаси умумжаҳон тарихининг асосий босқичлари, йўналишлари ва тамойиллари ҳамда ХХ асрда чет эл ҳуқуқ фалсафасининг ривожланиши алоҳида мустақил илмий ва ўқув фани сифатида ёритилган. Дарсликда капитализм, социализм, социализмдан кейинги тузумнинг давлат ҳуқуқий муаммоларига, маърифийлик (цивилизм) гоёларини асослашга катта эътибор берилган.

Юридик, фалсафа ва бонқа олий ўқув юртлири ҳамда факультетлари талабалари, аспирантлари ҳамда ўқитувчиларига мўлжалланган.

*Нашр Очиқ Жамият Институтини Кўмак Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлигида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан тайёрланган — Ўзбекистон, грант № 002171 РВФ.*

Нашр учун масъуллар	<i>Ф. Зиёев, Ш. Галиакбаров</i>
Таржимон	<i>Д. Бегимқулов</i>
Муҳаррир	<i>Ш. Мансуров</i>
Бадий муҳаррир	<i>С. Махмудов</i>
Техник муҳаррир	<i>Г. Мирхалилова</i>

Теришга берилди 15.10.2002. Босишга руҳсат этилди 4.03.2003.  
Бичими 60×90<sup>1/16</sup>. Офсет босма. Шартли б.т. 17,5. Нашр б.т. 18,0.  
Адади 1000. Буюртма № 34.

«Аgnaprint» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент, Ҳ. Бойқаро кўч., 51.

- © В. С. Нерсеяни, 2000
- © «Норма» нашриёти, 2000
- © «Адолат» нашриёти, 2003
- © Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2003.

## МУНДАРИЖА

«Ҳуқуқ фалсафаси»нинг ўзбек тилидаги нашрига сўз боши .....	8
Ҳуқуқ фалсафасига кириш (муқаддима ўрнида) .....	10
Кириш .....	25
<b>Биринчи бўлим</b>	
<b>ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИНИНГ УМУМИЙ МУАММОЛАРИ .....</b>	<b>27</b>
<b>Биринчи боб.</b>	
<b>Ҳуқуқ фалсафасининг предмети, методи ва вазифалари .....</b>	<b>27</b>
1. Ҳуқуқ фалсафасининг предмети .....	27
2. Ҳуқуқ фалсафаси методи .....	33
3. Ҳуқуқ фалсафасининг фанлар тизимида тутган ўрни .....	39
<b>Иккинчи боб.</b>	
<b>Ҳуқуқни тушунишнинг асосий типлари .....</b>	<b>43</b>
1. Ҳуқуқни тушуниш типологияси .....	43
2. Ҳуқуқни тушунишнинг легистик типи .....	43
3. Ҳуқуқни тушунишнинг табиий-ҳуқуқий типи .....	47
4. Ҳуқуқни тушунишнинг либертар-юримдик типи .....	51
<b>Учинчи боб.</b>	
<b>Расман тенглик ҳуқуқнинг моҳияти сифатида .....</b>	<b>53</b>
1. Ҳуқуқ тенг ўлчов сифатида .....	53
2. Ҳуқуқ эркинлик сифатида .....	56
3. Ҳуқуқ адолат сифатида .....	59
<b>Тўртинчи боб.</b>	
<b>Ҳуқуқ ва давлат тушунчаси .....</b>	<b>62</b>
1. Ҳуқуқ тушунчаси .....	62
2. Давлат тушунчаси .....	65

<b>Бешинчи боб.</b>	
<b>Ҳуқуқ онтологияси</b> .....	68
<i>Ҳ. Заррингар ҳақиқатнинг табиғи</i>	
1. Легистик онтология .....	68
2. Табиий-ҳуқуқий онтология .....	69
3. Либертар-юримдик онтология .....	71
<b>Олтинчи боб.</b>	
<b>Ҳуқуқий аксиология</b> .....	75
1. Умумий тавсиф .....	75
2. Легистик аксиология .....	76
3. Табиий-ҳуқуқий аксиология .....	77
4. Либертар-юримдик аксиология .....	79
<b>Еттинчи боб.</b>	
<b>Ҳуқуқий гносеология</b> .....	82
1. Легистик гносеология .....	82
2. Табиий-ҳуқуқий гносеология .....	83
3. Либертар-юримдик гносеология .....	85
<b>Саккизинчи боб.</b>	
<b>Умумий манфаат ҳуқуқий категория сифатида</b> .....	87
1. Умумий манфаатнинг табиий-ҳуқуқий концепцияси .....	87
2. Умумий манфаатнинг либертар-юримдик концепцияси .....	89
<b>Тўққизинчи боб.</b>	
<b>Ижтимоий тартибга солиш тизимида ҳуқуқ ва давлат</b> .....	93
1. Ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият ҳар хил турларининг ўзига хослиги .....	93
2. Ҳуқуқнинг бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро муносабати .....	98
<b>Ўнинчи боб.</b>	
<b>Рухсат бериш ва тақиқлаш тартибга солиш шакллари сифатида.</b>	
<b>Ҳуқуқ ва бараварчилик</b> .....	101
1. Рухсат бериш ва бараварчиликни тақиқлаш .....	101
2. Ҳуқуқда рухсат бериш ва тақиқлаш .....	105

**Ўнбиринчи боб.**

<b>Ҳуқуқий давлат</b> .....	108
1. Ҳуқуқий давлат: тарих ва ҳозирги замон .....	108
2. Ҳуқуқий давлатчилик ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши ...	109
3. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари .....	113
4. Ҳуқуқ ва давлатнинг тарихий шакллари типологияси .....	115

**Иккинчи бўлим**

**ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ ЖАҲОН ТАРИХИ КЎЗГУСИДА:**

<b>КАПИТАЛИЗМ - СОЦИАЛИЗМ - ЦИВИЛИЗМ</b> .....	120
--	-----

**Биринчи боб.**

<b>Ҳуқуқни инкор этиш фалсафаси. Коммунизм мафқураси ва амалиёти</b> .....	120
--	-----

1. Капитализмдан коммунизмга: мулкчиликнинг, ҳуқуқ ва давлатнинг инкор этилиши .....	120
2. Социализмда буржуа «тенг ҳуқуқи» концепцияси .....	121
3. Ҳуқуқ ва давлатсиз «эркинлик»: коммунизмнинг салбий табиати .	122

**Иккинчи боб.**

<b>Социализм ва ҳуқуқ</b> .....	122
---------------------------------	-----

1. «Тенглик»нинг меҳнат ўлчови .....	122
2. Социалистик тоталитаризм: барча биргаликда, ҳеч ким алоҳида ёлғиз ўзи эмас .....	124

**Учинчи боб.**

<b>Ҳуқуқни советча тушуниш</b> .....	125
--------------------------------------	-----

1. Янги совет «ҳуқуқи» талқинининг асосий йўналишлари .....	125
2. Совет легизми .....	130
3. Ҳуқуққа янгича ёндашувларни излаб .....	132

**Тўртинчи боб.**

<b>Социализмдан цивилизмга. Цивилитар ҳуқуқ концепцияси</b> .....	135
---	-----

1. Социализмдан кейинги муқобилликлар .....	135
2. «Тарихнинг ниҳояси» муаммоси: буржуа ҳуқуқи типидан кейин ҳуқуқ бўлиши мумкинми? .....	138

3. Цивилитар ҳуқуқ ва фуқаролик мулки .....	144
4. Ҳуқуқ ва эркинлик тараққиётининг янги йўналишлари .....	153
5. Цивилизм Россиянинг миллий ғояси сифатида жаҳон тарихида .....	159

**Бешинчи боб.**

<b>Совет тузумидан советлардан кейинги Конституция сари</b> .....	163
---	-----

1. Умумий тавсиф .....	163
2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг табиий-ҳуқуқий концепцияси .....	166
3. Ҳуқуқий қонуннинг конституциявий концепцияси .....	167
4. Ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро ҳамкорлиги тизими .....	169
5. Конституциявий моделни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари .....	172
6. Конституция ва воқелик .....	174

**Учинчи бўлим**

<b>ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН</b> .....	177
--	-----

**Биринчи боб.**

<b>Антик давр ҳуқуқ фалсафаси</b> .....	177
---	-----

1. Дике ва номос: адолат асосларини излаб .....	177
2. Демокрит .....	179
3. Софистлар .....	180
4. Сукрот .....	182
5. Платон .....	183
6. Аристотель .....	185
7. Эпикур .....	188
8. Стоиклар .....	189
9. Цицерон .....	192
10. Рим ҳуқуқшунослари .....	193

**Иккинчи боб.**

<b>Ўрта асрлар ҳуқуқ фалсафаси</b> .....	195
--	-----

1. Фома Аквинский .....	195
2. Ўрта асрлар ҳуқуқшунослари .....	198

**Учинчи боб.**

<b>Янги давр ҳуқуқ фалсафаси</b> .....	201
--	-----

1. Гроций .....	201
2. Фрэнсис Бэкон .....	203
3. Гоббс .....	204
4. Локк .....	206
5. Монтескье .....	208
6. Руссо .....	212
7. Кант .....	215
8. Гегель .....	220

**Тўртинчи боб.**

<b>Россияда ҳуқуқ фалсафаси .....</b>	<b>223</b>
---------------------------------------	------------

1. Умумий тавсиф .....	223
2. Б.Н.Чичерин .....	226
3. П.И.Новгородцев .....	229
4. В.С.Соловьев .....	230
5. Н.А.Бердяев .....	232

**Бешинчи боб.**

<b>XX асрда ҳуқуқ фалсафаси: асосий концепциялар .....</b>	<b>235</b>
--	------------

1. Умумий тавсиф .....	235
2. Ҳуқуқ фалсафасининг неокантча концепцияси .....	243
3. Ҳуқуқ фалсафасининг неогегелча концепцияси .....	246
4. Г.Кельзеннинг ҳуқуқ тўғрисидаги соф таълимоти .....	249
5. «Тикланган» табиий ҳуқуқ концепцияси .....	253
6. Экзистенциал ҳуқуқ фалсафаси .....	257
7. Р.Марчичнинг онтологик ҳуқуқ концепцияси .....	261
8. Г.Хартнинг неопозитивистик концепцияси .....	264
9. Ҳуқуқнинг билиш-танқидий назарияси .....	267

<b>«Ҳуқуқ фалсафаси» курси бўйича дастур .....</b>	<b>270</b>
--	------------

---

## «ХУҚУҚ ФАЛСАФАСИ»НИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ НАШРИГА СЎЗ БОШИ

Мазкур дарсликнинг ўзбек тилида нашр этилиши муҳим воқеа ва муаллиф сифатида мен учун катта шараф. Бу воқеани мен ҳуқуқшунослик фани ва юридик таълим соҳасида ўтмишда шакланган самарали илмий алоқаларимиз ва ҳамкорлигимиз сифат жиҳатидан янги шароитларда давом этаётганлиги ва ривожланаётганлигининг рамзи, деб биламан. Шу муносабат билан мен ушбу дарслик ўзбек тилида нашр этилишининг ташаббускорларига (хусусан, юридик фанлар доктори, профессор А. Х. Саидовга), таржимонга ва ноширларга, китобнинг дунё юзини кўришига кўмаклашган барча-барчага ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман.

Олий ўқув юртларига мўлжалланган мазкур дарслик менинг катта ҳажмли «Хуқуқ фалсафаси» (М., 1999) дарслигимнинг мухтасар (бир қанча ҳолларда қайта ишланган ва аниқлаштирилган) вариантыдир.

Дарсликда ҳуқуқ фалсафасининг умумий муаммолари, ҳуқуқ фалсафасининг қадимги даврдан ҳозирги давргача бўлган жаҳон тарихининг асосий йўналишлари ва концепциялари баён қилинган. Дарсликда капитализм, социализм, социализмдан кейинги тузумнинг давлат-ҳуқуқий муаммоларига, маърифийлик (цивилизм) ғояларини асослашга катта эътибор берилган.

Фалсафанинг умумназарий ва аниқ тарихий тусдаги муаммолари дарсликда мен томонимдан ишлаб чиқилган давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги либертар-юридик таълимот нуқтаи назаридан ёритилади. Шу билан бирга дарсликда юснатурализм (табиий-ҳуқуқий ёндашув) ва юридик позитивизм (легизм)нинг асосий фалсафий-ҳуқуқий ғоялари ва қоидалари батафсил баён қилинади. Бу ўқувчига ҳуқуқни тушунишнинг ҳар хил ёндошувлари ҳамда ҳуқуқ фалсафасининг тарихий ва ҳозирги замон концепцияларининг хусусиятлари, фазилатлари ва нуқсонларини аниқлаб олиш имконини беради. Тала-



банинг ўз нуқтаи назари, фикр-мулоҳазалари ҳамда баҳосининг шаклланиши давлат ва ҳуқуққа нисбатан турлича ёндашувларнинг гоёвий-назарий мазмунига ва маъносига таяниши ҳамда анланган ва мулоҳазали тусга эга бўлиши илмий ва амалий жиҳатдан жуда муҳимдир.

Илмий ва ўқув фани сифатидаги ҳуқуқ фалсафасида ҳуқуқ ва давлатни илмий билишнинг асосий гоёвий-назарий ютуқлари жамланган ҳолда акс этган. Мазкур фаннинг олий ўқув юрти юридик таълим фанлари тизимига киритилиши ўз мамлакатининг давлат ва ҳуқуқ жиҳатидан илғор ривожланишига, ҳуқуқнинг, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари устуворлиги гоёлари ва қадриятлари қарор топишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга даъват этилган юқори малакали ҳуқуқшунослар янги авлодининг ҳуқуқий маданияти ва касбий маҳорати ошишига кўмаклашади.

Дарсликда ҳуқуқшунослик ва фалсафанинг фанлараро алоқалари изчил ва етарли равишда кўриб чиқилган, ҳуқуқ фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига ҳуқуқшунослар ва файласуфлар қўшган ҳисса ёритилган. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур дарсликдан олий ўқув юртида ҳуқуқшуносларни ҳам, файласуфларни ҳам ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ҳуқуқ фалсафасини ўрганишга киришганларнинг барчасига ҳуқуқ соҳасида ҳақиқат ва адолатга нисбатан фалсафий муҳаббат билан қарашни тилаб қоламан.

**Россия Фанлар академияси академиги,  
юридик фанлар доктори, профессор  
В.С. Нерсисянц**

*2002 йил 28 февраль*

---

## ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИГА КИРИШ

(Муқаддима ўрнида)

### *Мухтарам ўқувчи!*

Сизнинг эътиборингизга жаҳонга таниқли ҳуқуқшунос олим, Россия Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлар доктори, профессор Владик Сумбатович Нерсесянцнинг китоби ҳавола қилинмоқда. Китоб ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти соҳасидаги мутахассисларнинг кенг доирасига мўлжалланган. Унда бизнинг мамлакатимиз ва кунларимиз учун сўзсиз долзарб мавзу - ҳуқуқ фалсафаси муаммоси ҳар томонлама ёритилган. Китобда олдинга қўйилган масалаларнинг айнан кенг ва фундаментал баён қилиниши ушбу асарнинг ҳуқуқшунослик фани турли тармоқлари вакиллари ҳамда барча китобхонлар учун ҳам билим олишни, ҳам тор илмий жиҳатдан фойдали бўлишини таъминлайди.

Албатта, муаллиф ҳуқуқ фалсафаси масалалари устида олиб борган кўп йиллик сермашаққат меҳнат ўзбек ҳамкасблари томонидан эътибор билан кутиб олинишига умид қилади.

Шу билан бирга В. С. Нерсесянц талабаларни, ҳуқуқий фанни, энг аввало, унинг муҳим ва қизиқарли соҳаси - ҳуқуқ фалсафасини ўрганаётган барчани ўзининг кўп сонли ўқувчилари деб билади. Муаллиф уларга ўз билим ва кўникмаларини бериш, методик тажрибаси билан ўртоқлашиш ниятида устоз сифатида мурожаат қилади.

Владик Сумбатович Нерсесянц 1938 йил 2 октябрда Арманистоннинг Степанакерт шаҳрида туғилган. 1955 йилда Ереванда мактабни олтин медаль билан, 1961 йилда МДУ нинг ҳуқуқшунослик факультетини аъло баҳолар билан тамомлаган. 1963 йилдан бошлаб МДУ аспирантурасида ўқиган. 1965 йилда «Гегель ҳуқуқ фалсафасининг марксча танқиди» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1965-1970 йилларда «Советское государство и право» журнали таҳририя-

тининг бўлим мудир, 1970-80 йилларда СССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими бўлиб ишлаган. 1980 йилдан ҳозиргача Россия Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтининг давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи сектори мудир, 1992 йилдан ҳозирги вақтгача бир вақтнинг ўзида шу институтнинг Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи марказининг раҳбаридир. 1975 йилда «Гегелнинг сиёсий-ҳуқуқий назарияси ва унинг талқини» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1985 йилда унга профессор унвони берилган. У 1994 йилдан Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йилдан академигидир.

В. С. Нерсеянц илмий соҳанинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва фалсафаси билан шуғулланади. У сиёсий-ҳуқуқий тафаккур жаҳон тарихининг предмети ва методологиясини янгилаш ва ривожлантириш жараёнига, тарихий-юримдик тадқиқотларнинг бир қанча янги йўналишлари ишлаб чиқилишига ва малакали мутахассислар тайёрланишига салмоқли ҳисса қўшган. В.С.Нерсеянц ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги либертар-юримдик таълимотнинг муаллифи ва Россия ҳуқуқшунослик фанида тегишли мактабнинг асосчиси ҳисобланади. У томонидан янги (постсоциалистик) тузум ҳамда тенглик, эркинлик ва адолатнинг жаҳон тарихий тараққиётидаги юқорироқ (капитализмга қараганда) босқичи сифатида цивилизм назарияси илгари сурилган ва ишлаб чиқилган.

В.С.Нерсеянц уч юздан ортиқ, шу жумладан 16 монография ва дарсликнинг муаллифидир. Унинг асосий асарлари: «Гегелча ҳуқуқ фалсафаси: тарих ва замонавийлик» (1974), «Сукрот» (1977), Қадимги Юнонистоннинг сиёсий таълимоти» (1979), «Ҳуқуқ ва қонун» (1983), «Платон» (1984), «Бизни ҳуқуққа олиб борадиган йўл. Социализмдан цивилизмга» (1992), «Ҳуқуқ-эркинлик математикаси» (1996), «Ҳуқуқ фалсафаси» (1997), «Юриспруденция» (1998), «Ҳуқуқий давлат ғоялари тарихи» (1993), «Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси» (1998), «Ҳуқуқ ва давлатнинг умумий назарияси» (1999), «Тенглик, эркинлик ва адолатнинг жаҳон тарихий жараёнида Россиянинг миллий ғоялари. Цивилизм ҳақидаги манифест» (2000) ва бошқалар. Бир қанча асарларнинг ҳаммуаллифи ва масъул муҳаррири: «Ҳуқуқ тарихи: Англия ва Россия» (1990), «Бур-

жуа конституционализми тарихи» (2-том, 1983, 1986), 5 жилдлик «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» (1985-1995), «Ҳуқуқ ва давлат умумий назарияси муаммолари» (1999), «Сиёсий-ҳуқуқий қадриятлар: тарих ва замонавийлик» (2000) ва бошқалар. «Гегель. Ҳуқуқ фалсафаси» (1990); «Гегель. Сиёсий асарлар» (1978); «Юстиниан дигестлари» (1984); «Саксония кўзгуси» (1985) сингари манбаларни тайёрлаш ва нашр этишда қатнашган. Учта шеърлар тўплами эълон қилинган: «Вақтсизлик чорраҳаларида» (1990), «Кайфият» (1996) ва «Творемлар» (2001).

В.С.Нерсесянц Ижтимоий ва ҳуқуқий фалсафа халқаро уюшмаси Россия секциясининг раиси, Россия Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти Маркази Илмий Кенгаши раиси, Россия Фанлар академияси Вице-президенти ҳузуридаги ижтимоий фанлар бўйича Илмий мувофиқлаштириш кенгаши аъзоси, Россия қиёсий ҳуқуқшунослик уюшмаси бошқаруви аъзосидир.

В.С.Нерсесянцнинг «Ҳуқуқ фалсафаси» китобида муаллиф томонидан XX асрнинг 70-йиллари бошидан 90-йиллар ўртасигача ишлаб чиқилган ғоялар жамланган ва кенгайтирилган ҳолда ўз ифодасини топган. Бу ғоялар мажмуи муаллифнинг ҳуқуқ фалсафасини ташкил этади. Ҳуқуқ фалсафаси олий ўқув юртлари учун дарслик шаклида баён қилинган. Дарсликда принципиал жиҳатдан янги фалсафий-ҳуқуқий тизим китобхонлар кенг доираси ўзлаштириб олиши учун қулай шаклда тақдим этилган. Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган дарсликнинг мухтасар, ёрқин ва изчил шаклда баён қилиниши муаллиф нўқтаи назарининг тизимли яхлитлиги ва концептуал етуклигидан далолат беради.

Китоб кенг жамиятшунослик ихтисосига эга, ундан юридик олий ўқув юртларидагина эмас, балки, фалсафий фанларни ўқитишда ҳам муваффақият билан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, дарслик шакли ҳуқуқшунослар, файласуфлар янги авлоди ҳамда бошқа жамиятшунос олимлар ўзлаштириб олиши учун ҳам қулайдир. Шу боис, В.С.Нерсесянц томонидан ишлаб чиқилган «Ҳуқуқ фалсафаси» бўйича ўқув дастури ҳам илова тарзида берилмоқда.

В.С.Нерсесянцнинг «Ҳуқуқ фалсафаси» классик «таълимот» сўзи билан белгиланади. Ушбу таълимот дунёқараш ва фаннинг маъмурларнинг амалий фаолияти ва шахснинг хулқ-

атвори учун йўл-йўриқ сифатида қовушишини, ўтмиш, ҳозирги замон ҳамда келажакни билиш ва баҳолашнинг бирлашувини назарда тутати. Мазкур ҳуқуқ фалсафаси ушбу мақомда ўтмишнинг йирик сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари анъаналарини давом эттиради ва ўзининг пайдо бўлиши орқали ушбу анъаналар ўтмиш мулки бўлибгина қолмаганлигидан далолат беради.

Дарслик мазмунан ниҳоятда бой бўлиб, уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим ҳуқуқ фалсафасининг умумий муаммоларига бағишланган. Ушбу муаммолар орасида ҳуқуқ фалсафасининг предмети, методи ва вазифалари, ҳуқуқнинг моҳияти ва тушунчаси, ҳуқуқий онтология, аксиология ва гносеология, умумий манфаатдорликнинг юридик концепцияси, ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқ, ҳуқуқ ва бараварлаштириш нисбати, ҳуқуқий давлатнинг моҳияти, шахс, ҳуқуқ ва давлат, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари мазмуни сингари асосий мавзулар ажратиб кўрсатилган.

Навбатдаги, иккинчи бўлим ҳуқуқни амалда инкор этиш фалсафаси бўлмиш марксизм, коммунизм ва социализм назарияси ва амалиётининг танқидий таҳлилига бағишланган. Бу бўлимда ҳуқуқни совет социалистик тушуниш моҳияти ва эволюцияси, ҳуқуққа янгича ёндашувларни излаш тарихи ҳамда социализмдан кейинги ҳуқуқ ва давлатнинг фалсафий муаммолари батафсил кўриб чиқилган.

Якуний, учинчи бўлим эса, ҳуқуқ фалсафаси тарихи ва унинг ҳозирги замон концепцияларига бағишланган. Бунда тарихий изчиллик билан антик давр, ўрта асрлар ва янги давр ҳуқуқ фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари ўша даврларнинг йирик намояндалари қарашлари асосида батафсил очиб берилган. Алоҳида бобда эса ҳуқуқ фалсафасининг Россиядаги тараққиёти очиб берилган. Дарсликнинг сўнгги боби XX асрда ҳуқуқ фалсафасининг асосий йўналишлари ва ҳозирги замон концепцияларига бағишланган.

В. С. Нерсесянцнинг назарияси санаб ўтилган барча бўлимлар ва мавзуларда ҳар хил жиҳатдан ёритилган. Шу билан бирга дарсликнинг иккита таркибий-назарий даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси юридик фанга тегишли бўлиб, унда илгари ҳуқуқнинг умумий назариясининг таркибий қисми сифатида қаралиб, унинг доирасида ишлаб чиқилган ҳуқуқ фалсафаси эндиликда муаллиф томонидан ҳуқуқ

ва давлат назарияси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқ ва давлат тарихи билан бир қаторда умуммиллий мақомга ва аҳамиятга эга бўлган мустақил юридик фан сифатида қараб чиқилган. Бунда муаллиф ҳуқуқ ва қонуннинг ҳамда ҳуқуқни легистик тушунишга зид равишда, ижтимоий муносабатларда кишининг расман тенглиги воситасида эркинликни ифодалашдан умумий норматив шакли сифатида юридик тушунишнинг фарқланиши ва нисбати, концепциясига асосланган.

Иккинчиси, янада юқорироқ даража - ижтимоий, айнан айтганда эса, ижтимоий-ҳуқуқий фалсафадир. Бу ижтимоий тараққиётнинг эркинликнинг ҳужумкор ривожланиши сифатидаги, тарихий жараён аслини олганда, ҳуқуқий тараққиёт эканлигига ва ўз табиатига кўра бошқача бўлиши мумкин эмаслигига асосланган дунёқараш билан боғлиқ алоҳида назариясидир. Бунда ҳам эркинлик расмий (расмий-ҳуқуқий) тенглик сифатида ҳуқуқий шаклда бўлмиш ва ижтимоий ривожланиш босқичлари (ижтимоий тузум типлари) расмий (ҳуқуқий) тенглик, яъни табиатан ҳуқуқ мазмуни, ҳажми, кўламлари ва ўлчови унда қай даражада амалга оширилишига боғлиқ равишда фарқланиши ҳақидаги гоё муаллиф учун бирламчи кўрсатма ҳисобланади.

В. С. Нерсисянц ўз ҳуқуқ фалсафасини юридик-либертар (ёки қисқача либертар) ҳуқуқ фалсафаси сифатида таърифлайди. Бу ҳар иккала даражага тегишлидир. Либертаризм тушунчасининг ўзи, либерализмдан фарқ қилган ҳолда, замонавий жаҳон ижтимоий фалсафасида амалдаги ижтимоий тенглик ва шу каби ўхшаш ижтимоий адолат у ёки бу даражада тушуниладиган чекланган индивидуал эркинликни кескин танқид қилувчи индивидуализмни ифодалайди. Шу маънода В. С. Нерсисянц назарияси шунга ўхшаш тарзда ўзини ўзи таърифлайди. Муаллиф, энг аввало, шахс ҳуқуқлари эркинлиги таъминланиши принциpidан келиб чиқади. Ушбу либертаризмнинг ҳозирги жаҳон ижтимоий фалсафасидаги янгилиги у «буржуа-ҳуқуқий мулкчилиги» бўлибгина қолмасдан, балки ҳуқуқий бўлмаган социализмдан ҳуқуқий тузумга бориш йўлинигина эмас, балки жамиятнинг мулкдорлар ва номулкдорларга бўлинишини тутатиш йўлини, бинобарин, ҳуқуқий расмиятчиликлар бўлмиш асосий қадриятлар - эркинлик, тенглик ва адолатнинг тўла кўламда амалга оширилишини ҳам кўрсатиб берувчи, тубдан ривожланган,

фуқаролик-ҳуқуқий мулкчилик, цивилитар ҳуқуқий либертаризм эканлигидадир.

В.С. Нерсесянц либертар ҳуқуқ фалсафаси янгилигининг яна бир хусусияти унинг ўз фалсафий-тарихий методологик асоси билан боғлиқдир. Бунда Гегель ҳуқуқ фалсафаси ва тарихининг таъсири аён кўриниб турибди. У бамисоли «Гегелнинг елкасида» туради. Бу унга немис файласуфидан йироқроққа назар ташлаш имкониятини беради. Бироқ муаллиф Гегелнинг эркинлик фақат ҳуқуқий шаклда бўлиши мумкин эканлиги ёки тарихий тараққиёт - аслида - ҳуқуқий тараққиёт эканлиги ҳақидаги фикрини такрорлаш билан чекланиб қолмайди, асло. Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси ва тарихига нисбатан ҳамда ҳозирги замон жаҳон фалсафий-тарихий таълимотлари типологияси нуқтаи назаридан ўзига хос «нерсесянцча» юридик-либертар ҳуқуқ фалсафаси ва тарихи ҳақида сўз юритиш мумкин. У тарих, эркинлик ва ҳуқуқнинг капитализм кўринишидаги «тарих ниҳояси»га ва унга хос бўлган умумий расмий-ҳуқуқий тенгликка олиб борувчи тарихий тараққиёт тўғрисидаги Гегель диалектикасининг чекланганлигини енгиб ўтади. У ҳуқуқнинг бундан кейинги назарий истиқболи, янада ривожланган буржуазиядан кейинги ҳуқуқнинг типи имкониятини очиб беради.

В. С. Нерсесянцнинг ҳуқуқ фалсафаси Маркснинг капитализмдан кейинги ҳуқуқ бўлиши мумкинлигини умуман инкор этувчи тарихий ривожланиш диалектикаси талқинининг салбий кўринишини ҳам бартараф этади. Муаллиф СССРда тоталитар социализмнинг тажрибаси ва тарихий мантиқини англаб етиш натижасида шундай хулосага келади.

Ҳуқуқий адабиётда В. С. Нерсесянц томонидан амалга оширилган реал социализм таҳлили беқиёсдир. Унгача ҳам социализмнинг аксилҳуқуқий ва тоталитар табиати ҳақида кўп марталаб сўз борган эди. Бироқ ҳуқуқнинг фақат либертар фалсафасида социализм табиати ижтимоий тузум типлари алмашилиши ва ноҳуқуқдан ҳуқуқ томон ҳаракатнинг глобал босқичли концепциясининг мантиқий таркибий элементи сифатида қараб чиқилади. Шу сабабли В.С.Нерсесянцнинг социализмни либертар-ҳуқуқий таълимот нуқтаи назаридан қолишга тушмайдиган таҳлилини ўзлаштириб олмай туриб, унинг ҳуқуқ фалсафасини чинакамига тушуниб олиш мумкин эмас.

Социализм билан ҳуқуқ ўртасидаги туб қарама-қаршилик, деб ёзади муаллиф, расмий, ҳуқуқий тенглик билан хусусий мулкни ва умуман ҳар қандай индивидуаллаштирилган мулкни инкор этувчи ҳамда текисчиликда ифодаланувчи коммунистик-социалистик «амалдаги» тенглик ўртасидаги номувофиқликдан иборат.

Жамият қўйи қатламининг оммавий ҳаракатига таянувчи, расмий ҳуқуқий тенглик йўл қўйиши мумкин бўлгандан кўпроқни талаб этувчи коммунистик «амалдаги» тенглик талаби, аслини олганда, нафақат хусусий мулкчиликнинг, товар-пул ишлаб чиқаришининг, бозор ва ҳоказоларнинг йўқ қилинишини, балки шу билан бирга ҳуқуқ, давлатчилик ва умуман илгариги барча «устқурмавий» шакллар ҳамда тузилмаларнинг бартараф этилишини англатади.

Муаллифнинг социализм шароитида ҳуқуқ йўқ, бинобарин, оммавий-сиёсий ҳокимият ташкил этилиши ва унинг фаолиятининг ҳуқуқий шакли сифатида давлат ҳам йўқ, деган хулосасини айнан мана шу маънода тушунмоқ керак. Давлат ва ҳуқуқ ўрнига фақат коммунистик сиёсий ҳокимият ўзининг ноҳуқуқий қонунчилиги билан мавжуддир, шу сабабли муаллиф «давлат» атамасини социализмга татбиқан қўллар экан, бунини айни маънода тушунмаслик зарур.

Социализм шароитида «давлат» билан бевосита ишлаб чиқарувчилар ўртасида иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлмайди; «давлат»нинг ўз мулки ҳам йўқ. Бироқ жамият ва умуман халқнинг «барчанинг биргаликдаги, ҳеч кимнинг алоҳида бўлмаган» социалистик мулки мавжуд. Ушбу мулкни муаллиф бутун социализмнинг «моҳияти ва асосий яқуни» деб атайди. Тўғри, бу қатъий иқтисодий ва ҳуқуқий маънодаги мулк эмас, балки мажозий монополь коммунистик ҳокимият ҳўжайиннинг ихтиёрида бўлган ва фақат ташқи давлатлашган шаклда амал қилувчи қандайдир ягона сиёсий ишлаб чиқариш мажмуасидир.

Фуқаролик мулки, - деб ёзади муаллиф, - ниҳоят, талабларни цивилизация категориялари воситасида, яъни мулкчилик ҳуқуқи шаклида қондиришнинг, айни вақтда емирувчи талабларни (расмий тенглик ҳақидаги коммунистик талабларни) бартараф этишининг тарихан танилган шаклидир.

В.С.Нерсисянц параграфлардан бирини цивилизмни жа-



ҳон тарихи билан боғлаган ҳолда миллий ғоя сифатида асослашга ва тушунтиришга бағишлайди.

Миллий ғоя ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихида биринчи марта барча фуқароларнинг мулкнинг индивидуал улуши билан ялпи ва кафолатли таъминланиши шароитида расмий ҳуқуқий тенгликка, эркинлик ва адолатга эришиши категориялари орқали ифодаланган. Дарсликда социалистик мулкчиликдан фуқаролик мулкчилигига ўтишнинг аниқ юридик-норматив шакли таклиф этилган.

В.С.Нерсесянц назариясида цивилизм ғоя, ғоявий-назарий конструкция, «категориявий императив», ҳуқуқ ва мулкчиликнинг тарихий тараққиёти мантиқини билиш натижаси сифатида зарур бўлган тушунча тарзида тақдим этилади. Муаллифнинг ушбу «категориявий императив» эртами-кечми мулкчилик соҳасида шаклланган қаршиликни енгиб ўтишига ва уларни ўзининг регулятив таъсирига бўйсундиришига бўлган ишончи методологик жиҳатдан муҳимдир, чунки ижтимоий амалиётнинг ривожланиш йўналиши тарихий кўламларда ғояларнинг йўналишларига мос келади.

В.С.Нерсесянцнинг «ислоҳотлар замони келади - тўғри ислоҳотлар ҳам бўлади,» деган сўзлари ҳикматли сўздек янғрайди. Бунга қўшилмай бўлмайди.

В.С.Нерсесянцнинг бошқа кўпчилик асарлари сингари, дарслик ҳам тарихий-назарий тадқиқотдан иборат. Унда, жумладан, ҳуқуқ ва давлатнинг ҳозирги замон назарий масалалари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар нуқтаи назаридан қараб чиқилади.

Дарсликда, биринчидан, ҳуқуқ ва қонунни фарқлашга асосланган ҳамда ҳуқуқ ва давлат тушунчаларини эркинлик тушунчаси орқали изоҳлаб берувчи либертар ҳуқуқий тушуниш асослари баён қилинади, иккинчидан, совет тоталитар режимининг аксилҳуқуқий табиати, расмий совет фанида унинг мадҳ қилиниши ҳамда социалистик доктрина (ақида)нинг бартараф этилиши жараёни тадқиқ этилади; учинчидан, жамиятнинг ривожланиши йўлидаги қонуний тарихий босқич бўлган, бир томондан, аксилҳуқуқий ривожланишнинг охири вой эканлигини кўрсатиб берувчи, иккинчи томондан, фуқаровий мулкчиликка асосланган жамиятга цивилизмга ҳуқуқий ўтиш учун имконият очиб берувчи социализм версияси таклиф этилади.

Ҳуқуқ ва қонуннинг назарий фарқланиши, жумладан, либертар ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқни эркинлик тушунчаси орқали изоҳлаш, яъни қандайдир «фалсафий» ёки «кенг» ҳуқуқ тушунчаси деб эмас, балки сўзнинг қатъий маъносида юридик тушунтириш энг янги даврнинг ўзига хос ихтироси эмас. Амалда ҳуқуқий тафаккурнинг бутун тарихини эркинлик тараққиётининг инъикоси, ҳуқуқ ва қонуннинг бир нарса эмаслигини англаш жараёни сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шу маънода В.С.Нерсесянцнинг либертар концепцияси ҳуқуқ ва давлат табиатини билиш йўлида энг янги воқеликнинг реаллигини акс эттирувчи навбатдаги босқичдек туюлади.

Юридик фанда ҳуқуқ ва қонуннинг бир нарса эмаслигини тушунтиришнинг бошқа тахминлари ҳам маълум. Р.З.Лившиц, Е.А.Лукашева, Г.В.Мальцев, Э.Ю.Соловьев ва бошқаларнинг асарларида мана шундай тахминлар илгари сурилади. Бироқ ҳозиргача ҳуқуқни легистик тушуниш, ҳуқуқ ва қонунни айнан бир нарса деб қараш, жумладан, илмий ҳуқуқий онгда устунлик қилади. Бу жиҳатдан Россия континентал Европадан орқада қолмоқда. Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин легистик позитивизм (ҳуқуқни олий ҳоқимиятнинг амру фармони, мазмунидан қатъи назар давлат томонидан белгиланган умумий мажбурий нормалар тизими деб тушунтириш) инсоннинг табиий ҳуқуқларни, либертар ҳуқуқни тушуниш мафқураси томонидан сиқиб чиқарилди.

«Бизда, - деб қайд этади В.С.Нерсесянц, - «ҳуқуқий давлат», «ҳуқуқий фуқаролик жамияти» «ҳуқуқ ҳукмронлиги» атамаларини анча тез ўзлаштириб олишти. Ҳуқуқ ва қонуннинг нисбати тўғрисидаги тасаввурлар билан боглиқ иш яхши эмас». Тўғри, XX асрнинг 90-йилларида илмий ва ўқув адабиётида<sup>1</sup> «синфий» ёки «тор норматив»лик, ҳуқуқ тоталитар режим томонидан зўрлаб тиқиштирилганлигини, ҳуқуқ эркинлик, тенглик ва адолатнинг қандайдир ўлчови эканлигини, инсоннинг қандайдир «умумсоциал» ҳуқуқлари мавжудлигини ва ҳоказоларни тушуниш асосан эътироф этилди.

1. Қаранг: Алексеев С.С. Теория права. М., 1995, С. 150-159.; Общая теория права и государства / В.В.Лазарев таҳрири остида. М. 1994. С. 91-98; Теория государства и права / М.Н.Марченко таҳрири остида. М., 1996. С. 291-294.

Шунга қарамай, бундай эътироф улардан кейин, одатда, ҳуқуқ - бу қонунлар ва қонунларда ифодаланган нормалар тизими, ҳуқуқ - бу қонун чиқарувчи томонидан белгиланган эркинлик ўлчови, инсон ҳуқуқлари - бу «юридик» маънодаги субъектив ҳуқуқлар эмас, балки улар қонун чиқарувчи томонидан эътироф этилгандан кейин «юридик»ка айланиши ҳақида хулоса чиқарилади.

Ушбу хулосалар ҳуқуқни легистик тушуниш доирасида қонунийдир: ҳуқуқ - ё қонунда белгиланган нормалардан иборат, у ҳолда инсоннинг табиий ҳуқуқлари бўлиши мумкин эмас; ёки инсоннинг табиий ҳуқуқларининг юридик феномен сифатида эътироф этилишидир, бироқ у ҳолда ҳуқуқ - алоҳида мазмунга эга бўлган нормалар эканлигини ва қонун чиқарувчи уларни ҳуқуқий нормаларга айлантирмаслигини эътироф этишга тўғри келади. Шундай экан, ҳозирги замон легистларининг ҳуқуқ тушунчасини ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳам ўз ичига олувчи ҳуқуқни «кенг» тушунишлари гносеологик изоҳлашдан ҳам кўра, мафкуравий янгиликка амал қилишдир.

В.С.Нерсисянц қонун тўғрисида легистик нуқтаи назардан бирор-бир мазмунли гап айтиб бўлмаслигини таъкидлайди, чунки ушбу нуқтаи назардан қараганда, қонун қандай мазмуннинг (ҳуқуқий ёки эркин - аксилҳуқуқий мазмуннинг) шакли эканлиги принцип жиҳатидан фарқсиздир (умуман олганда уни аниқлаб бўлмайди). Легистлар ҳуқуқ (қонун) эркинликнинг (изн берилган ёки тақиқланган хулқ-атворнинг) ўлчови эканлигини эътироф этишлари мумкин, бироқ ҳуқуқий эркинлик нима эканлигини ва қандай қонунлар ҳуқуқий, қайсилари эса ўзбошимчалик билан чиқарилган қонунлар эканлигини тушунтириб бера олмайдилар.

Ушбу мулоҳазалар ҳуқуқий давлатнинг легистик версиясига ҳам тегишлидир. Ушбу версияни В.С.Нерсисянц галати версия деб атайти, бу ўзи томонидан яратилган қонунлар билан (исталган мазмундаги) ўзини ўзи чекловчи давлатдир. Бундан 20 йил олдин ҳуқуқий давлат тушунчаси «сохта ва ёлғон назария» эканлигини исботламоқчи бўлган кишилар бутунги кунда ҳуқуқий давлатни ана ўша легистик гносеологик нуқтаи назардан туриб тушунтиришга уринмоқдалар. «Бир томондан, - деб ёзади В.С.Нерсисянц, - ҳуқуқни ўзбошимчалик билан ижод қилувчи давлатни ҳуқуқдан устун қўйи-

шади, иккинчи томондан эса, ушбу ўзбошимча ҳуқуқда ўзи ижод қилган мантиқсиз кучни (яъни давлатни) чеклаш, жиловлаш ва «банди қилиш» воситасини кўришади. Бу эзгу истакнинг амалга ошиши яна, барибир, ҳокимиятнинг инжиқлигига, унинг «ўзини ўзи чеклашига» боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, легистик нуқтаи назардан инсон ҳуқуқи (агар бу ҳада этилган ҳуқуқ бўлмаса) ва ҳуқуқий давлат (агар бу «қонунийлик давлати» бўлмаса) нима эканлигини тушунтириб бўлмайди».

В.С.Нерсесянц дарслигининг маърифий вазифаси, менинг назаримда, бир томондан, эркинлик шакли ва ўлчови сифатидаги ҳуқуқ нима эканлигини, иккинчи томондан, ўзининг аниқ реаллигида ҳуқуқ қонунлар ва бошқа расмий ёки давлат томонидан ижозат берилган манбалар шаклида мавжуд бўлишини, ҳеч қандай «позитивдан юқори турувчи» ҳуқуқ мавжуд эмаслигини, айтилиши вақтда қонунлар ҳуқуқий эркинлик тўғрисидаги билимлар нуқтаи назаридан танқид қилиниши керак бўлган ноҳуқуқий, мантиқсиз, асоссиз бўлиши мумкинлигини тушунтириб беришдан иборатдир. Ҳуқуқий эркинлик тўғрисидаги билимларни муаллиф «эркинлик математикаси» сифатида белгилайди. Бу билан либертар концепция доирасида ҳуқуқ ҳар қандай хусусий манфаатлар ва даъволарни «чамалаб кўриш» ва тенглаштириш имконини берувчи умумий мақбул ижтимоий бошқарувчи сифатида тушунтирилади.

Ҳуқуқ принципи ёки ҳуқуқнинг энг абстракт таърифи - расмий тенглик принциpidир, яъни ҳуқуқий муомала қатнашчиларининг тенг эркинлигидир. У Кантнинг адолат, «олтин қоида», «категориявий императиви»нинг ўзидир. Ҳуқуқ - эркинликнинг шундай шаклидирки, унинг доирасида бир шахснинг эркинлиги бошқаларнинг эркинлиги билан чекланган ёки, 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз декларациясида айтилганидек, «ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқлари амалга оширилиши жамиятнинг бошқа аъзоларининг ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишини таъминлайдиган чегаралар билангина чекланган».

В.С.Нерсесянц эркинликнинг бошқа шакли бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Менинг назаримда эса ўзбошимчалик, зўравонлик, яъни куч ҳукмронлиги эркинликнинг қарама-қарши шаклидек туюлади. Ижтимоий муносабатлар-

да ўзбошимчаликнинг изчил ривожланиши, унинг бутун жамиятга ёйилиши умуман эркинликни зарурат тарзида барбод этиши бошқа гап; мустабид олдида барча тенг, айнан айтганда, нулга тенг (Ж.Ж.Руссо).

Ҳуқуқ аслида тенг бўлмаган субъектларга эркинликни тенг миқдорда бериб, уларни расман тенглаштиради. «Эркинлик ва тенглик бир-биридан ажралмасдир... Эркин индивидлар - «материя» ташувчилар, ҳуқуқнинг моҳияти ва мазмуни. Эркин индивидуаллик, шахс инкор этилар экан.., у ерда ҳуқуқ бўлиши мумкин эмас...» В.С.Нерсесянцнинг ушбу мулоҳазаларидан муайян хулосалар келиб чиқади.

Биринчидан, ҳуқуқ ижтимоий-тарихий жиҳатдан тақозо этилган феномен сифатида мустабидликка асосланган цивилизацияларда мавжуд бўлмайди, чунки у ерда эркинлик йўқ; масалан, «Қадимги Миср ҳуқуқи» бўлиши мумкин эмас (В.С.Нерсесянц социалистик тоталитаризмнинг ноҳуқуқий табиатини мустабидликнинг бир тури сифатида, «социалистик ҳуқуқ» бўлиши мумкин эмаслиги сифатида тушунтиради).

Иккинчидан, қонунчилик йўли билан тартибга солишда тақиқлар ва изнлар нисбати ҳуқуқий ва ноҳуқуқий қонунларни фарқлашнинг расмий мезонидир: чунки ҳуқуқ жамият аъзоларини эркин шахслар сифатида идрок этар экан, у ҳолда ҳуқуқий қонунлар уларни «тақиқланмаган рухсат» талабларига бўйсундириши ва, аксинча, эркинликни ҳимоялаш учун мавжуд бўлган давлат ҳоқимияти «рухсат этилмаган тақиқ»қа бўйсунуши керак; мустабидлик шароитида тақиқ ва изнлар нисбати қарама-қарши эканлигини аниқлаб олиш қийин эмас. Бу ўринда давлат ва мустабидлик моҳиятан ҳар хил сиёсий ҳодисалар эканлиги ҳақидаги хулоса зарурдир.

Учинчидан, ажратиб олинмайдиган эркинлик ҳуқуқий тақиқлар ва изнларнинг моддий мезони ҳисобланади. У янги даврда инсон ва фуқаронинг табиий ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари сифатида маълум. Афсуски, муаллиф ушбу мезонни гўёки, унга ўз-ўзидан англашиладиган, деб ҳисоблаб, етарлича эътиборни қаратмайди.

В.С.Нерсесянц адолатни (расмий тенглик, тенгга тенг муносабатни) юридик категория сифатида тушунтириб, ҳуқуқнинг этик концепциясини инкор этади. Ушбу концеп-

ция бўйича ҳуқуқ - бу адолатли қонунлардир, адолатсиз қонун - ҳуқуқ эмас, бироқ қонун даражасига чиқарилмаган ҳуқуқ - бу ҳали ҳуқуқ эмас. Кейинги фикр адолат ахлоқий (ёки дунё-қарашга оид) категория деб эълон қилинишидан келиб чиқади: жамиятда «ижтимоий адолат» тўғрисида кўплаб тасаввурлар мавжуд, қонун чиқарувчи эса ушбу тасаввурлар ўрта-сидаги муросани топиши керак.

Либертар концепция «чинакам адолат» ҳақидаги ушбу барча партикуляр даъволар адолатнинг имтиёз талаби билан алмаштирилиши ва адолат тўғрисидаги тасаввурдаги муроса - бу адолатнинг ўзи (тенг кўламнинг амалда ҳар хил шахсларга нисбатан кўлланилиши)дир, у - юридикдир, у - ижтимоийдир, у - бўлиши мумкин бўлган ягона адолатдир, деб тушунтиради.

Ҳуқуқий давлатнинг либертар конструкцияси ҳар қандай давлат (мустабилликка зид равишда) - бу, гарчи итоат этувчиларнинг эркинлиги минимал даражада чекланган бўлса ҳам, ҳокимиятдир, ҳуқуқий давлат эса давлатнинг ҳуқуқ билан энг кўп даражада боғлиқлигини англатади. В.С. Нерсеянц ҳуқуқий давлатнинг қўйидаги асосий белгиларини айтиб ўтади: ҳуқуқ ҳукмронлиги; шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг реаллиги ва ажралмаслиги; ҳокимиятларнинг бўлиниши асосида суверен давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий ташкил этилиши ва амал қилиши; шахс, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро муносабатларида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ҳуқуқий давлатдаги суверенитет адабиётларда<sup>1</sup> (В. С. Нерсеянцга ҳавола қилинган ҳолда) классик социологик тушунишда давлат ҳокимиятининг устунлиги, мустақиллиги, тўлаллиги, мутлақлиги сифатида нотўғри талқин қилинади. Ҳақиқатда эса сўз олий ҳокимиятни (жумладан, халқ суверенитетини) инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ билан чеклаш тўғрисида боради.

Шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масала алоҳида масаладир. Инсоннинг табиий ҳуқуқлари доктринасига мувофиқ шахсда давлатга нисбатан табиий ҳуқуқлар, давлатда эса уларга риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш мажбурияти мавжуд. Шахсда давлатга нисбатан як-

1. Қаранг: Общая теория права и государства / В.В.Лазарев таҳрири остида. М., 1994, С. 294-295.

каю ягона, ўз-ўзидан англашиладиган мажбурият - қонунга итоат қилиш мажбурияти, давлатда эса - қонунга итоат қилишни талаб этиш «хуқуқи» мавжуддир. Қонунга итоат қилишни талаб қилиш хуқуқи ҳар қандай давлатда, ҳатто мустабид (деспотик) давлатда ҳам мавжудлигини таъкидламоқ зарур. Хуқуқий давлатда шахснинг қонун чиқарувчи билан хуқуқ тўғрисида баҳслашишининг, ўз табиий хуқуқлари қонунда бузилишидан ҳимоя қилишининг таъсирчан тартиблари бўлиши керак. Бироқ, бу қандай қонунлар мажбурий эканлигини, қайси қонун мажбурий эмаслигини индивид ҳал этишга ҳақлидир, деган гап эмас. Табиий хуқуқлар ва қонунга итоат қилиш мажбурияти бир тартибдаги ҳодисалар эмас. Шундай экан, ўзаро хуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида сўз юритишнинг ҳожати бўлмаса керак. Ўзаро жавобгарликка келганда эса, шахснинг фақат фуқароларни жамлаб ифодалайдиган жамият олдидаги мажбурияти ҳақида гапириш мумкин (давлат ҳокимият аппарати сифатида жамиятнинг номидан иш кўради).

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган цивилизм (социализмдан кейинги) концепция катта қизиқиш уйғотади. Унинг асосий тезислари қуйидагилардан иборат, дейиш мумкин. Социализм - бу тарихий тасодифийлик эмас, балки хуқуқий тенгликни ва эркинликнинг ўзини тугатиш ҳисобига иқтисодий нотенгликни бартараф этишга қаратилган қонуний (муайян шароитларда) уринишдир. Бироқ социализм тенгликнинг ҳеч бир янги типига олиб келмайди. Социализмдан хусусий мулкчиликка қайтиш йўли тўсиб қўйилган бўлиб чиқади. Социализмдан кейин хуқуқийликка ўтиш фуқаролик (цивилитар) мулкка ўтишни талаб этади. Бу барча фуқароларнинг халқ ҳўжалигининг муайян объектларига умумий улушли (барча учун тенг бўлган) мулкчилигидир. У мулкдорлар билан номулкдорлар ўртасидаги антагонизмни бартараф этади. Цивилизм концепцияси капитализмда ҳам тартибга солиш салоҳиятига эга, бўлиб, «фуқаролик (цивилитар) мулкига нисбатан ҳар бир кишига «ажралмас хуқуқ» берилиши талабини илгари суради.

Академик В.С.Нерсисяннинг хуқуқ фалсафасига оид ўқув қўлланмасининг ўзбек тилида нашр этилиши ўзига хос воқеа бўлиб, хуқуқшунослик фанларимиз ва олий таълим соҳасидаги ижобий силжишлардан далолат беради.

В.С.Нерсеянцнинг ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган «Ҳуқуқ фалсафаси» китобини маълум маънода муаллифнинг ушбу номдаги фундаментал асарининг қисқача баёни дейиш мумкин. Муаллиф китобда муаммоларнинг кенг доирасини кўриб чиқади.

В.С.Нерсеянцнинг китоби ўзининг умумий фалсафий-ҳуқуқий концепцияси билангина эмас, балки муаллифнинг кенг дунёқарашга эгаллиги, юксак ҳуқуқий маданияти билан ҳам қизиқарлидир. Ҳуқуқ тарихига бўлган қизиқиш муаллифга «obiter dicta», яъни «йўл-йўлакай» инглиз ҳуқуқий атамасидан фойдаланган ҳолда айтиш мумкинки, шунчаки масала қўйиш тартибида мулоҳаза билдиришдек туюлган, бироқ моҳиятан аҳамиятли кўплаб мулоҳазаларни баён қилиш имконини беради. Муаллиф ушбу йўл билан ҳуқуқшунослик фанининг бир қанча баҳсли муаммолари ҳақида ўз фикрини билдиради. Китобда ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширувчи кўплаб қизиқарли тарихий маълумотлар мавжуд.

**А.Х.САИДОВ,**  
**юрidik фанлар доктори,**  
**профессор**



---

## К И Р И Ш

Дарсликда ҳуқуқ фалсафаси муаммолари мустақил илмий ва ўқув фани сифатида ёритилади. Фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотлар узоқ ва бой анъаналарга эга. Бу анъаналар фалсафа ва ҳуқуқшунослик ибтидосига бориб тақалади ва улар ривожланишининг бутун тарихидан ҳозирга қадар амал қилиб келмоқда.

Ҳуқуқ фалсафаси - ҳуқуқни ўрганишнинг бошқа турлари ва усуллари билан биргаликда - ҳуқуқни билишнинг, унинг маъно-моҳиятини, одамлар ҳаётидаги қиммати ва аҳамиятини англаш ҳамда қарор топтиришнинг олий маънавий шакли ҳисобланади.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқнинг расман-ҳукмрон фикрларга ва ўзбошимчиликларга боғлиқ бўлмаган объектив табиати ва мазмуни тўғрисидаги ғоя пайдо бўлишидан бошланган. Ушбу ғоялар ҳуқуқнинг ички ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги, эркинлик ва адолат, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳуқуқ ҳукмронлиги, ҳуқуқий қонун ва ҳуқуқий давлат тўғрисидаги кейинги барча, шу жумладан замонавий тасаввурлар ва концепцияларнинг куртаги ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ҳуқуқий ғоялар ҳозирги замон жаҳон ҳамжамияти томонидан умум эътироф этилган қадриятларга ва замонавий конституцияларнинг энг муҳим қисмига айланишида ҳуқуқ фалсафасининг ҳам буюк хизмати борлиги шубҳасиз.

Буларнинг бари юридик ва бошқа гуманитар фанлар ҳамда ҳуқуқ ва давлатни ўрганиш ҳамда ёритишни объект қилиб олган ўқув фанлари тизимида ҳуқуқ фалсафасининг муҳим ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради. Шу муносабат билан Фарб университетларида юзлаб йиллар давомида ҳуқуқ фалсафасини ўқитишга катта аҳамият бериб келинаётганлиги эътиборни тортади. Инқилобгача бўлган даврда Россияда ҳам ушбу фанни ўрганиш ва ўқитиш борасида салмоқли тажриба тўпланган эди.

Мамлакатда ҳуқуқ асослари, ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти қарор топиши шароитида гуманитар фанлар ва олий таълим тизимида, жамиятимизда ҳуқуқ, эркинлик ва адолат қадриятлари шаклланиши ҳамда қарор топиши бутун жараёнида ҳуқуқ фалсафасининг аҳамияти жиддий ўсади.

Мазкур дарслик ушбу эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган. Дарсликда билимларнинг ушбу соҳасида вужудга келган аҳволни ва олий таълимнинг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ фалсафасининг умумий муаммоларини баён қилиш билан бирга (I бўлим), жаҳонда ва ватанимизда фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тарихининг асосий босқичлари, йўналишлари ва концепциялари, шу жумладан ҳуқуқ ва фалсафанинг XX асрдаги етакчи ғоялари ҳамда таълимотлари ёритилади (II - III бўлимларда). Бунда биз ҳозирги шароитда у ёки бу олий ўқув юртида ҳуқуқ фалсафаси тўлиқ курсини ўқитиш имконияти бўлмаган тақдирда уни мазкур дарсликнинг алоҳида қисмлари материаллари бўйича махсус курслар шаклида муваффақиятли равишда ўрганиш мумкинлигидан келиб чиқдик.

---

## Биринчи бўлим

# ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИНИНГ УМУМИЙ МУАММОЛАРИ

## Биринчи боб. Ҳуқуқ фалсафасининг предмети, методи ва вазифалари

### 1. Ҳуқуқ фалсафасининг предмети

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ тўғрисидаги ҳақиқатни, одамлар ижтимоий борлигининг махсус шакли ва ижтимоий тартибга солишнинг алоҳида тури бўлган ҳуқуқ ҳақидаги ҳақиқий билимларни излаш ва аниқлаш билан шуғулланади.

Ҳуқуқ объект сифатида турли фанлар томонидан тадқиқ этилади. Уларнинг ҳар бири ҳуқуқни ўзига хос тушуниши ва мазкур объектни ўрганишнинг ўз усуллари, ўзининг махсус предмети ва методи нуқтаи назаридан қараб чиқади. Бунда фан (илмий фан) объекти деганда ҳали ўрганилиши ва тушуниб олиниши керак бўлган нарса, унинг предмети деганда эса - объектнинг муайян тарзда назарий (илмий) англандан ҳолати, унинг билиш-маъновий ифодалаш шакли (образ, модель, тузилиши), уни тушунишнинг ва тушунчасининг муайян концепцияси назарда тутилади.

Ҳуқуқ фалсафасида умуман ҳуқуқ муайян универсал яхлитлик сифатидаги ҳуқуқ, бутун ҳуқуқий универсум, ҳуқуқнинг бутун олами, ҳуқуқнинг қамраб олувчи ва унинг моҳиятини ҳам, ушбу моҳиятнинг зоҳиран намоён бўлиши шакллари (ҳуқуқий ҳодисалар)ни ҳам ўз ичига олувчи барча ҳуқуқий жиҳатлар тадқиқ этилади. Ҳуқуқни ҳуқуқий моҳиятдан ва унинг намоён бўлиш шаклларида (ҳуқуқий ҳодисалардан) иборат бўлган муайян яхлит нарса сифатида тушуниш ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодисаларни, ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисалар моҳиятини, ботиний моҳият сифатидаги ҳуқуқни ва зоҳирий ҳодиса сифатидаги ҳуқуқни бир-биридан фарқлаш, шу билан бирга уларни уйғунлаштиришнинг муайян концепциясини назарда тутати ва ўз ичига олади. Шу сабабли энг умумий тарзда фан (алоҳида мустақил илмий фан) сифатидаги ҳуқуқ фалсафасининг предмет соҳаси - бу уларнинг фарқланиши ва нисбатидаги (мос келиши ва мос келмаслиги) ва изланаётган бирлигидаги моҳият сифатидаги

ҳуқуқ ҳамда ҳодиса сифатидаги ҳуқуқдир, дейиш мумкин.

Ҳуқуқ соҳасида моҳият ва ҳодисанинг бундай фарқланиши ва нисбатининг жиддий ўзига хослиги ҳуқуқнинг илмий жиҳатдан англанадиган моҳияти (моҳият сифатидаги ҳуқуқ) объектив тусга эгаллиги, ҳодиса сифатидаги (субъектив) ҳуқуқ эса расман-ҳукм тусига эгаллиги, расман ҳокимият субъектларининг иродаси, хоҳиши ва, эҳтимол тутилган ўзбошимчалигига боғлиқлиги ҳақидаги принципиал вазият туфайли келиб чиқади. Шу сабабли қонун (позитив ҳуқуқ), яъни расман-ҳукмрон (давлат) тартибида белгиланган ва бажарилиши шарт бўлган мажбурий ҳуқуқ деб ҳисобланувчи ҳуқуқ ҳуқуқнинг моҳиятига мос келиши (яъни ҳуқуқий ҳодиса, ҳуқуқий қонун, ҳуқуқий моҳиятни ифодаловчи бўлиши) ҳам ушбу моҳиятга зид бўлиши (яъни ноҳуқуқий ҳодиса, ғайриҳуқуқий, сохта ҳуқуқий, ҳуқуқни бузувчи, қонунга зид ҳуқуқ бўлиши) ҳам мумкин.

Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқ фалсафаси предмети куйидагича аниқ шаклда таърифлаш мумкин: **ҳуқуқ фалсафасининг предмети - ўзаро фарқланадиган, ўзаро нисбатда бўлган ва изланаётган бирлик бўлган ҳуқуқ ва қонун.**

Бунда ҳуқуқ деганда моҳият сифатидаги ҳуқуқ, яъни қонун чиқарувчининг (давлатнинг) иродасига ёки ўзбошимчалигига боғлиқ бўлмаган, алоҳида ижтимоий ҳодиса ва ўз табиатига кўра объектив ўзига хос регулятор сифатидаги ҳуқуққагина хос бўлган **ҳуқуқий моҳият**, расман-ҳукмрон ҳодиса сифатидаги **қонун** деганда эса бутун **позитив ҳуқуқ** (унинг барча манбалари, уни ифодалашнинг барча шакллари), яъни қонун чиқарувчининг (давлатнинг) иродасига ва, эҳтимол, ўзбошимчалигига боғлиқ бўлган ва, бинобарин, ҳуқуқнинг моҳиятига (моҳият сифатидаги ҳуқуққа) мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин бўлган шарт бўлган мажбурий кўрсатмалар (қоидалар, хулқ-атвор нормалари) назарда тутилади. Бошқача айтганда, қонун деганда, ҳуқуқ ва қонунни бир-биридан фарқлаш маъносида, йиғма маънодаги қонун, яъни қонуний кучга эга бўлган ва расман мажбурий барча нарса назарда тутилади.

Ҳуқуқий моҳият (моҳият сифатидаги ҳуқуқ) ва ҳодиса сифатидаги ҳуқуқнинг (мажбурий шарт бўлган қонун, позитив ҳуқуқ сифатидаги расман-ҳукм билан белгиланган ҳуқуқий ҳодиса) нинг ҳуқуқ фалсафаси томонидан исталадиган бир-

лиги - бу ҳуқуқий қонун, ҳуқуқий позитив ҳуқуқдир, яъни давлат томонидан белгиланган, мажбурий шарт бўлган (юридик) кучга эга расман амал қилувчи ҳуқуқдир (позитив ҳуқуқ), у ҳуқуқий моҳиятга (моҳият сифатида ҳуқуққа) мос келади ва, демак, ўзида шунчаки ва фақат расман-ҳукмрон ҳодисанигина эмас, балки расман-ҳукмрон ҳуқуқий ҳодисани, ҳуқуқий ҳодисадаги ҳуқуқий моҳиятнинг зарур даражада ифодаланиши (зоҳирий намоён бўлиши) нинг давлат шаклини ҳам ифодалайди.

Ҳуқуқ фалсафаси предметининг келтирилган таърифини янада аниқлаштириш ҳуқуқ фалсафасининг у ёки бу аниқ концепцияси асосида ётган ҳуқуқ моҳиятини тушунишга (ва бу моҳият тушунчасига) боғлиқдир.

Ҳуқуқ фалсафасининг биз томондан ишлаб чиқилган ва мазкур дарсликда ёритилаётган либертар-юридик концепциясига мувофиқ ҳуқуқ моҳияти - бу расман тенглик бўлиб, у мазкур концепцияда одамларнинг ижтимоий турмушидаги эркинлик ва адолатнинг ялпи ва тенг ўлчови сифатида талқин этилади ва очиб берилади.

Ҳуқуқ моҳиятини бундай тушуниш ҳуқуқ фалсафаси предметининг юқорида келтирилган таърифини қўйидагича аниқлаштириш учун асос бўлади: **ҳуқуқ фалсафаси предмети - бу расман тенглик ва унинг намоён бўлиш шаклидир**. Ижтимоий (шу жумладан ҳуқуқий) соҳадаги ҳар қандай тенглик - айнан расман тенглик бўлгани учун, келтирилган таърифни қисқароқ шаклда: **ҳуқуқ фалсафаси предмети - бу тенглик ва унинг намоён бўлиши принциpidир**, деб ифодалаш мумкин.

Эмпирик воқеликда расман тенгликнинг зоҳирий намоён бўлиши ва амалда рўёбга чиқарилиши - ўзида зоҳирий ифодаланишнинг ва фарқланувчи айтиб бир хил ҳуқуқий асоснинг, расман тенгликнинг умумҳуқуқий принципининг ягона ҳуқуқий моҳиятини аниқлаштиришнинг ҳар хил шаклларида иборат бўлган норматив-регулятив, институционал-ҳукмрон ва хулқ-атвор тусидаги барча реал ҳуқуқий ҳодисалардир.

Шундай қилиб, ҳуқуқий ҳодисаларга расман тенглик принципига мувофиқ келувчи, мазкур принцип талабларининг зоҳирий ифодаси ва амалга оширилиши шаклларида иборат бўлган барча реал ҳодисалар (расман ўрнатилган қонун, амалда мавжуд бўлган давлат, ижтимоий турмушнинг турли субъектлари хулқ-атвори, уларнинг ўзаро му-

носабати ва ҳоказолар) тегишлидир. Бу ҳодисаларнинг барчаси ҳуқуқ фалсафаси предметига эмпирик объектлар кўринишида эмас, балки ҳуқуқий ҳодисалар, расман тенгликни ифодалашнинг аниқлаштирилган шакллари сифатидагина, яъни уларнинг ҳуқуқий ўлчовлари ва хоссаларига кўра, қонун, давлат, хулқ-атвор, муносабатлар ва ҳоказоларнинг (моҳияти ва хусусиятига кўра) ҳуқуқий шаклларида киради.

Бинобарин, ҳуқуқ фалсафаси предметига, бошқа ҳуқуқий ҳодисалар билан бирга, давлат ҳам алоҳида ҳуқуқий ҳодиса сифатида, айнан эса ялпи ва ягона ҳуқуқий моҳиятнинг (расман тенглик принципи, унинг хоссалари ва талабларининг) намоён бўлиши, ифодаланиши ва амал қилишининг институционал-ҳукмрон шакли сифатида киради.

Ҳуқуқ фалсафаси предметини (ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодисаларни, уларнинг фарқланиши ва нисбатини, уларнинг бирлиги шакллари ва бошқаларни) ёритиш жараёнида ҳуқуқнинг тегишли зидлари, ҳуқуқнинг ҳам моҳият, ҳам ҳодиса сифатидаги мазмуни, ўзига хослиги ва қадриятларини инкор қилиш, рад этиш ёки бузишнинг ўтмишдаги ва ҳозирги ҳар хил назарий ва амалий шакллари, ҳуқуқнинг ўзбошимчалик, ҳуқуқий нормалар ва оммавий-ҳокимият институтларининг расман ҳокимиятни ташкил этишнинг аксилҳуқуқий шакллари ва унинг ихтиёрий буйруқбозлик қоидалари билан, ҳаётнинг ҳуқуқий шакллари ва эркин индивидларнинг ўзаро муносабатлари одамларга юқоридан зўрлаб, мажбур қилиб сингдирилган хулқ-атвор андозалари билан алмаштирилиши предметли-ҳуқуқий нуқтаи назардан танқидий таҳлил этилади.

Шу маънода ҳар қандай ҳуқуқ фалсафаси - бу ҳуқуқни фалсафий англаш ва асослашгина эмас, балки айни вақтда аксилҳуқуқни (ўзбошимчаликни) унинг барча назарий ва амалий кўринишларида - аксилҳуқуқий қонун, аксилҳуқуқий ҳокимият, муносабатларнинг аксилҳуқуқий шакллари ва ҳоказолар сифатидаги кўринишларини фалсафий фош этиш, танқид қилиш ва инкор қилишдир. Ҳуқуқ фалсафаси қанчалик теран, аниқ ва монанд аниқлаб олинса ҳамда белгиланса, унинг назарий ва амалий аҳамияти шунчалик юқори, бой, катта бўлади. Бу ҳуқуқнинг қарор топиши ва ҳукмронлик қилишига, аксилҳуқуқнинг (ўзбошимчаликнинг) барча

шакллари ва кўринишлари фош этилиши, инкор қилиниши ва бартараф этилишига ҳам тегишлидир.

Биз томондан ривожлантирилаётган ҳуқуқ фалсафаси концепцияси предметнинг мазкур қисқача таърифлари (дефиницияси)да ушбу предметнинг энг муҳим ва аҳамиятли тавсифлари берилган, холос. Бу масала ушбу предметни тизимли кўриб чиқиш ва очиб бериш шакли бўлган бутун концепцияда тўлиқ ёритилади. Ушбу дарсликда ҳуқуқ фалсафасининг мазкур либертар-юримдик концепциясининг асосий қоидалари жаҳон ва миллий ҳуқуқ фалсафасининг умумий мазмунида, ўтмишдаги ва бугунги куннинг бошқа фалсафий-ҳуқуқий концепциялари билан қиёслаб ёритилади.

Ҳуқуқ фалсафаси предметини биз либертар-юримдик нуқтаи назардан таърифлаган тарзда тушуниш ҳуқуқ тўғрисидаги ҳар хил таълимотлар учун умумий жиҳатларни аниқлаш, ойдинлаштириш, тушуниш ва белгилашда умумий аҳамиятга эга бўлиб, бу таълимотлар ҳуқуқ фалсафаси каби битта умумий ва ягона фаннинг (фан ва ўқув фанининг) ҳар хил концепциялари сифатида уларнинг предмет бўйича бирлигини ифодалайди. Ҳуқуқни умуман ҳам моҳият, ҳам ҳодиса сифатида тушуниш, яъни ҳуқуқда объектив тусдаги алоҳида ҳуқуқий моҳиятни (яъни моҳият эътибори билан қонун чиқарувчининг ва умуман субъектив омилнинг иродасидан мустақил бўлган ҳуқуқни) ҳамда субъектив омилга (қонун чиқарувчининг иродаси ва фикрига, расман ҳокимиятнинг хоҳиши ёки ўзбошимчалигига ва бошқаларга) боғлиқ бўлган ҳуқуқий ҳодисани назарий фарқлаш **бутун ҳуқуқ фалсафаси учун** (унинг барча концепциялари, йўналишлари, тахминлари ва вариантлари учун) **предмет ҳосил қилиш аҳамиятига эга бўлган умумий жиҳат** ҳисобланади.

Объектив ҳуқуқий моҳиятни (моҳият сифатидаги ҳуқуқни) ва субъектив ҳуқуқий ҳодисани (ҳодиса сифатидаги ҳуқуқни) бундай назарий фарқлаш ҳуқуқ фалсафаси барча концепцияларига бирон-бир тарзда хосдир. Бу фарқлашни биз умумий шаклда ҳуқуқни (алоҳида моҳият сифатидаги ҳуқуқни) ҳамда қонунни (алоҳида ҳодиса сифатидаги, расман-ҳукм тарзида белгилаш сифатидаги ҳуқуқни) ва уларнинг нисбати (мос келиш ёки мос келмаслик)ни фарқлаш тарзида ифодалаймиз. Ҳуқуқ ва қонуннинг бундай фарқлалиши ва нисбатининг янада аниқроқ маъноси ҳуқуқ фалса-

фасининг тегишли концепцияси асосида ётадиган ва унинг ўзига хослигини белгилайдиган ҳуқуқнинг аниқ тушунчасига (ҳуқуқий моҳиятни ва ҳуқуқий ҳодисани, уларнинг алоқаси хусусиятини ва бошқаларни тушунишга) боғлиқдир.

Чунончи, ҳуқуқ фалсафасининг табиий ҳуқуқий концепцияларида ҳуқуқ фалсафасининг предмет соҳаси табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқнинг фарқланиши ҳамда нисбати билан белгиланади («*ius positivum*» - «позитив ҳуқуқ» атамасининг ўзи қадимги Рим ҳуқуқшунослигида вужудга келиб, ўрта асрлар ҳуқуқшунослигида қарор топди). Юснатурализм (*ius naturale* - табиий ҳуқуқ) тарафдорлари учун «табиий ҳуқуқ» - бу ягона чинакам ҳуқуқ, асл маънодаги ҳуқуқ бўлиб, давлат томонидан белгиланадиган ва расман амал қилувчи ҳуқуқ (яъни позитив ҳуқуқ) эса сохта, ҳақиқий бўлмаган, ясама, сунъий, нотабиий ҳуқуқдир.

Шу сабабли ҳуқуқ фалсафаси юснатуралистлар талқинида моҳият эътибори билан **табиий ҳуқуқ фалсафасидир**.

Легизм (*lex* - қонун) вакиллари бутунлай қарама-қарши нуқтаи назардадирлар. Улар ўзларининг ҳуқуқ тўғрисидаги позитив ва неопозитив таълимотларида нафақат табиий ҳуқуқни, балки қонун чиқарувчининг иродасига, расман ҳокимиятга боғлиқ бўлмаган ҳуқуқнинг умуман объектив моҳиятини инкор қиладилар. Легистлар учун ҳуқуқ - айнан расман-ҳокимият, мажбурий-шартлик тусига эга бўлганлиги учун ҳақиқий ҳуқуқ ҳисобланадиган қонун (позитив ҳуқуқ)дир.

Шу сабабли легизм учун ҳуқуқ фалсафаси ва умуман ҳуқуқнинг қонундан фарқланиши ва у билан нисбатидаги моҳияти тўғрисидаги ҳар қандай назарий таълимот - бу но-реал (непозитив) объектлар тўғрисидаги метафизик таълимотдир. Легизм (позитивизм ва неопозитивизм)нинг айрим вакиллари жуда деганда **позитив ҳуқуқ фалсафасига**, легизм ва позитив қонуншуносликнинг ўзига хос фалсафий далил-исботига йўл қўйишлари мумкин.

Легизм ва юснатурализм ҳуқуқни тушунишда ва ҳуқуқ фалсафасига нисбатан бир-бирини инкор қилувчи, қарама-қарши нуқтаи назарларни ифодалайди. Ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодиса ўртасидаги зарур алоқаларни ҳар бири ўзича парчалайдиган антагонистик ёндашувларнинг бир томонламаллиги ҳуқуқни ва ҳуқуқ фалсафаси предметини тушунишнинг



биз ривожлантираётган концепциясида енгиб ўтилади. Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ҳамда нисбати маъносидаги ҳуқуқий моҳият билан ҳуқуқий ҳодиса ўртасидаги ўзаро алоқа шу жиҳатдан зарур хусусият касб этади ҳамда ҳуқуқ ва қонун нисбатининг барча юридик-мантиқий вариантларини қамраб олади.

**Шу сабабли ҳуқуқ фалсафаси предметининг либертар-юридик талқини мазкур фалсафий-ҳуқуқий концепция учунгина эмас, балки умуман ҳуқуқ фалсафаси предметининг яхлит таърифи сифатида ҳам аҳамиятлидир.**

Гап шундаки, ҳуқуқни ва ҳуқуқ фалсафаси предметини тушунишнинг нисбатан ривожланган концепцияси доирасида аввалги назарий жиҳатдан камроқ ривожланган концепциялари ютуқлари (далиллар) ҳам ҳисобга олинган ва ўзгартирилган кўринишда мавжуддир, бинобарин, уларни зарур даражада тушуниш ва баён қилиш мумкин. Ваҳоланки, камроқ ривожланган концепциянинг чекланган доирасида концепцияни муқобил тушуниш ва баён қилиш учун бундан ривожланганроқ бўлак гносеологик имконият ва бундай маъновий макон йўқ. Билишнинг ва унинг ривожланишининг бундай мантиғи фалсафий-ҳуқуқий тафаккур соҳасида ҳам амал қилади.

## 2. Ҳуқуқ фалсафаси методи

Ўтмиш ва ҳозирги замон ҳуқуқ фалсафасининг бирмунча ривожланган ҳар бир концепцияси - бу (моҳият ва ҳодиса сифатидаги) ҳуқуқ тўғрисидаги назарий билимларнинг муайян жамулжами бўлиб, тегишли фалсафий-ҳуқуқий таълимот предмети ва методининг ўзаро алоқаси ҳамда бирлигидан иборат бўлади.

Бирон-бир фалсафий-ҳуқуқий концепция (назария)нинг ҳам предметини, ҳам методини тавсифлашда унинг асосида ётувчи, унда аниқланадиган, асосланадиган ва очиб бериладиган ҳуқуқ тушунчаси белгиловчи (бирламчи ва якунловчи) аҳамиятга эгадир.

Бундай ҳуқуқ тушунчасининг маъноси мухтасар ва жамланган тарздаги ҳуқуқ фалсафаси тегишли концепцияси предметининг қисқа таърифларида, кенгайтирилган ва аниқлаштирилган кўринишда эса ушбу концепциянинг, яъни фалса-

фий-хуқуқий билимларнинг муайян назарий тизимининг ўз шаклида ифодаланади.

Предмет ва метод - ягона назарияни, айнан битта назарий тузилмани, ҳуқуқ фалсафасининг муайян концепциясида ифодаланган билимларнинг айнан бир хил тизимини ифодалаш ва тавсифлашнинг ҳар хил (назарий абстракцияда фикран фарқланган) шаклидир.

Ҳар қандай назарияда бўлгани сингари, **фалсафий-хуқуқий назария предмети ва методининг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги ҳам** умумий кўринишда шундан иборатки, метод - бу унинг амал қилиб турган (унинг шаклланаётган, ташкил этилаётган ва билиш таъсиридаги) предмети, предмет эса - методнинг билиш билан боғлиқ маъно-мазмунининг тизимли-ташкилий ифодасидир.

Фалсафий-хуқуқий тадқиқотнинг билишга доир воситалари ва усулларининг жамулжами сифатидаги, объектдан предметга томон борадиган билиш йўли сифатидаги ҳуқуқ фалсафаси, билмасликни билишга, оддий тасаввур ва фикрни - илмий (назарий, фалсафий) билимга сеҳрли тарзда айлантирадиган қандайдир назария (фалсафадан ташқари восита) ёки ҳодиса эмас, балки назарий шакл ўзини ўзи биладиган, ривожланадиган, чуқурлашадиган ва янгиланадиган назариянинг ўзидир.

Ягона фалсафий-хуқуқий назарияда унинг предмети ва методининг ажратиб кўрсатилиши ушбу назариянинг билишга доир хоссаларини, тавсифларини, маъносини ва аҳамиятини чуқурроқ ва айнан англаб етиш учун зарур бўлган фикрий абстракциядир.

Бунда фалсафий-хуқуқий назариянинг таркибий қисми бўлган предмет методнинг объект тўғрисида олинган билимларнинг муайян тизими кўринишида амал қилишнинг билишга доир яқунларини ифодалайди, метод эса назариянинг бошқа таркибий қисми сифатида ушбу билимнинг билиш билан боғлиқ (изоҳловчи, исботловчи, истиқболни белгиловчи ва ҳоказо) мақомини, маъносини ва аҳамиятини, унинг олдинги билимлар билан ва аввалги объектни тушуниш билан нисбати (ворислик, янгилик ва бошқалар)ни, янги билимларга эга бўлиш, уларни асослаш, ташкил этиш ва уларнинг амал қилиши усуллари, воситалари ва шакллари, унинг мазкур назария тузилмасидаги турли жиҳатла-

рининг ва ўзаро алоқасининг маъновий ўринлари ва аҳамиятининг ҳамда уларнинг, ҳуқуқни давом этаётган илмий билиш жараёнида шу фалсафий-ҳуқуқий назариянинг методологик аҳамиятини ифодалайди.

Ҳар қандай изчил фалсафий-ҳуқуқий назарияда унинг **предмети (объект тўғрисидаги муайян билим) методологик жиҳатдан анланган, метод эса (объектни билиш, тушуниш, изохлаш шакли) предметли ифодалангандир**. Айнан шу боисдан бундай назария методологик аҳамиятга эга, билиш методи вазифасига эга ва бу ролни (кейинги фалсафий-ҳуқуқий назариянинг таркибий қисми сифатида) бевосита ёки билвосита бажаради.

Айрим теран ва ўзига хос фалсафий-ҳуқуқий назариялар методлари (методологик компонентлари) билиш билан боғлиқ катта қимматига ва улкан эвристик салоҳиятига кўра кейинчалик гўёки мустақил (тегишли назариялар предметига боғлиқ бўлмаган) равишда мавжуд бўлади ва универсал (умумфалсафий, умумилмий, умумназарий) методологик аҳамият касб этади. Масалан, мантиқий, диалектик, онтологик, феноменологик, экзистенциалистик, тизимли, қиёсий тадқиқот методлари ва ҳ.к.лар) мана шундай умумфалсафий, умумилмий методлар сифатида (шунингдек замонавий фалсафий-ҳуқуқий таълимотларда ҳам) фойдаланилади.

Ҳар қандай янги фалсафий-ҳуқуқий назария олдинги назариялар асосидагина пайдо бўлади ва улар билан зарур узвий алоқадорликда бўлади албатта. Бу муайян объектни тадқиқ этишнинг ўз билиш қимматини исбот қилган, методологик аҳамиятга эга ҳар хил воситалари ва усулларидан, объект тўғрисидаги янги фалсафий-ҳуқуқий билимни ташкил этиш ва тизимлаштириш шаклларида, олдинги концепцияларни ва янги назарияни жаҳон ҳуқуқ фалсафасининг умумий доирасида талқин қилиш ва баҳолаш принципларидан, фалсафий-ҳуқуқий тафаккур ҳамда тадқиқ этилаётган объектив борлиқнинг нисбати усулларидан фойдаланишда ва бошқаларда намоён бўлади. Бироқ бунда (ўтмиш ва ҳозирги) фалсафий-ҳуқуқий назарияларнинг тегишли методлари, шу жумладан умумфалсафий, умумилмий аҳамияти эътироф этиладиган методлар ҳам ўз назариялари предметлари билан билиш жиҳатидан боғлиқдир ва бошқа наза-

рияларда ўз предметининг билиш билан боғлиқ маъно бирлигидан ташқарида бошқача билиш аҳамиятига ва бўлақча предмет ифодасига эга бўлишини ҳисобга олиш керак. Чунончи, диалектик методнинг турли тарафдорлари (Гераклит, Гегель, Маркс, Маркузе ва бошқалар) да мутлақо ҳар хил фалсафий-ҳуқуқий таълимот мавжуддир. Бошқа умум-фалсафий ва умумилмий методлар тарафдорларининг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Гап шундаки, **ҳар қандай янги фалсафий-ҳуқуқий таълимот - (билиш борасидаги янгилиги даражасига кўра) ўзининг янги предметига ва янги методига эга бўлган янги назариядир.** Шу сабабли билиш билан боғлиқ янги мазмунда олдинги (предмет ва методологик хусусиятга эга) назариялар қоидалари янги назария (унинг предмети ва методи)нинг қоидалари тегишли тарзда (билиш тараққиёти мантиқига кўра) назарий анланган, қайта ўзгартирилган, ўзлаштирилган ва бўйсундирилган жиҳатлар сифатида билиш аҳамиятига эга бўлади. Бошқа (ўтмишдаги ва замонавий) назариялардан билишга доир нимадир сақланиб қолиши - бу унинг такрорланиши эмас, балки унинг янги билиш вазиятининг айнан шаклларида, янги назариянинг маъно жиҳатидан ривожлантирилиши ва янгиланишидир.

Ҳуқуқ фалсафасининг айрим ўтмиш ва замонавий концепциялари методи ва предметининг аниқроқ тавсифи дарсликнинг тегишли муаммолар ёритиладиган кейинги бўлимларида берилади.

Ушбу ўринда эса ўзимиз ривожлантираётган ҳуқуқ фалсафаси либертар-юримдик концепциясининг асосий хусусиятларини қайд этиш зарур.

**Либертар (ёки либертар-юримдик, юримдик-формологик, расман-юримдик) метод - бу ўрганилаётган воқеликни ҳуқуқий воқелик сифатида фалсафий-ҳуқуқий билишнинг тушунчали-ҳуқуқий методи, расман тенглик ва унинг зухур топшининг ташқи шакллари сифатидаги ҳуқуқ тўғрисидаги билимларни ишлаб чиқиш ва ташкил этишдир.**

Либертар метод асосида расман тенглик принципи ётади. Методологик жиҳатдан расман тенглик принципи - бу ҳуқуқни расман-мантиқий тушуниш методи ва ҳуқуқий тартибга солишнинг предмет соҳасини ва ҳуқуқнинг амал қили-

шини тегишли равишда юридик расманлаштиришдир. Либертар метод - бу билинадиган воқеликни расман тенглик принципи бўйича ҳуқуқий моделлаштиришнинг умумий усули, воқеликни ҳуқуқнинг мазкур тушунчаси нуқтаи назаридан ва чегарасида билиш усули, ўрганилаётган воқеликни ҳуқуқий (расман-тенг) тушуниш, ифодалаш, ўлчаш, таснифлаш ва баҳолаш усулидир. Ушбу методга дунёга ҳуқуқий назар ташлаш, воқеликни ҳуқуқий кўриш хосдир. Фалсафий билиб олинган бундай воқелик **ҳуқуқий воқелик сифатида, яъни билиб олиннадиган воқеликнинг ҳуқуқий хоссалари ва алоқалари тизими сифатида** намоён бўлади. Ушбу ҳуқуқий воқелик фалсафий-ҳуқуқий билиш оламининг изланаётган ҳақиқатини ва аниқланган моҳиятини акс эттиради ва ифодалайди. Агар пифагорчилар математика нуқтаи назаридан оламнинг моҳияти - сон, дейишган бўлса, либертар ҳуқуқ фалсафаси нуқтаи назаридан оламнинг моҳияти - расман тенглик, дейиш мумкин. Бунда ҳар ким ўзи билаётган ва билган оламини: математик - сонлар оламини, ҳуқуқшунос - ҳуқуқ оламини назарда тутди.

Худди шунга ўхшаш, физиклар, кимёгарлар, биологлар ўзлари билиб оладиган физик, кимёвий ёки биологик олам учун тегишли равишда ўзларининг физик, кимёвий ёки биологик формуласини излайдилар. Инсон тафаккури ва билишининг танланадиган, предмет нуқтаи назаридан соҳалаштирилган табиати мана шундай.

**Расман тенглик принципи юридик олам формуласи ҳисобланади.**

Турли оламларнинг ушбу ҳар хил формулалари (оламининг ҳар хил илмий образлари, ҳар хил фанлар томонидан яратиладиган илмий манзараси) моҳият эътибори билан умумий бир нарсани - объектив оламнинг (барча фанлар объектининг) умумий қонунларини, яъни ушбу оламнинг тартибга солинганлик ва ундаги тартиб (математик-сонли, ҳуқуқий, физик, кимёвий, биологик ва ҳоказо) қоидаларини ифодалайди.

Ушбу маънода ижтимоий воқеликнинг зарур тартиби моҳияти, принципи, қоидаси ва нормаси сифатида расман тенглик ҳуқуқ фалсафасининг изланаётган ҳақиқати ва методидир, деб айтиш мумкин.

Расман тенглик воқеликнинг ҳуқуқий тартиби принци-

пининг ўзидир. Либертар метод унга кўра иш олиб боради ва у билинаётган воқеликни ўша принципга мувофиқ юридиклаштиради, уни ҳуқуқий воқелик шаклида билиб олади ва ушбу воқелик ҳақидаги билимни фалсафий-ҳуқуқий назариянинг тегишли тизими сифатида ифодалайди.

Ушбу методнинг билиш билан боғлиқ имкониятлари ҳуқуқнинг либертар тушунчаси ижодий (эвристик) салоҳиятидан келиб чиқади ва унинг маъно доиралари, назарий аҳамияти чегаралари, мазкур фалсафий-ҳуқуқий назария предметининг соҳаси билан чекланади. Ҳуқуқнинг айнан мазкур тушунчаси тегишли фалсафий-ҳуқуқий билишнинг юридик-билиш нуқтаи назаридан ихтисослашганлигини, йўналганлигини ва чегараларини белгилаб беради.

**Фалсафий-ҳуқуқий билимнинг миқдорий ўзгариши** (кўпайиши, аниқлаштирилиши, ҳажмининг ошиши ва бошқалар) ҳуқуқнинг умуман ҳуқуқ фалсафаси муайян концепцияси негизда, унинг методи ва предмети асосида ётган у ёки бу тушунчаси нуқтаи назаридан ва унинг чегараларида содир бўлади.

**Фалсафий-ҳуқуқий билимнинг сифат ўзгаришлари** ҳуқуқнинг олдинги тушунчасидан унинг янги тушунчасига ўтилиши, тегишли янги метод ва янги предметга эга бўлган янги фалсафий-ҳуқуқий назариянинг шакллантирилиши билан боғлиқдир.

Бундай сифат ўзгаришлари даражаси турлича бўлиши мумкин, албатта, бироқ янги тушунчалар фалсафий-ҳуқуқий билиш ривожланиши жараёнида ва фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётида сифат жиҳатдан сакрашни ифодалайди.

Ҳуқуқнинг янги тушунчаси ҳуқуқ фалсафаси объектлари эмпирик маълумотларининг ўзини ўрганиш, тушуниш ва талқин қилишга тегишли равишда янгича ёндашувни ҳам, улар тўғрисида жамланган назарий билимларни ҳам англайди. **Неология** (янги нарсалар тўғрисидаги таълим) нуқтаи назаридан **ҳуқуқ фалсафаси тарихи** - **ҳуқуқнинг янги тушунчалари** ва улар асосида шаклланаётган янги фалсафий-ҳуқуқий назариялар **тарихи**, дейиш мумкин.

Фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётининг умумий жараёнида янгилик жиҳати ворисийлик жиҳати билан мустақам алоқадордир. Ушбу ўринда янги нарса (ҳуқуқнинг янги

тушунчаси, янги назария, янги концепция ва бошқалар), ҳамма жойда бўлганидек, ҳуқуқ ва давлатни англаб етиш ва тушунишнинг билиш жиҳатидан теранроқ, мазмунлироқ ва муқобилроқ шакли сифатида эски нарса (ҳуқуқ тўғрисидаги олдинги билимларнинг бутун жами) асосида пайдо бўлади, холос. Билиш методи сифатидаги ҳуқуқнинг янги тушунчаси унинг олдинги тушунчаларини ва тегишли назарияларини чиппакка чиқармайди, балки олдинги тушунчанинг билиш билан боғлиқ чекланган имкониятлари ва чегараларини бартараф этади ҳамда, шу билан бирга, унинг назарий билиш мазмунини ва якунларини сақлаб қолади. Бу билан ҳуқуқнинг янги тушунчаси олдинги фалсафий-ҳуқуқий тафаккурнинг илмий аҳамиятга эга бўлган натижаларини сақлаб қолади ва билишнинг янги, юқорироқ даражасида уларни теранроқ назарий нуқтаи назардан ва кенгроқ ҳамда муқобилроқ мазмунда янада ривожлантиради.

### 3. Ҳуқуқ фалсафасининг фанлар тизимида тутган ўрни

Ҳуқуқ фалсафаси қадимий ва бой тарихга эгадир. Фалсафий-ҳуқуқий муаммолар қадимги даврда ва ўрта асрларда умумийроқ мавзунинг бўлаги ва бир жиҳати сифатида, XVIII асрдан бошлаб эса алоҳида илмий фан сифатида ишлаб чиқишди.

«Ҳуқуқ фалсафаси» атамаси дастлаб юридик фанда пайдо бўлди. Жумладан, таниқли немис ҳуқуқшуноси, ҳуқуқнинг тарихий мактаби «отаси» **Г.Гуго** ўзи «ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг фалсафий қисми»<sup>1</sup> сифатида ишлаб чиқишга интилган «позитив ҳуқуқ фалсафаси»ни лўнда тушунтириш учун ушбу атамдан фойдаланган. Гугонинг фикрича, ҳуқуқшунослик (юриспруденция) уч қисмдан: юридик догматика, ҳуқуқ фалсафаси (позитив ҳуқуқ фалсафаси) ва ҳуқуқ тарихидан иборат. Унинг фикрича, амалда бўлган (позитив) ҳуқуқ билан шуғулланувчи ва ўзида «юридик ҳунар»ни ифодаловчи юридик догматика учун эмпирик билим етарлидир<sup>2</sup>. Ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқ тарихи тегишли равишда «ҳуқуқни

1. Hugo G. Beitrage zur civilistischen Bucherkenntnis. Bd.I, Berlin, 1829. S.372 (I Ausgabe - 1788).

2. Hugo G. Lehrbuch eines civilistischen Cursus. Bd.I. Berlin, 1799. S.15.

илмий билишнинг оқилона асосини» ташкил этади ва «илмий, либерал юриспруденцияни («башанг» юриспруденцияни)»<sup>1</sup> ҳосил қилади.

Позитив ҳуқуқ фалсафаси, Гугога мувофиқ, «яланғоч имконият метафизикасининг бир қисми (цензура ва соф ақл принциплари бўйича позитив ҳуқуқ апологетикаси), у ёки бу ҳуқуқий қонданинг мақсадга мувофиқлиги сиёсатининг бир қисми (юридик антропологиянинг эмпирик маълумотлари бўйича техник ва прагматик мақсадга мувофиқликни баҳолаш)»<sup>2</sup> дир.

Гарчи Гуго Кант ғояларининг муайян таъсири остида бўлган эса-да, унинг талқинидаги позитив ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқнинг тарихийлиги аксилрационал, позитивистик тусда эди ва оқилона ҳуқуқнинг табиий ҳуқуқий ғояларига қарши қаратилганди.

«Ҳуқуқ фалсафаси» атамасининг кенг ёйилиши Гегелнинг «Ҳуқуқ фалсафаси» (1820 й.) билан боғлиқдир. Гегелнинг фикрича, ҳуқуқ фалсафаси табиий ҳуқуқ (ёки «фалсафий ҳуқуқ») тўғрисидаги чинакам фалсафий таълимотдир. Шу муносабат билан Гегелнинг қисқача «Ҳуқуқ фалсафаси» деб аташ қабул қилинган асари аслида «Табиий ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги фан очерклари. Ҳуқуқ фалсафаси асослари» деган иккита ном билан дунё юзини кўрганлигини эслаш ўринлидир.

Гегелнинг фикрича, ҳуқуқ фалсафаси, Гугода бўлгани сингари, юридик фан эмас, балки фалсафий фандир. «Ҳуқуқ тўғрисидаги фан, - дейди у, - *фалсафанинг бир қисмидир*. Шу сабабли у тушунчадан предметнинг мағзини ифодаловчи ғояни келтириб чиқариши ёки предметнинг ўзининг имманент ривожланишини кузатиши керак»<sup>3</sup>. Шунга мувофиқ Гегель фалсафа ҳуқуқи предметини қуйидагича ифодалайди: «*Ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий фан* предмети ҳуқуқ ғояси - ҳуқуқ тушунчаси ва унинг амалга оширилишидир»<sup>4</sup>.

Гегелга кўра, ҳуқуқ фалсафасининг вазифаси ҳуқуқ асосида ётувчи фикрни англаб етишдан иборат. Бунга эса фақат

1. Ibid. S.16.45.

2. Ibid. S.15.

3. Гегель. Философия права. М., 1990. С.60.

4. Ўша жойда. 59-бет.



тўғри фикр юритиш, ҳуқуқни фалсафий билиб олиш ёрдамида эришиш мумкин. «Ҳуқуқда, - деб қайд этади Гегель, - инсон ўз ақлини топиши, бинобарин, ҳуқуқнинг оқилона эканлигини кўриб чиқиши керак ва бу билан фақат зиддиятлар ила иш кўрадиган позитив юриспруденциядан кўра кўпроқ бизнинг фанализи шуғулланади»<sup>1</sup>.

Юридик ёки фалсафий фан бўлмиш ҳуқуқ фалсафасининг фан сифатидаги хусусиятини таърифлаш масаласига тегишли равишда Гуго ва Гегелга бориб тақаладиган икки хил ёндашув XIX - XX асрлар фалсафий-ҳуқуқий талқиқотларида янада ривожлантирилди.

Фалсафий тафаккур асосий оқимларининг деярли барчаси (қадимги даврдан бизнинг кунларимизгача) ҳуқуқни фалсафий изоҳлашда ўз талқинларини илгари суришди. XIX - XX асрларга татбиқан кантчилик ва неокантчиликнинг, гегелчилик, ёш гегелчилик ва неогегелчиликнинг, христиан фалсафий тафаккурининг ҳар хил йўналишлари (неотомизм, неопротестантизм ва бошқалар)нинг, фалсафий антропология, интуитивизм, экзистенциализм ва бошқаларнинг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Бироқ, умуман олганда, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ва XX асрда ҳуқуқ фалсафаси юридик фан сифатида устун даражада ишлаб чиқила бошланди ва, гарчи унинг ривожланиши ҳамма вақт фалсафий тафаккур билан мустаҳкам боғлиқ бўлган бўлса ҳам, асосан юридик факультетларда ўқитиб келинмоқда.

Ҳуқуқ фалсафасининг илмий ихтисоси ва қайси фанга мансуб эканлиги ҳақидаги масаланинг бир неча жиҳати мавжуд. Сўз умуман ҳуқуқ фалсафаси тўғрисида борса, шубҳасиз, биз камида иккита фан - юридик фан ва фалсафанинг у ёки бу асосларини бирлаштирувчи «фанлараро фан» ҳақида гапирётган бўламиз. Ҳуқуқ фалсафаси бирон-бир аниқ вариантнинг ҳуқуқшуносликка (юриспруденцияга) ёки фалсафага мансублиги тўғрисидаги масала кўндаланг бўлар экан, у ҳолда гап аслида ҳуқуқни тушуниш ва талқин қилишга юридик ва фалсафий ёндашувлардаги концептуал фарқ ҳақида боради.

---

1. Ўша жойда. 57, 58-бетлар.

**Махсус фалсафий фан сифатидаги ҳуқуқ фалсафасида** (табиат фалсафаси, дин фалсафаси, ахлоқ фалсафаси ва шу каби махсус фалсафий фанлар билан биргаликда) билиш билан боғлиқ қизиқиш ва тадқиқот эътибори асосан ишнинг фалсафий жиҳатига, ҳуқуқнинг алоҳида соҳасида фалсафа концепциясини аниқлашда билиш имкониятларини ва эвристик салоҳиятни намойиш қилишга қаратилган. Бунда мазкур объект (ҳуқуқ) нинг хусусиятларига татбиқан тегишли концепцияни мазмунли аниқлаштиришга, уни англаб олишга, ушбу концепцияни унинг методологияси, гносеологияси ва аксиологияси оқимида тушунарли изоҳлаш ва ўзлаштиришга жиддий аҳамият берилади.

**Ҳуқуқшунослик (юриспруденция) нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган ҳуқуқ фалсафаси концепцияларида эса**, улар қанчалик фарқ қилишига қарамай, одатда, тадқиқотнинг ҳуқуқий мотивлари, йўналишлари ва мўлжаллари устунлик қилади. Унинг фалсафий ихтисоси фалсафий асосга эга эмас, балки фалсафий англашда уни ҳуқуқий соҳа эҳтиёжи тақозо қиладиган олам, инсон тўғрисидаги, ижтимоий турмуш шакллари ва нормалари, билишнинг йўллари ва методлари, қадриятлар тизими тўғрисидаги фалсафий таълимот тизимида ҳуқуқ ва ҳуқуқий тафаккурнинг мазмуни, ўрни ва аҳамияти каби фалсафий дунёқараш нуқтаи назаридан, муаммоларга устун даражадаги қизиқиш шу тўғрисида.

Бизнинг фалсафий адабиётимизда фалсафий-ҳуқуқий тусдаги муаммолар асосан тарихий-фалсафий йўналишда ёритилади (камдан-кам ҳолларда истисно бўлиши мумкин).

Юридик фанда фалсафий-ҳуқуқий муаммоларга, гарчи етарли равишда бўлмаса ҳам, анъанавий равишда катта эътибор берилади.

Гап шундаки, илгари ҳуқуқнинг умумий назариясининг таркибий қисми сифатида унинг доирасида ишлаб чиқилган ҳуқуқ фалсафаси аста-секин умумилмий мақом ва аҳамиятга эга бўлган мустақил юридик фан сифатида (ҳуқуқ ва давлат назарияси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқий ва сиёсий таълимотлар тарихи, хорижий ва миллий ҳуқуқ ва давлат тарихи билан биргаликда) шаклланмоқда.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқшуносликнинг фалсафа ва бошқа бир қанча гуманитар фанлар билан фанлараро алоқалари жиҳатидан ҳам, юридик фанлар тизимининг ўзидаги алоқа-

лар жиҳатидан ҳам бир қанча муҳим методологик, гносеологик ва аксиологик тусдаги умумилмий функцияларни ба-жаришга даъват этилган.

## Иккинчи боб. Ҳуқуқни тушунишнинг асосий типлари

### 1. Ҳуқуқни тушуниш типологияси

Типологиянинг аҳамияти айнан ҳуқуқни тушунишнинг муайян типни ҳуқуқ ва давлатни тегишли равишда фалсафий билиш парадигмаси, принципи ва намунасини (маъно моделини) белгилаб беришидадир.

Ҳуқуқни тушуниш типологияси, яъни ҳуқуқ талқини ҳар хил турларининг муайян тавсифи ва уларни бир типдаги (бир турдаги) гуруҳларга ажратиш турли асослар (мезонлар) бўйича амалга оширилиши мумкин. Биз томонимиздан шакллантирган ҳуқуқ фалсафаси нуқтаи назаридан ҳуқуқни тушунишнинг куйидаги уч турини ажратиб кўрсатиш муҳим. Булар: ҳуқуқни легистик, табиий-ҳуқуқий ва либертар-юримик тарзда тушуниш типларидир.

### 2. Ҳуқуқни тушунишнинг легистик тип

Ҳуқуқни тушунишнинг легистик типни учун ҳуқуқни (расман ҳокимиятнинг иродаси ва ўзбошимчалигидан мустақил бўлган муайян объектив моҳият сифатида) ва қонунни (ҳокимиятнинг мажбурий-зўрлик билан ўрнатилиши сифатида) айнан бир хил деб қараш хосдир. Легизмга кўра, ҳуқуқ давлатнинг (мажбурий ўрнатиш, қоида, ҳужжат, норма) ҳосиласи, унинг буйруғидир.

Легизм ва умуман «юримдик позитивизм»га инсон ва фуқаро ҳуқуқларини менсимаслик, ҳокимият апологияси ва унинг норма ижодкорлиги имкониятлари бузилиши жуда хосдир. Шу маънода легизм **мустабидликнинг норматив ифодаланишидир**. Легизмнинг пафоси ва интилиши - барчани ҳокимият-буйруқбозлик қоидаларига бўйсундиришдан иборат. Бунда ҳамма жойда инсонга эркин мавжудот сифатида эмас, балки ҳокимиятга бўйсунувчи объект сифатида қараш ҳукмронлик қилади.

Янги даврда легистик ёндашувни, мутлақ давлат - Левиа-

фан маддоҳи Т.Гоббс асослаганди. «Қонуннинг ҳуқуқий кучи, - деб таъкидлаган эди у, - сувереннинг буйруғи эканлигидан иборатдир, холос»<sup>1</sup>. Бунда «қонун» деганда амалдаги бутун (позитив) ҳуқуқ назарда тутилади. Кейинчалик ҳуқуқни бундай тушуниш «юридик позитивизм» (ва неопозитивизм) деб аталди ва ҳар хил йўналишларнинг вакиллари томонидан қурол қилиб олинди. У моҳият эътибори билан юридик эмас, балки айнан легистик позитивизмдир (ва неопозитивизмдир).

Ҳуқуқни ҳокимиятнинг ижоди, ҳокимият томонидан мажбур қилишни пировард натижада ҳуқуқнинг яккаю ягона фарқли хусусияти, ҳуқуқни таҳлил қилишнинг расман-мантиқий ва юридик-догматик методлари, ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотни ҳуқуқнинг моҳияти, табиати, сабаблари, қадриятлари тўғрисидаги турли «метафизик» қоидалардан «тозалаш» сифатида талқин қилиш «**юридик позитивизм**»нинг **асосий ғоялари ва қоидаларига тааллуқлидир.**

XIX асрда бундай тасаввурларни Англияда Д.Остин, Ш.Амос ва бошқалар, Германияда Б.Виндшайд, К.Гербер, К.Бергбом, П.Лабанд, А.Цительман ва бошқалар, Францияда Кабанту ва бошқалар, Россияда Е.В.Васьковский, А.Х.Гольмстен, Д.Д.Гримм, С.В.Пахман, Г.Ф.Шершеневич ва бошқалар ривожлантирдилар. XX асрда бундай ёндашув «юридик» позитивизмнинг В.Д.Катковнинг «умумий тилшунослик томонидан ислоҳ қилинган юриспруденция», Г.Кельзеннинг «ҳуқуқ тўғрисидаги соф таълимот», Г.Хартнинг «ҳуқуқ концепцияси» йўналишлари ва бошқаларда ўз ифодасини топди.

Англия таҳлилий юриспруденциясининг таниқли вакилларида бири **Д.Остин** ўзининг «позитив ҳуқуқ фалсафаси» тўғрисидаги асарида ҳуқуқни «сиёсий раҳбар ёки суверен томонидан белгиланган қоидалар агрегати» сифатида тавсифлаган ва «ҳар қандай ҳуқуқ буйруқдир», деб таъкидлаган<sup>2</sup>. Ш.Амос ҳам «ҳуқуқ мазкур ҳамжамиятдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш мақсадидаги давлат ҳокимиятининг олий сиёсий буйруғидир»<sup>3</sup>, деб уқтир-

1. Гоббс Т. Левиафан. М., 1936. С.214.

2. Austin J. Lectures on Jurisprudence or the Philosophy of Positive Law. L., 1873. P.89,98.

3. Amos Sh. A systematic View of the Science of Jurisprudence. L., 1872. P.73.

ган. **Г.Ф.Шершеневич** ҳам шунга ўхшаш маслак тарафдори бўлган. «Ҳуқуқнинг ҳар қандай нормаси, - деб ёзган эди у, - буйруқ»<sup>1</sup>. Унинг баҳолашича, ҳуқуқ давлат яратган нарса, давлат ҳокимияти эса унинг томонидан «бошланғич далил бўлиб, ундан ҳуқуқ нормалари бир-бирини етаклаб чиқиб келади»<sup>2</sup>.

Давлат ҳокимияти ўз буйруғи билан ҳуқуқни келтириб чиқаради - ҳуқуқни легистик тушунишнинг **индаллоси** шундан иборат. Бундай нуқтаи назарга кўра, **ҳокимият буюрадиган ҳамма нарса ҳуқуқдир**. Бу билан ҳуқуқнинг ўзбошимчаликдан фарқланиши объектив ва мазмуний маънодан маҳрум этилади ва бундай ёндашув тарафдорлари учун фақат субъектив ҳамда расман тусга эга бўлади: муайян субъект (давлат органи) томонидан муайян шаклда (у ёки бу ҳужжат - қонун, фармон, рескрипт, қарор, циркуляр ва бошқалар шаклида) рухсат бериладиган ошқора ўзбошимчалик ҳуқуқ деб эътироф этилади. Легистик-позитивистик талқинда давлат ҳокимиятининг буйруғи ортида сеҳрли имкониятлар борлиги эътироф этилади. Бундан нафақат субъектив вазифаларни амалга ошириш (қонунчилик нормаларини шакллантириш), балки объектив тарздаги вазифаларни (ҳуқуқнинг шакллантирилиши, яратилиши), шунингдек илмий ихтисосликдаги (ҳуқуқнинг ўзига хослигини, унинг бошқа ижтимоий нормалардан фарқини аниқлаш ва бошқа) вазифаларнинг мана шундай буйруқ билан ҳал этилиши мумкинлиги келиб чиқади.

**Неопозитивистлар** ҳуқуқшунослик давлатнинг маҳсули бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги олдинги этатистик тасаввурлардан «тозалаш» ҳақидаги ваъзларига ҳамда улар ўзи ҳимоя қиладиган мажбурий-буйруқбозлик ҳуқуқи ибтидосини давлатдан эмас, балки гипотетик асосий нормадан (Г.Кельзен) ёки қандайдир амалдаги «сўнгги ҳуқуқдан» - «эътироф этишнинг олий қайдасидан» (Г.Харт) олишларини асослашга интилишларига қарамай, ҳуқуқни ҳокимиятнинг буйруғи ва мажбурий тартиб сифатида талқин қилишади<sup>3</sup>.

1. Шершеневич Г.Ф.Общая теория права. М., 1910, вып.1. С.281.

2. Ўша жойда. 314-бет.

3. Қаранг: Чистое учение о праве Г.Кельзена. Вып.1. М., ИНИОН АН СССР, 1987. С.11; Hart Н. The Concept of Law. Oxford, 1961.P.201.

Легистик юриспруденция мана шундай позитивистик-прагматик йўналиш тўғрисида иккита асосий эмпирик далилни аниқлаштириш ва кўриб чиқиш билан машғулдир. Булар: 1) расман ҳокимиятнинг ушбу буйруқларини (мажбурий шарт бўлган кўрсатмаларини), яъни амалдаги ҳуқуқ (позитив ҳуқуқ, қонун) турлари (шакллари)нинг ўзини аниқлаш, таснифлаш ва тизимлаштириш ва 2) қонун чиқарувчининг фикрини (нуқтаи назарини) аниқлаш, яъни давлат ҳокимиятининг амалдаги ҳуқуқ манбалари (шакллари) бўлган тегишли буйруқларининг норматив-регулятив мазмунини аниқлашдан иборат.

Легизм (эски легизм ва ҳуқуқни этатистик талқин қилишдан тортиб юридик позитивизмнинг барча кўринишдаги замонавий аналитик ва нормативистик концепцияларигача ҳуқуқ (позитив ҳуқуқ) ва қонунни бир-бирига тенглаштириб, ҳуқуқий ҳодиса бўлмиш қонунни ҳуқуқий моҳиятидан ажратади, унинг объектив ҳуқуқий хоссалари, сифатлари, тавсифини рад этади, уни қонун ўрнатувчи ҳокимият иродаси (ва ўзбошимчалиги) нинг маҳсули сифатида талқин қилади. Шу сабабли позитивистлар қонунни (позитив ҳуқуқни) назарда тутадиган, ҳуқуқнинг ўзига хослиги, ҳуқуқни бундай тушунишда ҳуқуқни сўзсиз мажбурийликдан иборат қилиб кўяди. **Ҳуқуқнинг ушбу мажбурийлиги** унинг бирор-бир объектив хоссалари ва талаблари оқибати сифатида эмас, балки **бирламчи ҳуқуқни ҳосил қилувчи ва ҳуқуқни белгиловчи омил** сифатида, ҳуқуқнинг куч ишлатиладиган (мажбур қилинадиган) манбаи сифатида талқин қилинади. Бунда куч (ҳокимиятнинг кучи) зўрлик, буйруқ ишга солинган ҳуқуқни келтириб чиқаради.

Легистик адабиётда ҳуқуқ тушунчасини давлат томонидан ўрнатилган ёки рухсат берилган ҳамда унинг томонидан зўрлик ишлатиб таъминланган нормалар тизими сифатида таърифлаш кенг ёйилган. Расман амал қилувчи (позитив) ҳуқуқ қоидалари (нормалари) давлат томонидан ўрнатилганлиги ва давлат томонидан мажбурлаш воситасида таъминланганлиги тўғрисида, бироқ бу ҳуқуқни, бундай расман-ҳокимият кўрсатмаларини (нормаларни) айнан ҳуқуқий ҳодисалар (ҳуқуқий моҳиятга эга бўлган ҳодисалар) сифатида талқин қилиш, умуман ҳуқуқ сифатида зарур даражада тушуниш учун **етарли эмас**, чунки бундай легистик таърифда

ҳуқуқни ўзбошимчаликдан, ҳуқуқий нормани ҳокимиятнинг ўзбошимчалик билан ўрнатилишидан, ҳуқуқий қонунни аксилҳуқуқий қонундан фарқлаш учун ҳеч бир мезон йўқ.

### 3. Ҳуқуқни тушунишнинг табиий-ҳуқуқий типи

Табиий ҳуқуқни ва позитив ҳуқуқни фарқлаш ҳуқуқни тушунишнинг ҳар хил табиий-ҳуқуқий (юснатуралистик) типини фарқлашда белгиловчи аҳамиятга эга.

Бундай фарқлаш ўтмишдаги ва ҳозирги ҳар хил концепцияларда бошқача шакллар ва терминлар орқали ифодаланади. Масалан, табиий ҳуқуқ кўпинча табиатан ҳосил бўлган ҳуқуқ, ўзгармас ҳуқуқ, чинакам ҳуқуқ, оқилона ҳуқуқ, фалсафий ҳуқуқ, сўзнинг асл маъносидаги ҳуқуқ, тўғри ҳуқуқ ва ҳоказолар сифатида белгиланади. Позитив ҳуқуқ ҳам тегишли равишда турлича: сунъий (табиий бўлмаган) ҳуқуқ, инсоний ҳуқуқ, ирода орқали ўрнатилган ҳуқуқ, ўзгарувчан ҳуқуқ, шартли ҳуқуқ, ҳақиқий бўлмаган ҳуқуқ ва бошқалар тарзида белгиланади.

Юснатуралистик ёндашув тарафдорлари назарида табиий ҳуқуқ (унинг ҳуқуқ фалсафаси, юриспруденция, этика, ижтимоий фалсафа ва ҳоказолар нуқтаи назаридан диний ёки дунёвий талқинда) табиатнинг ўзи томонидан берилган ягона чинакам, оқилона, ахлоқий ва адолатли ҳуқуқдир ва унинг илдилари объектив табиат - худо ёки инсон табиати билан, физик, маънавий ёки ижтимоий табиат билан, «ашёлар табиати» ва ҳоказолар билан боғлиқдир.

Ҳар хил табиий-ҳуқуқий концепциялар муаллифлари табиий ҳуқуқ мазмунини ўзларича тасаввур қиладилар. Бунда барча одамларнинг табиий тенглиги ва эркинлиги, нотенгликка ва имтиёзларга, қадр-қимматга бўлган табиий ҳуқуқи, инсоннинг у ёки бу ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари (бундай ҳуқуқ ва эркинликларнинг айримларидан тортиб ушбу соҳадаги замонавий жаҳон анзодаларигача) ва ҳоказо турли ҳодисалар табиий ҳуқуқ сифатида талқин қилинади.

Позитив ҳуқуқ, аксинча, юснатуралистлар томонидан табиий ҳуқуқдан четга чиқиш (уни инкор этиш, бузиш, рад этиш сифатида), одамлар (расман ҳокимият) сунъий, хато ёки ўзбошимчалик билан ўрнатган нарса сифатида қаралади.

Табиий-ҳуқуқий ёндашувга назарий ва амалий тарздаги **афзалликлар** ҳам (ҳуқуқнинг объектив моҳиятини излаш, барча одамларнинг табиий эркинлиги ва тенглигини, инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳуқуқий давлат ғояларини ва бошқаларни эълон қилиш), **нуқсонлар** ҳам (ҳуқуқни ноҳуқуқий ҳодисалар - ахлоқ, ахлоқийлик, дин ва ҳоказалар билан, расман-ҳуқуқий ҳодисани аслий-мазмуний ҳодиса билан аралаштириб юбориш, ҳуқуқни барча ноҳуқуқийликдан фарқлашнинг пухта шакллантирилган мезони йўқлиги, табиий ҳамда позитив ҳуқуқлар ўртасида зарур ўзаро алоқа йўқлиги ва бошқалар) хосдир.

Табиий ҳуқуқ билан позитив ҳуқуқнинг фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан фарқланиши расман ўрнатилган ҳуқуқий ҳодисадан (позитив ҳуқуқдан) фарқ қилувчи ҳуқуқнинг объектив моҳияти изланишидан (тўғри, назарий жиҳатдан етарлича англаб олинмаган изланишидан) далолат беради. Табиий-ҳуқуқий концепцияларда ҳуқуққа юридик ёндашишнинг муайян элементлари ва жиҳатлари маълум даражада мавжуд. Шу маънода табиий ҳуқуқ билан позитив ҳуқуқнинг фарқланишини ҳуқуқ ва қонуннинг ҳуқуқни либертар-юридик тушуниш нуқтаи назаридан шакллантирилган фарқланиши ва нисбати умумий назариясининг хусусий ҳодисаси ва (хронологик жиҳатдан биринчи, оддий тушуниш учун амалда қулай бўлган ва ҳозиргача энг кенг ёйилган) архаик варианты деб талқин қилиш мумкин.

Умуман олганда, табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқнинг фарқланиши (моҳиятан - зид қўйилиши), назарий жиҳатдан, ҳуқуқни тушунишнинг ғоят шартли, ривожланмаган ва ботинан зиддиятли концепциясидан иборат.

Табиий-ҳуқуқий ёндашувнинг жиддий камчилиги ҳуқуқ фалсафасининг асосий муаммосини - ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодисани фарқлаш ва улар нисбатини нотўғри талқин қилишдан иборатдир. Табиий ҳуқуқ билан позитив ҳуқуқнинг ушбу ёндашувда тавсия этилган фарқланиши ва нисбати - бу (табиий ҳуқуқ кўринишидаги) ҳуқуқий моҳият ва (позитив ҳуқуқ кўринишидаги) позитив ҳодиса (уларнинг мос келиш йўллари ва шартлари изланган ва мос келмаслик ҳоллари танқид қилинган ҳолдаги) нисбати эмас, балки (ягона ҳақиқий ҳуқуқ ва чинакам ҳуқуқий моҳият, шу билан бирга, чинакам ҳуқуқий ҳодиса бўлган) табиий ҳуқуқни (ҳам моҳият, ҳам ҳодиса си-



фатидаги ҳақиқий бўлмаган ноҳақиқий ҳуқуқ бўлмиш) позитив ҳуқуққа қарама-қарши қўйишдир (қўпинча бундай зидлаш антагонизм кўринишида бўлади). Ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодиса ўртасидаги зарур ўзаро алоқани излаш бунда чинакам ҳуқуқни (моҳият сифатидаги табиий ҳуқуқни ва айтилиш вақтда реал амал қилувчи ҳуқуқий ҳодисани) мушоҳадада конструкциялаш билан алмаштирилади ва бу билан расман амал қилувчи умумий мажбурий позитив ҳуқуқ инкор қилинади.

Юснатуралистлар ҳуқуқнинг объектив моҳияти деганда давлат томонидан ўрнатиладиган позитив ҳуқуқнинг моҳияти эмас, балки бор-йўғи табиий ҳуқуқнинг улар томонидан тақлиф этилаётган тахминидир, холос. Устига-устак табиий ҳуқуққа амалда бор бўлган ҳақиқий позитив ҳуқуқ хоссалари ўзбошимчалик билан ёпиштирилади.

Шундай қилиб, табиий ҳуқуқ нафақат табиий берилган, балки табиий амал қилувчи ҳуқуқдир. Табиий-ҳуқуқий концепцияларга хос бўлган **ҳуқуқий дуализм** - ҳуқуқнинг айтилиш вақтда амал қилувчи икки тизими (табиий ҳуқуқ ва расман ҳуқуқ) тўғрисидаги тасаввур мана шундан келиб чиқади.

Табиий-ҳуқуқий таълимотларда ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодисанинг ўзига хос маъноси ҳамда улар нисбатининг хусусиятлари, муайян жойда ва муайян вақтда расман амал қилувчи ҳуқуқий ҳодиса (қонун, позитив ҳуқуқ) сифатидаги ҳуқуқнинг моҳияти позитивлашуви (давлат томонидан эътироф этилиши, ифодаланиши ва ўрнатилиши) жараёнининг алоҳида (оммавий-ҳукмрон) хусусияти, аслида, инкор қилинади.

Юснатурализм вакиллари расман амал қилувчи (ҳақиқий бўлмаган) позитив ҳуқуқнинг такомиллашуви ва унинг табиий ҳуқуқнинг улар тушунадиган маъноси ва хоссалари сифатида чинакам позитив ҳуқуққа айланиши, яъни табиий ҳуқуқ моҳиятининг муайян хоссаларини ифодалайдиган позитив ҳуқуққа эришиш эмас, балки чинакам ягона ҳуқуқ сифатида ҳуқуқий моҳиятни гавдалантирадиган, шу боис реал ҳуқуқий ҳодиса сифатида бевосита (табиий равишда) амал қиладиган табиий ҳуқуқ қизиқтиради.

**Юснатурализмда ҳуқуқий қонун**, яъни ҳуқуқнинг моҳиятини ифодаловчи позитив ҳуқуқ **тушунчаси мавжуд эмас**, чунки табиий-ҳуқуқий моҳият табиий-ҳуқуқий ҳодисада ифо-

даланиб бўлган, шундай экан, моҳият ва ҳодиса бунда қандайдир ажралмас табиий-ҳуқуқий бирликни, у ёки бу табиий-ҳуқуқий қоида (муайян талаб, принцип, табиий ҳуқуқлар мажмуи ва бошқалар) кўринишидаги жипс яхлитликни ташкил этади. Шу сабабли табиий-ҳуқуқий ҳодисадан ажратилган қандайдир табиий-ҳуқуқий моҳиятни давлат нуқтаи назаридан позитивлаштириш (яъни расман-ҳокимият йўли билан эътироф этиш, ифодалаш ва позитив ҳуқуқ қоидаларида мустаҳкамлаш) мумкин эмас.

Юснатурализм нуқтаи назаридан, масалан, ҳуқуқий қонуннинг моҳиятини аниқлашга интилиб, ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилган ёки рухсат берилган ва давлат томонидан мажбурланган нормалар табиий-ҳуқуқий моҳиятига мувофиқ бўлган (ёки ушбу моҳиятни ифодаловчи) тизим, деб айтиш мумкин эмас, чунки юснатурализм мантиқига кўра, зотан табиий-ҳуқуқий ҳодисадан ажралмас бўлган битта табиий-ҳуқуқий моҳиятни эмас, балки ушбу табиий ҳуқуқни (моҳият ва ҳодисанинг ажралмас бирлиги сифатида) умуман позитивлаштириш (расман эътироф этиш, ижозат бериш, умумий мажбурий қонун даражасига кўтариш) зарур. Бу, қонун чиқарувчи ҳуқуқий қонунда: 1) табиий ҳуқуқнинг муайян қоидалари рўйхатини мустаҳкамлаши, 2) табиий ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган бошқа (ушбу рўйхатга кирмаган) қоидаларига рухсат бериш (яъни уларнинг юридик кучини расман эътироф этиш), 3) табиий ҳуқуқнинг тўғридан-тўғри мустаҳкамланган ёки рухсат берилган ушбу қоидаларининг позитив ҳуқуқнинг қолган барча манбалари ва нормалари олдидаги устувор аҳамиятини эътироф этиш, 4) табиий ҳуқуқнинг тегишли қоидаларини инкор қилувчи ёки камситувчи ҳужжатлар ва нормаларнинг нашр этилиши тақиқланишини ва уларнинг юридик жиҳатдан ярамаслигини мустаҳкамлаш кераклигини аниқлатади.

Россия Федерациясининг ҳуқуқни юснатуралистик тушунишнинг муайян нақлидан келиб чиқадиган амалдаги Конституцияси асосида тахминан мана шундай мантиқ ётади.

Бироқ ҳуқуқий қонуннинг табиий ҳуқуқ позитив ҳуқуқ билан мувофиқлашган ҳолда қовушадиган бундай конструкцияси юснатуралистик таълимотларнинг ўзида (уларнинг бир томонламалиги, позитив ҳуқуққа эътиборсизлиги, ҳуқуқий қонун концепцияси мавжуд эмаслиги ва бошқалар туфай-

ли) назарий жиҳатдан зарур даражада англолмаган ва асосланмаган.

#### 4. Ҳуқуқни тушунишнинг либертар-юримдик типн

Ҳуқуқни тушунишнинг либертар-юримдик типн асоснда расман тенглик принципн ётади.

Ҳуқуқни либертар-юримдик тушуниш ҳуқуқни (ҳам ҳуқуқнинг моҳияти, ҳам ҳуқуқий қонун шаклидаги ҳуқуқий ҳодиса сифатида) тушунишнигина эмас, балки давлатнинг расман тенглик принципнинг ифодаланиши ва амал қилишининг институционал-ҳокимият шакли сифатида, ялпи оммавий ҳокимиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли сифатида ҳуқуқий тушунилишини ҳам ўз ичига олади.

«Тенглик» тушунчаси ўзида муайян абстракцияни ифодалайди, яъни тенглаштирилаётган объектларга хос бўлган фарқлардан онгли (фикран) абстракцияланиш натижаси ҳисобланади. Тенглаштириш тенглаштирилаётган объектларнинг фарқланишини ва, шу билан бирга, ушбу фарқлар тенглаштиришнинг тегишли асоси (мезони) нуқтаи назаридан жиддий эмаслигини (яъни бундай фарқлардан абстракцияланиш мумкинлиги ва зарурлигини) тақозо этади.

Масалан, ҳар хил объектларни сонларга асосланиб (ҳисоб рақамлари, вазн ва бошқаларни аниқлаш учун) тенглаштириш уларнинг бутун мазмуний (индивидуал, турлар, жинслар билан боғлиқ) фарқларидан абстракцияланади.

Тенгламаларни тузиш ва ечиш асосий роль ўйнайдиган ва миқдорий тафовутлардан «тозаланган» тенглик миқдорий таърифларнинг мутлақ абстракциясига етказилган математика мана шу йўналишда шаклланган.

Ҳуқуқий тенглик математикадаги рақамли тенглик даражасида абстракт эмас. **Индивидуалнинг** ҳуқуқий жиҳатдан лаёқатлилиги ва ҳуқуқий субъектлиги шаклида эътироф этиладиган ва тасдиқланадиган ижтимоий муносабатлардаги **эркинлиги** турли кишиларни ҳуқуқий тенглаштиришнинг асоси (ва мезони) ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг моҳияти ва принципн бўлган расман тенглик ўзаро боғлиқ, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро бир-бирини тақозо этувчи (бир-бирини назарда тутувчи) уч таркибий қисмни, **ҳуқуқнинг уч асл хоссасини**: 1) ялпи тенг

Ўлчовни (нормани), 2) ушбу тенг регулятив ўлчов (норма) қаратилган шахсларнинг барчасининг расман эркинлигини ва 3) тартибга солишнинг барча учун бир хилда тенг бўлган шаклининг ялпи адолатлилигини ўз ичига олади.

Ҳуқуқни тушунишнинг либертар-юримдик назариясида ва ҳуқуқ фалсафаси концепциясида ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодисанинг, ҳуқуқ ва қонуннинг фарқлари ва нисбати муаммоларини талқин этишда юснатурализм ва легизмга хос антагонистик қарама-қаршиликлар ва нуқсонлар бартараф этилган.

Либертар-юримдик ёндашув доирасида **ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодисанинг ўзаро алоқаси зарур ва қонуний характерга эгадир**: объектив ҳуқуқий моҳият (расман тенглик) - муайян реал ҳуқуқий ҳодисанинг (давлат томонидан ўрнатиладиган, расман тенглик принципи хоссалари ва талабларини ифодаловчи умумий мажбурий қонуннинг) моҳиятидир, ҳуқуқий ҳодиса (расман тенглик принципининг хоссалари ва талабларини ифодаловчи умумий мажбурий қонун) эса - айнан ва фақат ушбу муайян моҳият (расман тенглик) ҳодисаси (намоён бўлиши). Ҳуқуқий моҳият (расман тенглик) умумий мажбурий қонунда (воқеликнинг ҳуқуқий ҳодисасида) намоён бўлади, ҳуқуқий ҳодиса (умумий мажбурий қонун) эса ҳуқуқий моҳиятни (расман тенгликни) ташқи реал воқеликда намоён этади, ифодалайди.

Ҳуқуқий моҳият билан ҳуқуқий ҳодиса ўртасидаги бундай зарур алоқа асосида ва уни ҳисобга олган ҳолдагина уларнинг **ҳуқуқий қонун**, яъни давлат томонидан ўрнатиладиган ва расман амал қиладиган, расман тенглик принципи хоссалари ва талабларини норматив-аниқлаштирилган шаклда ифодаловчи умумий мажбурий позитив ҳуқуқ кўринишидаги бирлигига эришиш мумкин, холос. Легизм ва юснатурализм нуқтаи назаридан ҳуқуқий моҳият билан ҳуқуқий қонун кўринишидаги ҳуқуқий ҳодисанинг бундай бирлигига эришиб бўлмайди.

Ушбу принципиал ҳолат либертар-юримдик ёндашув ҳуқуқни тушуниш ва ҳуқуқ фалсафаси предметини талқин этишнинг юснатурализм ёки легизмга қараганда анча ривожланган концепциясини ифодалашидан далолат беради.

Ҳуқуқни тушунишнинг мазкур типини ва ҳуқуқ фалсафасининг тегишли концепциясини биз **юримдик-либертар** (ёки

**либертар)** концепция, деб атаймиз, чунки, бизнинг талқинимизга биноан, **ҳуқуқ - бу одамлар эркинлигининг ялпи ва зарур шаклидир**, ижтимоий ҳаётдаги эркинлик (унинг борлиғи ва амалга оширилиши) эса ҳуқуқ сифатидагина, фақат ҳуқуқ шаклида бўлиши мумкин ва ҳақиқийдир.

Ҳуқуқни либертар тушунишда назарда тутиладиган ҳуқуқ, - фақат энг **зарур ҳуқуқий минимумдир**, унингсиз умуман ҳуқуқ, шу жумладан ҳуқуқий қонун йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳуқуқни тушунишнинг либертар концепцияси мазмуни дарсликнинг навбатдаги бобларида кенгроқ ёритилади.

## **Учинчи боб. Расман тенглик ҳуқуқнинг моҳияти сифатида**

### **1. Ҳуқуқ тенг ўлчов сифатида**

Умумий тенг ўлчов - расман тенглик принципининг зарур таркибий қисмларидан бири ва ҳуқуқнинг муҳим хоссаларидан бири. Тенг ўлчов бундай таркибий қисм сифатида расман тенглик ҳуқуқий принципининг бошқа қисмларини - эркинлик ва адолатни ҳам тақозо этади. **Шу сабабли тенг ўлчов - эркинлик ва адолатнинг тенг ўлчови.**

Бунда тенг ўлчов деганда ялпи кўлам ва барча учун умумий бўлган ҳуқуқий тартибга солиш нормасигина эмас, балки ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатлардаги мутаносиблик ва бир текислик ҳам назарда тутилади.

Ҳуқуқий тенглик - эркин ва бир-биридан мустақил бўлган ҳуқуқ субъектларининг ҳамма учун умумий бўлган кўлам, ягона норма, тенг ўлчов бўйича тенглигидир.

Ҳуқуқий тенглик - эркин кишиларнинг тенглиги ва эркинликдаги тенгликдир, индивидлар эркинлигининг умумий кўлами ва тенг ўлчовидир. Одамлар эркин ва эркин бўлмаганларга бўлинган жойда эркин бўлмаган одамлар ҳуқуқ субъектларига эмас, балки объектларига мансуб бўлади ва ҳуқуқий тенглик принципи уларга татбиқ этилмайди.

Ҳуқуқ тенглик тили ва ўлчови билан гапиради ҳам ҳаракат қилади ва шу туфайли одамлар борлигининг, биргаликдаги ҳаётидаги эркинлигини ифодалаш ва амалга оширишнинг ялпи ва зарур шакли бўлиб майдонга чиқади. Шу

маънода **ҳуқуқ - эркинлик математикаси**, дейиш мумкин<sup>1</sup>.

Бунда, афтидан, математик тенглик мантиқан абстракт-роқ тузилма сифатида ҳуқуқий тенглик ғоясидан тарихан кечроқ келиб чиққан ва ундан ҳосил бўлган, деб фараз қилиш мумкин. Математикадаги тенглик асосларининг кейинчалик (ҳуқуқдагига қараганда) жадалроқ ривожлантирилиши ва илмий ишланиши тенглик ғояси ҳуқуққа математикадан кириб келган, деган нотўғри тасаввур туғдирган.

Ижтимоий соҳада тенглик - бу ҳамма вақт ҳуқуқий тенглик, тенгликнинг расман-ҳуқуқий ўлчовидир. Чунки ҳуқуқий тенглик ҳам ҳар қандай тенглик сингари, (ўз асоси ва мезонига кўра) амалдаги тафовутлардан абстракция қилинган ва шунинг учун заруриятга кўра ва аниқланиши бўйича расман хусусиятга эга.

Тенглик масаласида кўплаб ноаниқликлар, адашишлар, хато ва сохта тасаввурлар мавжуд. Уларнинг негизида, пировард натижада, тенглик рационал мазмунга эга эканлигини, ижтимоий оламда барча учун айнан ва фақат бир хил бўлган ҳуқуқий (расман-ҳуқуқий, расман) тенглик мантиқан ва амалда мумкин эканлигини тушунмаслик ётади.

Жумладан, ҳуқуқий тенглик кўпинча (ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам) ҳар хил эгалитар (амалда тенглаштириш) талаблари билан, бир текислаштириш ва ҳоказолар билан аралаштириб юборилади ёки, аксинча, «амалдаги тенглик» деб аталган тенглик унга қарама-қарши қилиб қўйилади. Бундай чалкашлик ҳамма вақт ҳуқуқни инкор қилувчи, аксилҳуқуқий хусусиятга эга бўлади.

**«Амалдаги тенглик»** - бу «амалдаги» ва «амалда бўлмаган» (расман) тушунчаларни аралаштириб юбориш ва «тенглик» тушунчасининг ўзидаги қарама-қаршилиқдир. Чунки «тенглик», «тенг ўлчов» фақат «амалда» ва «расман» маънода фарқлаш контекстида ва фақат, сўзлар англанадиган ашёлардан, рақамлар ва ҳисоблар ҳисобланадиган буюмлардан, тарози тортилаётган оғирликдан ажратилгани сингари, «амалдаги»дан қандайдир «расманлиги», ажратилганлиги (абстракция қилинганлиги) сифатида (тушунча сифатида, тартибга солиш воситаси сифатида ва ҳоказо) маънога эгадир.

1. Батафсил қаранг: Нерсесянц В.С. Право - математика свободы. М., 1996.

Тенглик расманлиги («амалдаги»дан абстракция қилинганлиги) туфайли айнан «амалдаги»си тартибга солишнинг ялпи шакли ва тенг ўлчови бутун «расмиятчиликдан ташқари» (яъни «амалдаги») воқеликнинг ўзига хос расман ва расманлашган «тили», «ҳисоби», «оғирлиги», ўлчови бўлиши мумкин ва амалда шундай бўлмоқда. Расман-ҳуқуқий тенг ўлчов билан ҳам аҳвол шу тахлит турибди.

Ҳуқуқ тарихи - расман (ҳуқуқий) тенглик кўлами ва ўлчовининг тараққий этаётган эволюцияси тарихидир. Бунда ушбу принципнинг ўзи ҳуқуқнинг ҳар қандай тизими, умуман ҳуқуқ принципи сифатида сақланиб қолади. Инсоний муносабатларда эркинлик ва ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши турли босқичлари учун эркинликнинг ўз кўлами ва ўз ўлчови, эркинлик ва ҳуқуқ субъектлари ва муносабатларининг ўз доираси, қисқаси, расман (ҳуқуқий) тенглик принципининг ўз мазмуни хосдир. Шундай экан, **расман тенглик принципи ўзида тартибга солинишнинг ҳуқуққа мунтазам хос бўлган тарихан ўзгариб турадиган соҳа ва ўлчов принципини ифодалайди.**

Умуман олганда, расман тенглик соҳаси, кўлами ва ўлчовининг бундай тарихий эволюцияси ҳуқуқнинг ижтимоий тартибга солишнинг бошқа (ахлоқий, диний ва ҳоказо) турлари билан нисбати ва тафовутида унинг фарқли хусусиятлари сифатида мазкур принципнинг (ва унинг тизимини аниқлаштирувчи нормалар) аҳамиятини инкор қилмайди, балки, аксинча, мустаҳкамлайди.

Одамлар ўртасидаги абстракт-умумий тенг ўлчов нуқтаи назаридан қараб чиқилган (ва тартибга солинган) дастлабки амалдаги тафовутлар пировардида қўлга киритилган **ҳуқуқлар тенгсизлиги** (ҳуқуқнинг турли индивид-субъектлари ҳуқуқлари тузилмаси, мазмуни ва ҳажми бўйича уларнинг тенг бўлмаган) тенгсизлиги сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий тенглик ва ҳуқуқий тенгсизлик (ҳуқуқдаги тенглик ва тенгсизлик) - амалдаги тафовутларга бир хил даражада қарама-қарши турувчи ва улардан фарқ қилувчи бир тартибли (бир-бирини тақозо этувчи ва тўлдирувчи) ҳуқуқий таърифлар, тавсифлар ва тушунчалардир. Ҳар хил субъектлар муносабатларини тартибга солишнинг тенг ўлчови улар томонидан қўлга киритиладиган реал субъектив ҳуқуқлар тенг бўлмаслигини тақозо этади. **Тафовутлар тартибсизлиги**

аралашмаси ҳуқуқ туфайли ягона қўлам ва тенг ўлчов бўйича келишилган тенгликлар ва нотенгликларнинг ҳуқуқий тартибига айланади.

## 2. Ҳуқуқ эркинлик сифатида

Ҳуқуқни кишилар эркинлигининг ялпи ва зарур шакли сифатида тушуниш ҳам расман тенглик принципи билан боғлиқдир. Ҳуқуқ расман тенгликнинг ифодаси сифатида ўз хулқ-атворида, хатти-ҳаракатида ва ўзаро муносабатларида умумий нормага бўйсунган, бир-биридан мустақил бўлган субъектларнинг ижтимоий муносабатлари умумий шаклдан иборат. Субъектларнинг ўзаро муносабатлари ҳуқуқий шакли доирасида бир-биридан бундай мустақиллиги ва айни пайтда уларнинг умумий нормага бир хилда, тенг бўйсунishi **борлиқнинг ҳуқуқий шакли ва эркинлик ифодаланишининг** мазмуни ва моҳиятини белгилаб беради.

Эркинликнинг ҳуқуқий шакли тенглик, ялпилик ва эркинлик расман хусусиятга эгаллигини намоён қилиб, ҳуқуқий расмиётчиликнинг, ялпилик, тенглик ҳамда эркинликнинг ботиний моҳият ва маъно бирлигини тақозо этади ҳамда ифодалайди.

Индивидлар эркинлиги ва улар иродасининг эркинлиги - бир-бирига ўхшаш тушунчалардир. **Ҳуқуқдаги ирода** - ҳуқуқнинг бутун муҳим тавсифларига мос келадиган ва бу билан ўзбошимча иродадан фарқ қиладиган ҳамда ўзбошимчаликка қарши турадиган эркин иродадир. Ҳуқуқнинг иродалилик характери ҳуқуқ - одамлар эркинлиги шакли, яъни улар иродасининг эркинлиги эканлиги билан белгиланади. Ушбу иродавий жиҳат (у ёки бу, тўғри ёки нотўғри талқинда) ирода кучи билан белгиланганлик сифатида (**Аристотель**, **Гроций** ва бошқалар), умумий иродани (**Руссо**), синфий иродани (**Маркс** ва марксчилар) ва ҳоказоларни ифодалаш сифатида ҳуқуқнинг ҳар хил таърифлари ва тавсифларида мавжуд бўлади.

Инсоният борлиқни ва ижтимоий ҳаётда эркинликни ифодалашнинг ҳуқуқдан ташқари бошқа бирон-бир шаклини ҳозирча кашф этмаган. Бу мантиқан ҳам, амалда ҳам мумкин эмас. **Одамлар ўз тенглиги даражасида эркиндирлар ва эркинлиги даражасида тенгдирлар.** Ноҳуқуқий эркинлик, уму-



мий қўлам ва ягона ўлчовсиз эркинлик, хуллас калом, тенгликсиз «эркинлик» деб аталадиган эркинлик - бу элитар имтиёзлар мафкурасидир, эркинликсиз «тенглик» деб аталадиган тенглик эса - қуллар ва эзилган омма мафкураси (хом хаёлдан иборат «амалдаги тенглик» талаби, тенгликни текисчилик билан алмаштириш)дир. Ё (ҳуқуқий шаклдаги) эркинлик, ёки ўзбошимчалик (у ёки бу кўринишда) бўлиши мумкин. Учинчи йўл йўқ: **ноҳуқуқий (ва ноэркин) нарса ҳамма вақт ўзбошимчалиқдир.**

Жаҳон тарихи кишиларнинг тобора кўпроқ қисмининг кўпроқ эркинлик томон ривожланиб боровчи ҳаракатидан иборатдир. Ҳуқуқий нуқтаи назардан эса ушбу жараён одамларнинг тобора кўпроқ қисми (жамиятнинг барча янги қатламлари ва синфлари вакиллари) ҳуқуқнинг расман тенг субъектлари деб эътироф этилади.

Шундай қилиб, кишилар ўртасидаги муносабатлардаги эркинлик ва ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши ўзида, **кишиларнинг расман (юридик) эркин шахслар сифатидаги тенглиги тараққиётдан** иборат. Дастлаб эркин бўлмаган кишилар оммаси ҳуқуқ механизми - расман (ҳуқуқий) тенглик орқали, тарихий ривожланиш давомида аста-секин эркин индивидларга айланади. Ҳуқуқий тенглик муайян ҳуқуқ-тартибот кўринишида умумий норматив-ҳуқуқий шаклда эркинликни воқеликка айлантиради.

Айни маҳалда ҳуқуқ ва эркинликнинг, ҳуқуқ ва адолатнинг, ҳуқуқ ва тенгликнинг бир-бирига зидлиги тўғрисидаги тасаввур ҳамма жойда кенг тарқалган. Улар кўп жиҳатдан ҳуқуқ деганда ҳокимиятнинг ҳар қандай амру фармони, кўпинча аксилҳуқуқий, ўзбошимча, зўравонлик тусига эга бўлган қонунлар назарда тутилганлиги туфайли келиб чиққан.

Эркинлик кўпинча тенгликка зид қилиб қўйилади. Масалан, кичик авлодга мансуб бир қанча софистлар (**Пол, Каллик, Критий**) эркинлик тўғрисидаги «энг яхшиларнинг» имтиёзлар ва ўзбошимчаликка бўлган ҳуқуқи, кучлиларнинг кучсизлар устидан ҳукмронлик қилиши ҳуқуқи сифатидаги аристократик ва золимона тасаввурлардан иборат ҳуқуқий тенгликни рад этганлар. XIX асрда бундай ёндашувни **Ф.Ницше** ривожлантирдиган. XX асрда **Н.А.Бердяев** «шахс эркинлигининг» диний-аристократик концепциясини (нотенглик

апологияси ва тенгликнинг танқиди руҳида) асослаган<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий тенгликни «юқоридан» (эркинликнинг элитар версияси фойдасига) аристократик танқид қилишдан фарқли равишда ҳуқуқий тенглик ва умуман ҳуқуқни (коммунистик «эркинлик оламига» ялпи сакраш, «амалдаги тенгликни» қарор топтириш ва ҳоказолар мақсадида) марксистик инкор этиш «қуйидан» олиб борилади.

Бизнинг кунларда «Россияда ва посткоммунистик мамлакатларда юз бераётган ўзгаришларнинг моҳияти» (яъни уларнинг «замонавийлашуви») «тенглик мантиқидан эркинлик мантиқига ўтишдан»<sup>2</sup> иборат, деган (хато' ва хавфли) тасаввур кенг ёйилган. Бунда социализм, ўзининг текисчилиги (яъни ҳуқуқ ва тенгликнинг зидди) билан биргаликда, тенглик олами сифатида намоён бўлади. Бу оламдан тенгликсиз эркинлик оламига ўтиш керак эмиш.

Эркинлик ва тенгликни бир-бирига ушбу ва шунга ўхшаш қарама-қарши қўйишларда бу ҳодисалар ва тушунчаларнинг аҳамияти моҳият эътибори билан (хатоликлар, ижтимоий манфаатлар ва ҳ.к. туфайли) ихтиёрий белгиланади.

Эркинлик ва тенглик бир-биридан ажралмас ва ўзаро бир-бирини тақозо этади. Бир томондан, ҳуқуқий лаёқатлилик ва умуман ҳуқуқ субъектиликнинг зарур негизи бўлмиш эркин индивид эркинликнинг инсонларга нисбатан бирламчи ва белгиловчи жиҳати ҳисобланади; иккинчи томондан, индивидларнинг ушбу эркинлигини ушбу индивидларнинг ўзаро муносабатларининг муайян соҳасида улар тенглигининг умумий принципи нормалари ва шакллари билангина ифодалаш мумкин. **Ҳуқуқ - шунчаки умумий кўлам ва тенг ўлчов бўлибгина қолмасдан, балки айнан ва, энг аввало, индивидлар эркинлигининг умумий кўлами ва тенг ўлчовидир.** Эркин индивидлар - ҳуқуқнинг «материяси», ташувчилари, моҳияти ва мазмунидир. Эркин индивидуаллик, шахс, жисмоний шахснинг ҳуқуқий қиймати инкор қилинган жойда ҳуқуқ бўлмайди ва бўла олмайди ҳам.

Эркинлик ва ҳуқуқнинг тарихий тараққиёти эркин, мустақил, ҳуқуқий шахснинг шаклланиши ва ривожланиши ин-

1. Қаранг: Бердяев Н.А. Философия неравенства. М., 1990. С.68,75,128,131.

2. Козловский В.В., Уткин А.И., Федотова В.Г. Модернизация: от равенства к свободе. СПб., 1995. С.3.

соннинг мулкчилик муносабатлари субъекти, ишлаб чиқариш воситалари эгаси сифатида зарурий тарзда эътироф этилиши билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Мулк инсон эркинлиги ва ҳуқуқи ифодаланишининг оддий шакллари ва йўналишларидан бири бўлибгина қолмасдан, умуман эркинлик ва ҳуқуқ учун цивилизацияли муҳитга айланади. Ишлаб чиқариш воситаларига индивидуал мулк ҳуқуқи инкор қилинган жойда эркинлик ва ҳуқуқ бўлмайдигина эмас, балки аслида бўлиши мумкин ҳам эмас.

Социализмнинг (хусусий мулкнинг ялпи тақиқланиши, унинг умумийлаштирилиши ва ҳоказолар) ҳуқуқ ва эркинлик билан номувофиқлигининг туб сабаблари илдизи мулк, эркинлик ва ҳуқуқнинг бундай ўзаро алоқалари мантигига бориб тақалади. Тоталитар социализмдан ҳуқуқий тенглик ва эркинлик асослари томон ўтишнинг бутун жараёнида мулкни носоциализмлаштиришнинг пойдор аҳамияти мана шу мантиқ билан белгиланади.

### 3. Ҳуқуқ адолат сифатида

Ҳуқуқни расман тенглик сифатида тушуниш ялпи тенг ўлчов ва эркинлик билан биргаликда адолатни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш жиҳатидан бу **адолат ҳуқуқ тушунчасига киришини**, ҳуқуқ белгиланишига кўра адолатли эканлигини, адолат эса ҳуқуқнинг ички хоссаси ва фазилати эканлигини, **категория ва тавсифлар ҳуқуқдан ташқари эмас** (ахлоқ, одоб, дин билан боғлиқ эмас ва ҳоказо), балки ҳуқуқий эканлигини англатади.

Шу сабабли қонуннинг адолатлилиги ёки адолатсизлиги масаласи ҳамма вақт ўринли бўлиб, бу моҳият эътибори билан қонуннинг ҳуқуқий ёки ҳуқуқий эмаслиги, унинг ҳуқуққа мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги масаласидир. Бироқ масаланинг бундай қўйилиши ўринли эмас ва уни ҳуқуққа нисбатан татбиқ қилиб бўлмайди, чунки у (тушунча бўйичаёқ) ҳамма вақт адолатлидир ва ижтимоий оламда адолатни ташувчи ҳисобланади.

Боз устига, **фақат ҳуқуққина адолатлидир**. Чунки адолат, ўзида умумаҳамиятли тўғрилиқни акс эттиргани ва ифодалагани учун ҳам адолатлидир, бу эса рационаллаштирилган

кўринишда ялпи қонунийликни, яъни ҳуқуқнинг моҳияти ва асосини, ялпи тенглик ва эркинликнинг ҳуқуқий принципи мазмунини англатади.

Муносабати ҳуқуқий шакл орқали билвосита зоҳир бўлган барча учун, - ушбу ҳуқуқий доира қанчалик тор бўлмасин, - ҳуқуқ умумий шакл, ҳуқуқнинг (ўзининг амалдаги, жисмоний, ақлий, мулкӣ мавқеига ва ҳоказоларга кўра турлитуман бўлган) барча субъектлари учун умумий аҳамиятли, бир хилда адолатли тартибга солиш кўлами ва ўлчови бўлади. Умуман олганда, ҳуқуқнинг кўлам ва ўлчов (айнан, тенглик, эркинлик ва адолат ўлчови)нинг ягона ва тенг ҳодиса сифатидаги (муносабатларнинг у ёки бу доираси учун) умумийлиги ўзбошимчалик ва имтиёзлар (ушбу ҳуқуқий соҳа доирасида) инкор этилишини англатади.

Адолат мазмуни ва этимологиясига (келиб чиқишига) кўра (iustitia) ҳуқуққа (ius) бориб тақалади, ижтимоий оламда ҳуқуқий асос мавжудлигини ва унинг тўғрилиги, императивлиги ва зарурлигини ифодалашини англатади.

**Ҳуқуқни ифодалайдиган, ҳуқуққа мувофиқ келадиган ва ҳуқуққа амал қиладиган нарсагина адолатлидир.** Адолат билан иш кўриш демак, ҳуқуқий, умумий ва тенг ҳуқуқ талабларига мувофиқ иш кўришдир. Адолатлилик ҳуқуқдан ташқари қандайдир бошқача принципни ва ифодаланиш шаклини билмайди.

Адолатлиликнинг ҳуқуқий хусусиятини ва мазмунини инкор этиш қандайдир ноҳуқуқий асос, масалан, текисчилик ёки имтиёз талаблари, у ёки бу ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ижтимоий, миллий, иқтисодий ва ҳоказо тасаввурлар, қизиқишлар, талабларни адолатнинг ўрнига қўйишга интилишга олиб келади. Бу билан адолатнинг ҳуқуқий (яъни барча учун умумий ва тенг) аҳамияти қандайдир алоҳида, қисман (индивидуал, синфий, партиявий, гуруҳлар манфаатларидан) манфаатлар ва зўравонликдан иборат мазмун, норасмий даъволар билан алмаштирилади.

Адолатнинг ҳуқуқий табиатини инкор этиш моҳият эътибори билан унинг ўрнига қандайдир ноҳуқуқий (аксилҳуқуқий ёки ҳуқуқдан ташқари) адолатни қарор топтиришни англатади. Бундай ёндашув мантиғига кўра, ҳуқуқ (нафақат аксилҳуқуқий қонун, балки умуман ҳуқуқ) адолатсиз бўлиб чиқади, адолатсизлик эса азалдан у ёки бу ҳуқуқдан ташқар-

ри (ижтимоий, сиёсий, диний, ахлоқий ва ҳоказо) асос, қоида, талаб билан ифодаланган.

Ушбу ўринда ҳуқуқнинг адолатлилиги, агар бунга умуман йўл қўйилса, ҳосила, иккиламчи, шартли хусусиятга эга ва ҳуқуқнинг тегишли ҳуқуқдан ташқари асосга бўйсундирилишига боғлиқ қилиб қўйилган. Ҳуқуқдан ташқари бундай асослар ҳуқуқий тенглик ва умуман ҳуқуқ принципи муайянлигидан (ҳуқуқий норма ҳуқуқнинг ягона кўлами шаклининг умумийлигидан) маҳрум этилган экан, у шубҳасиз субъективизм, релятивизм, ўзбошимчалик билан иш кўриш ва хусусий танлаш (индивидуал, гуруҳли, жамоавий, партиявий, синфий ва ҳоказо) ҳукмронлиги остига тушиб қолади. Ўзаро бир-бирига қарши курашаётган ва бир-бири билан келишмайдиган адолат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ҳуқуқдан ташқари тасаввурлар мавжудлиги ҳамда у ёки бу хусусий, бир қисм асоснинг ҳуқуқ ва адолатга хос бўлган умумий асосга бир томонлама даъвогарлик қилиши мана шу билан изоҳланади.

Ҳуқуқ (ва ҳуқуқий қонун) ҳар хил алоҳида манфаатлар ва даъволарни инкор этмайди, албатта, бундай манфаатлар унинг томонидан зарур даражада (айнан адолатли) эътироф этилиши, қондирилиши ва ҳимоя қилиниши керак. Бунга эса, адолат (умуман ҳуқуқ, ҳуқуқий ёндашув ва ҳуқуқий тартибга солиш принципи) ушбу даъволарнинг ўзи билан қўшилиб кетмасагина ва бундай хусусий манфаатлардан бирининг норматив ифодаланишига ҳамда бош асосига айланмасагина эришиш мумкин. Адолат, аксинча, умумий ҳуқуқий асосдан иборат бўлган ҳолда, ушбу барча норасмийликдан юқори туради, уларни расмий-тенг, шу тўғрисида барча учун бир хилда адолатли бўлган ҳуқуқий ўлчов билан (ҳуқуқнинг умумий кўлами воситасида ҳуқуқий тартибга солиш ва одил судловнинг ягона мезонида) «ўлчайди» ва баҳолайди.

Масалан, «ижтимоий адолат»нинг у ёки бу талаблари ҳуқуқий нуқтаи назардан рационал мазмунга эга ва улар ҳуқуқий умумийлик ва тенгликка мувофиқ келганлиги учун эътироф этилиши ва қондирилиши мумкин, бинобарин, уларни ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳаларида ҳуқуқий адолат талаблари тарзида ифодалаш мумкин. «Ижтимоий адолат» деб аталадиган тушунча ҳуқуққа мувофиқ келиши ҳам, уни инкор этиши ҳам мумкин. Тегишли «ижтимоий адолат»-

га нисбатан ҳуқуқий ёндашиш нуқтаи назари ва мантиқини шу тафовут белгилаб беради.

Ҳуқуқий адолатга ахлоқий, сиёсий, диний ва бошқа «адолат» талаблари зид қўйилган ҳолларда ҳам иш принцип жиҳатидан шу тахлит бўлади.

Ҳуқуқий тенглик принципи ва эркин субъектлар ижтимоий муносабатларининг регулятори ҳамда зарур шакли бўлган ҳуқуқнинг умумийлиги ва умумий аҳамияти доирасида айнан ҳуқуқий адолат ушбу маконда адолатнинг роли ва ўрнига қилинаётган барча бошқа даъволарнинг ҳуқуқийлиги ёки ҳуқуқий эмаслигининг мезони сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқий адолат ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйиб, уни барча учун мумкин бўлган, умумий ва тенг, имтиёзларни рад этувчи ва эркинликни қарор топтирувчи ягона ҳуқуқий усулга айлантиради.

## **Тўртинчи боб. Ҳуқуқ ва давлат тушунчаси**

### **1. Ҳуқуқ тушунчаси**

Расман тенглик принципининг юқорида кўриб чиқилган қисмлари (ялпи тенг ўлчов, эркинлик, адолат) ўзида ҳуқуқнинг қонундан фарқ қиладиган моҳиятининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи таърифи (тавсифи)ни ташкил этади. Ҳуқуқ расмий тенглик; ҳуқуқ - ялпи тенг ўлчов; ҳуқуқ - ялпи эркинлик; ҳуқуқ - ялпи адолат ва ҳоказо сингари зоҳиран ҳар хил таърифларнинг ички маъновий қиммати тенглиги ҳам шундан.

Ҳуқуқнинг ушбу таърифларида ҳуқуқни бошқа моҳиятлардан фарқ қилувчи мустақил моҳият сифатида тушуниш қайд этилган. Ҳуқуқнинг ушбу объектив хоссалари сингари, ҳуқуқнинг ушбу хоссалар билан тавсифланадиган моҳияти ҳам ҳуқуқни қонундан фарқлайдиган таърифга тегишлидир, яъни мазкур хоссалар ва моҳият қонун чиқарувчининг иродасига боғлиқ эмас.

Ҳуқуқни «позитивлаштириш» деб аталадиган жараёнда, унинг қонун сифатида ифодаланиши жараёнида ҳуқуқ моҳиятининг ушбу бирламчи таърифига янги таъриф - муайян вақтда ва муайян ижтимоий маконда қонун (позитив ҳуқуқ) сифатида расман эътироф этиладиган ва белгиланадиган

ҳодисанинг давлат-ҳокимият йўли билан умумий мажбурийлиги кўшилади. Бунда биз моҳиятан ҳуқуқий бўлган ҳодиса сифатидаги қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг), яъни ҳуқуқий қонуннинг ўрнатилиши гувоҳи бўламиз.

**Ҳуқуқий қонун** - бу ҳуқуқнинг (моҳият сифатидаги ва ҳодиса сифатидаги ҳуқуқнинг) амалдаги позитив ҳуқуқ учун зарур бўлган расман эътироф этилиши, умумий мажбурийлиги, муайянлиги, аниқлигининг муқобил ва тўлиқ ифодаланишидир.

Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ҳамда мос келиши маъносидан қонуннинг умумий мажбурийлигини унинг ҳуқуқий табиати тақозо этиши ҳамда ҳуқуқнинг объектив хоссалари умуаҳамиятининг оқибати, тегишли расмий ҳужжатлар ва кўрсатмаларда ҳуқуқ принципи ва талабларининг ҳокимият йўли билан эътироф этилиши, риоя қилиниши, аниқлаштирилиши ҳамда ҳимоя қилинишига бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг ва унинг зарурлигининг кўрсаткичи ҳисобланиши кўриниб туради. Ашёлар мантиқига кўра, **ҳуқуқ расмий-ҳокимият йўли билан умумий мажбурийлик оқибати эмас, балки, аксинча, ҳуқуқнинг оқибати - бу мажбурийлик** (ҳуқуқнинг умум аҳамиятли ижтимоий маъносининг давлат-ҳокимият шакли) эканлиги айнан шунинг ўзидир. Бундай умумий мажбурийлик, ҳуқуқнинг объектив хоссалари тўғрисидаги дастлабки таърифларга қўшимча равишда, **ҳуқуқнинг (айнан олганда - қонун кўринишидаги ҳуқуқнинг)** яна бир зарур таърифи сифатида намоён бўлади. Бу таърифнинг маъноси ҳуқуқий қонун мажбурий эканлигидан эмас, балки **фақат ҳуқуқий қонун умумий мажбурий** эканлигидан иборатдир.

Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ва нисбатининг либертар-юридик концепцияси мазмунидан бундай позитив ҳуқуқ (ҳуқуқий қонун) умумий тушунчасининг ҳатто энг қисқа дефиницияси ўз ичига камида икки таърифни (икки тавсифни) олиши кераклиги келиб чиқади. Улардан биринчисида ҳуқуқнинг моҳият сифатидаги (яъни ҳуқуқнинг қонундан фарқланиши) тавсифи, иккинчисида - ҳуқуқнинг ҳодиса сифатидаги (яъни давлат - мажбурий, қонуний ҳодиса сифатидаги) тавсифи ўрин олиши керак.

Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқнинг умумий тушунчасининг бир қанча таърифни келтириш мумкин. Масалан, **ҳуқуқнинг объектив талабларига мувофиқ келувчи позитив**

ҳуқуқни (яъни ҳуқуқий қонунни) умумий мажбурий расман тенглик сифатида; қонуний кучга эга бўлган эркинликнинг тенг ўлчови (кўлами, шакли, нормаси) сифатида; тенглик, эркинлик ва адолатнинг умумий мажбурий шакли сифатида; тенглик, эркинлик ва адолатнинг умумий мажбурий нормалар тизими сифатида таърифлаш мумкин.

Ҳуқуқнинг (ҳуқуқий қонуннинг, яъни ҳуқуқнинг объектив муҳим хоссаларига мувофиқ келувчи позитив ҳуқуқнинг) умумий тушунчаси таърифини батафсилроқ қуйидагича ифодалаш мумкин: ҳуқуқ - бу расман тенглик принципи талабларига мувофиқ бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ёки рухсат берилган ҳамда давлат томонидан мажбур қилиш имконияти билан таъминланган нормалар тизими.

Ҳуқуқнинг мазкур дефиницияси умумий тусга эга бўлиб, позитив ҳуқуқнинг барча (ўтмишдаги ва ҳозирги, давлат ички ва халқаро) типлари ҳамда тизимларига ёйилади, тўғри, фақат ушбу тизимлар ва типлар ҳуқуқнинг объектив табиати ва талабларига мос келадиган даражада, ўзбошимчаликни эмас, балки ҳақиқатан ҳам ҳуқуқни позитивлаштирасигина тааллуқли бўлади. Шу сабабли мазкур дефинициялар позитив ҳуқуқнинг амал қилиб турган ҳар хил тизимлари ва типларининг ҳуқуқий фазилатини текшириш ва баҳолаш учун, уларда ҳақиқатдан ҳам ҳуқуқни позитивлаштириш тўғрисида сўз бораётгани ёки ҳуқуқ ва қонун шаклларида ўзбошимчаликни ва деспотизмнинг зўрлик билан ўрнатилишини яшириш учун фойдаланилаётгани эканлигини аниқлаш мезони ҳам бўлади.

Ҳуқуқ «позитивлашуви»нинг реал жараёни, унинг қонунга айланиши, ҳуқуқнинг объектив моҳияти билан боғлиқ хоссаларини ҳисобга олиш зарурияти билан биргаликда, кўплаб бошқа (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, қонун ижодкорлиги ва бошқа) омилларга боғлиқдир. Шу сабабли қонуннинг ҳуқуққа мувофиқ келмаслиги тузумнинг ҳуқуқни инкор этувчи хусусияти, қонун чиқарувчининг аксилҳуқуқий нуқтаи назари ёки унинг ҳар хил хатолари ва адашишлари, ҳуқуқий ва қонун ижодкорлиги маданияти пастлиги ва бошқалар оқибати бўлиши мумкин.

Эркинлик, ҳуқуқ ва давлатчиликнинг тарихий ривожланиши жараёнида ҳуқуқни бузувчи қонунга қарши кураш олиб бориш давомида қонун ижодкорлиги фаолиятининг (ва уму-



ман ҳуқуқнинг «позитивлашуви» жараёнининг) ўзининг махсус институтлари, тартиботлари ва қоидалари, шунингдек қонуннинг ҳуқуқий мувофиқлиги устидан нуфузли, самарали назорат қилиш (ҳокимиятнинг бўлиниши, ҳокимиятнинг турли шохобчалари ўртасида посанги тизими, қонуннинг ҳуқуқий сифати устидан умумий суд, конституциявий суд, прокурор назорати ҳамда бошқалар) шаклланди ва қарор топди.

## 2. Давлат тушунчаси

Ҳуқуқда моҳият ва ҳодисанинг нисбатини либертар-юрдик талқин қилишга мувофиқ ҳуқуқий моҳиятни ҳуқуқий қонун кўринишида (ҳуқуқий ҳодиса сифатида) ифодалаш - давлатнинг амалий ҳуқуқни ўрнатувчи (қонун ижодкорлиги) фаолияти давомида, яъни умумий мажбурий ҳуқуқнинг қонун (позитив ҳуқуқнинг ҳар хил манбалари ва нормалари) кўринишида давлат-ҳокимият йўли билан позитивлаштирилиши жараёнида расман тенглик принципи талабларининг норматив-ҳуқуқий аниқлаштирилишидир. Умумаҳамиятли ҳуқуқий моҳият (расман тенглик) ва умумий мажбурий ҳуқуқий ҳодиса (қонун)нинг бундай зарур алоқаси ҳуқуқ ва давлатнинг тушунчавий-ҳуқуқий бирлигини намоён қилади, ҳуқуқнинг умумий мажбурий қонун сифатида ўрнатилиши ва амал қилиши учун давлатнинг ҳокимиятнинг ҳамма учун умумий бўлган шакли сифатидаги ҳуқуқий табиатини аниқлайди ва унинг ҳуқуқий зарурлигини ифодалайди.

**Ҳуқуқий моҳиятнинг ҳуқуқий ҳодиса кўринишида ифодаланиши жараёнида ҳуқуқнинг расман-ҳокимият жиҳатидан легаллашуви (lex - қонун) ялпи (оммавий) давлат ҳокимияти бўлмиш ҳуқуқни ўрнатувчи (қонун чиқарувчи) ҳокимиятнинг ўзининг юридиклашуви (ius - ҳуқуқ) ва юридик легитимлашуви билан қўшилиб кетади.** Ҳуқуқни ўрнатувчи ҳокимият тегишли (демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ҳуқуқни қўлланувчи ҳокимият ҳам) юридик - мантиқан ва тарихан айнан расман-ҳокимият йўли билан ҳуқуқ ўрнатилиши (ҳамма учун умумий ва умумий мажбурий қонун кўринишида умумий ва умумаҳамиятли ҳуқуқий моҳиятнинг ифодаланиши) жараёнида ўзини намоён қилади, тузилади ва давлат сифатида

мавжуд бўлади, яъни умумий мажбурий ҳуқуқий қонунлар асосида ва улар доирасида иш кўрувчи умумий (оммавий) ҳуқуқий ҳокимият сифатида фаолият кўрсатади.

Шундай қилиб, давлат қонун йўли билан мустаҳкамланган муайян ҳуқуқ-тартиботни ўрнатувчи ва ҳимоя қилувчи умумий (оммавий) ҳокимиятнинг ҳуқуқий шакли сифатида иш кўради ва қарор топади. Унинг доирасида (барча субъектлар, шу жумладан давлат томонидан) **тўғридан-тўғри зўрлик тақиқланган**, ҳуқуқ томонидан йўл қўйиладиган, ижтимоий турмушда куч ишлатилиши эса **қонунлаштирилган ҳуқуқ** (ҳуқуқий қонун) **санкцияси шакли ва чегараларида** ҳуқуқий (давлат-ҳуқуқий) **мажбур қилишига** айлантирилган.

**Ҳар қандай давлат** - умумий (оммавий) ҳокимиятнинг ҳуқуқий шакли сифатида - **бу (ҳуқуқнинг тегишли ижтимоий-тарихий даврда ривожланиши даражасига кўра) ҳуқуқий давлатдир ва у деспотизмнинг барча (зўравонлик, диктатура, тоталитаризм (мустабидлик) ва ҳоказо) турларидан принципиал жиҳатдан фарқ қилади.** Деспотизм расман ҳокимиятнинг зухур топиши, ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуққача бўлган, ноҳуқуқий ва аксилҳуқуқий (тенглик, адолат ва эркинликни инкор этувчи) шаклидан иборатдир.

Давлатнинг (эркин кишилар ҳокимиятининг ҳуқуқий шакли сифатида) деспотизмга (зўравонлик ҳокимияти ва бировларнинг бошқалар устидан ҳукмронлиги сифатида) бундай зид қўйилиши фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тарихида узоқ анъанага эга (Аристотель, Цицерон, Августин, Фома Аквинский, Локк, Кант, Гегель ва бошқалар) ва узоқ ўтмишнинг тарихий тажрибаси билангина эмас, балки зўравонлик билан ҳукмронлик қилишнинг ҳамда ҳуқуқ ва давлатчилик асосларининг тубдан инкор қилинишининг энг янги деспотик шакли бўлган XX аср тоталитаризмининг амалдаги кўринишлари билан мустаҳкамланган.

Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий давлат сифатида келтирилган талқинини (унинг ҳуқуқни инкор этувчи деспотизмга принципиал зидлиги билан) **ҳуқуқий давлатни замонавий тушуниш** билан аралаштириб юбормаслик керак. Ҳуқуқий давлат деганда, ҳуқуқ ва давлат ривожланишининг замонавий даражасига мувофиқ келувчи, алоҳида хоссалар ва тавсифлар тўпламига эга бўлган оммавий ҳокимият ҳуқуқий ташкилотининг махсус, конструкцияси (инсоннинг асосий аза-

лий ҳамда ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида замонавий жаҳон стандартларининг конституциявий мустаҳкамланиши, ҳокимиятнинг бўлиниши ва ҳоказолар) назарда тутилади.

Замонавий ҳуқуқий давлат - бу давлат мавжудлигининг тарихан энг ривожланган шакли. Давлат ўз мавжудлигининг олдинги тарихий босқичларида ҳам ўзида ҳуқуқий давлатни камроқ ривожланган шаклларда ифодалаган. Шу сабабли умумий (оммавий) ҳокимиятнинг ҳуқуқий шакли бўлган ҳар қандай давлат (ҳокимиятнинг деспотик типидан фарқ қилган ҳолда) ўз тарихий мавжудлигининг барча босқичларида **расман тенглик принципини**, унинг мазмуни ва талабларини **ифодалаш, аниқлаштириш ва амалга оширишнинг муайян ташкилий-ҳокимият шаклидир**. Айнан шу сабабдан ҳуқуқ ва давлат одамларнинг ижтимоий турмушида тенглик, эркинлик ва адолатнинг норматив ва институциявий-ҳокимият йўли билан **ифодаланишининг зарур умумий шакллари ҳисобланади**. Индивидларнинг ушбу эркинлиги, энг аввало, улар расман тенг шахслар - ҳуқуқ субъектлари ва давлат субъектлари сифатида иш кўришларида ифодаланади.

Айтилганларни ҳисобга олган ҳолда давлатнинг умумий тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **давлат - эркин индивидлар оммавий ҳокимиятининг ҳуқуқий (яъни расман тенглик принципига асосланган) ташкилоти** .

Давлатнинг ҳуқуқий моҳияти ва ундаги ҳуқуқий асос (эркин кишиларнинг расман тенглиги принципи, уларнинг ҳуқуқ субъектилиги ва давлат субъектилиги эътироф этилиши) давлатнинг барча тарихий типлари ва шаклларида, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва унинг мавжуд бўлишининг барча жиҳатлари ва йўналишларида у ёки бу кўринишда намоён бўлади. Давлатнинг (унинг ташкилий шакллари, функционал намоён бўлиши ва бошқалар) ривожланганлиги даражаси пировард натижада унда акс эттирилган ва амалга оширилган одамларнинг расман тенглиги принципи ривожланганлигининг ўлчови билан белгиланади.

Давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг ижтимоий-тарихий босқичлари - бу инсоний муносабатларда расман тенглик, эркинлик ва адолат асослари амалга оширилишининг тараққиётга юз тутаётган босқичларидир.

## Бешинчи боб. Ҳуқуқ онтологияси

Ҳуқуқ онтологияси (ҳуқуқ борлиғи ҳақидаги таълимот), ҳуқуқ гносеологияси (ҳуқуқни билиш тўғрисидаги таълимот) ва ҳуқуқий аксиология (ҳуқуқ қадрияти тўғрисидаги таълимот) муаммолари ҳуқуқни тушунишнинг ҳар хил типлари вакиллари томонидан турлича талқин этилади. Бунда ҳуқуқни тушунишнинг ҳар бир типни доирасида онтологик тусдаги масалаларни кўриб чиқиш (ҳуқуқ нима?) ҳуқуқий гносеология (ҳуқуқ қандай билиб олинади?) ва ҳуқуқий аксиология (ҳуқуқнинг қиммати нимада?) муаммолари билан чамбарчас, баъзан эса узвий боғлиқдир.

### 1. Легистик онтология

Қонун чиқарувчининг субъектив иродаси ва ўзбошимчалигига боғлиқ мустақил бўлмаган объектив ҳуқуқий моҳиятни легистик инкор этиш ва ҳуқуқни қонундан иборат қилиб қўйиш (позитив ҳуқуқ) онтологик жиҳатдан легистлар (позитивистлар ва неопозитивистлар) учун ҳуқуқнинг борлиғи - бу эмпирик-реал (шу маънода позитив) ҳодисанинг, яъни расман - ҳукмрон характердаги муайян феноменнинг мавжудлигини англатади. Мазкур феноменнинг реаллиги (ва позитивлиги) норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ҳуқуқнинг манбаи сифатида талқин этиладиган (тушуниладиган) тегишли расман ҳужжатнинг матни сифатида тақдим этилган.

Легистларнинг (позитивистлар ва неопозитивистларнинг, айниқса таҳлилий юриспруденция вакиллари) ҳужжат матнининг юридик-догматик таҳлилига, уни легистик лингвистика ва герменевтика (матнларни талқин қилиш назарияси) нуқтаи назаридан талқин қилишга қаттиқ қизиқиши шу билан изоҳланади. Шунда ҳужжат матнини бу тариқа таҳлил этиш доирасидан ташқарига чиқадиган ҳамма нарса легистлар учун қандайдир метафизик, нореал, нопозитив ҳисобланади. Бунга ўхшаш нопозитив ғоялар, тушунчалар, принципалар (ҳуқуқнинг моҳияти, ҳуқуқ ғояси, табиий ҳуқуқ, инсоннинг бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқлари ва ҳоказолар каби), легизмга кўра, ёлғон сўзлар, забоний хомхаёллар ва сафсатадир. Бу билан онтологик ҳамда гносеологик характердаги (ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодиса, махсус регулятор си-

фатида ҳуқуқ борлиғи тўғрисидаги ва ҳоказо) тушунча-маъно муаммолари сўзни тўғри қўллаш ҳақидаги легистик таъсавурлар билан алмаштирилади.

Бундай ёндашувни таҳлилий юриспруденция вакиллари (Д.Остин ва бошқалар)нинг қарашлари қарор топишига сезиларли таъсир кўрсатган ашаддий позитивист **И.Бентам** ривожлантирган. Табиий ҳуқуқ - И.Бентамнинг баҳосига кўра, забоний уйдирма, мажоз, инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари эса бир рўёдир.

Ҳуқуқ фанлари тилини бундай «ёлғон» сўزلардан «тозалаш» бўйича Бентам бошлаган иш кейинги позитивистлар, айниқса, ҳуқуқ тўғрисидаги кельзенча «соф» таълимот томонидан изчил давом эттирилди.

Инқилобгача бўлган даврда рус ҳуқуқшуноси **В.Д.Катков** ушбу йўналишда ҳаммадан илгарилаб кетган. У юриспруденцияни «умумий тилшунослик» ёрдамида ислоҳ қилиб, ҳатто «ҳуқуқ» сўзидан умуман воз кечишни ва унинг ўрнига «қонун» сўзидан фойдаланишни таклиф этган, чунки реал воқеликда «алоҳида ҳуқуқ ҳодисаси йўқ» деб таъкидлаганди у<sup>1</sup>.

Ҳуқуқнинг легистик онтологияси, шундай қилиб, феноменалистик характерга эга, боз устига ҳуқуқ феномен (ҳодиса) сифатида ҳуқуқий моҳиятдан маҳрум этилган. Бунда ҳуқуқ борлиғи бирон-бир объектив асосга боғлиқ эмас, балки умуман ва тўла равишда ҳокимиятнинг нуфузи, унинг ўз субъектив ихтиёри ва қарори билан белгиланади.

## 2. Табиий-ҳуқуқий онтология

Ҳуқуқ борлиғи, юснатурализм онтологиясига мувофиқ, икки қарама-қарши шаклда: ҳуқуқнинг ҳақиқий борлиғи шаклида (бу табиий ҳуқуқ борлиғи) ва ҳақиқий бўлмаган борлиқ шаклида (бу позитив ҳуқуқ борлиғи) ифодаланади.

Бунда табиий ҳуқуқнинг ҳам, унинг борлиғининг ҳам ҳақиқийлиги деганда ҳуқуқ деб аталмиш нарсанинг ҳақиқий мазмунини ифодаловчи муайян моҳият сифатидаги ҳуқуқнинг объектив мавжудлиги (худо, табиат, ақл томонидан берил-

---

1. Катков В.Д. Реформированная общим языковедением логика и юриспруденция. Одесса, 1913. С 391, 407.

ганлиги ва ҳоказо) назарда тутилади. Ушбу объектив моҳият ҳуқуқнинг ҳақиқий, чинакам борлиғидир. Объектив моҳиятнинг ҳақиқийлиги, шундай қилиб, бевосита мавжудлик хос-сасини ҳам ўз ичига олади.

Табиий ҳуқуқ борлиғи ҳуқуқнинг чинакам борлиғи сифатида ўз-ўзига етарлидир, чунки бундай борлиқ - бу айни вақтда моҳият борлиғи ва мазкур моҳиятнинг ҳодиса сифатида бевосита мавжуд бўлиши (ва амал қилиши)дир. Табиий-ҳуқуқий моҳият чинакам борлиқ шаклида ва доирасида мавжуд бўлади ҳамда ўзининг зуҳур топиши ва амал қилиши учун ғайриборлиққа (ҳақиқий борлиқдан бўлакча шаклларда намоён бўлиш, мавжуд бўлиш ва амал қилишга) эҳтиёж сезмайди.

Ҳуқуқнинг ғайриборлиғи (яъни ҳуқуқнинг ҳақиқий борлиқдан ташқари, ҳақиқий моҳият билан ўхшаш бўлмаган ташқи ҳодиса шаклида мавжуд бўлиши) эса, ушбу онтологияга мувофиқ, ҳақиқий бўлмаган (сунъий, ихтиёрий) ҳуқуқнинг ҳақиқий бўлмаган борлиғида - позитив ҳуқуқнинг мавжуд бўлиши ва амал қилишида зоҳир бўлган.

**Икки ҳуқуқ** (ҳуқуқ борлигининг икки шакли) - ҳақиқий (табиий) ҳуқуқ ва ҳақиқий бўлмаган (позитив) ҳуқуқнинг бир вақтда, баб-баравар, бир-биридан мустақил равишда мавжуд бўлиши ва амал қилиши тўғрисидаги тасаввур мана шундай ёндашув билан боғлиқдир.

Ҳуқуқ борлиғи икки шаклининг ажралишидан келиб чиқувчи табиий ҳуқуқий онтология легистик ёндашувни (ҳуқуқнинг объектив моҳиятини инкор қилиш ва бошқалар) тўғри танқид қилиши билан биргаликда иккинчи томонга - ҳуқуқнинг ғайри борлиғи, зарурлигини, яъни ҳуқуқ моҳиятининг давлат томонидан ўрнатилган умумий мажбурий ҳуқуқий ҳодиса - ҳуқуқий қонун (ҳуқуқ моҳиятига мувофиқ позитив ҳуқуқ) шаклида ифодаланишини инкор қилишга томон оғиб кетади.

Бироқ, ҳуқуқнинг ҳақиқийлиги - унинг моҳият сифатидаги ҳақиқийлигигина эмас, балки унинг умумий мажбурий ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги реаллиги ҳамдир.

### 3. Либертар-юридик онтология

Либертар-юридик онтологияга мувофиқ, ҳуқуқнинг мавжудлиги - бу ҳуқуқий қонуннинг, яъни ҳуқуқнинг объектив моҳиятини (расман тенглик принципининг хоссалари ва талабларини) ифодаловчи позитив-ҳуқуқий ҳодисанинг реал, нақд борлиғидир.

Ҳуқуқ борлиғи, унинг мавжудлиги ва амал қилиши ҳуқуқий моҳият билан ҳуқуқий ҳодиса ўртасидаги зарур алоқани тақозо этади. Уларнинг ўзаро боғлиқ бўлган бирлиги ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли ва ўзига хос бошқарувчиси сифатидаги ҳуқуқдир.

Либертар-юридик онтология, гўё ҳуқуқ - бу, юснатуралистлар айтганидек, умумий мажбурий ҳодиса сифатида зоҳиран ифодаланмай, ўз-ўзича мавжуд бўлувчи қандайдир идеал моҳият, ёхуд, легистлар ҳисоблаганидек, объектив ҳуқуқий моҳиятдан маҳрум бўлган қандайдир умумий мажбурий ҳодисадир, деган бир томонлама тасаввурларга қарши қаратилган.

Ҳуқуқ борлиги шакли сифатидаги (расман тенглик) ҳуқуқий қонунда ҳуқуқий моҳият муқобил умумий мажбурий ҳодиса сифатида (яъни қонуннинг моҳияти, позитив ҳуқуқ сифатида) ифодаланган (ва мавжуддир), умумий мажбурий ҳодиса (қонун) эса ўзида мазкур ҳуқуқий моҳиятни ифодалаш шаклидан иборат бўлади ва фақат шу сабабдан ҳуқуқий ҳодиса сифатида (ҳуқуқий қонун сифатида) ҳаракат қилади, мавжуд бўлади ва амал қилади.

**Ҳуқуқий қонун** - бу ҳуқуқ борлигининг лозим бўлган (муқобил, тўлиқ, тугалланган ва шу маънода - чинакам) шаклидир, чунки моҳият ва ҳодиса фақат ушбу шаклда ўзаро алоқадорликдаги ва зарур бирликдаги ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодисани ифодалайди. Ҳуқуқ борлигининг бундай зарурий шакли умумий мажбурий ҳодисанинг муқобил шаклидан маҳрум этилган табиий-ҳуқуқий моҳиятнинг мавҳум тушунчасига позитив ҳуқуқдан ташқаридаги мустақил борлиқ маъносини берадиган юснатурализмнинг онтологик тасаввурларида ҳам, тегишли ҳуқуқий моҳиятга эга бўлмаган умумий мажбурий ҳодисага ҳуқуқий ҳодиса маъносини берадиган легизмда ҳам мавжуд эмас.

Ҳуқуқий қонуннинг юснатурализм ва легизм нуқтаи на-

заридан ҳуқуқ борлиғи шакли сифатида бўлиши мумкин эмаслиги ушбу йўналишлар вакилларида унга татбиқан ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодисанинг фарқи, уларнинг ўзаро алоқаси ва бирлигининг зарур характери ҳақида назарий жиҳатдан сўз юритиш мумкин бўлган ҳуқуқнинг (ва унинг мавжудлигининг) тегишли концепцияси йўқлигидан далолат беради. Шу сабабли, қатъий қилиб айтганда, юснатуралистларда моҳият ва легистларда ҳодиса айнан ҳуқуқий моҳиятни ва айнан ҳуқуқий ҳодисани ифодалайди, чунки юснатуралистик моҳият умумий мажбурий ҳодисанинг моҳияти эмас, легистик ҳодиса эса - объектив ҳуқуқий ҳодисанинг моҳияти эмас.

Либертар-юримдик онтологияга кўра, расман тенглик (яъни ҳуқуқий моҳият) - бу умумий мажбурий позитив-ҳуқуқий ҳодиса (қонун)нинг моҳияти, умумий мажбурий позитив-ҳуқуқий ҳодиса (қонун) эса - бу ушбу объектив ҳуқуқий моҳият (расман тенглик) намоён бўлиши, ифодаланиши ва аниқлаштирилишининг давлат шаклидир.

Ҳуқуқ борлиги ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодисанинг зарур бирлиги сифатидаги ҳуқуқнинг, одамларнинг ижтимоий турмушида тенглик, эркинлик ва адолатнинг умумий мажбурий шакли сифатидаги ҳуқуқнинг ботинан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи хоссалари ҳамда тавсифлари мажмуини ўз ичига олади.

Ҳуқуқ тарихийдир ва унинг мавжудлиги ижтимоий-тарихий тажриба орқали намоён бўлади. Шу маънода ҳуқуқ априор (тажрибага, фактларга асосланмаган, тажрибада кўрилмаган, текширилмаган, тажрибадан қатъи назар) эмас, балки апостериордир (тажриба ва фактларга асосланган, тажриба ва фактлардан келиб чиқадиган). Шу сабабли ҳуқуқ табиати (ҳуқуқ борлигининг ижтимоий-тарихий маъноси ва мазмуни, унинг моҳияти ва мавжуд бўлиши), гарчи ақл ҳам, табиат ҳам ҳуқуқнинг генезиси, ривожланиши ва амал қилиши билан боғлиқ тарихий жараёнда муҳим роль ўйнаса ҳам, на табиат ҳуқуқи (ҳуқуқнинг табиий мавжудлиги), на ақлнинг табиати (ҳуқуқнинг соф ақлдан априор мавжудлиги) билан аралаштириб юбормаслик керак.

Аристотелнинг «инсон, ўз табиатига кўра, - сиёсий мавжудот», (Аристотель. Политика. I. 1, 9, 1253 а, 16) деган қоида-сига ўхшатиб, **инсон, ўз табиатига кўра, - ҳуқуқий мавжудот,**



деб айтиш мумкин. Бироқ бундай мулоҳазалар асло кишилар ижтимоий турмушининг сиёсий ва ҳуқуқий моҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий шакллари априорлигини, инсонга табиат томонидан берилганлигини, туғмалигини англамайди.

Агар инсон, Руссо ҳисоблаганидек, эркин туғилганида эди<sup>1</sup> (одамлар табиатан эркин ва тенг бўлишлари керак эди), у ҳеч қаерда асоратга солинмаган бўларди, эркинлик, тенглик, ҳуқуқ, адолат масаласида инсониятнинг ҳеч бир муаммоси бўлмас эди.

Гап ҳаракат йўналиши бутунлай қарама-қарши эканлигидадир: инсон ва инсоният эркинлик, ҳуқуқ, тенглик, адолат мавжуд эмаслиги вазияти туфайли улар томон ривожланади. Сўз фақат инсон (ва бутун-бутун халқлар) ўз (интеллектуал ва иродавий) табиатига кўра бошқа жонли мавжудотлардан фарқ қилган ҳолда, ўзининг маънавий, маданий, ижтимоий ривожланиши ва такомиллашуви йўлида ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг сиёсий ва ҳуқуқий шаклларига келишга қодирлиги ҳақида бориши мумкин.

**Умумий мажбурий давлат қонун** (яъни ҳуқуқий қонун) шаклидаги тенглик ва эркинликнинг тарихан эришилган даражаси ва ўлчовлари реал-амалий қарор топиши либертар-юримдик онтология нуқтаи назаридан принципиал аҳамиятга эгадир. Бусиз на ҳуқуқ борлиғи, на биз тушунган маънодаги ҳуқуқий ҳодиса зоҳир бўлади.

Ҳуқуқий қонун борлиғи доирасида барча ҳуқуқий феноменлар (ҳуқуқий норма, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий онгина эмас, балки, айтайлик, ҳуқуқий лаёқатлилик ва ҳуқуқий субъектлик, ҳуқуқий мақом ҳамда ҳуқуқий режим, ҳуқуқий шартнома, даъво ва айблов, ҳатто прецедентлик ҳуқуқи мавжуд бўлмаган шароитда ҳам суд қарори ҳамда маъмурий қарор, ҳуқуқий тартиботлар ва процессуал шакллар ва бошқалар) мазкур ижтимоий вақт ва макон учун сифат жиҳатидан белгиланган ҳуқуқ моҳиятининг, расман тенглик принципининг ифодаланиши, амалга оширилиши ва мавжуд бўлиши шакллари ҳисобланади. **Ҳуқуқ мавжуд бўлишининг бу барча шакллари - ҳаёт ўз-ўзича фактлардан иборатлиги, бевон**

1. Руссонинг «Ижтимоий шартнома тўғрисида» трактатидан олинган ушбу машҳур қоида мана бундай жаранглайди: «Инсон эркин туғилади, бироқ ҳамма жойда у кишанда бўлади». - Руссо Ж.Ж. Трактаты. М., 1969. С.152.

**сита ижтимоий фактлар эмас, асло, балки расман тенглик принципининг мазмуни ва аҳамияти аниқлаштирилиши давомидаги сифат жиҳатдан тенг расмиятчиликдир.**

Бинобарин, ҳуқуқ борлиги ушбу шакллариининг фарқи моҳият характериға эмас, балки функционал характериға эгадир. Расмий тенглик умумий принципининг мазмуни, масалан, ҳуқуқий нормада ҳуқуқ субъектлари хулқ-атвори қоидалари кўринишида (ҳуқуқ субъектлари хулқ-атвори муайян моделининг муқаррарлиги шаклида), ҳуқуқий жиҳатдан - ҳуқуқ субъектларининг расман тенг, эркин ва бир-бириға боғлиқ бўлмаган ўзаро муносабатлари кўринишида, ҳуқуқий онгда - ҳуқуқ принциплари маъноси ва талабларининг мазкур ҳуқуқий ҳамжамият аъзолари томонидан англаб олиниси шаклида, ҳуқуқий субъектликда - индивидларни муомаланинг расман тенг, эркин ва бир-биридан мустақил бўлган ҳуқуқий типии субъектлари, деб эъгироф этиш шаклида, ҳуқуқий тартиботларда - ҳуқуқ борасидаги низони ҳал қилишниг барча субъектлари томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг олиниси ва амалға оширилишининг тенг ҳамда адолатли тартиби шаклида ва ҳоказоларда ифодаланеди (ва мавжуд бўлади).

Шундай қилиб, ҳуқуқ фақат битта шаклда (ҳуқуқий нормада) ёки уч шаклда (ҳуқуқий нормада, ҳуқуқий муносабатда, ҳуқуқий онгда) эмас, балки ушбу ҳуқуқий шаклларнинг барчасида мавжуддир, бироқ ҳуқуқ мавжуд бўлиши ушбу шаклларининг ҳар бири ўзининг алоҳида функциясини бажаради ва ҳуқуқ борлиги умумий мазмунида ўзининг алоҳида ўрнини эгаллайди.

Бунда барча ҳуқуқий феноменлар, ҳуқуқнинг бутун борлиги - бу расман тенглик принципи намоён бўлиши (шакл ҳосил бўлиши), яъни ҳуқуқий расмиятчиликлар борлиги, мавжудлиги ва амал қилиши, **расмий предметлар олами** (ҳуқуқ субъекти, ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий муносабат ва бошқалар каби) эканлигини унутмаслик керак. Улар тегишли ҳуқуқий шаклларда зуҳур топадиган (бошқариладиган, таснифланадиган ва ҳ.к.) фактик муносабатлардан бир хил даражада юридик-мантиқий абстракцияланган. Шундай экан, ҳуқуқ борлигининг ҳам, умуман ҳуқуқнинг ҳам объектив реаллиги, - бу эмпирик, фактик-мазмунли реаллик эмас, балки ҳуқуқий шакл мавжуд бўлиши ва амал қилишининг реаллигидир, расман-ҳуқуқий, расман-мазмунли реалликдир.

**Ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқий феномен сифатида алоҳида ўрни ва аҳамияти** ҳуқуқий норманинг ҳуқуқнинг тизимли элементи сифатида юридик-доктринал талқин қилиниши (ҳуқуқнинг умуман нормалар тизими сифатида доктринал таърифланиши ҳам мана шундан келиб чиқади) ва бу билан боғлиқ ҳолда қонун матнининг (позитив ҳуқуқнинг) қоидалари норманинг тегишли таркибий қисмлари мазмунини аниқлаш сифатида талқин қилиниши (гипотеза, диспозиция ва санкция) билан изоҳланади.

Ҳуқуқнинг либертар-юридик доктринаси ҳуқуқий нормага (ҳуқуқий қонун нормасига) таяниб ва унинг ноҳуқуқий норма (ноҳуқуқий қонун нормаси) билан легистик алмаштирилишини рад этиб, **ҳуқуқнинг нормативлигини юридик тушунишни** инкор этмайди эмас, балки, аксинча, **янада ривожлантиради**. Бинобарин, либертар-юридик онтология нуқтаи назаридан **вазифа ҳуқуқни нормативлаштиришдан чиқариш эмас, балки ҳуқуқий ҳодиса сифатида, ҳуқуқнинг мавжуд бўлиши** ва амал қилиши шакли сифатида **қонун нормаларини юридиклаштиришдир**. Ҳуқуқий қонун нормаси расман тенглик ифодаланиши ва амалга оширилишининг шакллари билан бири сифатида, бошқа зарур ҳуқуқий шакллар билан нисбатда, ўзаро алоқада ва ўзаро муносабатда бўлиш орқали ҳуқуқ борлигининг умумий маконида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши мумкин.

Бунда расман тенглик принципи у ёки бу ҳодисалар ва шаклларнинг, шу жумладан норманинг ҳуқуқий маъноси ва характерини белгилаб берувчи дастлабки ҳуқуқий асос ролини ўйнайди. Ҳуқуқ борлиги ва амал қилишининг барча шакллари унга мувофиқ бўлиши керак.

## **Олтинчи боб. Ҳуқуқий аксиология**

### **1. Умумий тавсиф**

Аксиология - қадриятлар тўғрисидаги таълимот. «Қадрият» тушунчасидан ахлоқан зарурий махсус маънода фойдаланиш Кантга бориб тақалади. Унинг талқинидаги қадрият - бу муқаррарлик ва эркинлик аҳамиятига эга нарса. Зарурлиқнинг ушбу априор олами Кант томонидан сабаб-оқибат алоқалари ва зарурият ҳукмронлик қиладиган борлиқ оламидан

(эмпирик «борлиққа», фактик ҳодисалар, муносабатлар соҳасига ва бошқаларга) ажратилган ҳолда ва унга зидликда тузилади. Шундай қилиб, гап қадриятларнинг норматив ва регулятив аҳамияти тўғрисида боради. Улар, Кантга кўра, ўзида ақлнинг априор императивларини - зарурнинг мақсадлари, талаблари, формулалари ва максималарини ифода қилади. Кант томонидан ахлоқ ва ҳуқуққа татбиқан шакллантирилаган категория императивлари ҳам у билан ахлоқий алоқадор бўлиши керак.

Кантнинг издошлари (Р.Г.Лотце, В.Виндельбанд ва бошқалар) ундан-да илгарилаб кетишди ва нафақат ахлоқийлик соҳасида, балки фан, санъат ва умуман маданият соҳасида қадриятлар ва қўйилган мақсаднинг норматив-регулятив аҳамияти тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантирганлар. Масалан, неокантчи **Виндельбанд** қадриятни маданият нормаси сифатида талқин этди ва ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик қадриятларидан ташқари инсон маданиятининг санъат, дин, фан ва ҳуқуқ сингари қадрият-бойликларини ҳам эътироф этган.

Объектив-идеалистик фалсафа (Платондан Гегелгача ва уларнинг замонавий издошлари) учун қадриятлар муаммосига бошқача ёшдашиш хосдир. Унга кўра борлиқ неъмат (яъни қадрият) дир. Бироқ бунда борлиқ деганда эмпирик реаллик эмас, балки ҳақиқий борлиқ, яъни объектив ақл, ғоя, борлиқнинг маъноси, муқаррарлик тарзидаги борлиқ ва, бинобарин, қадрият нуқтаи назаридан аҳамиятлилик назарда тутилади.

Ҳуқуқий аксиологиянинг предмет соҳаси ва асосий мавзулари - бу ҳуқуқни қадрият (мақсадлар, муқаррарлик, императив талаблар ва бошқалар) сифатида тушуниш ҳамда талқин қилиш ва амалдаги мазкур қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлатнинг ҳуқуқий (яъни қадрият маъносида - ҳуқуқ нуқтаи назаридан) аҳамияти тўғрисида тегишли қадриятли ҳукмлар (ва баҳолардир).

## 2. Легистик аксиология

Ҳуқуқ ва қонун бир-бирига тенглаштирадиган, ҳуқуқнинг объектив моҳиятини ва шу билан биргаликда ҳуқуқни зўравонликдан фарқловчи мезонларни инкор қиладиган легизм доирасида, принцип жиҳатидан олганда, қонуннинг ҳуқуқий

баҳоси ва ҳуқуқий қадрияти тўғрисида сўз юритиш мушкул.

Легизм ҳуқуқнинг қонун чиқарувчи ва қонунга боғлиқ бўлмаган объектив хоссалари ҳамда тавсифларини инкор этиши туфайли аксиологик жиҳатдан ҳуқуқий қадриятларни моҳиятан рад этади ва фақат қонуннинг (позитив қонуннинг) муҳимлигини тан олади. Бунда легистлар (позитивистлар ва неопозитивистлар) томонидан эътироф этиладиган қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг) «муҳимлиги» аслида ҳуқуқий қадрият мазмунидан маҳрум этилган. **Қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг) легистик «муҳимлиги»** - бу бирон-бир объектив ҳуқуқий асос (ҳукмрон-буйруқ руҳида эмас) бўйича унинг умумий аҳамияти эмас, **балки расман умумий мажбурийлиги, ҳукмрон императивлигидир.**

Бу жиҳатдан неопозитивист **Кельзеннинг** радикал ёндашуви ибратлидир. Унга кўра ҳуқуқ фақат буйруқ, норма сифатида қимматлидир. Ушбу маънода (буйруқ, норма сифатидаги) ҳуқуқни муқаррарлик шакли сифатида тавсифлайди. «Кўпинча бўлганидек, - деб таъкидалаган Кельзен, - ҳуқуқ ўзида нормани (ёки буйруқни) ифодалабгина қолмай, балки у шунингдек қандайдир қадриятни ташкил этади ёки ифодалайди (мутлақ илоҳий қадриятга йўл қўйиш мумкин бўлгандагина бундай дейиш маъно касб этади). Чунки ҳуқуқ айнан норма бўлганлиги учун қадриятни ташкил этади...»<sup>1</sup>

Бунда, Кельзenga кўра, «норма» - тенглик нормаси, эркинлик нормаси, адолат нормаси эмас, балки соф муқаррарлик-буйруқдан иборат эканлигини қайд этиш муҳимдир. Унда ҳуқуқнинг расман-ҳуқуқий тавсифларидан ҳеч бири йўқ. Кельзenga хос бўлган норма (ва у билан бирга ҳуқуқ нормаси) - ҳар қандай эркин позитив-ҳуқуқий мазмунга императив-буйруқ мақомини ва характерини бериш учун муқаррарликнинг «соф» ва бўм-бўш шаклидир.

### 3. Табиий-ҳуқуқий аксиология

Табиий-ҳуқуқий аксиологияга мувофиқ, табиий ҳуқуқ ўзида «чинакам» ҳуқуқнинг объектив хоссалари ва қадриятларини ифодалайди ва шу сабабли позитив ҳуқуқнинг ҳамда

1. Чистое учение о праве Ганса Кельзена. Вып.1. С.93.

тегишли ҳуқуқни белгиловчи ҳокимиятнинг (қонун чиқарувчи, умуман давлатнинг) қадриятли (аслида - салбий) баҳолаши намунаси, мақсадлари ва мезонлари сифатида намоён бўлади. Бунда табиий ҳуқуқ табиатан ахлоқий (диний, маънавий ва ҳоказо) ҳодиса сифатида тушунилади ва аввал бошдан тегишли мутлақ қадрият сифатида қаралади.

Шундай қилиб, табиий ҳуқуқ тушунчасига, у ёки бу ҳуқуқнинг объектив хоссалари (кишиларнинг тенглиги ва уларнинг эркинлиги ва бошқалар) билан биргаликда, ҳар хил ахлоқий (диний, маънавий) тавсифлар ҳам қўшилади. **Ҳуқуқ ва ахлоқнинг (дин ва бошқаларнинг) бундай қоришиғи** натижасида табиий ҳуқуқ ижтимоий нормаларнинг симбиози, қандайдир ахлоқий-ҳуқуқий (ёки маънавий-ахлоқий, диний-ҳуқуқий) комплекс сифатида намоён бўлади. Позитив ҳуқуқ ва позитив қонун чиқарувчи (давлат ҳокимияти) тўғрисидаги у ёки бу (одатда, салбий) қадриятли ҳукм мана шу нуқтаи назардан чиқарилади.

Бундай ёндашувда позитив ҳуқуқ ва давлат (қадрияти жиҳатидан) ҳуқуқий мезон (табиий ҳуқуқнинг тегишли концепциясида мавжуд бўладиган объектив ҳуқуқий хоссалар) сифатида баҳоланибгина қолмай, балки, аслида, мазкур концепция муаллифининг ушбу ҳуқуқнинг ахлоқий (маънавий, диний ва ҳоказо) табиати ва ахлоқий мазмуни тўғрисидаги тасаввурлари нуқтаи назаридан моҳият эътибори билан ахлоқий позициядан баҳоланади. Табиий ҳуқуқнинг бундай ахлоқий-ҳуқуқий хоссалари ва мазмун билан боғлиқ тавсифлари бу ўринда умумлаштирилган тарзда позитив ҳуқуқ ва умуман давлатнинг фаолияти мувофиқ бўлиши керак бўлган табиий ҳуқуқнинг ялпи умумий ва мутлақ адолатлиги сифатида талқин қилинади.

Бунда адолат расман-юридик маънода эмас, балки ҳар қандай табиий-ҳуқуқий концепция учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва, бинобарин, чекланган ҳамда аниқ ахлоқий (ёки аралаш ахлоқий-ҳуқуқий) мазмунли ахлоқий ёки аралаш ахлоқий-ҳуқуқий ҳодиса ва тушунча сифатида талқин этилади. Шу сабабли адолатнинг ҳар хил табиий-ҳуқуқий концепциялари - унинг ахлоқий (ёки аралаш ахлоқий-ҳуқуқий) умумийлиги ва мутлақ қадриятга даъво қилишига зид равишда, аслида, нисбий қадриятга эгадир ва умуман ахлоқийлик ҳамда хусусан ҳуқуқнинг ахлоқий қадриятлари

тўғрисидаги релятивистик тасаввурларни ифодалайди.

Қайд этиб ўтилган нуқсонлар анъанавий юснатурализм-гагина хос бўлиб қолмасдан, балки ўтмиш ва ҳозирги замоннинг ҳар хил фалсафий таълимотларига ҳам хосдир. Улар ҳуқуқни тушунишда у ёки бу даражада табиий ҳуқуқ ғоялари ва конструкцияларидан келиб чиқишади. Шу муносабат билан **Кант ва Гегелнинг** ҳамда уларнинг издошларининг, **В.С.Соловьев, Р.Марчичнинг** ва **ҳуқуқ тўғрисидаги маънавий-ахлоқий таълимотнинг** бошқа вакиллари таълимотини, ҳуқуқнинг «ахлоқий минимум», ахлоқий тартиб ёки ахлоқий яхлитликнинг бир қисми, ахлоқий (маънавий, диний) адолатнинг ифодаланиши сифатида талқин этилишини айтиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга ҳуқуқ қадрияти, барча кишиларнинг эркинлиги ва тенглиги, табиий-ҳуқуқий адолат, инсоннинг азалий ва бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқлари, ҳокимиятнинг ҳуқуқий чекланиши, ҳуқуқий давлат муаммоларининг қўйилиши ва ишлаб чиқилишини, шубҳасиз, табиий-ҳуқуқий ёндашув вакиллариининг хизмати деб қараш лозим.

#### 4. Либертар-юридик аксиология

Либертар-юридик аксиологияга мувофиқ ҳуқуқ тенглик, эркинлик ва адолат каби асосий инсоний қадриятларни ифодалашнинг ялпи, зарур ва умуммажбурий шакли эканлиги туфайли қимматлидир.

Шакл, амалдаги муносабатларнинг (шу билан бирга ушбу ҳуқуқий шаклнинг расман қисмлари - тенглик, эркинлик, адолатнинг) ҳуқуқий шакли бўлган ҳуқуқни ҳуқуқий шакл билан ифодаланадиган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг амалдаги мазмуни ила аралаштириб юбормаслик зарур. Бизнинг талқинимизга кўра **тенглик, эркинлик ва адолат, - бу амалдалик эмас, балки ҳуқуқий расмиятчиликдир**, бу ҳуқуқ ва ҳуқуқий шаклнинг расман-мазмуний (моддий-мазмуний эмас, эмпирик эмас) компонентлари, хоссалари ва тавсифларидир.

Аксиологик жиҳатдан **ҳуқуқнинг бундай юридик-расманлашган концепцияси** гап маънавий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий бўлмаган бошқа қадриятлар тўғрисида эмас, балки айнан (ва фақат) ҳуқуқий қадриятлар ҳақида бораётганлигини ис-

ботлашни асослаш имконини беради. Ҳуқуқий қадриятлар ҳуқуқ ва ҳуқуқий шаклнинг мутлақ (абстракт) умумийлиги туфайли ялпи ва умумаҳамиятли (шу маънода нисбий эмас, абсолют) характерга эга бўлади. Бу билан ҳуқуқ ўзининг аксиологик ўлчовида табиий-ҳуқуқий ёндашув учун хос бўлган шунчаки ахлоқий (ёки аралаш маънавий-ҳуқуқий) қадриятларнинг расманлаштирилмаган (расман-амалий) ташувчиси сифатида эмас, балки муқаррарлик ва қадрият шакллари-нинг бошқа барча (маънавий, диний ва ҳоказо) шакллари-дан фарқ қилувчи ҳуқуқий муқаррарликнинг ўзига хос шакли сифатида амал қилади.

Муқаррарликнинг ҳуқуқий шакли яхлит маъносининг бундай тушунилиши мазкур муаммога нафақат табиий-ҳуқуқий, балки позитивистик ёндашишдан ҳам тубдан фарқ қилади.

Ҳокимиятнинг ҳар қандай эркин мазмунли буйруғи сифатида ҳуқуқнинг позитивистик қадрсизланишига зид равишда ҳуқуқнинг либертар концепциясида тенглик, эркинлик ва адолат шакли бўлган ҳуқуқий шакл сифат жиҳатидан аниқ ва мазмунли, бироқ табиий-ҳуқуқий ёндашувга хос бўлгани сингари у ёки бу фактик мазмун маъносида эмас, балки қатъий, расман-ҳуқуқий маънода аниқ ва мазмундордир. Шу сабабли расман-ҳуқуқий жиҳатдан сифатли таъриф ўзида умумий мажбурий, ҳукмрон императив ва ҳоказо маънодаги мажбурийлик шаклинигина эмас, балки қадриятли-ҳуқуқий мажбурийлик маъносидаги шаклни ҳам ифодалайди.

Инсон борлиги (тенглик, эркинлик, адолат) асосий қадриятларини ҳуқуқий (расман-ҳуқуқий) талқин этишнинг мазкур концепцияси муқаррарликнинг ҳуқуқий шакли жиҳатлари сифатида **ҳуқуқнинг қадриятли мақомини** (муқаррарлик қадриятлари ва шакллари умумий тизимида қадрият, ҳуқуқнинг ўзига хослиги сифатида ҳуқуқ доираси, таркиби, салоҳиятини) аниқ чизиб беради ва қайд этади. Борлиқ соҳасида корреспонденцияланадиган ва релевант ҳуқуқнинг (ҳуқуқий мазмун ва қийматларнинг талаблари, манбаларига мақсад, асос бўлмиш муқаррарлик сифатидаги ҳуқуқнинг) барча феноменларининг қадриятли қиймати ҳуқуқий қадриятларнинг мана шу нуқтаи назаридан белгиланиши мумкин ва керак.

**Борлиқнинг ҳуқуқий муқаррарлик нуқтаи назаридан қадри-**



ят жиҳатидан белгиланадиган ушбу соҳасини юридик аксиология доирасида (унинг предмети ўзига хослигини, ихтисослиги ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда) бутун реал мавжуд қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлат, шунингдек ҳуқуқнинг барча субъектларининг барча кўриниш ва ўлчовлардаги юридик аҳамиятли хулқ-атвори ташкил этади.

Бинобарин, юридик аксиологияда гап, ҳуқуқ нуқтаи назаридан мавжуд қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг), давлатнинг, ҳуқуқ субъектлари хулқ-атворининг ҳуқуқий мазмуни ва қимматини баҳолаш (қадрият нуқтаи назаридан фикр юритиш ва баҳолаш), уларнинг ҳуқуқий фазилати, зарур қадрият сифатида ҳуқуқнинг мақсадлари, талаблари, императивларига мувофиқлиги (ёки мувофиқ эмаслиги) тўғрисида боради. Бунда ҳуқуқ қонун (позитив ҳуқуқ), давлат, кишиларнинг хатти-ҳаракати учун мақсад сифатида амал қилади. Бу қонун (позитив ҳуқуқ), давлат, одамларнинг юридик аҳамиятга эга хулқ-атвори ҳуқуқ талаблари ифодаланиши ва амалга оширилиши учун йўналтирилиши керак, чунки уларнинг мақсади, мазмуни, қиммати айнан мана шундан иборатдир. Қонун (позитив ҳуқуқ), давлат, ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атвори фақат ҳуқуқий ҳодисалар сифатида қимматлидир.

Қонунга (позитив ҳуқуққа), давлатга, ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атворига нисбатан ҳуқуқнинг мақсадини қўйидаги қадрият-ҳуқуқий императив шаклида ифодалаш мумкин: **қонун (позитив ҳуқуқ), давлат, ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атвори ҳуқуқий бўлиши керак.**

Муқаррарлик ва борлиқнинг ушбу аксиологик нисбати позитив ҳуқуқ, давлат ва кишилар хулқ-атворининг амалда шаклланган ва реал иш кўрувчи шакллари доимий равишда такомиллаштириб бориш зарурияти ғоясини ифодалайди. Позитив ҳуқуқ, давлат, кишиларнинг хулқ-атвори тарихан ривожланадиган воқелик ҳодисаси сифатида воқеликнинг ютуқ ва камчиликларини баҳам кўради ҳамда доим идеал ҳолатдан йироқ бўлади. Бунинг устига, мавжуд қонунлар, давлат, ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атвори мувофиқ бўлиши керак бўлган ҳуқуқий муқаррарликнинг мазмуни, ҳуқуқий мақсадлар - қадриятлар - талабларнинг бутун комплекси тарихий ривожланиш жараёнида янгиланади, бойийди ва аниқлаштирилади.

## Еттинчи боб. Ҳуқуқий гносеология

Ҳуқуқий гносеологиянинг предмет соҳаси ҳуқуқни ўзига хос ижтимоий объект сифатида билишнинг назарий муаммоларидир. Ҳуқуқий гносеологиянинг асосий вазифаси ҳуқуқни ишончли даражада билишнинг шарт-шароитларини ўрганишдан, ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисалар тўғрисидаги чинакам билимларни эгаллашдан иборат.

### 1. Легистик гносеология

Легистик (юридик-позитивистик) гносеология асосида ҳуқуқни фақат расман ҳокимиятнинг буйруғи, бажарилиши шарт бўлган мажбурловчи кўрсатмаси сифатида эътироф этиш (ва билиш) принципи ётади. Шундай позитивистик-прагматистик йўналиш туфайли легистик гносеология асосан: 1) расман ҳокимиятнинг ушбу буйруқларининг (бажарилиши шарт бўлган мажбурловчи кўрсатмаларининг) турлари (шакллари)ни, расман манбалари деб аталадиган манбаларини аниқлаш, таснифлаш ва тизимга солиш ва 2) қонун чиқарувчининг фикрини (нуқтаи назарини), яъни расман ҳужжат матнида ифодаланган ҳокимиятнинг тегишли буйруқларининг норматив-регулятив мазмунини ойдинлаштириш билан машғулдир.

**Легистик гносеологияга мувофиқ, ҳуқуқ тўғрисидаги ҳақиқат қонун чиқарувчининг (сувереннинг, давлатнинг) иродаси, нуқтаи назари, фикрини ифодаловчи қонунда берилган.** Шу сабабли ҳуқуқ тўғрисида ҳақиқий билимлар ушбу ўринда, гарчи расман-ҳукмли фикр бўлса ҳам, **фикр тусига эгадир.** Бундай ҳуқуқий тушуниш мантиқига кўра, ҳуқуқни яратувчи ёлғиз ҳокимиятгина ҳуқуқ нима эканлигини ва у ноҳуқудан нимаси билан ажралиб туришини билар эмиш. Фан эса қонунда (амалдаги ҳуқуқда) ифодаланган ушбу ҳукмдор-буйруқли фикрни нари борса муқобил тарзда англаб етиши ва акс эттириши мумкин эмиш.

Позитивистик гносеология бу билан моҳиятан ҳуқуқ назариясини инкор этади ва фақат предмети - позитив ҳуқуқ, мақсади ва йўналишлари эса - ҳуқуқ догмаси ҳисобланган қонун тўғрисидаги таълимотни, яъни амалдаги (позитив) ҳуқуқ тўғрисидаги ўзгармас асосий қоидаларни (барқарор

нуфузли фикрларни, нуқтаи назарларни, ёндашувларни), уни ўрганиш, талқин қилиш, таснифлаш, тизимлаштириш, шарҳлаш ва ҳоказо усуллари, қоидалари ва воситаларини, тан олади.

Албатта, позитив ҳуқуқ ибтидосини ўрганиш, шарҳлаш, таснифлаш ва даражаларга ажратиш, унинг норматив мазмунини аниқлаш, ушбу нормаларни муайян тизимга солиш, юридик техника, юридик таҳлил усуллари ва методларини ва ҳоказо масалаларни, яъни анъанавий равишда юридик догматика (ҳуқуқ догмаси) деб юритиладиган, ҳуқуқшуноснинг профессионал билимдонлигининг алоҳида соҳасига, маҳоратига ва «ҳунари»га тегишли бўлган барча нарсани ишлаб чиқиш ҳуқуқни билишнинг муҳим таркибий қисмини ва амалдаги ҳуқуқ тўғрисидаги билимларни ифодалайди. Бироқ ҳуқуқ назариясини ҳуқуқ догмасини ишлаб чиқиш билангина позитивистик чеклаш моҳият эътибори билан ҳуқуқни илмий тадқиқ этиш ўрнига уни касбий-техник баён этишга, **ҳуқуқшуносликни фақат қонуншуносликдан иборат қилиб қўйишга** олиб келади.

Қонуннинг (амалдаги ҳуқуқнинг) позитивистик гносеологияси қонуннинг моҳиятини билишга эмас, амалдаги ҳуқуқ тўғрисида бирон-бир (мазкур қонуннинг ўзида мавжуд бўлмаган) янги билимларни эгаллашга эмас, балки унинг (юридик-догматик маънода) муқобил баён этилишига йўналтирилгандир. Ҳуқуқни бундай тушунишга мувофиқ ҳуқуқ тўғрисидаги барча билимлар позитив ҳуқуқнинг ўзида расман берилган ва ҳуқуқ тўғрисидаги позитивистик таълимотнинг асосий муаммоси **қонун матнини тўғри аниқлаш ва талқин қилишдан ҳамда қонун чиқарувчининг ушбу матндаги мавжуд расман-ҳуқуқий билимларини зарур даражада баён этишдан иборатдир**. Бунда ҳуқуқ гносеологияси муаммоси кўп жиҳатдан расман ҳужжат матнини тўғри лингвистик таҳлил этиш масаласига бориб тақалади.

## 2. Табiiй-ҳуқуқий гносеология

Табiiй-ҳуқуқий ёндашув, гносеологик жиҳатдан, ўзида ҳуқуқнинг объектив табиатини англашга, унинг ҳақиқатига этишга илк назарий (фалсафий-ҳуқуқий, илмий) уринишни ифодалайди. Билишнинг бу йўли ҳуқуқни назарий тушу-

ниш ва ўрганиш соҳасида фикрлаш билан боғлиқ шарт-шароитлар ҳамда бирламчи билиш схемаси сифатида табиий ва позитив ҳуқуқни фарқлашга олиб келади.

Табиий ва позитив ҳуқуқни фарқлаш ҳуқуқий тафаккур тарихида амалда ушбу позитив ҳуқуқ тўғрисидаги назарий рефлексиянинг гносеологик шакли маълумотлари ва бундай рефлексия якунларини қайд қилиш усули сифатида амал қилади. Чунки қонунни (позитив ҳуқуқни) ҳар қандай назарий билиш унинг расмий борлиғи ва эмпирик мазмунига тўхталиб қолмай, унинг объектив асослари ва фазилатларини, ҳуқуқий мазмунини ва ақл-идрокини, ҳуқуқий табиати ва моҳиятини излаш йўлида билиб олинаётган объект (қонундан) муқаррар равишда абстракцияланади ва уни назарий билиш ҳамда ўрганиш оқибати ва натижаси ўлароқ уни **оқилона-маъноли модель тарзида** (табиий ҳуқуқ, ҳуқуқ ғоялари ва ҳоказолар шаклида) фикран конструкциялайди.

«Табиий ҳуқуқ» деган умумий ном ва умумий атама остида табиий ҳуқуқнинг (ўз мазмуни, моҳияти ва тушунчасига кўра) ҳар хил вариантлари, унинг ўтмишдаги ва ҳозирги тарафдорлари ҳамда рақиблари томонидан кенг фойдаланиладиган ушбу барқарор йиғма тушунчага тиркаладиган турли маънолари назарда тутилади. Бунда табиий ҳуқуқ тўғрисидаги ўзаро муҳолифатлашувчи таълимотларнинг ҳар бири табиий ҳуқуқ хусусидаги айнан ўз тахмини ҳақиқий эканлигига, табиий ҳуқуқни ўзича тушунишига даъво қилади.

**Ҳуқуқ соҳасида айнан «табиийни сунъийга» қарама-қарши қўйиш принципи (ўзгарувчан позитив ҳуқуқдан фарқ қилган ҳолда) табиий ҳуқуқ тўғрисидаги барча тасаввурларнинг умумий назарий-билиш асоси ҳисобланади.** Бу принцип уларни қарама-қарши баҳолашни ва «табиийнинг» «сунъийдан» сўзсиз устунлигини эътироф этишни ўз ичига олади. **Табиий ҳуқуқнинг умумий (универсал) принципи** мана шундан иборатдир.

Ушбу принцип доирасида «сунъий» аллақачон позитив ҳуқуқ сифатида берилган, шу сабабли «табиий» (табиий ҳуқуқ) табиат (худо, ақл, ашёлар табиати, инсон табиати ва ҳоказолар) томонидан азалдан берилган, позитиволди (позитивгача, позитивдан устун турувчи) ҳуқуқ сифатида талқин этилади. Зеро «табиийнинг» макон ва замонда азалийлиги (инсониятдан устун турувчи у ёки бу сўзсиз нуфузли

босқич томонидан вужудга келтирилганлиги) айна вақтда **онтологик, гносеологик ва аксиологик аҳамиятга** эгадир: «табиий» (табиий ҳуқуқ), аввал бошдан, сўзсиз тўғри, ҳақиқий ва ахлоқий, бир сўз билан айтганда, яхшидир, «сунъий» эса иккиламчи, ёмон, нотўғри, ҳақиқий эмас ва (одамларга хос бўлган хатолар, ўзбошимчалик ва ҳоказолар туфайли) «табиий»дан оғиш сифатида сиқиб чиқарилиши ёки, нари борса, тўғриланиши ва «табиий»га мувофиқлаштирилиши керак.

Юснатурализмнинг ҳар хил концепцияларига гносеологик қизиқиш табиий ҳуқуқнинг тегишли тахминининг (унинг позитив ҳуқуқ билан фарқланиши ва зидлигида) ҳақиқийлиги ва чинакамлигини асослашга йўналтирилган.

**Бундай ёндашишда** ҳуқуқий қонун гоёсининг ўзи ва умуман табиий ҳамда позитив ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси жиҳатлари, амалдаги ҳуқуқни табиий ҳуқуқ қоидалари ва талабларига мувофиқлаштиришнинг аниқ шакллари ҳамда йўналишлари **этибордан четда қолади**. Юснатуралистик ёндашишга хос бўлган ҳуқуқий дуализм, яъни табиий ҳуқуқнинг ҳам, позитив ҳуқуқнинг ҳам баб-баравар мавжуд бўлишига ва айна бир вақтда амал қилишига йўл қўйилиши табиий ҳамда позитив ҳуқуқ ўртасидаги ажралиш оқибатидир.

Ушбу ҳуқуқий дуализм, табиий-ҳуқуқий тасаввурлар доирасида қолгани ҳолда, табиий ҳуқуқни ҳуқуқнинг фалсафий гоёси, ҳуқуқни фалсафий тушуниш ва ҳоказолар сифатида талқин этувчи фалсафий-ҳуқуқий концепцияларда қисман бартараф этилади. Тўғри, ушбу фалсафий концепцияларда ҳам ҳуқуқнинг тегишли гоёси ва ҳоказолар ҳуқуқий қонун тушунчасига (ҳуқуқнинг объектив моҳиятига мувофиқ бўлган изчил юридик-расманлашган концепцияга ва позитив ҳуқуқ конструкциясига) етказилмайди.

### 3. Либертар-юридик гносеология

Либертар-юридик гносеология асосида ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ҳамда нисбатининг (мос келиши ёки мос келмаслигининг) умумий назарияси ётади. Ушбу назария назарий жиҳатдан ривожланган шаклда ҳуқуқни моҳият сифатида ва ҳодиса сифатида тушунишнинг барча асосий билиш-аҳамиятли жиҳатлари ҳамда вариантларини ифодалай-

ди. Бу либертар гносеология доирасида бошқа концепциялардаги назарий-билиш жиҳатидан қимматли бўлган барча нарсани зарур даражада қайта ўзгартирилган кўринишда ҳисобга олиш имконини беради.

Либертар концепция назарий-билиш жиҳатидан муайян ҳуқуқ тушунчаси кўринишида қонун (позитив ҳуқуқ) тўғрисидаги билимлар ва ҳақиқатни назарий англаш ва ифодалашнинг зарур гносеологик модели сифатида амал қилади. Расмий тенглик унинг моҳияти ва принципи ҳисобланади.

Шундай қилиб, мазкур концепция **ҳуқуқ тўғрисидаги оддий фикрдан** (амалий қонун сифатида унинг қандайдир субъектив ҳукмрон тарзда мавжудлиги сифатида) **ҳақиқий билимга** - ҳуқуқ **тўғрисидаги ҳақиқатга доир билимга**, ҳуқуқ тушунчасига, яъни ҳуқуқнинг (маъмурларнинг иродаси ва ўзбошимчалигига боғлиқ бўлмаган) объектив асл хоссалари тўғрисидаги назарий (тушунчали) билимларга ва унинг умумий мажбурий намоён бўлиши, аниқлаштирилиши, ифодаланиши шаклларига **ўтиш жараёнини** ифодалайди.

Либертар гносеология марказида **ҳуқуқ ва қонун алоқаси**, қонуннинг асл хоссалари ҳамда қонуннинг ҳуқуқий фазилати мезонлари сифатида ҳуқуқнинг объектив хоссаларини тушуниш ва талқин этиш муаммолари, ҳуқуқий қонун (расман тенглик принципига мувофиқ келувчи позитив ҳуқуқ) тушунчаларини ишлаб чиқиш масалалари туради. Ушбу ёндашув нуқтаи назаридан **ҳуқуқий қонуннинг табиати, хоссалари ва тавсифлари тўғрисидаги объектив илмий билим ҳуқуқ ва қонун**, унинг амалдаги ҳуқуқ сифатида қарор топиши шартшароитлари **тўғрисидаги изланган ҳақиқат ҳисобланади**.

Бундай юридик-гносеологик ёндашув ҳуқуқнинг ва қонун (позитив ҳуқуқ ҳужжатлари) шаклланиши субъектив (ҳукмрон-иродали) жараёнининг объектив моҳиятининг фарқи ва нисбатини аниқлаш ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ соҳалари ва муносабатларига татбиқан **позитив ҳуқуқни расман тенглик ҳуқуқий принципини умумий мажбурий норматив аниқлаштириш билан боғлиқ ижодий жараён сифатида** таҳлил этиш имконини беради. Фақат мана шу маънодагина **қонунчилик тўғрисида қонун ижодкорлиги сифатида**, умумий мажбурий қонун (позитив ҳуқуқ)нинг аниқ нормаларида ҳуқуқ асослари ва талабларининг (фаннинг қоидалари ва хулосаларини ҳисобга олувчи қонун чиқарувчининг ижодий саъй-

ҳаракатлари натижасида) ижодий ифодаланиши ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади.

Қонунни (позитив ҳуқуқни) ҳуқуқий ҳодиса сифатида тушуниш, унинг асл хоссаларини таҳлил этишдан ташқари, қонуннинг умумий мажбурийлиги муаммосини тегиш-лича талқин этишни, унинг давлат ҳимояси билан таъминланганлигини, ҳуқуқбузарларга нисбатан мажбурлаш чоралари қўлланилиши мумкинлигини ва бошқаларни ўз ичига олади. Юридик гносеологияга мувофиқ, **қонун (позитив ҳуқуқ) санкцияларининг бундай ўзига хослиги қонун чиқарувчининг иродаси (ёки ўзбошимчалиги) билан эмас, балки ҳуқуқнинг объектив табиати (унинг умумий аҳамиятлилиги ва бошқалар) билан белгиланади.** Бу эса бундай санкция (давлат ҳимояси билан таъминланганлик ва бошқалар) фақат ҳуқуқий қонун бўлган тақдирдагина қонуний ва юридик асосланган бўлишини англатади.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, давлатни расман тенглик принципи ифодаланиши ва амал қилишининг институциявий-ҳукмрон шакли сифатида ҳуқуқий тушуниш либертар-юридик гносеологиянинг муҳим йўналиши ва таркибий қисми ҳисобланади. **Ҳуқуқ ва давлатнинг тушунча жиҳатидан бирлиги тўғрисидаги** ушбу назарий-билиш қоидаси ҳуқуқ фалсафаси предметини ҳамда ҳуқуқшунослик фанини ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги ягона фан сифатида илмий таърифлашда асосий аҳамиятга эгадир.

### **Саккизинчи боб. Умумий манфаат ҳуқуқий категория сифатида**

#### **1. Умумий манфаатнинг табиий-ҳуқуқий концепцияси**

«Умумий манфаат» тушунчаси бутун Европа ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг асосий ғоялари ва принциплари жумласига киради. Ўрта асрларда қарор топган «*bonum commune*» терминининг ўзи биринчи марта римлик стоицизм тарафдори **Сенека** асарларида учрайди. Бироқ мазкур тушунча моҳият эътибори билан қадимги юнон муаллифлари (**Демокрит**, **Платон**, **Аристотель** ва бошқалар), сўнгра **Цицерон** ва римлик ҳуқуқшунослар томонидан табиий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ишлаб чиқилган. Ўрта асрлар ва

Янги давр мутафаккирлари (**Фома Аквинский, Гроций** ва бошқалар) умумий манфаат ғоясига катта эътибор берганлар.

Қадимги юнон мутафаккирлари, айниқса, Аристотель томонидан «умумий манфаат»нинг табиий-ҳуқуқий концепцияси шаклланишида муҳим роль ўйнаган бир қанча сермазмун қондалар ишлаб чиқилган. Масалан, Аристотель ўзининг сиёсат тўғрисидаги таълимотида, сиёсат - инсон ва полис-давлатнинг олий манфаати тўғрисидаги фандир, деб қайд қилган эди (Этика, I, &1). Аристотелнинг телеологик ёндашувида «олий манфаат» деганда, моҳиятан, кейинчалик «умумий манфаат» деб атала бошланган манфаат назарда тутилган. Аристотелга кўра давлат (полис) мулоқотнинг олий шаклидир, мулоқотнинг қолган барча шакллари (оила, қишлоқ) муомаланинг мана шу сиёсий шаклида ва кишилар турмушини ташкил этишда ўз тақомилига етади. Инсоннинг сиёсий табиати генезиси давлатда (муомаланинг сиёсий шаклида) яқунланади ва инсон, Аристотелга кўра, ўзининг олий мақсадига (ҳаётий манфаатига) эришади. Давлат (полис) ва унда ифодаланган олий манфаат ҳамда адолат инсоннинг сиёсий табиати ифодаланиши ҳисобланади ва бу билан табиий-ҳуқуқий характер касб этади.

Аристотелнинг «олий манфаати» сингари, римлик муаллифлар (**Цицерон, Сенека, римлик ҳуқуқшунослар, стоиклар**)нинг «умумий манфаати»нинг ҳам илдизи табиий ҳуқуққа бориб тақалади ва табиий-ҳуқуқий адолат ифодаси ҳисобланади. «Умумий манфаат» (ёки «олий манфаат») ва унинг табиий-ҳуқуқий характерининг реал ибтидоси - инсоннинг объектив табиатидир, чунки у табиатан сиёсий мавжудот (Аристотель), ижтимоий мавжудот (римлик муаллифлар)дир. Инсоннинг сиёсий ёки ижтимоий табиатининг ушбу тавсифлари ушбу маънода бир хил мазмунга эга, чунки ҳар иккала ҳолда сўз социум (ҳамжамият) ташкил этилишининг сиёсий (давлат) шароитида унинг барча аъзоларининг манфаатлари ифодаланиши ва муҳофазаланишининг адолатли усули (табиий ҳуқуқ нуқтаи назаридан) ҳақида бормоқда.

Мазкур ижтимоий-сиёсий ҳамжамият аъзоларининг умумий манфаати - бу **ҳамжамият барча аъзоларининг ҳар бир кишининг манфаати табиий-ҳуқуқий (бинобарин, умум адолатли) эътироф этилиши асосидаги манфаатидир.** Барчанинг ва ҳар бир кишининг манфаати, табиий-ҳуқуқий моҳиятига кўра,



айни бир нарсанинг ўзидир. Умумий манфаатнинг бундай концепциясини эътироф этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш учун объектив жиҳатдан (инсоннинг объектив ижтимоий-сиёсий табиати туфайли) умумий ҳокимият (давлат) ва табиий ҳуқуқ ҳамда табиий-ҳуқуқий адолат талабларига мувофиқ келувчи умумий мажбурий қонунлар зарурдир. Умумий манфаатни ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи давлат «халқнинг ишини» (*res populi*) ва айна вақтда «умумий ҳуқуқ-тартибот»ни (Цицерон) ифодалайди. Аристотель давлати (полиси)нинг табиий-ҳуқуқий концепцияси билан ҳам аҳвол худди шундай.

Табиий-ҳуқуқий талқин нуқтаи назаридан умумий манфаат, давлат ва қонунлар - инсоннинг ижтимоий (сиёсий) ва оқил мавжудот сифатида ақлий фаолиятни акс эттиришининг зарур шакллари дир. Ушбу ўринда инсоннинг ижтимоийлиги, сиёсийлиги ва ақл-идрок билан иш тутиши мохият - эътибори билан бир-бирига мос келади. Инсоннинг оқилона тушунилган ижтимоийлиги (сиёсийлиги) - бу умумий манфаат, давлат ва табиий ҳуқуқ талабларига мувофиқ бўлган қонунлар дир.

Умумий манфаат концепцияси асосида ётадиган умумий ижтимоийлик (сиёсийлик) ва ақллилик мазкур ижтимоий (ва сиёсий яхлит)нинг аъзолари, мазкур «умумий ҳуқуқ-тартибот»нинг субъектлари сифатида одамларнинг эркинлиги ва тенглигини тақозо этади. Умумий манфаатнинг антик концепцияси кишиларни эркин ва эркин бўлмаганларга бўлишдан келиб чиққан. Эркин бўлмаганлар умумий манфаат, мазкур ижтимоий-сиёсий умумийлик, давлат фуқаролари, «умумий ҳуқуқ-тартибот» субъектлари ва умуман ҳуқуқ субъектлари доирасидан ташқарида бўлган. Насронийлик эркинлик дини сифатида антик назария ва амалиётнинг ушбу туб иллатини бартараф этишда ҳамда кишиларнинг умумий эркинлиги ва тенглигини қарор топтиришда умумбашарий тарихий роль ўйнаган. Ушбу принципал ҳолат табиий ҳуқуқ, умумий манфаат, адолат, давлатнинг тегишли насронийча ақидаларида ўз аксини топган.

## **2. Умумий манфаатнинг либертар-юримдик концепцияси**

Юримдик либертаризмга мувофиқ, умумий манфаат индивидуал манфаатларнинг расмий тенглик принципи бўйи-

ча эътироф этилиши ва амалга оширилишидир. Умумий манфаат концепциясида мазкур ҳамжамият аъзоларининг кўп жиҳатдан бир-бирига зид бўлган манфаатлари, даъволари ва хоҳиш-истакларини аниқлаш, мувофиқлаштириш, эътироф этиш ва ҳимоя қилишнинг **ҳуқуқий модели** барча ҳуқуқий нормалар учун ягона ва тенг бўлган тенгликнинг умумий ўлчови нуқтаи назаридан мумкин бўлган ва йўл қўйилмаган манфаат сифатида тақдим этилган. Бундай умумий ҳуқуқий норма нуқтаи назаридан ҳар хил шахсларнинг фақат юридик жиҳатдан мувофиқлаштириш мумкин бўлган турли манфаатлари индивидлар манфаати ва умумий манфаат сифатида талқин қилиниши мумкин. Шундай қилиб, «манфаат» тушунчаси (индивидуал ва умумий), ҳар хил субъектлар (юридик ва жисмоний шахслар)нинг ҳар хил манфаатлари, даъволари, хоҳиш-истакларини улар умумий ҳуқуқий нормага мувофиқ келадиган, ҳуқуқий тақиқлар ва йўл қўйишларнинг ягона мезонларига жавоб берадиган, умумий ҳуқуқ-тартибот доирасида мумкин бўлган даражадагина ўз ичига олади. Шу маънода **«манфаат» тушунчаси - бу юридик тавсифланган манфаат (даъво, хоҳиш-истак ва бошқалар)** дейиш мумкин.

Умумий манфаатнинг либертар концепциясига мувофиқ мазкур ҳамжамият аъзоларининг ўзаро бир-бирига зид бўлган мақсадлари, манфаатлари, хоҳиш-истаги ранг-баранглиги шароитида умумий мурсога келишнинг ҳуқуқий йўли умумий ҳамда умумий мажбурий ҳуқуқий норманинг бошқарилувчан тегишли вазиятининг топилиши, қарор топтирилиши ва амал қилишидан, яъни эркинлик ва адолатнинг барча учун тенг бўлган расман тенглик принципи аниқлаштирилишидан иборатдир,

Эркинликнинг (одамлар эркинлиги математикасининг) объектив зарур шарти сифатидаги ҳуқуқнинг қиммати, жумладан, тартибга солишнинг ҳуқуқий типи, ҳуқуқий умумийлик ва ҳуқуқий бирлик (бирлик ва мувофиқликка эришишнинг бошқа кўплаб тартибга солувчиларидан фарқ қилган ҳолда) эркин ва ривожланаётган ҳаётнинг зарур хоссаси, унинг ижодий асоси, бойлиги ва салоҳияти бўлган айрим субъектларнинг манфаатлари, даъволари, хоҳиш-истагидаги тафовутларнинг инкор этилиши ва бартараф қилинишини эмас, балки сақлаб қолинишини англатади.

**Умумий манфаатда ифодаланган умумий ҳуқуқий асос** - бу тафовутларнинг расман бирлиги, тафовутларни бирлаштириб турадиган умумийликдир, яъни тенг эркинлик нормасининг уларнинг барчаси учун (ва уларни ташувчи - субъектлар учун) умумий бўлган ушбу тафовутлар биргаликда мавжуд бўлиши имконияти ифодаланган ўша умумий ҳуқуқий шакл ва норма, ўша умумий кўламдир. Бинобарин, умумий манфаат - алоҳида олинган субъектлар манфаатлари, даъволари, хоҳиш-истаги, мақсади ва бошқалар тафовутининг инкор этилиши эмас, балки **улар воқеъ бўлишининг умумий шартидир**. Ҳуқуқ ҳаётни ўзига бўйсундирмайди, турли манфаатларни бирхиллаштирмайди, айрим субъектлар ирода эркинлигини тугатмайди ва ҳоказо, балки ушбу тафовутлар зуҳур топишининг барчага тенг, бир хилда адолатли ва эркин бўлиши учун зарур тартибни (нормалар, шакллар, кўламллар, институтлар, тартиботлар ва ҳоказолар)ни ифодалайди ва акс эттиради, холос.

Бир-бирига сўзсиз зид бўлган ҳар хил ва низолашувчи мақсадлар, манфаатлар, хоҳиш-истаклар, даъволар ва бошқаларнинг ҳақиқий мувофиқлиги ушбу тафовутларнинг ўзини ҳам, уларни ташувчиларнинг эркинлиги ва ҳуқуқий субъектлигини ҳам эътироф этиш ва сақлаб қолиш шарт билан ҳуқуқ ва муайян ҳуқуқ-тартибот доирасидагина мумкин дир.

Бунда **ҳуқуқий муроса** хусусий манфаатлар, хоҳиш-истак ва бошқаларнинг тафовутларини инкор этиш ҳисобига, бир хил хусусий манфаатларни бошқа хусусий манфаатларга ёки барча хусусий манфаатлар ва хоҳиш-истакларни жамият ва давлатнинг қандайдир алоҳида манфаати ёки алоҳида хоҳиш-истагига бўйсундириш йўли билан эмас, балки ушбу барча хусусий манфаатлар ва хоҳиш-истакларнинг ўз изни ва тақиқлари **билан барча учун тенг бўлган эркинлик ҳамда адолат ўлчовини ифодалайдиган умумий ҳуқуқий нормани** (яъни хусусий манфаатлар ва хоҳиш-истакларнинг ҳақиқатдан ҳам умумий хоҳиш-истаги ва умумий манфаатларини) шакллантиришда **иштирок этиши** орқали эришилади.

Ҳар хил манфаатлар ва хоҳиш-истакларни ташувчиларнинг умумий манфаати ва умумий хоҳиш-истаги - агар улар эркин бўлишни истасалар - барча ҳуқуқлар учун умумий мажбурий бўлган умумий ҳуқуқий нормани шакллантириш, қарор топ-

тириш ва уларнинг амал қилишидан иборатдир. Хусусий хоҳиш-истак эркин бўлиши учун улар эркинлигининг тенг ва бир хилдаги адолатли шарт-шароитлари тўғрисидаги умумий норма зарур - агар уни умумий неъмат нуқтаи назаридан тушуниладиган бўлса, «**умумий хоҳиш-истак**» деб аталадиган хоҳиш-истакнинг мазмуни моҳият эътибори билан мана шундан иборатдир. Ушбу концепцияда ҳуқуқ - **бу энг кўп даражадаги эркинлик учун энг кўп даражада зарур бўлган умумий норматив шарт-шароитлардир**, деган принципиал ҳолат ифодаланган. Бунда гап ички ёки халқаро ҳуқуқнинг амал қилиш соҳаси тўғрисида боришидан қатъи назар, тегишли ҳуқуқий норманинг амал қилиши доирасига кирувчи барча қатнашчилар учун эркинлик (хоҳиш-истак эркинлиги) назарда тутилади.

Умумий фаровонлик эркин ва тенг субъектлар сифатида мазкур ҳамжамият барча аъзоларининг биргаликда турмуш кечиришлари ва мураса қилиб бирга яшашлари учун объектив зарур умумий шарт-шароитларни ифодалайди ва айна вақтда бу билан ҳар бир кишининг фаровонлигини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш учун умумий шарт-шароитларни ифодалайди. Ушбу концепцияда умумий фаровонлик ҳар бир кишининг фаровонлигидан ажратилмаган ва унга зид қўйилмаган. Мазкур ҳамжамиятнинг ўз ҳаётининг тегишли давлат-ҳуқуқий шаклларини тенглик, эркинлик ва адолат асосида ташкил этувчи аъзоларининг ўзи (ҳар бири алоҳида ва барчаси биргаликда) умумий фаровонликнинг бирламчи ва доимий эгалари бўлади.

Умумий фаровонлик концепцияси қамраб оладиган эркин ва тенг шахслар доираси тарихан (қадимги даврдан ҳозирги даврга қадар) ўзгариб турган, бироқ мазкур концепция ўзининг ҳар қандай вариантыда ушбу доиранинг барча аъзолари учун умумий бўлган ҳуқуқий тенглик принципини, умуммажбурий ҳуқуқий қонунни, умумий ҳуқуқ-тартиботни тақозо этади.

**Умумий фаровонлик - бу эркин ва тенг ҳуқуқли субъектлар сифатида кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамжамиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий типининг мазмуни ва изланган натижасидир.** Тарихий тажриба ва назария кишилар ҳамжамиятини ташкил этишнинг фақат мана шундай типи ҳамда ҳамжамият ва унинг аъзолари манфаатларининг, яхлитнинг ва қисмининг, хусусийнинг ва оммавийнинг, индивидлар ва ҳоки-

миятнинг мувофиқлаштирилиши одамларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларига, инсон шахсининг қадр-қиммати ва қадриятлари эътироф этилишига мос келади. Сўз моҳият эътибори билан тенглик, эркинлик ва адолатнинг ҳуқуқий принципи талабларига мувофиқ социумни, кишиларнинг хусусий ва оммавий муносабатларини ташкил этиш тўғрисида бормоқда.

Одамлар турмушини ташкил этишнинг қолган барча (ноҳуқуқий) типлари моҳият эътибори билан одамларнинг эркинлиги ва ҳуқуқсизлиги, зўравонлик ва ўзбошимчаликка асосланган. Ҳуқуқ (ва тегишли ҳуқуқий давлат) - бу якка инсон ва умуман инсоният манфаати принципи ҳамда тартибининг ўзидир.

## **Тўққизинчи боб. Ижтимоий тартибга солиш тизимида ҳуқуқ ва давлат**

### **1. Ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият ҳар хил турларининг ўзига хослиги**

Ҳуқуқ ва ижтимоий нормаларнинг бошқа (ахлоқий, маънавий, корпоратив, эстетик, диний ва бўлакча) турлари ўзида улар ёрдамида кишиларнинг хулқ-атвори ҳамда ижтимоий муносабатлари бошқариладиган асосий шакллар ва воситалар ҳисобланади. Улар жамланган ҳолда ҳар қандай жамиятнинг ўз аъзолари хатти-ҳаракати ва ўзаро муносабатини тартибга солишга, уларнинг хулқ-атворини ижтимоий зарур қоидаларга бўйсундиришга бўлган объектив эҳтиёжни ифодалайди. Бу билан ижтимоий нормалар ижтимоий умумийликнинг кишилар турмуш фаолияти тарзига, усуллари ҳамда шаклларига онгли ва муайян мақсадга қаратилган таъсир кўрсатишнинг кучли омили сифатида амал қилади.

Ижтимоий нормалар ҳар хил (ҳуқуқий, этик, эстетик, диний ва бошқа) турларининг ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро таъсири жараёнида уларнинг ҳар бири ўзига хослигини сақлаб қолиб, алоҳида турдаги тартибга солувчи сифатида амал қилади. Ижтимоий тартибга солувчилар **умумий белгилар** билан биргаликда ижтимоий норма бир турининг бошқасидан принципиал фарқини акс эттирувчи **ўзига хос хусусиятга** ҳам эга. Бундай ўзига хосликларсиз ижтимоий нормаларнинг

ҳар хил турлари ва тартибга солувчи усуллари тўғрисида умуман сўз юритиш мумкин эмас.

Масалан, ҳар қандай **диннинг** фарқланувчи хусусияти илоҳий зот бўлмиш худога ишонишдан иборатдир. Диннинг ушбу хусусияти ижтимоий онг шакли сифатида диний нормаларнинг ўзига хослигини ва ижтимоий тартибга солувчи сифатида уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Диний кўрсатмалар ва тақиқларнинг илоҳий келиб чиқиши (уларнинг бевосита худо, пайғамбар, руҳонийлар ва ҳоказолар томонидан берилганлиги), уларни ҳимоя қилишнинг диний воситалари (илоҳий тақдирлаш ва жазо, шариат жазolari ва бошқалар)нинг тавсифлари ҳам мана шунга боғлиқдир.

**Эстетика нормаларининг** тур жиҳатидан фарқ қилиши улар (хунукликка зид қўйилган ҳолда) гўзаллик ва нафосат қоидаларини (мезонлари, баҳоларини) ифодалаши билан боғлиқдир. Гўзаллик ва хунукликнинг мазкур маданиятда таркиб топган шакллари, типлари ва образлари (устун даражада - санъат соҳасида, шунингдек турмуш ва меҳнат соҳасида, дин, мафкура, сиёсат, ахлоқ, ҳуқуқ ва бошқаларда) норматив аҳамият касб этиб (ижобий ва юксак ёки, аксинча, салбий ва тубанлик намунаси ҳамда мисоли сифатида), кишиларнинг ҳис-ғуйғулари, дидлари, тасаввурлари, хатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларига, уларнинг бутун шахсий ва умумий турмуш тарзига жиддий тарбиявий ҳамда тартибга солувчи таъсир кўрсатади. Эстетик маъқулланган дидлар, қадриятлар, идеаллар, шакллар ҳамда намуналар, (ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан ҳуқуқий ҳаёт соҳасида) шаклланган маданият доирасида ўзига жалб этувчи ва қўлам сифатида бошқа ижтимоий нормаларнинг мавжудлиги ҳамда амалга ошиши шаклларига, ижтимоий-норматив тартибга солишнинг бошқа турлари мавжуд бўлиши усулларига таъсир кўрсатувчи **«гўзаллик майдони»**дир.

**Ахлоқнинг** ўзига хос хусусияти шундаки, у индивидларнинг мустақил нуқтаи назарини, уларнинг нима эзгу ва нима ёвуз эканлиги ҳақида, инсон хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари ва ишларидаги бурч ва виждон тўғрисида эркин ва онгли қарор қабул қилишини ифодалайди. Ахлоқ принципи - индивиднинг ўзига ва бошқаларга, оламга ўз муносабатини, ўз ботиний ва зоҳирий хулқ-атворини мустақил бошқариши принциpidир.

**Этика ҳодисаларида икки жиҳат зоҳир бўлади:** 1) шахсий жиҳат (индивиднинг мустақиллиги ва унинг томонидан ахлоқий хулқ-атвор қоидалари ҳамда ахлоқий баҳоларнинг онгли асосланиши); 2) объектив, шахсга боғлиқ бўлмаган жиҳат (мазкур маданиятда, ижтимоий гуруҳда, жамоада шаклланган ахлоқий даъватлар, қадриятлар ва инсоний муносабатлар шакллари ҳамда нормалари). Қайд этилган жиҳатлардан биринчиси ахлоқ тавсифига, иккинчиси **ахлоқийлик** тавсифига тегишлидир. Ижтимоий гуруҳлар, жамоа ва умуман жамият ахлоқи тўғрисида гапирилганда, моҳият эътибори билан ахлоқийлик (гуруҳий ва умумижтимоий ахлоқ, қарашлар, муносабатлар, нормалар ва кўрсатмалар тўғрисида) сўз боради.

Этика муносабатлари соҳасида ахлоқ индивид хулқ-атворининг бошқарувчиси, унинг ижтимоий турмушда ва ижтимоий муносабатлардаги иштирокининг англаган, мустақил асосланган усули сифатида майдонга чиқади. Ахлоқий нормалар хулқ-атворнинг ташқи бошқарувчилари сифатида амал қилади. Индивид жамоавий ахлоқий тасаввурлар, қадриятлар, нормаларни ўзининг ички бошқарувига қабул қилган, ўзлаштирган ва айлантирган ҳолларда ҳамда ўз хулқ-атворида уларга амал қилган тақдирда ҳар иккала тартибга солувчи - маънавий ва ахлоқий бошқарувчининг қовушиши ва келишиши содир бўлади.

**Корпоратив нормалар**, яъни жамоат бирлашмалари ва корпорациялар томонидан қабул қилинадиган нормалар ижтимоий нормаларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Жамоат бирлашмасининг (сиёсий партия, касаба уюшмаси, ижтимоий фаолият органи ва бошқаларнинг устави ҳамда бошқа ҳужжатларида мустаҳкамланган) нормалар (раҳбар органларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, бирлашма аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ва бошқалар тўғрисидаги) фақат мазкур жамоат бирлашмаси аъзолари ҳамда қатнашчиларига татбиқ этилади ва фақат улар учун мажбурийдир. Ушбу корпоратив нормаларнинг бузилиши ташкилот уставида назарда тутилган тегишли санкциялар (огоҳлантириш, ҳайфсандан тортиб ташкилотдан чиқаришгача) қўлланилишига олиб келади.

Корпоратив нормалар (ўз тартибга солувчи аҳамияти, ҳара-

кат қилиш соҳаси, мўлжалланганлар доираси ва бошқаларга кўра) - **ташкилот ички хусусиятига эга бўлган гуруҳли нормалардир.** Уларда ҳуқуқ ялпилик ва умумаҳамиятли қийматга эга, қонун эса умумий мажбурий бўлмайди. Корпоратив нормалар моҳиятан жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули эмас, балки бор-йўғи **фуқароларнинг бирлашмадаги конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ва улардан фойдаланиш шакли ва услубидир,** бунда жамоат бирлашмаларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти, шу жумладан уларнинг норма ижодкорлиги ҳуқуқ ва ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий шакллариининг умумий талабларига мувофиқ қонун асосида ва унинг (ҳуқуқий тенглик, ихтиёрлиқ, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро алоқаси принципи ва бошқаларга риоя қилиш) доирасида амалга оширилиши керак.

**Ушбу барча ижтимоий тартибга солувчилар (ҳуқуқ, ахлоқ, ахлоқийлик, дин ва бошқалар) нормативдир ва барча ижтимоий нормаларнинг ўзига хос санкциялари (чоралари) мавжуд.** Ушбу санкцияларнинг ўзига хослиги моҳиятан турлича бўлган ижтимоий нормаларнинг, ижтимоий тартибга солишнинг ҳар хил типлари (ва шакллари)нинг объектив табиати ва хусусиятлари билан белгилангандир.

Шундай қилиб, ушбу муаммони легистлар талқин қилганидек, санкцияларнинг хусусиятлари ижтимоий нормалар (ҳуқуқ, ахлоқ, дин ва бошқалар) фарқининг асос белгиси бўлмай, балки, аксинча, **ижтимоий нормалар ҳар хил турларининг табиатан объектив бўлган муҳим фарқлари, ўзига хос хусусиятлари улар бузилганлиги учун кўриладиган чоралар хусусиятини ҳам белгилаб беради.**

Ижтимоий нормалар муайян турининг ҳамда нормаларнинг ушбу турини белгиловчи, санкцияловчи ва ҳимояловчи ижтимоий ҳокимият тегишли турининг моҳият ҳамда тушунча бўйича бирлиги ижтимоий нормалар бирон-бир турига оид санкциянинг ўзига хослигида намоён бўлади.

**Ҳар қандай (ахлоқий, диний, давлат ва бошқа) ижтимоий ҳокимият - (руҳий ёки жисмоний) кучни ташкил этиш ҳамда ушбу ижтимоий бирликда (гуруҳда, бирлашмада, жамиятда ва ҳ.к.) ижтимоий муносабатларни бошқариш учун тегишли равишда мажбурлашни қўллашнинг муайян норматив тартибидир.** Бундай норматив тартиб хусусиятлари тегишли ижтимоий



(ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва бошқа) нормаларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Тегишли ижтимоий нормаларга риоя этишга мажбур қилишнинг ва улар бузилганлиги учун жазолашнинг бундай ижтимоий-ҳуққуқий шакллари ушбу нормалар санкцияси ҳисобланади. Нормаларнинг ҳар бир турининг ўзига хос санкциялари бор: ахлоқий нормаларга - ахлоқий санкциялар (ахлоқсизларча хатти-ҳаракатларни ахлоқий қоралаш ва бошқалар), диний нормаларга - диний жазо беришнинг ҳар хил турлари (черковга ихлос уйғотишдан тортиб черковдан чиқаришгача ва бошқалар), ҳуқуқий нормаларга - давлат (давлат-ҳуқуқий) санкциялари ва бошқалар хосдир.

**Ҳуқуқнинг ўзига хослиги**, унинг объектив табиати айна вақтда ижтимоий нормаларнинг бошқа турлари ҳамда ижтимоий тартибга солиш бошқа типларидан фарқи расман тенглик принципида ифодаланган. Қонун санкциясининг ўзига хослигини (унинг умумий мажбурийлигини, давлат томонидан ҳукм билан мажбур этилишини ва бошқаларни) тенглик, эркинлик ва адолатлиликнинг умумий ва зарур шакли бўлган ҳуқуқнинг айнан объектив ўзига хослиги белгилаб беради. Лекин ҳуқуқнинг бундай ўзига хослигини, унинг фарқланувчи муҳим хоссалари ва тавсифларини расман-ҳукм билан мажбурлаш белгиламайди ва юзага келтирмайди. Ушбу мантиққа кўра ижтимоий ҳоқимиятнинг (ва унинг томонидан ўрнатилган нормаларнинг) бошқа турларидан фарқ қилган ҳолда, **давлат ҳоқимиятининг суверен харақтерини** (бинобарин, давлат томонидан ўрнатилган нормаларнинг умумий мажбурийлигини, уларнинг мажбурлаш воситалари билан таъминланганлигини ва бошқаларни) айнан давлатнинг ҳуқуқий табиати белгилаб беради.

Либертар-юридик назария ҳам легизмга, ҳам ҳуқуқнинг ахлоқ, ахлоқийлик ва ғайриҳуқуқий ижтимоий нормаларнинг бошқа турлари билан аралаштириб юборишга қарши қаратилган. Ушбу ўринда **либертар-юридик назарияга мувофиқ, расман тенглик, эркинлик ва адолат ахлоқ, ахлоқийлик, дин ва ҳоказоларнинг эмас, айнан ҳуқуқнинг объектив, муҳим хоссаси эканлигини** яна бир марта эслатиб ўтишга тўғри келади. Легизм каби юснатурализм ва ҳуқуқ тўғрисидаги бошқа ҳар хил маънавий (ахлоқий, диний ва бошқа) таълимотлар ҳуқуқнинг айтиб ўтилган муҳим хоссаларининг ҳуқуқий та-

биатини инкор этади, масалан, адолат, эркинлик, тенглик талабларини маънавий, ахлоқий, диний талаблар деб ҳисоблайди, шунинг учун ҳам буни таъкидлаб ўтиш муҳим.

## 2. Ҳуқуқнинг бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро муносабати

Тенглик, ҳуқуқ принципи бўлгани ҳолда, ижтимоий нормаларнинг барча бошқа (ноҳуқуқий) турлари, ижтимоий тартибга солишнинг бошқа барча типлари нуқтаи назардан, албатта, муҳим аҳамиятга эга, бироқ (унинг моҳияти шунда!) уларнинг ўз принципи сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмайди.

Ижтимоий нормаларнинг ҳар хил турлари (ҳуқуқ, ахлоқ, дин ва бошқалар) ўз табиатини, ўзига хослигини, моҳиятини ва тушунчасини акс эттирувчи ўзига хос принципларга эга. Шундай экан, ижтимоий нормалар ҳар хил турларининг, турли ижтимоий тартибга солувчиларнинг нисбати (алоқаси, ўзаро муносабати, зидлиги, кураши ва бошқалар) - **ҳар хил принциплар нисбатидир.**

Ахлоқ, ахлоқийлик, дин, эстетика ва бошқалар тенглик принципи билан (унинг у ёки бу тарзда намоён бўлиши ва қийматида) ўзаро муносабатда аслида ҳуқуқий асос ва принципга боғлиқ бўлади. Бинобарин, бундай **ўзаро муносабатнинг икки ўзаро боғлиқ жиҳатини** ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) мазкур ҳуқуқий принципга тегишлича ахлоқий, диний, эстетик ва ҳоказо муносабат (тушуниш, идрок этиш, баҳолаш, даъво қилиш, қўлланиш) ва 2) ҳуқуқий тенглик принципнинг ўзига хос хусусиятларини (расман ялпи тенг ўлчов, эркинлик, адолат) ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқда мазкур (ахлоқий, диний ва ҳоказо) муносабат-даъвонинг эътироф этилиши ва ифодаланиши.

**Биринчи жиҳатда** биз ҳуқуқни (ҳуқуқий тенгликни) англашнинг ахлоқий, диний ва ҳоказо шаклига ҳамда уларни ҳуқуқий эътироф этишга бўлган муайян даъволарга дуч келмоқдамиз. Маънавий ҳуқуқ, ахлоқий ҳуқуқ, диний ҳуқуқ ва ҳоказоларнинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳар хил тасаввур ва концепцияларининг боиси мана шунга бориб тақалади.

**Иккинчи жиҳатда** сўз ҳуқуқий даъвонинг ушбу турларини

англаш ва ифодалашнинг ҳуқуқий шакли тўғрисида бормоқда; бунга ахлоқ, дин, эстетика ва бошқа соҳаларда одамларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳуқуқий эътироф этилиши ва мустаҳкамланиши (бинобарин, ҳуқуқий тенглик принципи амал қилиши соҳасига жалб этилиши)нинг кўп қиррали, тарихан ўзгариб турадиган йўналишлари, шакллари ва усуллари киради.

Ҳуқуқий тенглик принципнинг маънавий ҳаёт ушбу соҳаларига ёйилиш характери ва шакллари, одамларнинг тегишли сўровлари ҳамда манфаатларини ва уларни зарур даражада қондириш шартларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқ ва эркинлик тараққиётининг тарихан эришилган даражасининг, ижтимоий онг шакллари ва ижтимоий тартибга солиш турлари ривожланишининг муҳим тавсифлари сирасига киради.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги принципини қарор топтириш учун ҳам маънавий шахс, ҳам эркин, мустақил ва автоном субъект сифатидаги инсон эркинлигининг юридик аҳамиятга эга барча жиҳатлари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма (маънавий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳоказо) соҳаларида қонун йўли билан эътироф этилиши, мустаҳкамланиши ва ҳимоя қилиниши зарур.

Ҳуқуқнинг ижтимоий нормалар бошқа турлари билан нисбати ва ўзаро муносабати муаммосига ахлоқ, ахлоқийлик, дин ва ҳоказоларнинг ҳуқуқий талабларини ва ушбу талабларни қондиришнинг муқобил (ҳуқуқ спецификасига ва ҳуқуқий тенглик принципи мазмунига мувофиқ келувчи) ҳуқуқий типлари, усуллари ва шаклларини ҳисобга олган ҳолда, юридик ёндашиш ҳар хил ижтимоий тартибга солувчиларнинг ҳуқуқий мезон бўйича муайян тизимли ўзаро мувофиқлигини ва бирлигини барча тартибга солувчиларнинг (ҳамда ижтимоий нормалар турларининг) ягона, ялпи ва умумаҳамиятли ҳуқуқий асос бўйича эркин амал қилиши принципи нуқтаи назаридан таъминлайди.

Ижтимоий нормалар ҳар хил (ахлоқ, ахлоқийлик, дин ва бошқа) турлари ривожланганлиги, мустақиллиги ва бири-биридан табақалашганлиги шароитида уларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ва амал қилишини мувофиқлаштиришнинг айнан ҳуқуқий принципи ушбу хилма-хил ижтимоий нормаларни (ва тартибга солувчиларни) муайян тизимда бир-

лаштиришга қодирдир. **Ҳуқуқнинг бутун соционорматив тизимдаги белгиловчи аҳамияти** тарихий жиҳатдан ижтимоий ва маънавий ривожланишнинг шундай даврига (айнан - буржуа даврига) мос келади-ки, бунда ижтимоий онг тизимида ҳуқуқий онг (**юридик дунёқараш**) етакчи роль ўйнай бошлайди, илгари бундай ролни **мифология** (соционорматив тартибга солувчининг қарор топиши даврида), сўнг **дин** (қадимги даврда ва ўрта асрларда), сўнгра, Янги даврда эса - **ахлоқ ва сиёсат** ўйнаган эди.

Ижтимоий онг турли шакллари ва тегишли равишда ижтимоий нормалар (ҳамда тартибга солувчилар) ҳар хил турлари етакчилик ролининг бу тариқа тарихий алмашилиши, **давлат ва унинг қонунлари (позитив ҳуқуқ) тўғрисидаги тасаввурларнинг илгарилаб борувчи юридиклашуви жараёнида** ҳам кўзга ташланди.

Ҳуқуқнинг турли теологик, ахлоқий, маънавий ва ҳоказо талқинларининг яққол кўриниб турган камчиликлари ижтимоий нормалар (ҳамда тартибга солувчилар) ҳар хил турларининг аралаштириб юборилишидан, ҳуқуқнинг ўзига хослиги инкор қилинишидан, **ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимот теологияга ва этикага боғланишидан**, ҳуқуқнинг диний ёки этикавий феноменлар билан алмаштирилишидан, амалдаги ҳуқуққа (қонунга) ва давлатга муқобил бўлмаган (ноҳуқуқий) талаблар қўйилишидан ва бошқалардан иборатдир.

Ҳуқуқ гўё маънавий, ахлоқий бўлиши кераклиги ҳақидаги янглиш тасаввур кенг ёйилганича қолмоқда (ҳуқуққа нисбатан бундай этикавий талабларда ахлоқ ва ахлоқийлик, қоидага кўра, бирхиллаштирилади). Бироқ бундай талаб, агар у ахлоқ (ёки ахлоқийлик)нинг қонуний ҳуқуқий талабларини қондиришнинг биз томонимиздан кўриб чиқилган ҳуқуқий усули доирасидан ташқарига чиқса, моҳият эътибори билан ҳуқуқ ҳуқуқ эмас, балки ахлоқ бўлиши, қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг) мазмуни ҳуқуқий эмас, балки ахлоқий бўлиши кераклигини англатади.

**Ҳуқуқни** бундай **ахлоқий тушуниш** нафақат ҳуқуқнинг, балки ахлоқнинг ҳам моҳиятини муқаррар бузади, чунки **ҳуқуқнинг ахлоқлаштирилиши**, муқаррар равишда, **ахлоқнинг юридиклаштирилиши** билан бирга кечади. У ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам ҳуқуқ ва ахлоқнинг мазмуни ва аҳамияти ихтиёрий белгиланади.

Ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги ҳар хил маънавий (ахлоқий) таълимотларда ҳуқуқ ва қонунни (позитив қонунни) фарқлаш ахлоқ ва қонунни фарқлаш билан алмаштирилади. Ҳуқуққа нисбатан ахлоқий ёндашув, нари борса, унинг маънавий талқин қилиниши ва баҳоланиши орқали ахлоқан «тўғри» ҳуқуқнинг, яъни **ахлоқий қонун (ахлоқий позитив ҳуқуқнинг) ва ахлоқий давлатнинг ахлоқан асосланиши ва оқла-нишига** олиб келади.

Аслида эса, изланган ҳақиқат ва назарий ривожлантирилган юридик ёндашувнинг мақсади **айнан ҳуқуқий қонун ва ҳуқуқий давлат** ҳисобланади. Унинг ютуқлари ҳуқуқнинг ижтимоий нормалар тизимидаги ўзига хослигини ва давлат ҳокимиятининг ижтимоий ҳокимият бошқа турлари билан муносабатдаги ўзига хослигини аниқлаш ва ҳисобга олишни талаб этади.

### **Ўнинчи боб. Рухсат бериш ва тақиқлаш тартибга солиш шакллари сифатида. Ҳуқуқ ва бараварчилик**

Расмий-ҳуқуқий тенгликка қарши қўйиладиган «фактик тенглик» реал воқеликда бараварчилик сифатида намоён бўлади. Бараварчиликка рухсат бериш ва уни тақиқлашни ҳуқуқий тақиқ ва рухсат бериш билан таққослашда ҳуқуқ ва бараварчилик бир-бирига зидлиги ёрқин кўринади.

#### **1. Рухсат бериш ва бараварчиликни тақиқлаш**

«Фактик тенглик»нинг ўз позитив принципи ва муайян позитив мазмуни йўқ, шу сабабли турли даврлар ва ҳар хил вазиятларда «фактик тенглик» талаби ушбу талаб билан тарихан қайси аниқ ҳуқуқ ва расман-ҳуқуқий тенглик инкор этилишига боғлиқ равишда бараварчиликнинг ҳар хил (платонча, руссоча, утопик-коммунистик, марксча-социалистик ва ҳоказо) версияларини назарда тутлади.

**Марксча-социалистик бараварчиликнинг мазмуни шуки,** марксизмга мувофиқ расман тенглик - бу буржуа ҳуқуқи, буржуа «тенг ҳуқуқи» (марксизмга биноан, у коммунизмнинг биринчи босқичида умумлаштирилган ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан бартараф этилган, бироқ индивидуал

истеъмол предметларини «меҳнатига кўра» тақсимлаш учун сақлаб қолинган), изланган «фактик тенглик» эса - бу ҳар кимнинг «эҳтиёжига кўра» истеъмолчилик эҳтиёжларини қондиришдир. Коммунизмнинг қуйи фазасидан (яъни социализмдан) унинг юқори фазаси (тўлиқ коммунизмга) ривожланиши, бундай мантиқ бўйича, «яна олға қараб бориш, расман тенгликдан ҳақиқий тенгликка томон бориш, яъни «ҳар ким қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша», - деган қонидани амалга ошириш масаласи»<sup>1</sup> ни англатади.

Ушбу доктринал прогнозларга зид ўлароқ, реал социализм шароитида расман, ҳуқуқий тенглик принципи нафақат умумлаштирилган (ва «давлатлаштирилган») ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан, балки индивидуал истеъмол предметларини тақсимлаш соҳасида ҳам инкор этилади. Социалистик бараварчилик ҳуқуқий тенглик мумкин бўлмаган вазиятда «тенглик»нинг (норасман, «фактик» тенгликнинг) ифодачиси ва ёювчиси сифатида айнан мавжуд бўлмаган ҳуқуқнинг ўрнини босади.

Социалистик бараварчилик ўзининг барча кўринишларида социалистик мулкчилик юзага келтирадиган талаблар, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик (ва умуман ҳар қандай индивидуаллаштирилган мулкчилик) мавжуд эмаслиги принципи доирасида бошқариладиган муносабатларни (меҳнат ва унга ҳақ тўлаш соҳасида ҳам, турмушнинг қолган барча соҳаларида ҳам) сақлаб қолиш ва ушлаб туришга даъват этилгандир.

Агар ҳуқуқ ва ҳуқуқий тенглик - бу имтиёзларни инкор этиш, абстракт умумий кўлам ва барча учун расман-тенг ўлчов бўлса, у ҳолда **социалистик бараварчилик хусусий мулкни тақиқлаш чегарасида истеъмолчилик имтиёзларининг даража тизими талаблари ва қондаларини ифодалар эди.** У «меҳнатчи бўлмаган тишламайди» принципи бўйича фақат «меҳнатчилар»га нисбатан татбиқ этилар эди. Боз устига ушбу тизимнинг ҳар бир даражаси (тегишли табақалар, касблар ва ҳоказолар) учун ўзининг «табақавий» истеъмол ўлчови амал қилар эди. Бундай ҳар бир қатлам ичида бараварчилик ҳар хил ходимларнинг меҳнат шароитларидаги фарқ-

1. В.И.Ленин. Тўла асарлар тўплами. 33-том, 115-116-бетлар.

ларини бараварлаштирарди ҳамда яхшиларга қараганда ёмонларнинг имтиёзини ўзида ифодалар эди.

Бараварчилик амал қиладиган барча жойда бундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан биргаликда текисловчилар ва текисланувчилар ижтимоий роллари, мақоми ва функцияларининг табақалашуви ҳамда фарқланиши шубҳасиздир. «Тенглар» орасида номенклатура жиҳатидан «кўпроқ тенглар» ва «энг тенглар» ажралиб туради. Айнан бараварчилик имтиёзлари уларни ҳаётда амалга оширишнинг реал жиҳатдан мумкин бўлган усулларини ифодалайди ва қўллаб-қувватлайди.

Тўғри, социалистик бараварчиликнинг барча имтиёзлари реал аҳамиятга эга бўлишига қарамай, аслида истеъмолчилик тусига эга эди ҳамда принцип жиҳатдан (ва легал равишда) ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик имтиёзини истисно этар эди.

Умуман олганда, социалистик бараварчилик ҳукми-тақсимловчи нормалар ёрдамида истеъмол соҳасида социализм шароитида йўл қўйиладиган нормаларни текислашга ва ушбу тафовутларни хусусий мулкчиликни инкор этиш принципи талаблари доирасида тутиб туришга қаратилган эди.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш жараёнида бараварчиликка хос бўлган тақиқлар ва рухсат беришлар тартибга солувчи муҳим рол ўйнади.

**Рухсат бериш ва тақиқ** - одамлар хулқ-атворини тартибга солишнинг икки асосий усули. Турмушнинг исталган соҳасида расман эътироф этилган тартиб бирон-бир рухсат бериш нормалари ва тақиқ нормалари воситасида ифодаланади. Бунда рухсат бериш ва тақиқлар нисбати ижтимоий тартибга солишнинг ҳар қандай тизимида ўзининг ички мантиқига, тасодифий эмас, балки зарур характерга эга бўлади ва, бинобарин, хоҳиш ҳамда ўзбошимчалик билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Бир томондан, бараварчиликдаги рухсат бериш ва тақиқлар, иккинчи томондан, ҳуқуқий рухсат бериш ва тақиқлар ўз мазмуни, маъноси ва тартибга солувчи аҳамиятига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилади.

**Бараварлаштирувчи тартибга солишнинг мақсади ва моҳияти** - энг кам даражада реал рухсат бериш ва энг кўп даражада тақиқлашдир. Шу сабабли тақиқлар кўплигига қарамай, иж-

тимой муносабатларни тартибга солиш усули сифатида айнан рухсат бериш тартибга солишнинг бараварчилик типиди белгиловчи роль ўйнайди. Рухсат беришнинг айнан энг кам даражаси (турмушнинг барча, энг аввало, меҳнат ва истеъмол соҳаларида) ҳам куч билан ҳимоя қилишга, ҳам одамларнинг хулқ-атворини рухсат беришнинг тор чегараларида зўрлик билан тутиб туришга даъват этилган кўплаб тегишли тақиқловчи нормалар томонидан билвосита қўллаб-қувватланишга эҳтиёж сезади. Моҳиятан ҳуқуққа зид бўлган социалистик қонунчиликка ғоят хос бўлган ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари деб аталган усул учун зарур норматив асос бўлиб хизмат қилган турмуш ҳамда меҳнатнинг «ҳаддан ташқари тартибга солинганлиги»ни рухсат беришнинг икир-чикиригача тартибга солиниши ва тақиқларнинг кўпдан-кўп шохобчаси туғдирган.

Тартибга солишнинг бараварчилик учун типик бўлган рухсат берувчи тартибидида мантиққа кўра фақат қандайдир чекланганга, маълум бўлганга ва аниқ белгиланганга рухсат берилиши мумкин, қолган барчаси, **тўғридан-тўғри рухсат берилмаган барча нарса тақиқланади, деган** принцип бўйича тақиқланган бўлиб чиқади. Шундай қилиб, бараварчилик тақозо этадиган рухсат беришнинг энг кам даражаси зарурият билан биргаликда энг кўп даражада тақиқланганни туғдиради, бунда меҳнат ва ижтимоий турмушдаги барча янги, барча ижодий ва илғор нарсалар, бараварчилик нормаларининг чекланган доирасидан ташқарига чиқадиган барча нарса тақиқ остига тушади ва таъқиб қилинади. Бараварчилик талаблари жамланган ҳолда моҳият эътибори билан ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилишнинг жуда таъсирчан норматив механизмига, ижтимоий турмуш барча соҳаларининг фаолият кўрсатишини вақтинча тўхтатиб қўйишнинг қудратли тартибга солувчи воситасига, инсон омили фаоллашувига қарши енгиб бўлмас тўсиққа айланади. Бараварчилик пассивлик ва турғунликни келтириб чиқаради. Ташаббуснинг жазоланиши - одамларнинг эркинлиги ва ижодий фаоллигини барча воситалар билан инкор этувчи бараварчиликнинг табиий ва оммавий маҳсулидир. Бараварчилик туғдирган ва қўллаб-қувватлайдиган пассивликка ва боқимандаликка қаратилган ижтимоий-психологик ва умуман ҳаётий кўрсатма инсон омилини бузади ҳамда ижтимоий ишлаб чи-



қариш ўсишига ва турмуш шароити такомиллаштирилишига олиб борувчи йўлларни ёпиб қўяди.

Социализм шароитида бараварчилик талабларини доимий равишда куч билан қўллаб-қувватлаш зарурияти муассасалар ва мансабдор шахсларнинг барча норма ижодкорлигини, нормаларни қўллаш фаолиятининг мазмунини, йўналишини, шаклларини ва методларини белгилаб берди ҳамда улар ваколатларининг жами ҳажмида мажбурлаш-буйруқ бериш жиҳати кучайиб кетиш билан бирга кечди.

## 2. Ҳуқуқда рухсат бериш ва тақиқлаш

Бараварчилик тақозо этадиган рухсат бериш ва кенг тақиқларнинг чекланган чораларидан фарқ қилган ҳолда ҳуқуқий рухсат бериш ва тақиқлаш жамият барча аъзоларига унинг ривожланишининг мазкур босқичида энг кўп даражада мумкин бўлган абстракт тенг, барча учун бир хилда адолатли бўлган эркинликни ифодалашга ва кафолатлашга даъват этилган.

Ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ва режимлари сифатида рухсат бериш ёки тақиқлашни (ёки уларнинг бирга қўшилиши ва комбинациясининг муайян конструкциясини) танлаш ижтимоий ривожланишнинг муайян босқичида бундай тартибга солиш эҳтиёжлари, мақсадлари ва вазифаларига, тартибга солиш объектининг ўзига хослигига, қонун чиқарувчи ва умуман давлат ҳуқуқий сиёсатининг характери ва мазмунига, мамлакатда демократия, ошкоралик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг ривожланганлик даражасига, ҳуқуқий аънъаналарга, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига, ижтимоий фикрга ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Кенг ёйилган тасаввурларга зид ўлароқ, умумий тарзда ҳуқуқий тартибга солиш мантиқи ва механизми шундайки, кўп даражадаги ҳуқуқий эркинликни ифодалаш учун ҳуқуқий тартибга солиш методи (усули, тартиби, режими) сифатида ҳуқуқий тақиқдан, кам даражадаги эркинликни ифодалаш учун эса - ҳуқуқий рухсат беришдан фойдаланиш зарур. Бундан нима учун бараварчиликда рухсат бериш тартибга солишнинг бирламчи ва белгиловчи методи ҳисобланиши, тақиқ (гарчи кенг фойдаланиладиган бўлса ҳам) - иккиламчи ва шартли мето-

ди ҳисобланиши аён кўриниб турибди. Гап шундаки, умуман олганда, тартибга солишнинг рухсат берувчи тартиби ва методида рухсат беришнинг қатъий белгиланган мазмуни ва ҳажми расмий ҳокимият томонидан тўғридан-тўғри ва бевосита, қаттиқ ва аниқ ўрнатилади. Бундай тартибга солишдан мақсад - ижод, тараққиёт, ҳали номаълум бўлган янги томон ҳаракат қилишни эътироф этиш ва уларга зарур кенгликни кафолатлаш эмас, балки ижобий ҳол сифатида олдиндан берилган соҳадан ниманидир танлаш ҳамда унга йўл қўйиш ва уни регламентлашдир. Модомики, тартибга солишнинг рухсат бериш тартибида тўғридан-тўғри рухсат берилмаган барча нарса тақиқланган экан, янги нарса принцип жиҳатидан қандайдир салбий нарса сифатида тақиқ остида бўлади.

Шунингдек ҳуқуқда ҳам рухсат бериш (изн) муҳим тартибга солувчи аҳамиятга эга бўлади, бироқ бунда айнан тақиқ бирламчи ва белгиловчи роль ўйнаши мумкин ва шундай бўлиши керак. Бараварчиликда тақиқ бирламчи рухсат бериш билан қаттиқ боғланган бўлади ва моҳиятан ўзининг тартибга солувчи такрорланиши билан рухсат берилган энг кам даражага риоя қилиш ва уни амалга оширишга даъват этилгандир. Аксинча, ҳуқуқда тақиқ бирламчи, тағзаминли характерга эга ҳамда ҳуқуқ ва ҳуқуқий тартибга солишнинг айни моҳиятини ифодалайди Ушбу моҳият барча салбий (одамларнинг хатти-ҳаракатлари ва муносабатларидаги ижтимоий зарарли) нарсаларни узил-кесил, аниқ ҳамда тўғридан-тўғри тақиқлашдан ва шу йўл билан қолган барча нарсани ижтимоий, ижобий зарарсиз нарса сифатида ўз ҳимояси остига олишдан иборатдир. Ҳуқуқ ижтимоий зарарли нарсани айнан тақиқлаши (ва тегишли санкцияси) билан ўз алоҳида ижодий ролини ўйнайди, чунки ижтимоий фойдали нарсани эътироф этиш ва ҳимоя қилишнинг бундай бевосита ва билвосита шакли жамият аъзоларининг тегишли эҳтиёжлари ҳамда манфаатларига мос келувчи ва ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган энг кўп даражада мумкин бўлган ўлчовни беради.

Ҳуқуқий тақиқнинг белгиловчи характеридан қуйидаги муҳим юридик қоида келиб чиқади: **ҳуқуқ (ҳуқуқий қонун) билан тўғридан-тўғри тақиқланмаган барча нарсага рухсат берилган.** Кўпинча ҳатто рухсат берилган нарса ҳам тақиқлана-

диган бараварлаштирувчи тартибга солиш шароитида **тақиқланмаган нарсанинг қонунийлиги презумпцияси**, албатта, йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Ижтимоий зарарли нарсанинг туташ мезони **эркинликнинг қонунийлаштирилган энг кўп даражадаги миқдори** учун объектив, ижтимоий-тарихий жиҳатдан тақозо этилган чегара ҳисобланади. Ҳуқуқ ижтимоий ҳаётни умуман бундан **эҳтиёт қилиши** ва ҳимоя этиши керак. Ижтимоий зарарсиз барча нарсани эътироф этувчи ва қонунийлаштирувчи ушбу максимал чегара ҳуқуқий тақиқлар билан қўйилади ва белгиланади. **Эркинликнинг** (у ёки бу ҳаракатлар, ҳолатлар, муносабатлар ва бошқаларнинг) тўғридан-тўғри ва бевосита ижтимоий фойдалилик мезони билан объектив тақозо этилган энг кам **ҳуқуқий ўлчовининг миқдори** тегишли равишда ҳуқуқий рухсат беришларда ифодаланади.

Айтилганлардан, гўёки барча ҳолларда ҳуқуқий тақиқлар ҳуқуқий рухсатлардан маъқулроқ, деган фикр келиб чиқмайди, албатта. Аксинча, бир ҳолатда ҳуқуқий эркинликнинг эътироф этиладиган энг кўп даражасини ҳимоя қилиш учун бошқа ҳолатда ҳуқуқий эркинликнинг энг кам даражасини ўрнатиш зарур. Ҳуқуқ ва эркинликнинг юридик кафолатлари тизими айнан мана шу йўл билан қурилади. Масалан, давлат нуқтаи назаридан ташкил қилинган жамият ҳаётида оммавий-ҳукмрон ваколатларнинг алоҳида аҳамияти ҳамда шундан келиб чиқадиган, давлат ҳокимияти (ва уни ифодаловчилар)ни ташкил қилиш ва унинг фаолиятини қатъий белгиланган ҳуқуқий рамкага солиш зарурати туфайли муносабатларнинг ушбу доирасини ҳуқуқий бошқариш (давлат органлари ваколатини, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ваколатини аниқлаш)нинг лозим даражадаги методи айни ҳуқуқий рухсат беришлар ҳисобланади. Ҳукмрон ваколатларга эга бўлмаган субъектлар хатти-ҳаракатини тартибга солиш тўғрисида сўз бораётган жойда, одатда, ҳуқуқий тақиқлар методи муқобилроқ ҳисобланади.

Ушбу бошқариш методлари зарур даражада, ички келишилган тарзда қўшилган шароитдагина ҳуқуқ ўз тартибга солувчи ролини тўла бажариши, самарали ижтимоий ривожланиш учун зарур шарт-шароитни норматив кафолатлаши, ҳокимиятнинг суистеъмол қилинишига ғов солиши, жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, турмуш-

нинг ижодий асосларини қонунийлаштириши мумкин.

Умуман олганда шунини айтиш мумкинки, тартибга солиш чораларининг ижтимоий ривожланишнинг тўхтаб қолиши ёки жадаллашиши учун хизмат қилаётган бутун норматив шкаласи бараварлаштирувчи минимумдан ҳуқуқий максимум томон боради.

Бундан, бошқарувнинг бараварчилик типини ҳуқуқийси билан алмаштирилиши кишилар эркинлигини тан олиш ва уни ҳимоялаш талабларининг норматив ифодаси эканлиги маълум бўлади.

Шу билан бирга **ҳуқуқий тақиқлар ва рухсат беришларнинг умумий маъноси тегишли умумий мажбурий ҳужжатларнинг аниқ ва муайян ҳуқуқий нормалари сифатида аниқлаштирилиши лозимлиги аён**дир. Бундай аниқлаштириш эса қонун чиқарувчидан муайян ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларнинг, уларни амалга ошириш шакллари ва тартиботларининг, уларни ҳимоя қилиш усулларининг ва бошқаларнинг ўзаро алоқасининг муқобил норматив ифодаланишини талаб этувчи мустақил ижодий ишдир. Ҳар бир аниқ ҳуқуқий норма, муваффақиятли ҳуқуқий конструкция, изчил тартибот, лозим даражадаги процессуал шакл, амал қиладиган юридик қафолат ва ҳоказолар - бу салмоқли бошқариш-ҳуқуқий ва ижтимоий қадриятдир.

## **Ўн биринчи боб. Ҳуқуқий давлат**

### **1. Ҳуқуқий давлат: тарих ва ҳозирги замон**

Эркин кишилар оммавий ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли бўлган ҳар қандай давлат (у ёки бу халқнинг ижтимоий-тарихий тараққиётининг тегишли босқичида унда ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият ривожланганлигига кўра), деспотизмга зид равишда, ҳуқуқий давлатдан иборат бўлади ва ўзининг мана шу ҳуқуқий мазмуни ҳамда таърифи билан ўтмишдаги ва ҳозирги ҳуқуқ фалсафаси ҳамда юриспруденция предметига киради<sup>1</sup>.

Ҳозирги маънодаги ҳуқуқий давлат эса - ҳуқуқий маъно-

---

1. Бу ҳақда батафсил қаранг: ушбу китобнинг 1(1)-боби, 2(4)-боби, 9(1)-боби.

да ривожланган давлатнинг алоҳида концепцияси ва конструкциясидир. Унинг пайдо бўлиши ва қарор топиши ижтимоий-тарихий жиҳатдан буржуа либерал-демократик тузумнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, буржуа фуқаролик жамияти ва оммавий ҳокимиятни ташкил этишнинг буржуача конституциявий-ҳуқуқий шакллари шаклланиши билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ҳозирги маънодаги ҳуқуқий давлат деганда моҳият эътибори билан конституциявий расманлаштирилган либерал-демократик ҳуқуқий давлат назарда тутилади.

Ҳозирги тушунчадаги бундай ҳуқуқий давлатнинг фарқли белгиларига камида қуйидагилар тегишлидир: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг конституциявий эътироф этилиши ва ҳимоя қилиниши (одатда, инсоннинг тугилганидан бошлаб умумэътироф этилган муайян ажралмас асосий ҳуқуқлари ҳамда фуқаронинг кенг ҳуқуқлари доираси мустаҳкамланиши шаклида); амалдаги ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий қонуннинг устунлиги принципининг конституциявий мустаҳкамланиши; суверен давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятига ажратилиши принципи асосида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши. Мазкур аломатлар мазмунига замонавий ҳуқуқий давлатнинг: ўзаро боғлиқ уч таркибий қисми (назария ва амалиёт элементи): **гуманитар-ҳуқуқий** (инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари), **норматив-ҳуқуқий** (амалдаги ҳуқуқ манбалари тизимининг конституциявий мустаҳкамланиши шаклида ҳуқуқ ҳукмронлик қилиши) ва институционал-ҳуқуқий қисми (ҳокимиятларни ажратиш ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тизими, шу жумладан уларнинг бир-бирини ўзаро тийиши ва бир-бирига посангиллиги) мувофиқ келади.

## **2. Ҳуқуқий давлатчилик ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши**

Жамиятда давлатни оммавий ҳокимият ташкил этилишининг ҳуқуқий шакли сифатида фалсафий-ҳуқуқий англаш узоқ ва ибратли тарихга эга. Ҳуқуқий давлатчилик (унинг ривожланмаган, сўнгра эса анча ривожланган шакллари) ғоясининг ушбу тарихи замонавий ҳуқуқий давлат концеп-

цияси, янгилиги ва фарқли хусусиятларига қарамай, ҳуқуқий давлатчиликнинг ўтмиш ғояларининг умумий ўзаги ва назарий асоси бўйича шаклланганини кўрсатади.

«**Ҳуқуқий давлат**» (**Rechtsstaat**) терминининг ўзи анча кейин - XIX асрнинг дастлабки ўттиз йилида немис юридик адабиётида (**К.Т.Велькер**, **Р.фон Мольте** ва бошқалар асарларида) шаклланди ва қарор топди<sup>1</sup>. Кейинчалик мазкур термин Европа адабиётида, шу жумладан инқилобгача бўлган Россияда кенг ёйилди. Россияда ҳуқуқий давлат назариясининг таниқли тарафдорлари орасида Б.Н.Чичерин, Б.А.Кистяковский, П.И.Новгородцев, П.А.Покровский, В.М.Гессен, Н.И.Палиенко ва бошқалар бор эди. Инглиз тилидаги адабиётда бу терминдан фойдаланилмайди - «ҳуқуқни бошқариш» (rule of Law) термини маълум даражада унинг эквиваленти ҳисобланади. Бироқ гап терминда ва унинг қерда пайдо бўлганлигида эмас, албатта.

Ҳуқуқий давлатчиликнинг (**Д.Локк**, **Ш.Л.Монтескье**, **Д.Адамс**, **Д.Медисон**, **Т.Жефферсон**, **И.Кант**, **Г.В.Гегель** ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилган) назарий концепциялари янгилигига қарамай, ўтмиш тажрибасига, аввалги ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий назария ҳамда амалиётга, тарихан шаклланган ва синовдан ўтган умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик анъаналарига таянди.

Бу жиҳатдан қадимги Греция ва Римнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ва институтлари, демократия, республиканизм ва ҳуқуқ-тартиботнинг антик тажрибаси, ҳуқуқий давлатчилик тўғрисидаги назарий тасаввурлар, сўнгра эса бу борадаги амалиёт шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ҳуқуқий давлатнинг кейинги назариясига антик таъсирнинг турли жиҳатлари сиёсий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бавосита зуҳур топиши ва шаклланиши масаласида гуруҳларга бўлина борди. Ушбу масалаларга, энг аввало, полис (антик шаҳар-давлат) тузилишининг, унинг ҳоқимияти ва қонунларининг адолатлилиги, давлатнинг ҳар хил органлари ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши,

1. Қаранг: Welcker K.T. Die letzten Gründe von Recht, Staat und Strafe. Giessen, 1813, S.25, 71 u.a.; Mohl R. Die Polizeiwissenschaft nach den Grundsätzen des Rechtsstaates. B.1-2. Tübingen, 1832, 1833.

давлат ва фуқаронинг ўзаро муносабатларини ташкил этишда полис турмушида қонуннинг ролини белгилаб берувчи бошқарувнинг тўғри ва нотўғри шаклларини фарқлаш, ҳуқуқ ва қонуннинг ўзаро муносабати, бошқарувнинг ҳар хил шакллари таснифи ва тавсифи мезони бўлган қонунийликнинг аҳамияти ва бошқалар киради.

Антик муаллифлар (Солон, Платон, Сократ, Аристотель, Полибий, Цицерон ва бошқалар)нинг мазкур муаммоларга оид ғоялари Янги замонда ҳокимиятнинг бўлиниши ва ҳуқуқий давлат тўғрисидаги таълимотларга сезиларли таъсир кўрсатди.

Ҳокимиятнинг бўлиниши тўғрисидаги илк буржуа концепцияларида (Локк, Монтескье ва бошқалар) гап, энг аввало, монарх ҳокимиятини ҳуқуқий чеклаш, монархиянинг ундаги ҳокимият жамиятнинг турли ижтимоий табақалари (монарх, зодагонлар ва учинчи табақа) ҳамда ҳокимиятнинг ушбу табақалар манфаатларини ифодаловчи давлат-ҳуқуқ институтлари ўртасида тақсимланадиган конституциявий-ҳуқуқий шакли тўғрисида боради.

Конституциявий монархия ва ҳокимиятнинг бўлиниши тарафдорлари бўлган буржуа мутафаккирлари (Локк, Монтескье, Кант, Гегель ва бошқалар) нуқтаи назарининг муҳим янгилиги, жумладан, улар антик муаллифлардан фарқ қилган ҳолда, Монтескье сўзлари билан айтганда, сиёсий эркинлик муаммосини ҳам давлат тузумига, ҳам алоҳида шахсга, фуқарога нисбатан кўриб чиқа бошлашганидан иборатдир<sup>1</sup>. Сиёсий эркинлик муносабатларининг уч ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти)нинг бўлиниши ҳуқуқий (ва конституциявий-ҳуқуқий) расманлаштирилишида ифодаланадиган биринчи жиҳати фуқаролик эркинликлари ва ҳуқуқлари эркинлиги, шахс хавфсизлигининг

---

1. Монтескье Ш. Избранные произведения. М., 1955. С.288, 316. - Ушбу қонда либерализм ва конституционализмнинг таниқли француз назарийчиси, конституцион монархия тарафдори Б.Констан ижодида ривожлантирилди ва ўзига хос ифодасини топди. У қадимги ва янги халқлар эркинлигини бири-бирига зид қўйиб, қадимги даврда эркинлик деганда сиёсий эркинлик (яъни фуқароларнинг давлат ишларида эркин иштирок этиши) назарда тутилганлигини, ҳозирги замон шароитида эса эркинлик деганда энг аввало шахсий эркинлик, фуқаролик эркинлиги, давлатдан муайян мустақиллик тушунилиши назарда тутилишини қайд этди.

иккинчи жиҳатини таъминлашнинг зарур институциявий-ташкилий шакли сифатида амал қилади. Ушбу икки жиҳат бирга қўшилмаса, сиёсий эркинлик нотўлиқ, норсал ва таъминланмаган бўлади. Бу жиҳатдан инсоннинг табиий (туғилган пайтидан бошлаб ва ажралмас) ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги таълимот муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Илк буржуа мутафаккирларининг, энг аввало, инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳокимиятнинг бўлиниши тўғрисидаги таълимоти ҳуқуқий давлатчилик ҳақидаги кейинги назарий тасаввурларгагина эмас, балки конституциявий қонунчиликка ва давлат-ҳуқуқ амалиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Ушбу таъсир, масалан, Англиянинг конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларида, АҚШнинг 1776 йилги Мустақиллик декларациясида, АҚШнинг 1787 йилги Конституциясида, Франциянинг 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида, умуман бир қанча бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёрқин намён бўлди.

Жумладан, АҚШнинг 1776 йилги Мустақиллик декларациясида «барча одамлар тенг яратилганлиги ва уларнинг барчасига парвардигор томонидан ажралмас баъзи ҳуқуқлар берилган»лиги, «ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш ўшалар сирасидан» эканлиги<sup>1</sup> биринчи бор расман-давлат тартибидан эътироф этилди ва мустаҳкамланди. Франциянинг 1789 йилги Декларациясининг 16-моддаси ҳам кўриб чиқиладиган мавзу жиҳатидан эътиборлидир. Унда бундай дейилади: «Ҳуқуқ кафолатлари таъминланмаган ва ҳокимият бўлинмаган жамият Конституцияга эга бўлмайди»<sup>2</sup>. Декларациянинг 5-моддаси ҳам катта қизиқиш уйғотади: «Қонун фақат жамият учун зарарли бўлган қилмишларни тақиқлашга ҳақлидир. Қонун билан тақиқланмаган барча нарсага йўл қўйилади ва ҳеч ким қонунда кўрсатилмаганни қилишга мажбур этилиши мумкин эмас»<sup>3</sup>. Мазкур ҳуқуқий принцип биринчи марта ушбу Декларацияда мустаҳкамланган.

1. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. М., 1984. С.182.

2. Ўша жойда. 209-бет.

3. Ўша жойда. 208-бет.



### 3. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари

Ҳуқуқ ва давлат тарихий ривожланишининг ҳар бир босқичи учун ҳуқуқ субъекти бўлмиш инсон концепцияси ва унинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, эркинлиги ва эрксизлиги ҳақидаги тегишли тасаввурлар ҳосдир. Шу маънода ҳуқуқ тарихи, айти маҳалда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ибтидоий, чекланган ва ривожланмаган тасаввурлардан тортиб, ҳозирги даврдаги тасаввурларнинг шаклланиши ва эволюцияси тарихи ҳамдир.

Инсон ҳуқуқлари - бу, энг аввало, инсоннинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасидаги ҳуқуқий лаёқатини ва ҳуқуқий субъект эканлигини эътироф этишдир. Ҳар хил даврлардаги ҳуқуқий лаёқат ҳажми ва ҳуқуқ субъектлари доирасига кўра ҳуқуқнинг мазкур тизими **одамлардан кимларни ва ҳуқуққа эга бўлган инсон сифатида** қай даражада эътироф этишига қараб ҳукм чиқариш мумкин.

Жумладан, Афина ва Римнинг амалдаги ҳуқуқига кўра кул инсон деб эътироф этилмас эди; ушбу позитив-ҳуқуқий ўлчамда кул (қулик ҳолатидаги барча одамлар) ҳуқуқ субъекти эмас, балки объекти эди.

Ўрта асрларда эркин шахснинг ҳуқуқ субъектилиги билан қулнинг ҳуқуқсизлиги ўртасидаги илгариги кутбланиш ўрнига ҳуқуқ ва ҳуқуқий муомаланинг умуман феодал тузумнинг табақали-иерархик тузилиши ва мавжуд бўлишига мувофиқ тармоқланган ва деталлаштирилган тузилмаси шаклланади.

Инсон ҳуқуқларининг замонавий концепциясига томон тарихий йўлнинг ҳар хил босқичларида биз қисман, чекланган, имтиёзли инсоннинг у ёки бу вариантга дуч келамиз. Ушбу тарихий сафда фуқаро (давлатнинг аъзоси сифатидаги инсон) бундай имтиёзли инсоннинг охириги типи, имтиёзли инсон ҳуқуқларининг сўнгги шакли эса - (**инсон ҳуқуқлари** билан нисбатидаги) **фуқаро ҳуқуқлари** ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари тарихи - бу **одамларнинг инсонлашиши тарихи**, муносабатларнинг бирон-бир доираси учун у ёки бу одамларни инсон сифатида ҳуқуқий эътироф этишнинг авж олиб боровчи кенгайишидир.

Одамларнинг ҳуқуқий тенглиги ва инсон ҳуқуқлари тўғри-

сидаги қоидаларнинг аста-секин (дастлаб ички давлат, сўнгра эса халқаро даражада) универсаллашувининг ушбу жараёнларида инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари ҳақидаги тасаввурлар муҳим рол ўйнади. Ушбу тасаввурлар давлатчилик шароитида ҳам сақланиб қолиб, оммавий ҳокимият ва қонунлар томонидан эътироф этилиши ва кафолатланиши зарур.

1789 йилги француз Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида барча одамларнинг эркинлиги ва ҳуқуқий тенглиги эълон этилганлиги ўзгармас тарихий аҳамиятга эгадир. Декларацияда ижтимоий шартнома руҳида ҳар бир давлат иттифоқининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдан иборат эканлиги таъкидланган. Декларацияда бундай ҳуқуқларга эркинлик, мулкчилик, хавфсизлик ва истибодда қаршилиқ кўрсатиш киритилган. Шунингдек диний масалалар бўйича фикр ва мулоҳазаларни эркин ифодалаш ҳам инсон ҳуқуқлари сифатида эътироф этилган. Умумий хоҳиш-истак ифодаси сифатида барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи ҳам эълон қилинди. Декларацияда суверенитет манбаи моҳиятан миллатга асосланиши таъкидланган эди. Декларациянинг бир қанча моддалари инсоннинг жиноят-ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган.

1789 йилги Декларацияда кўрсатилган **инсон ҳуқуқлари билан фуқаро ҳуқуқлари ўртасидаги фарқ** моҳият эътибори билан хусусий шахс (фуқаролик жамияти аъзоси) бўлган инсон билан давлатнинг фуқароси, сиёсий давлат аъзоси бўлган сиёсий инсон ўртасидаги фарқни англатади. Бинобарин, бу ўринда инсон ҳуқуқлари билан фуқаро ҳуқуқларининг фарқланиши, конкрет тарихий жиҳатдан иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг чегараланиши ва нисбатан мустақил турмуши билан боғлиқ буржуа вазиятини, фуқаролик жамияти ва давлатнинг (сиёсий ҳамжамият сифатида) фарқланишини назарда тутати.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида Франция Декларациясида (1789) эълон қилинган ғоялар ва қоидалар бутун жаҳонда акс-садо топди ҳамда ижтимоий ва давлат-ҳуқуқ тартиблари янгилашни ҳамда инсонпарварлашуви императивига айланди.

XX асрнинг янги тарихий шароитида инсон ҳуқуқлари ва

эркинликлари масаласида инсонпарварлик муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорлик ривожланди ва мустаҳкамланди, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси (1950), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол (1966), Хельсинки Кенгашиинг Яқунловчи ҳужжати (1975), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши қатнашчилари бўлган давлатлар Вена учрашувининг Яқунловчи ҳужжати (1989) ва бошқалар қабул қилинди<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг эътироф этилиши ҳамда ҳимоя қилиниши ҳозирги даврда бугун жаҳон ҳамжамиятининг ҳуқуқий давлатлар ҳамжамияти йўналишида прогрессив ривожланишининг қудратли омилига ва аниқ белгисига, ҳамжамият аъзоларининг ички ва ташқи сиёсати соғломлашиши ва инсонпарварлашуви мезонига, ҳуқуқий давлат асосларининг ҳаётга жорий этилиши кўрсаткичига айланди<sup>2</sup>. Албатта, ҳуқуқий давлат шароитида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари эълон қилинишидан то уларнинг амалга оширилишигача масофа катта, бироқ тарих мақсадга олиб борувчи йўлни белгилаб берадиган бундай декларацияларсиз изланган ҳуқуқий воқеликкача бўлган масофа янада катталигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги замон шароитида инсон ҳуқуқлари муаммоси глобал аҳамият касб этди ва уларга риоя қилиш жаҳоннинг барча давлатлари ҳамда халқларининг ички ва ташқи ишларида адолат синови ва рамзига айланди.

#### **4. Ҳуқуқ ва давлатнинг тарихий шакллари типологияси**

Ҳуқуқ ва давлатнинг тарихан ривожланидиган шакл тузилмаларини (оммавий ҳокимиятнинг, яъни ҳуқуқий давлатнинг тегишли ҳуқуқий шакли сифатида) типларга ажратиш ҳар хил мезонлар асосида олиб борилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва давлатни одамлар эркинлигининг зарур шакл-

1. Қаранг: Международные акты о правах человека // Сборник документов. М., 1989.

2. Қаранг: Права человека. Отв. ред. Е.А.Лукашева. М., 1999.

лари сифатида, эркин индивидни эса - ҳуқуқ субъекти ва давлат (давлат ҳокимияти) субъекти сифатида либертар-юримдик тушуниш ва талқин қилиш нуқтаи назаридан **ҳуқуқ ва давлатни одамларни ҳуқуқ ва давлат (давлат ҳокимияти) субъектлари сифатида эътироф этишнинг ҳар хил тарихий шакллари**ни белгилаб берадиган мезонлар (асослар) бўйича типларга ажратиш принципиал аҳамиятга эга.

Бунда мазкур типология доирасида барча типдаги давлатлар шакли, яъни ҳар қандай давлат - ҳуқуқнинг тегишли типи ривожланганлигига кўра ҳуқуқий давлат эканлиги назарда тутилади. Шундай экан, бу жиҳатдан гап ҳуқуқий давлатнинг (ривожланиш даражаси турлича бўлган ҳуқуқий давлатларнинг) ҳар хил тарихий шакллари типологиялаш ҳақида боради.

Қадимги дунё давлатларида индивид (одамлар) эркин инсон ва шу билан бирга **этник мезонлар** бўйича давлат ва ҳуқуқ субъектидир. Чунончи, Афина демлари (уруғлари) аъзоларигина Афина ҳуқуқи субъекти бўлиши, фақат квинитлар (туб римликлар)гина Рим фуқаролик жамоаси (civitas) аъзоси, Рим фуқаролари ва Рим ҳуқуқи субъектлари (ius civile) бўлиши мумкин эди. Қадимги давр ҳуқуқ ва давлати ўз типига кўра **этникдир**.

Ҳуқуқ ва давлатнинг асос қилиб олинган ушбу типи одамларни (этник асос бўйича) эркин одамлар ва эркин бўлмаган одамларга ажратишнинг эътироф этилиши ва мустаҳкамланишининг зарур шакли сифатида намоён бўлади. Эркин одамларнинг эркин бўлмаган одамлардан фарқи айнан эркин одамлар ҳуқуқ ва давлат субъектлари, эркин бўлмаган одамлар (қуллар) эса - тегишлича, ҳуқуқ ва давлат объекти эканлигида ифодаланади ва мустаҳкамланади. Акс ҳолда ушбу фарқни ифодалаб бўлмайди.

Кулчиликнинг бартараф этилиши ўрта асрларда **табақавий типдаги** ҳуқуқ ва давлатнинг қарор топишига олиб келди. Бу ўринда одамлар эркинлигининг тараққиёти шундаки, эркинликнинг этник мезони (яъни бировларнинг эркинлиги ва бошқаларнинг эркин эмаслиги) эркинликнинг **табақавий мезонига** ўрин бўшатиб беради. Ривожланишнинг ушбу босқичида (бунинг тарихий мисоли - Европа феодализи) қуллар йўқ ва шу маънода ҳамма эркин, бироқ ушбу эркинликнинг ўлчови ҳар хил табақалар вакилларида турличадир.

Бунда эркинлик табақавий чеклашлар ва имтиёзлардан иборат.

**Хуқуқ ва давлатнинг бундай табақавий типид**а ҳар бир киши айнан муайян табақа аъзоси сифатида хуқуқ субъекти ва давлат субъекти ҳисобланади. Одамларнинг хуқуқ субъекти ва давлат субъекти эканлиги шароитида ички табақавий тенглиги табақалараро тенгсизлик - ҳар хил табақалар ва уларнинг аъзоларининг давлат-хуқуқий мақомлари тенг эмаслиги билан қўшилиб кетади.

Феодализм бартараф этилиши билан бирга табақавий тузум ўрнига Янги замонда **хуқуқ ва давлатнинг индивидуалистик (индивидуал-сиёсий, индивидуал-фуқаровий) типи** юзага келди. Давлат ва хуқуқнинг ушбу типид

инсон янги, кенг-роқ ва, айнаи вақтда индивидлардан иборат янада майдалашган **миллат маъносида** ўз мезони ва аҳамиятини йўқотган муайян этнос ёки табақанинг аъзоси сифатида эмас, балки мустақил сиёсий индивид (алоҳида фуқаро сифатида) хуқуқ ва давлат субъекти ҳисобланади. Хуқуқий ва сиёсий ҳамжамиятда аъзолик асосларининг хуқуқ ва давлат субъектлари сифатида бундай индивидуаллаштирилиши ўрта асрлар феодализми инқирози ва табақавий бўлиниш бартараф этилиши, хусусий ва оммавий-сиёсий ҳаёт соҳаларининг аста-секин алоҳидалашуви жараёнида юз берди.

Хуқуқнинг замонавий (ҳозирги вақтда реал-тарихий жиҳатдан охириги) тип

и ҳамда конституциявий жиҳатдан тегишли равишда расманлаштирилган либерал-демократик хуқуқий давлат (яъни ҳозирги маънодаги давлат) - бу икки хил: табиий-хуқуқий ва позитив-хуқуқий қисмларни ўзида қовуштирувчи аралаш (комбинацияланган) тип. Хуқуқ ва хуқуқий давлатнинг мазкур замонавий типини шартли равишда **табиий-позитив** (ёки **гуманитар-сиёсий**) тип деб аташ мумкин, чунки у ўзида давлат ва хуқуққа бир-бирига анъанавий зид икки асос - табиий-хуқуқий ва позитив-хуқуқий ёндашувларнинг муайян давлат-хуқуқий яхлитлиги (бир давлатда мустақамланган ва амал қилувчи хуқуқнинг ягона тизими шаклида) кўринишида прагматик сиёсий келишув ва бирликда мавжуд бўлиш натижасини ифодалайди.

Мазкур типнинг муҳим янгилигини белгилаб берувчи табиий (табиий-хуқуқий, гуманитар) таркиби шундан иборатки, бунда инсоннинг муайян табиий хуқуқлари ва эркинли-

ги биринчи марта давлат тартибида мустаҳкамланади (расман-ҳукмли санкцияланади ва позитивлаштирилади), ҳуқуқ ва эркинликларга юридик (давлат-мажбурлаш) кучи бахш этилади ва уларнинг амал қилувчи ягона позитив ҳуқуқнинг бошқа барча манбалари олдида устуворлиги эътироф этилади. Инсоннинг конституциявий мустаҳкамланган табиий ҳуқуқ ва эркинликлари мазкур тип доирасида давлат учун мажбурийдир. У бутун позитив ҳуқуқнинг ва давлатнинг ҳуқуқий характери ни белгилаб беради.

Шу билан бирга табиий ҳуқуқнинг ҳуқуқ ва давлатнинг мазкур типи доирасидаги аҳамияти амалдаги позитив ҳуқуқ ягона тизимининг бошқа (инсоннинг руҳсат берилган табиий ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари) манбалари мавжуд бўлиши туфайли чеклангандир. Ушбу манбалар фуқаронинг хусусий субъект бўлган инсон ҳуқуқларидан фарқ қилувчи оммавий-сиёсий субъект, давлатнинг аъзоси, ўзига хос оммавий-ҳукмрон ҳуқуқ ва мажбуриятлар ифодачиси сифатидаги алоҳида ҳуқуқларини мустаҳкамлайди.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқларининг бундай фарқланиши инсон инсон сифатида - бор-йўғи хусусий шахс эканлигини англатади: инсон фуқаро ҳуқуқларининг эмас, балки фақат табиий ҳуқуқларнинг субъекти ҳисобланади. Оммавий-сиёсий шахс сифатидаги фуқаро эса - инсоннинг табиий ҳуқуқлари субъекти ҳамда мазкур давлат аъзосининг алоҳида оммавий-сиёсий ҳуқуқлари субъектидир.

Фуқаро-инсоннинг ҳуқуқлари бу ўринда нофуқаро-инсон (хорижий шахс, фуқаролиги бўлмаган шахс) ҳуқуқларига нисбатан давлат-ҳуқуқий имтиёзларни ифодалайди.

Бундай имтиёзлар эркин одамларнинг айнан мазкур аниқ жами ҳаётининг муайян усули ва шакли сифатида ҳар бир давлат ва ҳуқуқнинг индивидуал характери билан изоҳланади. Эркин одамларнинг тарихан белгиланган муайян сиёсий-ҳуқуқий ҳамжамиятта тегишлилиги уларни алоҳида оммавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар субъектлари сифатида белгилаб беради ва даражасини аниқлайди. Барча давлатларнинг (уларнинг ҳуқуқий тизимларининг) бундай индивидуаллиги ички ва ташқи муносабатларда давлатнинг суверенитетига ҳам асос бўлади.

Умуман ҳуқуқ ва давлатнинг замонавий табиий-позитив типи, амалий ва назарий тусдаги муайян фазилатлари ва

камчиликлари билан биргаликда, табиий ва позитив ҳуқуқ ўртасидаги, юснатурализм ва легизм ўртасидаги муайян муросани ифодалайди. Ушбу типнинг ички зиддиятлилиги (инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқларининг фарқланиши мана шундан келиб чиқади) изчил (расман ҳоқимият ва расман ҳуқуқ билан чекланмаган) **табиий ҳуқуқ** (стоикларнинг барча одамлар, ҳар бир киши фуқаро ҳисобланган ягона космополитик давлати типигаги) **табиий давлатни** тақозо этиши билан ҳам изоҳланади. Юснатурализм моҳиятан фуқаронинг ҳар бир кишининг ҳуқуқ субъекти эканлигидан фарқ қилувчи алоҳида ҳуқуқ субъекти сифатида ҳам, инсоннинг табиий ҳуқуқларини (ва умуман табиий ҳуқуқни) оммавий-сиёсий ҳамжамият (давлат)нинг аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилган фақат хусусий ҳуқуқ сифатида, фақат хусусий шахснинг ҳуқуқи сифатида умуман сиёсий чекланган талқини жиҳатидан ҳам инкор қилади. Шундай экан, юснатурализм ва легизмнинг принципиал зидлиги уларнинг ҳуқуқ ва давлатнинг замонавий типи учун бутунги кунда хос бўлган амалда муросали мавжудлик шаклларида ҳам сақланиб қолади.

**Ҳуқуқ ва давлатнинг қайд этиб ўтилган этник, табақавий, индивидуал-сиёсий ва табиий-позитив типлари ўзида инсон эркинлигининг қадимги даврдан ҳозирги давргача бўлган ривожланишидаги тарихан бир-бири билан алмашадиган шакллари ва босқичларини ифодалайди.**

Эркинлик тараққиётининг давом этиши келажакда эркинликнинг норматив-ҳуқуқий ва институциявий-ҳукмрон ташкил этилишининг янги шаклларини, ҳуқуқ ва давлатнинг янги типларини келтириб чиқаради.

**ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ ЖАҲОН ТАРИХИ КЎЗГУСИДА:  
КАПИТАЛИЗМ - СОЦИАЛИЗМ - ЦИВИЛИЗМ**

**Биринчи боб. Ҳуқуқни инкор этиш фалсафаси.  
Коммунизм мафкураси ва амалиёти**

**1. Капитализмдан коммунизмга: мулкчиликнинг,  
ҳуқуқ ва давлатнинг инкор этилиши**

Ҳуқуқ ва давлат, марксча тарихий-материалистик таълимотта мувофиқ, хусусий мулкчилик жамиятининг базис (ишлаб чиқариш, иқтисодий) муносабатлари тақозо этадиган устқурма ҳодисалар (шакллар) ҳисобланади. Марксизмга кўра, ҳуқуқий муносабатлар (ва умуман ҳуқуқ) хусусий мулкчиликнинг иқтисодий муносабатларидан пайдо бўлади, ушбу муносабатларга хизмат қилади, уларни ифодалашнинг ва улар мавжудлигининг зарур шакли ҳисобланади. Шу сабабли хусусий мулкчиликка нисбатан марксча салбий коммунистик муносабат ишлаб чиқаришнинг хусусий мулкчилик усули туғдирган барча устқурмавий ҳодисалар (ҳуқуқ, давлат ва бошқалар)га ёйилади<sup>1</sup>.

Ушбу принципиал қоида **Маркс ва Энгельс** томонидан «Коммунистик партия манифести»да аниқ ифодалаб берилган. Унда «коммунистлар ўз назариясини: хусусий мулкни йўқотиш, деган биргина қоида билан баён қилишлари мумкин», - деб таъкидланади<sup>2</sup>.

Буни «албатта, бошда мулк ҳуқуқига ва буржуа ишлаб чиқариш муносабатларига зўрлик қилиб аралашини йўли билан... амалга ошириш мумкин»<sup>3</sup>.

Социализм ўзининг сиёсий ифодаланишида ўзида пролетариат диктатурасини гавдалантиради. «Капиталистик жамият билан коммунистик жамият ўртасида, - деб таъкидлаган эди Маркс, - биринчисини революцион йўл билан иккинчисига айлантириш даври бор, бу даврга сиёсий ўтиш даври ҳам му-

---

1. Батафсил қаранг: Нерсеянц В.С. Философия права. М., 1997. С.113-322.

2. К.Маркс ва Ф.Энгельс. Танланган асарлар. 1-том Т., 1980. 120-бет.

3. Уша жойда. 126-бет.



вофиқ келади ва бу даврнинг давлати *пролетариатнинг революцион диктатурасидан* бошқа нарса бўлиши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

## 2. Социализмда буржуа «тенг ҳуқуқи» концепцияси

Хусусий мулкчиликнинг тугатилиши ва унинг объектларининг умумлаштирилиши ҳали исталган коммунистик истеъмол тенглигини келтириб чиқармайди. Бу, Маркснинг фикрига кўра, истеъмол буюмларини меҳнатига кўра тақсимлаш учун социализмда (коммунистик жамиятнинг биринчи фазасида) буржуа ҳуқуқининг сақланиб қолишини англатади. «Шунинг учун бундаги *тенг ҳуқуқ* - деб ёзган эди у, - принцип жиҳатидан ҳали ҳам *буржуа ҳуқуқидир...* Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқи уларнинг қилиб берадиган меҳнатига пропорционалдир; тенглик шундан иборатки, миқдорлар *тенг меъёр* билан, яъни меҳнат билан ўлчанади»<sup>2</sup>.

Истеъмол буюмларини тақсимлашда социализм шароитида буржуа ҳуқуқининг сақланиб қолишини Маркс капитализмнинг «**туғма доғлари**»га тегишли деб ҳисоблайди, бу доғлар фақат тўлиқ капитализмда бартараф этилиши мумкин. «Коммунистик жамиятнинг юқори фазасида, - деб ёзган эди у, меҳнат тақсимотига бўйсуниб каби кишини эзадиган аҳвол йўқ бўлиб кетади; шу билан бирга ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам йўқ бўлиб кетади; меҳнат фақат тирикчилик воситаси бўлмай, балки унинг ўзи биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланади; индивидларнинг ҳар тарафлама тараққий қилиши билан бирга ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам ўсади ва барча ижтимоий бойлик манбалари булоқдек қайнаб-тошади, фақат ана шу вақтда буржуа ҳуқуқининг тор доирасидан бутунлай чиқиб кетиш мумкин бўлади ва жамият ўз байрогига: «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деб ёзиб қўя олади»<sup>3</sup>.

Социализмдаги буржуа ҳуқуқи тўғрисидаги марксистик қоидани В.И.Ленин ҳам ҳимоя қилди<sup>4</sup>.

1. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар. 3-том. Т., 1981, 24-бет.

2. Уша жойда. 15-бет.

3. Уша жойда. 16-бет.

4. В.И.Ленин. Тўла асарлар тўплами. 33-том, 108-бет.

### 3. Ҳуқуқ ва давлатсиз «эркинлик»: коммунизмнинг салбий табиати

Коммунистик «экспроприаторларни экспроприация қилиш» ва капитал ҳукмронлигидан халос қилиш мантиқи моҳият эътибори билан алоҳида инсоннинг, индивиднинг, ишлаб чиқариш воситалари ёппасига умумлаштирилишига асосланган жамиятнинг алоҳида олинган ҳар бир аъзосининг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллиги инкор этилишини англатади.

Коммунизм томонидан инкор қилинадиган эркинлик маълум ва тушунарли, бу - буржуа тузуми шароитида индивидларнинг умумий расман (ҳуқуқий) эркинлиги ва тенглиги. Бўлажак «эркинлик» эса эркинлик сифатида (ҳуқуқ, давлат, индивидуал мулкчилик, шахснинг маънавий автономияси инкор этилган ва ҳамма нарсани ютиб юборадиган тотал коллективизм қарор топган, турмушнинг умумлаштирилган воситалари ва шакллари, режали марказлаштириш ва бошқалар ҳукмронлик қилган шароитдаги «эркинлик») мантиқан ҳам, социалистик тоталитаризмнинг тарихий тажрибаси кўрсатганидек, амалий жиҳатдан ҳам асло мумкин бўлмайди.

Ҳуқуқий эркинликнинг инкор этилиши амалда эркин эмаслик ва тоталитаризмнинг қарор топиши бўлиб чиқди.

Эркинликнинг капитализмга хос бўлган иқтисодий-ҳуқуқий шакллари инкор этилиши, марксча умидларга зид равишда, эркинликнинг қандайдир бошқа шакллари позитив қарор топишини англатмайди, асло. Капитализмдан коммунистчасига халос бўлиш **салбий «эркинлик»** - ижтимоий муносабатларнинг иқтисодий-ҳуқуқий типидан эркинлик, ҳуқуқдан «эркинлик» ва ҳуқуқсиз эркинлик бўлиб чиқди.

## Иккинчи боб. Социализм ва ҳуқуқ

### 1. «Тенглик»нинг меҳнат ўлчови

Социализм шароитида истеъмол буюмларини «меҳнатига кўра» тақсимлаш («тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш») учун буржуача «тенг ҳуқуқ»нинг сақланиб қолиши ҳақидаги марксча қоида моҳиятан **ҳуқуқнинг - меҳнат билан, ҳуқуқий**

тартибга солишнинг - меҳнат билан тартибга солиш билан, умумий ҳуқуқий кўлам ва тенг ҳуқуқий чораларнинг - умумий меҳнат кўлами ва тенг меҳнат ўлчови билан алмаштирилишини англатади. Эътироф этиш зарурки, реал социализмнинг (унинг мафкуравий, ижтимоий, сиёсий, ҳўжалик ривожланиши мантиқига кўра) қарор топиши ва тасдиқланиши бундай алмаштиришни ўзига хос равишда тасдиқланиши эътироф этиш зарур. Бундай алмаштириш расмий тенглик принципи бўйича специфик тартибга солувчи сифатида ҳуқуқнинг (шу жумладан меҳнат ва тақсимлаш муносабатлари соҳасидан) тўлиқ сиқиб чиқарилишини ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида тўғридан-тўғри ва бевосита ҳукмрон-мажбурий «меҳнат билан тартибга солиши»ни жорий этишга интилишдан иборатдир.

Меҳнат ҳуқуқни алмаштириши ва унинг функцияларини бажариши мумкин эмас. Гап шундаки, бир томондан, ҳуқуқий тенглик, ҳуқуқнинг тенг ўлчови, тартибга солишнинг («ўлчашнинг») умумий кўлами сифатидаги ҳуқуқ, иккинчи томондан, меҳнат «тенглиги», меҳнатнинг «тенг ўлчови», ижтимоий муносабатларни «ўлчаш»нинг кўлами сифатидаги меҳнат, - булар принципиал фарқ қилувчи иккита ҳар хил феноменлардир. Ҳуқуқ - бу тартибга солинадиган («ўлчанадиган» ва баҳоланадиган) амалдаги муносабатлар учун абстракт-умумий шакл, принцип, ўлчов, норма, кўламдир ва у (ҳуқуқ) тартибга солувчи ва «ўлчовчи» сифатида ушбу тартибга солинадиган ва «ўлчанадиган» муносабатлардан абстракцияланган, уларга мос келмайди. Меҳнат эса, ўз-ўзича, қандайдир фактиклик, фактик жараён, фактик муносабатдир ҳамда ўзини ўзи ўлчаши ва тартибга солиши, ўз ҳолича шакл, принцип ва норма бўлиши мумкин эмас.

Хусусий мулкчиликнинг (ва ҳар қандай индивидуал мулкнинг, шу жумладан ўз иш кучининг) йўқ қилиниши ва барча бойликлар, ишлаб чиқариш воситалари умумлаштирилиши шароитида мамлакатнинг барча ишлаб чиқариш кучлари, шу жумладан «иш кучи», «меҳнат ресурслари» ва ҳоказолар, ҳуллас калом, меҳнат ва уни ифодаловчилар амалда умумлаштирилган, социализациялаштирилган ва «давлатлаштирилган» бўлиб чиқади. Бу барчанинг меҳнат қилишга мажбурлигида, ялпи меҳнат мажбуриятида, меҳнат мажбурий ҳусусиятга эга эканлигида ўз ифодасини топади.

## 2. Социалистик тоталитаризм: барча биргаликда, ҳеч ким алоҳида ёлғиз ўзи эмас

Барча ишлаб чиқариш воситаларининг ялпи умумлаштирилиши (социализациялаштирилиши) жамият барча аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларига индивидуал мулкчиликдан ёппасига маҳрум этилишини ва уларнинг қандайдир абстракт-умумий (индивидуаллаштирилмаган, индивидуалликдан юқори турувчи) **тотал яхлитликка**, умуман бутун халқнинг «ҳеч ким ўзи алоҳида эмас, барча биргаликдаги» жамиятга ўтишини англатади. Расмий ифодаловчиси пролетариат диктатураси ҳисобланадиган тотал социалистик яхлитнинг салбий кучи («барча биргаликда»)нинг бутун йўқ қилувчи қудрати, энг аввало, индивидга қарши («ҳар кимни алоҳида»), одамларга қарши, яхлитдан ажралувчи, ундан ўзини фарқ қилувчи барча шакллар, муносабатлар ва ҳодисаларга қарши қаратилган. **Социализм тоталитарлигининг**, реал шакланган тоталитар социализмнинг манбалари ва объектив асосларининг туб **илдизи** мана шундадир.

Айтиб ўтилганлар юридик жиҳатдан, жумладан, қуйидагиларни англатади: агар ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик умумлаштирилиши билан боғлиқ вазиятга татбиқан умуман (моҳиятига кўра - шартли, қиёсланишига кўра - кўп жиҳатдан мажозий) «мулк», «мулкдор», «мулкчилик субъекти», «давлат» ва ҳоказо терминлардан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда **социализм давридаги «давлат» - социализациялаштирилган ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдор** эмас, балки **мулкдорнинг бор-йўғи расман (сиёсий-ҳукмдор) вакилидир**. Социалистик мулкчиликка нисбатан умуман жамият, бутун халқ ишлаб чиқариш воситалари эгаси ҳисобланади. Социализм шароитда «давлат»нинг умумлаштирилган ишлаб чиқариш воситаларини ҳимоя қилиш ва бошқариш ваколатлари мазмуни ва чегаралари моҳиятан шу билан белгилаб берилган.

Социализм шароитида «давлат»да социалистик мулкчиликка бўлган ҳуқуқнинг мавжуд эмаслиги туфайли «давлат - мулкдор» социалистик конструкцияси ўзида ҳуқуққа зид уйдирмани ифодалайди. Аслида эса социалистик «давлат» ижтимоий бойликка (сохта мулкка) сохта ҳуқуқнинг сохта субъектидир.

## Учинчи боб. Ҳуқуқни советча тушуниш

## 1. Янги совет «ҳуқуқи» талқинининг асосий йўналишлари

Пролетариат диктарураси шароитида ҳуқуққа нисбатан марксча-ленинча ёндашувнинг умумий ўзанида ҳуқуқни талқин қилиш ва тушунишнинг ҳар хил йўналишлари ва концепциялари аста-секин шакллана бошлади. Ушбу концепциялар зоҳирий тафовутларига қарамай, ҳуқуқни, унинг объектив табиати ва мазмунини инкор этишда, диктатурани ва унинг буйруқ берувчи нормаларини оқлашда ботинан яқдил эди. Буржуа ҳуқуқини инкор этиш ниқоби остида уларнинг барчаси биргаликда ва ҳар бири ўзича умуман ҳуқуқнинг мазмуни ва моҳиятини, ҳуқуқни ҳуқуқ сифатида рад этади ҳамда пролетар-коммунистик диктатуранинг аксилҳуқуқий ўрнатилишини, янги партиявий-сиёсий ҳокимиятнинг аксилҳуқуқий қонунчилигини сифат жиҳатидан янги «ҳуқуқ» сифатида тақдим этади.

Масалан, инқилобдан кейинги дастлабки йилларда кўпчилик марксчи муаллифлар (П.И.Стучка, Д.И.Курский, М.Ю. Козловский, Н.В.Криленко ва бошқалар) большевикларнинг декретларини «пролетар ҳуқуқи» сифатида талқин эта бошладилар. «Ёр куррасида Октябрь инқилобидан кейин биринчи марта кечирилаётган капитализмдан социализмга ўтиш тузуми, - деб ёзганди **М.Ю.Козловский**, - социалистик инқилоб жараёнида алоҳида, ҳеч қаерда мисли кўрилмаган ҳуқуқни, ҳақиқий бўлмаган маънодаги ҳуқуқни (кўпчиликнинг озчилик томонидан эзилиши тизимини), озчиликнинг қаршилигини меҳнаткаш синфлар томонидан бостириш воситаси маъносидаги пролетар ҳуқуқини ижод қилади»<sup>1</sup>.

**«Пролетар ҳуқуқи» концепцияси** гарчи мазмунан социализм давридаги қолдиқ буржуа ҳуқуқи тўғрисидаги марксча прогнозга зид бўлса ҳам, марксчи назариётчилар ушбу принципал ҳолат ҳақида лом-мим демадилар ва эътиборни марксча доктринага, совет ҳуқуқ ва давлат назариясига хос бўлган

1. Козловский М. Пролетарская революция и уголовное право // Пролетарская революция и право, 1971, №1. С.24.

ҳуқуқ ва давлатга пролетарча синфий ёндашув бирлигига қаратдилар.

Пролетар диктатураси шароитида, деб қайд этганди **Д.И.Курский**, «пролетар коммунистик ҳуқуқи» амал қилади ва бунда индивиднинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини эътироф этиш ва ҳимоя қилиш учун «Habeas Corpus нормаларига ўхшаш» нормаларга ўрин йўқ<sup>1</sup>.

Совет ҳуқуқ назарияси вужудга келиши ва қарор топиши жараёнида **П.И.Стучка** сезиларли роль ўйнади. Стучканинг фикрига кўра, бундай янги, инқилобий-марксча ҳуқуқни тушунишнинг бош асослари қуйидагилардир: 1) ҳар қандай ҳуқуқнинг синфий характери; 2) инқилобий-диалектик метод (расман юридик мантиқ ўрнига); 3) ҳуқуқий устқурмани изоҳлаш ва тушуниш учун базис сифатида моддий ижтимоий муносабатлар (ҳуқуқий муносабатларни қонундан ва ҳуқуқий ғоялардан келиб чиқиб тушунтириш ўрнига). Бунда у совет ҳуқуқини «пролетар ҳуқуқи»<sup>2</sup> деб тавсифлади.

Ҳуқуқнинг синфий характери тўғрисидаги тасаввур РСФСР Адлия Халқ Комиссарлигининг «РСФСР жиноят ҳуқуқи бўйича амал қилинадиган асослар»<sup>3</sup> (1919 йил декабрь) расмий ҳужжатида берилган умумий таърифда ўз аксини топди. Кейинроқ Стучка бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Бизнинг олдимизда, Адлия Халқ Комиссарлиги коллегиясида... ўзимизнинг, «ҳуқуқни советча тушуниш» таърифини бериш зарур бўлганда, биз қуйидаги формулада тўхтадик: «Ҳуқуқ - бу ҳукмрон синф манфаатларига мувофиқ келувчи ва унинг (яъни ушбу синфнинг) уюшган кучи билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар тизими (ёки тартиби)дир»<sup>4</sup>.

Стучка ҳатто янги иқтисодий сиёсат даври Фуқаролик кодексини ҳам мана шу пролетар нуқтаи назаридан «буржуа кодекси» сифатида танқид қилган. «Бизнинг кодексимиз, -

1. Д.И.Курский. Избранные статьи и речи. М., 1948. С.41, 56.

2. П.И.Стучка. Мой путь и мои ошибки // Советское государство и революция права, 1931, №5-6. С.70.

3. Қаранг: СУ РСФСР. 1919. №66. Ст.590. Ҳужжатнинг дастлабки лойиҳаси М.Ю.Козловский томонидан тайёрланган эди, ушбу ҳужжат П.И.Стучканинг фаол иштироки ва раҳбарлиги остида пухта ишланган.

4. П.И.Стучка. Избранные произведения по марксистско-ленинской теории права. Рига, 1964. С.58.

деб изоҳлаганди у, - аксинча, фуқаролик кодекси ҳам ишчилар синфининг социалистик режалилигига умуман, аниқ ва очиқ бўйсунганлигини кўрсатиши керак»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқнинг (буржуазия ҳодисаси сифатида) (социалистик восита бўлган) режа томонидан сиқиб чиқарилиши ҳақидаги бундай гоя кенг ёйилди ва моҳият эътибори билан ҳуқуқ ҳамда социализмнинг ички, принципиал номувофиқлигини, социализмнинг юридиклаштирилиши ва ҳуқуқнинг социализациялаштирилиши мумкин эмаслигини акс эттирди.

**Е.Б.Пашуканиснинг** асарларида, энг аввало, унинг 1924 йилдаги «Ҳуқуқ ва марксизмнинг умумий назарияси. Асосий юридик тушунчалар танқиди тажрибаси» китобида ҳуқуққа нисбатан бошқача синфий ёндашилди. Пашуканисга кўра, ҳуқуқ - бу буржуача ҳодиса ва буржуа ҳуқуқидан кейин ҳуқуқнинг қандайдир янги типи, буржуа ҳуқуқидан кейинги қандайдир янги ҳуқуқ мумкин эмас. У ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «пролетар ҳуқуқи» бўлиши мумкинлигини рад этди.

Ҳар қандай ҳуқуққа нисбатан салбий муносабат туфайли, **Пашуканис учун ҳуқуқ назарияси - бу буржуа мафкурасининг сохталаштирилиши сифатидаги асосий юридик тушунчаларни марксча танқид қилишдир.** У ҳуқуқ шаклини ва товар шаклини бир-бирига яқинлаштириб, ҳуқуқни генетик жиҳатдан товар эгаларининг айирбошлаш муносабатларидан келтириб чиқарди. Шу муносабат билан унинг ҳуқуқ назарияси адабиётда айирбошлаш назарияси, деган ном олди. Баъзан уни ҳуқуқнинг «меҳнат назарияси» деб ҳам аташар эдилар (Стучка ва бошқалар). Пашуканиснинг ўзи бунга принцип жиҳатдан рози эди, чунки унинг концепциясида «меҳнат қиймати категорияси юридик субъект категориясига мувофиқ» келар эди<sup>2</sup>.

Умуман марксча-ленинча таълимотда бўлгани сингари, Пашуканиснинг ёндашувида ҳам **ҳуқуқнинг принципиал инкор қилиниши давлатнинг хусусий мулкчилик тузумининг ҳуқуқий ҳодисаси сифатида инкор қилиниши** билан қўшилиб кетади.

1. П.И.Стучка. Юқоридаги асар. 593-бет.

2. Қаранг: Пашуканис Е.Б. Избранные произведения по общей теории права и государства. М., 1980. С.187-188.

30-йиллар ўртасида Пашуканис томонидан «социалистик ҳуқуқ» деб аталган концепция илгари сурилди. Мамлакатда «синфсиз социалистик жамият» асосан қурилганлиги тўғрисидаги партиявий қоидаларни ҳисобга олган ҳолда у «социалистик давлатни тадқиқ қилишни авж олдириш зарурлиги» тўғрисида, «социалистик совет ҳуқуқи роли» ҳақида гапир бошлади<sup>1</sup>.

Кейинчалик барча совет муаллифлари томонидан қабул қилинган «социалистик ҳуқуқ» концепцияси социализм ғалабаси шароитида қандайдир нобуржуа, инқилобдан кейинги, сифат жиҳатдан янги (пролетар, совет) ҳуқуқнинг мавжудлиги ҳақидаги хомхаёлнинг табиий давоми эди.

**М.А.Рейснер** ҳуқуқнинг синфий концепциясини психологик ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан ривожлантирди. У ҳуқуқнинг психология мактабининг Л.Кнапп ва Л.Петражицкий сингари вакиллариининг бир қанча ғояларини талқин қилиш ва қайта ишлашни инқилобгача бошлаб, сўнгра давом эттирди<sup>2</sup>.

Рейснернинг фикрича, «умумий» ҳуқуқ деб аталадиган ҳар қандай ҳуқуқ (умумий ҳуқуқ-тартибот) капитализм даврида ҳам, пролетариат инқилоби ғалабасидан кейин ҳам ўзида мазкур жамиятдаги мавжуд субъектив синфий ҳуқуқларнинг муросасини ва бирлашувини ифодалайди. «Негаки, - деб қайд этади у, - буржуа давлати ҳам, худди шундай бизнинг Совет давлатимиз ҳам ўзининг умумий ҳуқуқ-тартиботига пролетар, деҳқонлар ҳуқуқини ҳам, буржуа ҳуқуқини ҳам бир хилда киритади. Бизда, эҳтимолки, битта «ҳуқуқ» йўқ, у ҳам бўлса, гарчи биз Советларнинг ўзининг тимсолида совет хўжаликлари кўринишидаги жуда кўп миқдордаги мулкларга эгалик қилувчи улкан помешчикка эга бўлсак ҳам, хусусий ер эгалиги маъносида ерга эгалик қилиш ҳуқуқи йўқлигидир»<sup>3</sup>. Бироқ, тафовут шундаки, капитализм даври-

1. Пашуканис Е. Государство и право при социализме // Советское государство. 1936. №3. С.4.

2. Қаранг, жумаладан: Рейснер М.А. Теория Петражицкого, марксизм и социальная идеология. СПб. 1908; ўша муаллиф. Государство. СПб. 1911 (2-изд. 1918); ўша муаллиф. Основы Советской Конституции. М., 1918; ўша муаллиф. Государство буржуазии и РСФСР. М., 1923; ўша муаллиф. Право. Наше право. Чужое право. Общее право. Л., 1925 (кейинчалик кўчирма келтиришда «ҳуқуқ» деб олинади).

3. Рейснер М.А. Право. С.198.



да умумий ҳуқуқ-тартиботда ҳукмрон мавқени буржуа ҳуқуқи эгаллайди, совет ҳуқуқ-тартиботида эса - пролетар ҳуқуқи эгаллайди.

Ҳуқуқнинг бутун тарихи, Рейснерга кўра, «унинг сўниши тарихидир»<sup>1</sup>. Коммунизм даврида у буткул сўнади.

Интуитив ҳуқуқни бундай синфий қайта талқин қилиш умуман психологик ҳуқуқни тушуниш асосини ва моҳиятини, ҳуқуқий психикаси, ҳуқуқий даъволари, ҳис-туйғулари ва ҳоказолари билан биргаликда индивидни амалда инкор этади. **Синфийлик ҳуқуқни ўлдириши** ҳуқуқ синфийлигининг рейснерча концепцияси мисолида яхши кўриниб турибди.

**И.Разумовскийнинг** бир қанча асарлари ҳам 20-йилларда ҳуқуқнинг марксча назариясини яратиш муаммоларига бағишланди<sup>2</sup>. Разумовскийга кўра, ҳуқуқ, синфий моддий (иқтисодий) муносабатларнинг мафкуравий жиҳатдан билвосита зухур топиши (мафкуравий шакл) сифатида ижтимоий онг шаклидир.

Разумовский фикрича, «буржуа ҳуқуқи»нинг ўлиши «ҳуқуқнинг мафкура сифатида ўлишини» ва коммунистик жамиятда «онгли равишда бошқариладиган ҳамда ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитлари билан ўз алоқаси характерини англовчи ижтимоий хулқ-атвор тизимига ўтишни»<sup>3</sup> англатади.

**А.Малицкий** «ҳуқуқий давлат» сифатидаги пролетариат диктатурасини ва инъом этилган ҳуқуқларнинг совет концепциясини 20-йиллар ўрталарида ривожлантирди. У «Совет Конституцияси» асарида пролетариат диктатурасининг ҳуқуқий хусусиятини асослаб, қўйидаги фикрларни келтиради: «Давлат ҳокимияти барча органларининг қонунга, яъни ҳуқуққа бўйсунishi «ҳуқуқий режим» деб аталади. Ҳуқуқий режимни амалга оширувчи давлатнинг ўзи эса «ҳуқуқий давлат» деб аталади; «ҳуқуқий режим шароитида ўз фаолиятини амалга оширувчи совет республикаси эса ҳуқуқий давлатдир»<sup>4</sup>.

1. Ўша жойда. 274-бет.

2. Қаранг: Разумовский И. Понятие права у Маркса и Энгельса // Под знаменем марксизма. 1923. №2-3; ўша муаллиф. Проблемы марксистской теории права. М., 1925.

3. Разумовский И.. Проблемы марксистской теории права. С.23.

4. Малицкий. А. Советская Конституция. Харьков, 1924 (2-е изд., 1925). С.27,28.

Бунда Малицкий ҳуқуқ деганда пролетариат диктатураси ўрнатилишини назарда тутган эди.

Малицкийнинг совет-маддоҳлик жаҳду жадали ва буржуача гаройиботнинг антиқа аралашмасини ифодалайдиган ёндашуви унинг анча эҳтиёткор ҳамкасблари томонидан танқид қилинди.

20-йиллар охири - 30-йиллар бошида янги иқтисодий сиёсат, жамоалаштириш, индустриалаш суръатлари, ҳар хил «огишлар»га қарши кураш ва ҳоказолар тўғрисидаги партиявий-сиёсий қарорлар ҳамда кўрсатмалар таъсири остида совет ҳуқуқий мафкурасининг ҳар хил йўналишлари вакиллари ўз ёндашувларига жиддий ўзгартиришлар ва тuzатишлар киритдилар ва, умуман, ҳуқуқни тушуниш масалаларида партиянинг «бош йўли»га монанд қандайдир ягона тўғри нуқти назарни ва йўлни излаш билан банд бўлдилар.

## 2. Совет легизми

**Совет юридик фанида изланган «бош йўл»** совет давлат ва ҳуқуқи фани масалалари бўйича I Кенгашда (1938 йил 16-19 июль) тасдиқланди. Сталиннинг «ҳуқуқ fronti»даги дастёри **А.Я.Вишинский** унинг ташкилотчиси ва дирижёри бўлди. Кенгашга бутуниттифоқ туси берилди ва унинг ишида мамлакатнинг турли минтақаларидан қарийб 600 минг илмий ходим, ўқитувчи, амалиётчи иштирок этди.

Кенгашнинг мақсад ва вазифалари ҳуқуқнинг янгича, умумий таърифи асосида юридик фанда тоталитаризмнинг қатағончилик амалиёти эҳтиёжлари руҳида марксча-ленинча, сталинча-большевикча умум мажбурий «ягона тўғри» йўлни қарор топтиришдан иборат эди.

Вишинский маърузасининг ёзма матнида ва ушбу маърузанинг Кенгаш томонидан маъқулланган тезисларида **ҳуқуқнинг умумий таърифи** қуйидагича «узил-кесил таҳрирда» келтирилди: «Ҳуқуқ - ҳукмрон синф иродасини ифодаловчи, қонунчилик тартибида ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларининг, шунингдек қўлланилиши давлат ҳокимияти томонидан рухсат берилган, ҳукмрон синф учун фойдали ва қулай бўлган ижтимоий муносабатлар ва тартибларни муҳофаза қилиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида

давлатнинг мажбур қилиш кучи билан таъминланадиган урф-одатлар ва яшаш қоидалари мажмуидир»<sup>1</sup>.

Кенгаш томонидан **совет ҳуқуқининг** қуйидаги таърифи ҳам маъқулланди: «Совет ҳуқуқи меҳнаткашлар ҳокимияти томонидан қонунчилик тартибида ўрнатилган, уларнинг иродасини ифодалайдиган ҳамда қўлланилиши меҳнаткашлар учун фойдали ва қулай бўлган муносабатлар ҳам тартибларни ҳимоя қилиш, мустақкамлаш ва ривожлантириш, иқтисодиётда, турмушда ҳамда одамлар онгида капитализмни ва унинг қолдиқларини тўлиқ ҳамда узил-кесил тугатиш, коммунистик жамият қуриш мақсадида социалистик давлатнинг бутун мажбурлаш кучи билан таъминланадиган қоидалар мажмуидир»<sup>2</sup>.

Вишинский томонидан таклиф этилган ва кенгаш қабул қилган «ҳуқуқни тушуниш» ўз типига кўра ҳуқуқни **легистик** тушунишдир, чунки унинг асосида ҳуқуқ ва қонунни айнан деб ҳисоблаш ётади. Бундай айнанлаштириш Вишинский томонидан тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ эътироф этилди ҳамда тасдиқланди. «Ҳуқуқ, - деб ёзган эди у, - ўз вазифасига кўра жамият аъзоларини «ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг умумий шартларига» бўйсундириш, яъни «мазкур жамиятда ҳукмронлик қилувчи синфий манфаатларга бўйсундириш тўғрисида» ғамхўрлик қилишдан иборат бўлган қоидалар (қонунлар) мажмуидир ёки тизимдир»<sup>3</sup>.

Вишинский ва унинг издошлари ёндашувларининг «норматив», «нормативистик», «тор норматив» ва ҳоказо тавсифларини муқобил деб эътироф этиб бўлмайди, чунки бундай талқинда «норма» ҳеч қандай юридик-мазмун аҳамиятига эга бўлмайди.

Вишинскийнинг сафсатабозларча ҳийла-найранглари бир чеккага йиғиштириб қўйилса, унинг ҳуқуққа берган таърифнинг моҳияти ҳуқуқ - бу **диктаторлик ҳокимиятининг буйруқлари эканлигидан иборат бўлиб қолади.**

Вишинскийнинг «шарофати» билан 1938 йилдаги кенгаш

1. Основные задачи науки советского социалистического права. М., 1938. С.37,183.

2. Ўша жойда. 183-бет.

3. Ўша жойда. 170-бет.

томонидан маъқулланган буйруқбозлик руҳидаги совет-легистик «хуқуқни тушуниш» кейинги йилларда совет юридик фанида расман нуқтаи назарга айланди.

### 3. Хуқуққа янгича ёндашувларни излаб

50-йилларнинг ўрталаридан бошлабоқ катта авлодга мансуб айрим хуқуқшунослар, хуқуқнинг «тор норматив» таърифига зид равишда, хуқуқни хуқуқий нормалар ва хуқуқий муносабатларнинг бирлиги сифатида (С.Ф.Кечекьян, А.А.Пионтковский) ёки хуқуқий норма, хуқуқий муносабатлар ва хуқуқий онг бирлиги сифатида (А.К.Стальгевич, Я.Ф.Миколенко)<sup>1</sup> талқин қила бошладилар.

Хуқуқий муносабат (ва у билан боғлиқ субъектив хуқуқ - Кечекьян ва Пионтковский талқинида) ҳамда тегишли равишда хуқуқий муносабат ва хуқуқий онг (Стальгевич ва Миколенкога мувофиқ) «хуқуқий норма» амал қилишининг рўёбга чиқиши ва натижаси, ундан ҳосил бўлган хуқуқ шакллари ва хуқуқнинг намоён бўлиши сифатида воқеъ бўлади. Бинобарин, «хуқуқий норманинг» дастлабки ва белгиловчи хусусиятини, 1938 йилда ва кейинги «расмий» анъаналарда таърифланган маънода хуқуқнинг «нормативлиги»ни эътироф этиш давом этди, бироқ бу «нормативлик» унинг ҳаётда амалга оширилиши билан боғлиқ жиҳат билан тўлдирилиши таклиф қилинди.

Шундай қилиб, «социалистик хуқуқ» муаммосини талқин қилиш (Кечекьян, Пионтковский ва бошқаларда) 1938 йилги таърифдаги сингари, «хуқуқий норма» бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган жойда «хуқуқий норма» мавжуд-

1. Қаранг: Кечекьян С.Ф. Нормы права и правоотношения // Советское государство и право, 1955, №2; уша муаллиф. Правоотношения в социалистическом обществе. М., 1958; Пионтковский А.А. Некоторые вопросы общей теории государства и права // Советское государство и право, 1956, №1; уша муаллиф. К вопросу о взаимоотношении объективного и субъективного права. // Советское государство и право, 1958, №5; уша муаллиф. К вопросу об изучении общенародного права // Советское государство и право, 1962, №11; уша муаллиф. Юридическая наука, ее природа и метод // Советское государство и право, 1965, №7; Стальгевич А.К. Некоторые вопросы теории социалистических правовых отношений // Советское государство и право, 1957, №12; уша муаллиф. Ценная книга // Советское государство и право, 1965, №7; Миколенко Я.Ф. Право и формы его проявления. Советское государство и право, 1965, №7.

лиги ҳақидаги презумпциядан келиб чиқади-ки (онгли равиш-далиги ёки англашилмовчилик туфайли эканлиги - бошқа масала!), бу хато ва социализмнинг ноҳуқуқий реалликларига номуқобилдир. Бундай фикрлашда Вишинскийнинг ва унинг издошларининг ҳамда Кечекьян, Пионтковский, Стальгевич, Миколенко ва «ҳуқуқий нормани» (аслида - ноҳуқуқий қонунчилик нормасини) унинг ҳосилалари (уни амалга ошириш шакллари) билан тўлдиришни таклиф этган бошқа муаллифларнинг ҳуқуқни «кенг» талқин этиш деб аталган талқинларида ишнинг моҳияти, ўзаги ва ҳуқуқни «тор ҳуқуқий» тушуниш акс этади.

Умуман, ҳуқуқни «кенг» тушуниш вакилларининг «тор норматив» ёндашув тарафдорларига қарши қаратилган мунозараси нопринципиал тусга эга эди, чунки амалда ноҳуқуқий вазиятда ҳар иккала йўналиш аксилҳуқуқий қонунчилик назарда тутилган «совет социалистик ҳуқуқи» мавжудлиги тўғрисидаги тажрибага асосланмаган нуқтаи назарга бир хилда таянар эди.

**60-йилларда ва, айниқса, 70-80-йилларда** расман «ҳуқуқни тушуниш»дан қайтиш фаоллашди. Бу, айниқса, «Советское государство и право» журнали томонидан «Совет ҳуқуқини тушуниш» мавзусида давра суҳбати ўтказилганда яққол намоён бўлди. Давра суҳбати давомида бир гуруҳ олимлар кескин мунозарага киришиб, расман ҳуқуқни тушунишни танқид қилишди ва ҳуқуқнинг бошқача талқинларини асослаб чиқишди<sup>1</sup>.

Аксилҳуқуқий совет легизмининг бузуқ доирасидан изчил **юримдик (аксиллегистик) ҳуқуқни тушуниш** асосидагина чиқиш мумкин эди. Шу сабабли «социалистик ҳуқуқ» деб аталган ҳуқуқнинг ва қонунчиликнинг гайриҳуқуқий характерини аниқлаш ва танқид қилиш, ноҳуқуқий социализмдан ҳуқуқий тузумга, ҳуқуқий давлатга ва ҳуқуқий қонунга томон ҳаракат қилиш йўлларини аниқлаш учун **айнан ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш** ҳамда вужудга келган вазиятни мана шу нуқтаи назардан таҳлил этиш принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эди. **Ҳуқуқни индивидлар эркинлигининг умумий шакли ва тенг ўлчови сифатида тушунишни асословчи ҳуқуқ**

1. Қаранг: Советское государство и право, 1979, №7,8.

ва қонунни фарқлашнинг либертар-юридик концепцияси мана шу маънода илгари сурилди<sup>1</sup>.

Социализмнинг ноҳуқуқий воқелиги ноҳуқуқий коммунизмга томон илгарилаб бориш ҳақидаги кўрсатма билан қўшилиб, совет назарияси ва амалиётини ривожланишнинг ҳар қандай ҳуқуқий истиқболидан, социализмдан кейинги ҳуқуқнинг бирор-бир варианты томон ҳаракат қилишдан, ҳуқуқий қонундан ва ҳуқуқий давлатчиликдан буткул маҳрум қилди.

Ҳуқуқни тушунишнинг либертар назарияси, аксинча, мавжуд (ноҳуқуқий) социализмдан бўлажак ҳуқуқий тузумга томон ривожланишнинг худди мана шу ҳуқуқий истиқболни ифодалар эди.

Либертар ҳуқуқни тушунишнинг муҳим жиҳати шундаки, мана шундай ёндашув нуқтаи назаридан умуман ҳуқуқ мавжуд бўлиши мумкин бўлган объектив шарт-шароитларни аниқлаш мумкин. Бу эса ҳуқуқ мавжуд бўлиши учун социализм билан муроса қилмайдиган ва унинг томонидан рад этиладиган шарт-шароит зарурлигини кўрсатиш имконини беради. «Социалистик ҳуқуқ»нинг мавжуд эмаслиги ва бўлиши мумкин эмаслигини объектив белгилаб берувчи сабаблар кимнингдир субъектив кўрсатмаларида ва қаршилиқ кўрсатишида эмас, балки айти шундадир. Бу билан либертар-юридик концепция **ҳуқуқни рад этувчи ўтиш тузуми сифатида социализмнинг ижтимоий-тарихий доирасидан чиқиш, социализмдан кейинги ҳуқуққа томон бориш мантиқини аниқлаш зарурлигини** назарий асослашга кўмаклашди.

Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши назариясига, ҳуқуқий эркинлик гоёсига бўлган қизиқиш қайта қуриш шароитида ва, айниқса, ҳуқуқ ҳамда ҳуқуқий давлатчилик томон дастлабки қадамларни қўйиш мумкин бўлган 90-йилларда сезиларли даражада (нафақат юридик фанда, балки оммавий матбуотда) кучайди<sup>2</sup>. Шу билан бирга бўлажак ўзгаришлар

1. Қаранг, жумаладан: Нерсеянц В.С. Различение и соотношение права и закона как междисциплинарная проблема // Вопросы философии права. М., 1973; ўша муаллиф. Право и закон. М., 1983; ўша муаллиф. Право и закон: их различение и соотношение // Вопросы философии, 1988, №5.

2. Жумладан, либертар-юридик ҳуқуқни тушуниш гоёси, хусусан, қуйидаги асарларда унумли қўлланилди ва ривожлантирилмоқда: Четвернин В.А. Демократическое конституционное государство: введение в теорию. М., 1993; ўша муаллиф. Понятие права и государства. М., 1997; Пашинский А.И. Предмет юридической деонтологии. М., 1996.

- моҳиятан кўп жиҳатдан ноҳуқуқий тузумдан эркинлик ва ҳуқуққа томон ҳаракат эканлиги ва, бинобарин, бундай ўзаришлар ҳуқуқ тўғрисидаги ўзбошимча ҳукмрон-буйруқбозлик тасаввурлари билан чиқиша олмаслиги ва уларни индивидларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларидан келиб чиқувчи, ижтимоий соҳада ва давлат-ҳуқуқий ҳаётида умуминсоний ютуқлар қарор топиши ҳамда янада ривожланишига йўналтирилган янгича ҳуқуқни тушуниш нуқтаи назаридан англаш ва амалга ошириш мумкинлиги тобора аён бўла борди.

## **Тўртинчи боб. Социализмдан цивилизъмга. Цивилитар ҳуқуқ концепцияси**

### **1. Социализмдан кейинги муқобилликлар**

Бутунги кунда барчамиз, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам жаҳон тарихида катта ўзгаришлар бошланганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Дунёнинг аввалги тартиби ва жаҳон-тарихий ривожланиши йўналишини XX асрда капитализм билан социализм ўртасидаги антагонизм, коммунистик мафкура билан буржуа мафкураси ўртасидаги кураш белгилаб берган. Бу кутблардан бирида юз берган туб ўзгаришлар бошқа кутбда ҳам, шу билан бирга бутун жаҳонда жиддий ўзгаришларга олиб келиши шубҳасиз эди.

Шу муносабат билан социализмдан кейинги тузум муаммоси глобал аҳамият касб этади. Социализмдан кейинги тузумнинг хусусияти тарихнинг бундан кейинги йўналишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Гап бутун инсоният цивилизациясининг ривожланиш йўллари ҳақида бормоқда. Чунки инсоният коммунистик гояларнинг у ёки бу даражадаги таъсирини бир неча минг йиллардан буён ўз бошидан кечириб келмоқда. Бундан икки ярим минг йил аввал Платон хусусий мулкчиликни енгиб ўтиш ва «амалдаги тенгликка» эришиш борасида ўз лойиҳаларини таклиф этган эди. Бу эса бутун коммунистик ҳаракатнинг асосий гоясидир. Мана шу гояга кўра XIX асрда марксистик таълимот шаклланди, XX асрда эса Россияда ва бошқа бир қанча мамлакатларда (хусусий мулкчиликнинг тутатилиши ва ишлаб чиқариш восита-

ларининг социализациялаштирилишига кўра) социалистик тузум амалда пайдо бўлди ва қарор топди.

Социализм тўғрисидаги ҳозирги мунозаралар (бизда ҳам, чет элда ҳам) ҳозирча анча юзаки бўлиб, фикрлар сочилганлиги билан ажралиб туради.

Жумладан, **социализмнинг** (назария сифатида ҳам, амалиёт сифатида ҳам) **тарихан «хато эканлиги»** ва ўтмиш билан орани оддийгина очди қилиш ҳамда ўзи учун қандайдир бошқа жозибалироқ ва қулайроқ истиқболни шартта танлаш воситасида ушбу «хато»ни тузатиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввур (бизда ҳам, кўпчилик бошқа собиқ социалистик мамлакатларда ҳам) жуда кенг ёйилган.

**Башарти социализм тарихий хато бўлса, у ҳолда капитализм жаҳон тарихининг ниҳояси бўлиб чиқади ва социализмдан кейин капитализмга қайтиш керак бўлади.** Капитализм эркинлик, ҳуқуқ, мулкчилик, давлатчилик ва ҳоказоларнинг жаҳон-тарихий тараққиётининг пировард босқичи ва охириги чўққиси эканлиги тўғрисидаги тасаввурларни XIX аср бошида **Гегель** ривожлантирди ва ўша даврда бу табиий эди. XX аср охирида эса, гарчи машҳур бўлмасалар-да, жуда кўплаб муаллифлар уни ривожлантиришни давом эттиришди. Бугунги кунда айнан мана шу тасаввурларнинг умумий оқимида - Россияда ва бошқа бир қанча собиқ социалистик мамлакатларда социализмни капитализациялашга англаб ёки англамай уриниб кўрилмоқда.

Бордию социализм, ўзи билан боғлиқ бўлган барча ёвузликларга қарамай, тарихий хато бўлмаса, у ҳолда **социализмнинг ўз (капитализмдан бошқача) келажаги бўлиши керак** ва, бинобарин, бу ҳолатда капитализмга қайтиш тўғрисидаги тасаввур хато бўлади.

Социализмнинг коммунизм сингари давоми ҳамда келажаги йўқ ва бўлиши мумкин эмаслиги аниқ-равшан. Социализм ҳақиқий бўлмаганлиги учун эмас, балки коммунизм хомхаёл бўлиб чиққанлиги учун шундайдир.

Совет намунасидаги социализмга келганда эса, шуни айтиш керакки, бу - энг ҳақиқий, пролетар-коммунистик, изчил марксча-ленинча социализм ва, шу боис сталинча социализм, **мумкин бўлган бирдан-бир аксилкапиталистик социализмдир.** У коммунистик йўналтирилган социализмнинг асосий гоёси - хусусий мулкчиликнинг инкор этилишини



мантиқий ниҳоясига тўлиқ етказиш ифодасидир. Шу сабабли ишонч билан айтиш мумкинки: моҳият эътибори билан бошқа социализм ҳам, коммунизм ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Бизнинг социализмнинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти, энг аввало, мана шундан иборат.

Ундан фарқли равишда **«буржуа социализми»нинг ҳар хил шакллари** («швед социализми» ва ҳоказолар), гарчи ислоҳ қилинган ва замонавийлаштирилган бўлса ҳам, капитализм доирасидадир. Бундай «социализм»нинг мазмуни шундан иборатки, ривожланган ва бой капитализм хусусий мулкчилик тузумининг ўзини мустаҳкамлаш учун, ишни ҳақиқий социализмгача олиб бормаслик учун мулкдор бўлмаганлар фойдасига мулкдорларни камситиш йўли билан ўзига хос ўлпон тўлайди. Бироқ бу, айтиш мумкинки, уларнинг социализмгача бўлган қийинчиликларидир.

Бизнинг муаммоларимиз эса, аксинча, социализмдан кейинги, яъни мутлақо бошқа ижтимоий-тарихий даврга тегишли ва мутлақо бошқа мазмунга эга муаммолардир.

**Ижтимоий социалистик мулкни зарур даражада ҳуқуқий равишда жамият барча аъзоларининг индивидуаллаштирилган мулкига айлангириш социалистик ўтмишга эга бўлган ва, маълум бўлишича, коммунистик келажаги йўқ жамият учун белгилувчи аҳамиятга эгадир. Бизнинг ўтмишимизнинг келажагимизга ҳал қилувчи таъсири айнан мана шу муҳим бандда жамланган.**

Социализмда (у яхши ёки ёмон эканлиги - бошқа масала) унинг ўзи томонидан тайёрланган, социалистик тузумнинг қарор топиши жараёнида жаҳоншумул-тарихий ўзгартиришлар билан мувофиқлаштирилган, социализмнинг тарихан пайдо бўлишининг объектив мантиғига мос бўлган, социализмни давом эттирадиган, енгиб ўтадиган, **уни диалектик равишда «олиб ташлайдиган» ва, шу билан бирга, унинг яқунларини реал мумкин ва зарур бўлган келажак учун қайта ўзгартирадиган келажак бўлиши мумкинлиги ҳақидаги оддий туюлган ҳаммабоп фикрни соғлом ақл келтириб чиқариши ва объектив таҳлил эса тасдиқлайди.**

**Социалистик мавр тарихда ўзининг қора ишини қилиб бўлди ва энди у кетиши керак. Социализм бартараф этилиши керак.** Бунинг фурсати келди. Бироқ ушбу муаммони «Карфаген принципи» бўйича ҳал этиш, яъни механик тарзда йўқ қилиш

мумкин эмас. Социализм (сўз айнан коммунистик социализм ҳақида бормоқда) гоёси талабларини зарур равишда цивилизацияли (яъни иқтисодий-ҳуқуқий) шаклда қондирмасдан, аксилкапиталистик социализмнинг мантиғи, унинг тарихий ўрни ва аҳамияти билан ҳисоблашмасдан туриб уни бартараф этиб бўлмайди. Инсоният тарихидаги ушбу энг кескин ва оғир участканинг мазмуни устидан шунчаки чизиқ тортиб ташлаб бўлмайди. Бунда жаҳон тарихининг асаб торлари уриб турибди, эркинлик ва тенглик тараққиёти учун тарихий кураш шунга олиб келди, тарихий ҳаракат векторига шу ерда тузатиш киритилмоқда, келажак тарҳи мана шу ерда белгиланади. Ёки - социализм томонидан тайёрланган, ҳақиқатан ҳам янги томон олға бориш, ёхуд - капитализм томон ортга қайтиш керак. **Капитализм ва социализм бир-бирига принципиал жиҳатдан мувофиқ келмаслиги** туфайли учинчи йўл (капитализм ва социализмни қовуштириш йўли) йўқ.

Ушбу номувофиқлик назарий жиҳатдан марксизмда, тарихий-амалий жиҳатдан реал социализмда ўзининг энг изчил ифодаси ва аксини топди.

## 2. «Тарихнинг ниҳояси» муаммоси: буржуа ҳуқуқи типидан кейин ҳуқуқ бўлиши мумкинми?

XX аср инсониятнинг бутун тарихида энг муҳим гоёлардан бири бўлган социалистик гоё амалда рўёбга чиқарилган ва текшириб кўрилган давр бўлди. Эндиликда, минг йилликлар туташган жойда **Европада социализмдан кейинги тузум шарпаси кезиб юрибди**. Бироқ социализмдан озод бўлишга қаратилган уринишлар кўпроқ тарихий замон ва маконда ўйланган ҳаракатдан кўра тайёргарлик кўрилмаган қочишга ўхшаб кетади.

Социализмдан кейинги тузумнинг у ёки бу концепцияси Россияда ва бошқа бир қанча мамлакатларда шаклланган социализмнинг ўзи қандай тушунилиши ва талқин этилишига боғлиқ эканлиги жуда умумий кўринишда аён, албатта.

Шу билан бирга **социализмдан кейинги тузумгина ўтмиш социализмнинг чинакам табиатини ва моҳиятини**, унинг тарихий жараёндаги ҳақиқий ўрни ва аҳамиятини аниқлаб беради, деб айтиш мумкин. Бизнинг социалистик ўтмишимиз-

нинг мазмуни объектив-тарихий жиҳатдан социализмдан кейинги келажакимизда аниқланади.

Зеро, келажак - ҳамма вақт ўтмишдаги бутун ривожланишнинг муайян якуни ва мухтасар хулосасидир. Ўтмиш ва бугуннинг мазмуни ҳақида объектив жиҳатдан фақат келажакнинг етилган натижаси бўйича ҳукм чиқариш мумкин. **Аристотель** шунга ўхшаш фикрни изоҳлар экан, отнинг зоти вояга етгани сайин сиртига чиқади ва аниқланади, деган эди. Бу ҳақда Инжилда: уларни мевасига қараб биласиз, дейилган.

Социализмдан кейинги тузумнинг характери кейинги бутун тарихнинг ривожланишини белгилаб ва аниқлаб беради. Социализмни ҳам, умуман тарихий жараёни ҳам тушуниш, талқин қилиш ва баҳолаш учун социализмдан кейинги тузумнинг бирон-бир концепциясининг аҳамияти мана шундадир.

Бу ўринда биз бутун жаҳон тарихи диалектикаси билан рўбарў келамиз. Социализмдан кейинги тузум томон социализмдан ҳаракат қилиш мантиқини эркинлик ва ҳуқуқнинг жаҳоншумул-тарихий тараққиёти мазмунига кўра муқобил равишда аниқлаш мумкин.

Биз ноёб даврда яшамоқдамиз. Бу - тарихнинг ҳам, уни тушунишнинг ҳам янгиланиш давридир. Социализмнинг барбод бўлиши жаҳон тарихи жараёнида янги катта бурилиш бошланганидан далолат беради. Бундай даврларда бўлажак тарихий бурилишга фикран назар ташлаш ва тарихни шу тарзда янгича кўриш туфайли ўтмиш ва ҳозирги даврни янгича баҳолаш учун объектив имконият тугилади. **Гегель** Минерва бойқуши парвозни ғира-ширада - эски тузум ўрнини янги тузум эгаллаётган паллада бошлайди, деган эди.

Гегель конкрет-тарихий жиҳатдан, «эски тартиб»нинг енгиб ўтилиши ва хусусий мулкчиликка ҳамда барчанинг расман-ҳуқуқий тенглиги эътироф этилишига асосланган янги тузумнинг ғалабаси, яъни феодализмдан капитализмга ўтиш ҳақида сўз юритган эди. Унинг учун жаҳон тарихи эркинликнинг тараққиёти сифатида ушбу (капиталистик) тузум билан тугайди, чунки, унинг концепциясига мувофиқ, эркинликнинг ривожланиши ва шакл касб этишида (эркин хусусий мулкчиликдан, умумий расман-ҳуқуқий тенглик ва уларга мувофиқ фуқаролик жамияти ва давлатнинг ҳуқуқий

ташқил этилишидан ташқари) ҳеч қандай принципиал янгилик бўлиши мумкин эмас.

Социализмнинг ҳозирги барбод бўлиши шароитида тарихнинг ниҳояси ғояси (унинг гегелча талқини ўзанида) бамисоли амалда ўзининг тасдиғини топди ва, шу билан бирга, янгидан куч олди<sup>1</sup>.

Тарих ва тарихий тараққиётнинг буржуача, капиталистик ниҳояси концепцияси Гегель даврида индивидларнинг расман тенглиги принципи изчил эътироф этилиши ва ҳимоя қилинишининг табиий ва зарур оқибати эди-ки, бусиз умуман ҳуқуқ, индивидуал эркинлик, мулк ва бошқалар бўлиши мумкин эмасди. Башарти, эркинлик фақат ҳуқуқий шаклда мумкин бўлса, ҳуқуқ эса индивидларнинг расман тенглигини (ва тегишлича - мулкка, яъни хусусий мулкка эгалик қилишдаги фарқни) тақозо этса, Гегель бундан келиб чиқиб, ўз даври учун эркинликнинг чегараси, унинг тарихий тараққиётдаги олий ва сўнги даражаси (ушбу маънода - тарихнинг ниҳояси) - эътироф этилиши айнан капитализм учун хос бўлган умумий расман-ҳуқуқий тенгликдир, деб хулоса чиқаради. Шу сабабли эркинлик ва ҳуқуқ тарихий тараққиётининг гегелча диалектикаси аслида мана шу жойда тўхтади.

**Марксизмга кўра ҳам капитализмга хос бўлган эркинлик шакллари** (индивидларнинг умумий тенглиги ва эркинлиги, эркин хусусий мулкчилик, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат) - **ҳуқуқнинг** (айнан айтганда марксизмга мувофиқ ҳуқуқнинг энг ривожланган ва тарихан сўнги типни бўлган буржуа ҳуқуқининг) **тарихий тараққиётдаги охириги босқич** эканлиги эътиборлидир: капитализмдан кейин (яъни коммунизмда) ҳуқуқ ва давлат «ўлади», ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик, «буржуа индивидуализми» ва бошқалар инкор этилади.

Бундаги **принципиал фарқ** шундаки, капитализм Гегель учун - тарихий тараққиётнинг юқори чўққиси, марксизм ва

---

1. **Ф.Фукуяманинг** мақоласи кенг ёйилганлиги шу билан изоҳланади. Муаллиф (Гегелга ва неогегелчи Кожевга ҳавола қилинган ҳолда) социализмнинг капитализмлашувининг ҳозирги жараёнига ва умуман жаҳон тарихи ва инсоният цивилизациясининг капиталистик (замонавий Фарб либерал, бозор тузуми ва ҳоказолар руҳида) ниҳоясига гегелча «оқ фотиҳа» беради. - Қаранг: Фукуяма Френсис. Конец истории? // Вопросы философии. 1990, №3. С.134-148.

коммунистик мафкура учун - бор-йўғи инсониятнинг «тарихдан олдинги» охирги босқич, холос. Марксизмга кўра, инсониятнинг ҳақиқий тарихи капитализмнинг йўқ қилиниши билан бошланади ва «тўлиқ коммунизм» билан тамом бўлади. Агар Гегель бундай «фактик тенглик»нинг расман тенглик билан (яъни ҳуқуқ ва эркинлик принципи билан) номувофиқлиги туфайли моҳиятан коммунистик «фактик тенглик» (мулкка эгалик қилишдаги тенглик ва бошқалар) бўлган талабини рад этган бўлса, коммунистик ақида ва амалиёт, аксинча, расман тенгликнинг «фактик тенглик» талабларига номувофиқлиги туфайли расман тенглик принципини (бинобарин, ҳуқуқни, давлатчиликни, индивидларнинг ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилигини ва бошқаларни) рад этади.

**Гегель** ҳам, **Маркс** ҳам, ўз нуқтаи назарлари тубдан фарқ қилишга қарамай, **ҳуқуқнинг кейинги тараққиётини, ҳуқуқнинг буржуазиядан кейинги типи бўлиши мумкинлигини**, яъни эркинликнинг ҳуқуқий шакли ривожланиши мумкинлигини, ҳуқуқнинг сермазмунроқ шакли пайдо бўлиши мумкинлигини, индивидларнинг кўпроқ эркинлигини, унинг юқорироқ даражасини ифодалайдиган ҳуқуқнинг янги шакли пайдо бўлишини **бир хилда инкор этишди**. Гегель учун ижтимоий тарихда эркинлик принцип жиҳатидан фақат ҳуқуқий шаклда, фақат ҳуқуқнинг (ва ҳуқуқий институт сифатида давлатнинг) тараққиёти сифатида тараққий қилиши мумкин бўлгани учун, у тарихнинг ниҳоясига етишини ҳуқуқнинг эришилган (буржуача) типи билан боғлайди. Марксга кўра эса, аксинча, эркинликнинг тараққиёти ҳуқуқсиз (ва давлатсиз) шаклда ҳам давом этади ҳамда ҳақиқий эркинлик капитализмдан кейин, буржуа ҳуқуқи ва давлати енгиб ўтилгандан кейин бошланади. Маркс (унга эргашган ҳолда Энгельс ва Ленин ҳам) буржуазиядан кейинги «социалистик ҳуқуқ» тўғрисида сўз юритмай, фақат коммунизмнинг биринчи фазасида (яъни социализмда) тенг меҳнат учун тенг истеъмол ҳақи тўлаш учун қолдиқ «буржуа ҳуқуқи» бўлиши мумкин, деб ҳисоблади.

**Социализм - ўтиш тузуми**. Социализм (яъни хусусий мулкчиликнинг инкор этилиши ва социалистик мулкчилик барпо этилиши) коммунизмга томон ҳаракатни англатади, деб мўлжалланган эди. Бироқ, гарчи, ҳаётда мулкни социали-

зациялаштириш йўналишида амалда қилиниши мумкин бўлганининг барчаси аллақачон қилинган бўлса ҳам, реал тарихда бу тасдиқланмади. Коммунистик лойиҳалар бўйича барпо этилган социализм амалда коммунистик келажаксиз бўлиб чиқди. Бундай социализмнинг амалдаги кўриниши айнан коммунизмнинг ёлгонлиги ва хомхаёллигини исботлайди.

Авалги тенгликдан бўлғуси кўпроқ тенгликка томон тарихий илгарилаб боришда социализм ҳақиқатан ҳам **ўтмишни инкор этиш билан келажакни тасдиқлаш ўртасида оралик мавқени** эгаллайди. Шу сабабли бундай салбий жиҳат (социализм)дан кейин позитив жиҳат (социализмдан кейинги тузум) - янги тенгликка эришиш ва уни қарор топтириш, яъни янги ҳуқуқ учун мутлақ зарур бўлган дастлабки асос ҳам зарур.

**Социализм принципнинг салбий характери**, пировард натижада, социалистик мулк (яъни бутун социализмнинг базиси) ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг изчиллик билан ва кенг қамровли инкор қилинишидир, холос. Мазкур салбий принцип ҳуқуқий тенгликни ва умуман ҳуқуқни истисно этади.

Ўтмишни инкор этиш ва радикал аксилкапитализм бўлган социализм умуман ўзида **жаҳон тарихи ривожланишида салбий босқични** ифодалайди. Совет жиноят кодексларидан бирининг предмети кўрсаткичидаги: «**Эркинлик - қаранг: эркинликдан маҳрум этиш**» сўзлари унинг қисқача таърифи учун жуда мос келади.

Социализмдан кейинги тузумнинг бош муаммоси хусусий мулкчилик йўқлиги социалистик принципдан қай томонга ва қандай бориш керак уни тиклаш томон ортга қайтиш керакми, ёки иқтисодиётда, ҳуқуқда ва бошқаларда янги, кўпроқ тенглик томон олға бориш керакми, деган саволга қандай жавоб берилишига боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришнинг барча воситалари социализациялаштирилиши - хусусий мулкчилик инкор этилиши ва социалистик мулкчилик барпо этилиши билан социализмнинг тарихий миссияси тўлиқ тугади. Бироқ, башоратларга зид равишда, ушбу тузум ваъда қилинган «тўлиқ коммунизм» томон босқич ва йўл бўла олмади. Социализмни ўз негизда, яъни социалистик мулкчилик ҳукмронлиги асосида такомил-

лаштиришга қаратилган муваффақиятсиз уринишлар бунинг яққол исботидир.

Бироқ, амалга оширилган хусусийлаштиришнинг салбий оқибатлари кўрсатишича, социализмдан капитализмга, буржуа хусусий мулкчилиги ҳукмронлигига, ривожланган товар-пул муносабатларига, бозор иқтисодиётига ва ҳоказоларга олиб борадиган қайтиш йўли ҳам тўсиб қўйилган. «Барчага биргаликда» тегишли бўлган социалистик мулк, ўз моҳиятига кўра, унинг фақат баъзиларнинг, жамият озчилигининг мулкига айлантирилишини рад этади. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг табиати шундайки, у жамиятнинг барча аъзоларига эмас, балки фақат айримларга тегишли бўлиши мумкин.

**Бизнинг ҳақиқий мулкчилик (шу билан бирга ҳуқуққа, эркинликка ва ҳоказоларга) томон йўлимиздаги мураккаблик шундаки, эгасиз хусусий мулкдан индивидуаллаштирилган мулкка ўтиш керак бўлади, бироқ шу билан бирга бу хусусий мулкчиликка қайтиш бўлиши мумкин эмас.**

Ҳозиргача маълум бўлган ҳар қандай ҳуқуқ хусусий мулкчиликка асосланганлигига кўра, мутлақо боши берк ва ҳал этиб бўлмайдиган вазият келиб чиқадигандек туюлади: бир томондан, ноҳуқуқий, тоталитар социализмдан ҳуқуқий тузумга ўтиш ҳаётий зарурият, иккинчи томондан, ҳуқуқ томон йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат фақат хусусий мулкчилик муносабатларига ва ҳуқуқнинг тегишли шакллари олиб бориши мумкин. Социализмни капитализмга айлантириш борасидаги чора-тадбирлар ҳам ҳозирча мулкчилик ва ҳуқуқ (ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ва ҳуқуқсизлик шароитларида мумкин бўлмаган барча нарсалар) томон борадиган ушбу боши берк йўлдадир. Уларни амалга оширишга кўп йиллик интилишлар муваффақиятсиз якунланганининг илдизи ҳам, аслида, мана шундадир.

Бироқ агар орқага қайтиш хато бўлса, бунинг устига буржуа хусусий мулкчилигига ва буржуа ҳуқуқига оддийгина қайтиш мумкин бўлмаса, у ҳолда социализмдан қандай ҳуқуққа ва қандай мулкчиликка томон бориш мумкин?

Бу саволни ўзгача тарзда ҳам қўйиш мумкин. Умумий расман тенглик принципини (яъни ҳар қандай ҳуқуқнинг, умуман ҳуқуқнинг зарур принципини) эътироф этадиган ва айни замонда буржуа ҳуқуқи бўлмаган ҳуқуқ бўлиши мумкинми?

Бошқа бир савол ҳам ушбу савол билан узлуксиз боғлиқдир: айтиш чоғда хусусий мулк бўлмаган ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан индивидуаллаштирилган мулкчилик бўлиши мумкинми?

Ушбу саволларга берилган ижобий жавоб капитализм ҳақидаги «тарихнинг ниҳояси» деган тасаввурлар баргараф этилишини, буржуазиядан кейинги эркинлик, ҳуқуқ, мулкчилик ва ҳоказолар (тегишли объектив шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда) принципиал равишда бўлиши мумкинлигини ҳамда шу билан бирга, **социализмдан кейинги тузумнинг нобуржуа йўналишлари ва истиқболларини** англашга бўлур эди.

Шундай қилиб, социализм натижасида **жаҳон тарихидаги гаройиб ҳодиса бўлмиш социалистик мулкчилик** барпо этилган: мамлакатнинг барча бойлиги эгасизлик ҳолатига ташлаб қўйилган ва «барчанинг биргаликдаги» мулки бўлган ноҳуқуқий режимда қолган. Социалистик тоталитаризмнинг энг аввало ҳар бир кишига алоҳида қарши қаратилган илдизлари мана шунга бориб тақалади. Бироқ ушбу **барчанинг биргаликдаги салбий «тенглиги»** ҳар қандай шахснинг мулкка бўлган имтиёзини инкор этади ва **ҳар бир шахснинг алоҳида позитив тенглигини - барча учун бир хилдаги жамоат мулкчининг бир қисмига, социалистик мероснинг тенг улушига ҳар бир кишининг тенг ҳуқуқини** қарор топтириш салоҳиятига эга.

Ушбу салоҳиятни долзарб ҳолатга айлантириш ва эркинликнинг салбий «тенглиги»дан эркинликнинг позитив тенглигига ўтиш фурсати келди. «Барчанинг биргаликдаги» мулкидан ҳар бир кишининг алоҳида мулкига ўтиш зарур. Ноҳуқуқий ҳолатдан ҳуқуқий ҳолатга бундай ўтиш **фақат ҳуқуқий усул билан - барча фуқаролар учун ягона бўлган тенглик ўлчови бўйича** зарур даражада ва адолатли амалга оширилиши мумкин.

### 3. Цивилитар ҳуқуқ ва фуқаролик мулки

Коммунизмнинг ҳам ғоя, ҳам амалиёт сифатидаги (XX асрдаги реал социализм кўринишидаги) табиати шундайки, уни фақат **цивилизациянинг** таянч қадриятлари, институтлари, шакллари ва нормалари билан мувофиқлаштирилган **коммунистик талабларнинг иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатидан**



**оқилонга тарзда муқобил қондирилиши** орқали ҳақиқатан (ижтимоий-тарихий жиҳатдан) енгиб ўтиш ва ўтмишда қолдириш мумкин. Бинобарин, гап талабларни қондиришнинг ҳуқуқий шакли ва, шу билан бирга, коммунизмни баргараф қилиш, ноҳуқуқий социализмдан социализмдан кейинги ҳуқуқий тузумга ўтишнинг ҳуқуқий усули ҳақида бормоқда. Бу ўринда ҳуқуқий ёндашишнинг моҳияти шундаки, ҳуқуқий тенгликнинг умумий принципи, энг аввало, социализмнинг энг асосий якуни бўлмиш социалистик мулкчиликка нисбатан, ишлаб чиқариш воситаларини ҳар бир фуқаронинг индивидуаллаштирилган ҳақиқий мулкига айлантириш жараёнида, изчил қўлланилиши керак. **Инкор этишни**, тарих якунларини ҳисобга олган ҳолда, **қарор топтиришга** юқорироқ даражада айлантириш зарур.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан **барча фуқаролар - социалистик мулкнинг тенг даражадаги ва тенг ҳуқуқли меросхўрларидир**. Ҳар бир фуқаронинг **социалистиклаштиришдан маҳрум этилган бутун мулкдаги барча фуқароларнинг тенг улуш олиш ҳуқуқи** эътироф этилиши керак. Социалистик мулк индивидуаллаштирилган фуқаролик мулкига айлантирилиши ва ҳар бир фуқаро мулкка нисбатан барча учун тенг бўлган реал субъектив ҳуқуққа эга бўлиши керак. Бундан ташқари ва ушбу субъектив ҳуқуққа қўшимча равишда ҳар бир киши исталган бошқа мулкка унинг энг кўп миқдорини чеклашсиз эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Бундай **фуқаролик (цивил, цивилитар) мулкни ва тегишли цивилитар ҳуқуқли** янги, социализмдан кейинги тузумни, капитализм ва социализмдан фарқли равишда, **цивилизм, цивилитар тузум** (лотинча *civis* - фуқаро сўзидан), деб аташ мумкин<sup>1</sup>.

Социалистик мулкчиликдан, масалан, Россия Федерациясига татбиқан, фуқаролик мулкчилигига ўтилишини

---

1. Батафсил қаранг: Нерсесянц В.С. Закономерности становления и развития социалистической собственности // Вестник АН СССР.1989, №9; ўша муаллиф. Концепция гражданской собственности // Советское государство и право. 1989, №10; ўша муаллиф. Прогресс равенства и будущность социализма // Вопросы философии. 1990, №3; ўша муаллиф. Наш путь к праву. От социализма к цивилизму. М., 1992; ўша муаллиф. Продолжение истории: от социализма - к цивилизму // Вопросы философии. 1993, №4; ўша муаллиф. Право - математика свободы. М., 1996.

қуйидаги юридик-норматив (ёки, аниқроқ айтганда, юридик-нормографик) шаклда ифодалаш мумкин:

1. Россия Федерациясининг бутун собиқ социалистик мулки ҳар бир фуқаронинг фуқаролик мулкига тенг ҳуқуқи - ўзгартирилган бутун социалистик мулкдан тенг улуш олиш принципи бўйича барча фуқаролар фойдасига текин индивидуаллаштирилади.

2. Социалистик мулк мана шу тарзда социализациялаштиришдан маҳрум этилишига мувофиқ унинг барча объектлари тенг мулкдорлар, мазкур умумий мулк доирасида мулкнинг тенг индивидуаллаштирилган улуши эгалари сифатида барча фуқароларнинг объектларига айланади.

3. Истисносиз барча фуқароларнинг фуқаролик мулки бир хилдир. Ҳар бир фуқаро-мулкдорнинг барча фуқаролар умумий мулкидаги улушининг арифметик миқдори Россия Федерацияси фуқароларининг сонини, аҳоли динамикасидаги тенденцияларни ва фуқаролик мулки захира жамғармаси зарурлигини ҳисобга олган ҳолда барча фуқаролар умумий мулкнинг  $1/160\ 000\ 000$  ҳиссаси сифатида белгиланади.

Фуқаролик мулки миқдори фуқаролар сони ўзгариши ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳар 5 йилда белгиланади. Фуқаролар сони ва умумий мулк объектлари таркибидаги ўзгаришлар ушбу муддат доирасида фуқаролик мулкнинг арифметик миқдорини ўзгартирмайди.

4. Фуқаролик мулкнинг субъекти бўлмиш ҳар бир фуқаронинг юридик мақоми ва унвони мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги зарур ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланади.

5. Фуқаролик мулкига бўлган ҳуқуқ шахсий, умрбод ва ажралмас хусусиятга эга бўлади. Фуқаролик мулкига бўлган ҳуқуқдан ҳеч бир фуқаро маҳрум этилиши мумкин эмас. Алоҳида олинган фуқароларнинг фуқаролик мулки барча фуқароларнинг умумий мулкдан тартиб олиниши мумкин эмас. Фуқаролик мулкчилиги ҳуқуқи бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман берилиши мумкин эмас.

6. Ҳар бир фуқаро учун фуқаролик мулкчилигининг шахсий ҳисоб рақами очилади. Ушбу мулк объектларидан бозор-хўжалик мақсадида фойдаланишнинг барча шакллари натижасида ҳамма фуқароларнинг умумий мулкдан олинган барча даромадлардан ҳамма учун тенг бўлган улуш марказлаштирилган тартибда ушбу ҳисоб рақамига келиб тушади.

Келтирилган қоидага изоҳ тарзида шуни таъкидлаш зарурки, гап **бутун социалистик мулкни**, яъни унинг барча шакллари ва объектларини, унинг бутун массасини **текин индивидуаллаштириш (цивилитарлаш) тўғрисида** бормоқда. Бу, жумладан, давлатнинг (яъни давлат органлари тизими ва унинг алоҳида бўғинларининг) социалистик мулкка бўлган даъвосининг ҳам, шундан келиб чиқиб унинг носоциализациялаштириладиган мулкка бўлган ҳуқуқининг ҳам рад этилишини англатади.

Давлатнинг солиқлар олишга бўлган ҳуқуқи эътироф этилади. Бироқ давлатнинг носоциализациялаштириладиган мулк объектларидан олинадиган даромаддан солиқ олиш ҳуқуқи эътироф этилмайди. Давлат органларининг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган объектлар (бинолар, техника ва бошқалар) дастлаб фуқароларнинг умумий мулки фондидан текин фойдаланиш учун берилиши керак, бироқ улар давлат мулки этиб берилмаслиги лозим. Кейинчалик (давлат хазинасининг аҳволи ва бошқалар ҳисобга олинган ҳолда) бундай объектлардан фойдаланишнинг тўловли режимига ўтиш мумкин. Бундан ташқари, давлат (ва унинг органлари), бошқа ҳар қандай юридик шахс сингари, бозор иқтисодиёти шароитларида товар-пул айланишида бўлган ҳар қандай объектни ижарага олиши, мулк қилиб сотиб олиши мумкин. Сиёсий ҳокимиятнинг собиқ социалистик мулкка бўлган ҳуқуқдан тўлиқ маҳрум этилиши **аҳолининг узил-кесил озод бўлишининг**, эркин фуқаролар ва эркин мулкдорлар, цивилитар фуқаролик жамиятининг сиёсий ҳокимиятидан мустақил бўлган чинакам иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни шакллантиришнинг ҳамда шу асосда цивилитар ҳуқуқий давлатчилиқни қарор топтиришнинг **зарур шарт**и ҳисобланади. Цивилитар ҳуқуққа ва фуқаролик жамиятига асосланган жамиятга унинг моҳияти, мақсадлари ва манфаатларига мувофиқ бўлган давлат ҳам зарур. **Жамият давлатга эмас, балки давлат жамиятга ва унинг аъзолари эҳтиёжларига мослашиши керак.**

Юридик тил билан айтганда, **фуқаролик мулки - бу ҳар бир мулкдорнинг барча фуқаролар умумий мулкидаги идеал улушидир.** Бундай идеал улушнинг ҳақиқий мазмуни қандай эканлигини, мазкур умумий мулк объектлари товар-пул муносабатларига жалб этилишига кўра, фақат бозор кўрсатади. Амал-

да фуқаролик мулки эгаси умумий мулк объектларидан олинган пул даромадларидан фақат ўзига тегишли идеал улушга мувофиқ қисмини олади. Ҳар бир кишининг махсус ҳисоб рақамига тушадиган ушбу пул тушумларини юридик жиҳатдан ҳар бир одам ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин бўлган **фуқаролик мулки эгасининг реал улуши** сифатида белгилаш мумкин. Идеал улуш сифатидаги фуқаролик мулкининг ўзи эса табиатан умумий мулкдан олиб қўйилиши ва бирор-бир битишув предмети бўлиши мумкин эмас. **У шахсан белгиланган, ажралмас тусга эга бўлади ва фуқарога туғилганидан тортиб вафотига қадар тегишли бўлади.** Бўлажак янги фуқаролар (туғилганлар ёки бошқа асослар бўйича фуқароликни олганлар сирасидан бўлганлар) олдинги барча фуқаролар сингари тенг фуқаролик мулкига бир хилда ҳуқуққа эга бўладилар.

Фуқаролик мулкига бўлган бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқ, бинобарин, ҳар бир кишининг табиий ҳуқуқи эмас, балки ҳар бир фуқаронинг умрбод, шахсий, субъектив ижтимоий-сиёсий ҳуқуқидир. Бу гап қарор топган цивилизм шароитида мамлакатнинг фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган аҳолисига ҳам фуқаролик мулки ҳуқуқи берилиши мумкинлигини асло истисно этмайди.

Мулкдаги тенглик илгари социализациялаштирилган ишлаб чиқариш воситалари доирасида чекланган ва фақат тенг фуқаролик мулкига бўлган ҳуқуқ сифатида намоён бўлиши мумкин. Тенг фуқаролик концепциясида сўз, шундай қилиб, социалистик мулк объектларининг ўзини фуқаролар ўртасида **қўпол тарзда физик тенг бўлнш ҳақида бормаиди**, чунки тенглик умуман (шу жумладан мулкчилик муносабатларида) фақат ҳуқуқий шаклда мумкин бўлгани учун, принцип жиҳатидан бундай қилиб бўлмайди. Бунда гап социализациялаштиришдан холи бўлган мулкдаги улушга **ҳар бир кишининг тенг ҳуқуқини эътироф этиш ва мустақкамлаш** тўғрисида боради.

Бир хилдаги фуқаролик мулкига бундай тенг ҳуқуқ **фақат социализмдан кейин** - нақд социалистик мулкни социализациялаштиришдан холи бўлган ҳуқуқий шаклда пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли, масалан, **Платон** («Қонунлар»ида), **Руссо** ва бошқа эгалитаристларнинг барчанинг **амалдаги тенг мулки** ҳақидаги қарашлари мулкчилик, ҳуқуқ, тенглик ва

эркинлик табиати тўғрисидаги ривожланмаган тасаввурларни ифодалайди. Улар утопиясининг аксилҳуқуқий, аксиллибертар хусусияти ҳам мана шу билан боғлиқдир. Боз устига амалдаги тенг мулк улар учун изланган идеал ва ривожланишнинг тамом бўлишидир, фуқаролик мулкига тенг ҳуқуқ эса, шунингдек, мулкчиликнинг бошқа барча турларига йўл қўйилиши ва уларнинг ривожлантирилишини (мулкчиликнинг ушбу минимумидан ташқари), яъни тенг фуқаролик мулки негизида мулкий тафовутларни, мулкчилик муносабатларида **янги тенгсизлик** бўлиши мумкинлиги ва зарурлигини назарда тутди.

Фуқаролик мулкчилигининг эътироф этилиши фуқаролар умумий мулки объектлари пулли хусусийлаштирилишининг иқтисодий мақсадга мувофиқ исталган варианты ва уларнинг товар-пул муносабатларига жалб этилиши учун йўл очади. Бу фуқаролик мулки ҳар бир эгасининг манфаатларига жавоб беради, чунки унинг даромадлари (унинг ҳисоб рақамига пул тушумлари) бундай товар-пул айланмасининг жадаллигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Социализмдан кейин бозор жамиятига ўтишнинг зарур **ижтимоий келишув**и мана шу асосда табиий тарзда шакллантирилади. Жамиятнинг анча қисмига зарар етказган ҳолда амалга оширилаётган ҳозирги хусусийлаштириш шароитида бунга эришиб бўлмайди. Шу билан бирга фақат фуқаролик мулкчининг эътироф этилиши мулкчиликнинг қолган барча шакллариининг ҳам ҳуқуқийлиги, барқарорлиги ва ижтимоий ҳимоя қилинганлигининг **реал социал легитимацияси ва кафолатини** беради.

Принцип жиҳатидан фуқаролик мулки эътироф этилгандан кейин умуммиллий аҳамиятга эга бўлган объектлардан ташқари фуқаролар умумий мулкчининг барча объектларини (шу жумладан ерни ҳам) **пулли хусусийлаштиришга** йўл қўйилиши мумкин. Бунда оборотга қўйилган айрим объектларнинг муайян қисми (масалан, ернинг бир қисми, фойдали қазилмалар ва бошқалар) фуқароларнинг умумий мулки бўлиб қолиши, яъни сотилмаслиги, балки, айтайлик, ижарага берилиши мумкин ва ҳоказо. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти ва цивилитар тузумнинг асос конструкцияси иқтисодий самарали ва натижали фаолият кўрсатиши учун зарур ва етарли бўлган энг қимматли объектларнинг муайян

қисми барча фуқароларнинг умумий мулки бўлиб қолиши керак.

Фуқароларнинг умумий мулки барча объектларини сойтиш ва, бинобарин, ушбу мулкнинг ашёвий таркибини фуқароларнинг тегишли пул даромадларига айлантириш фуқаролик мулки тугагини англаатар эди. Бироқ барча учун кафолатланган минимум мулк сифатида **ҳар бир кишининг фуқаролик мулкига бўлган ажралмас ҳуқуқини яқин истиқболда сақлаб қолиш** нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий-тарихий ва сиёсий жиҳатдан ҳам принципиал муҳимдир.

Фуқаролик мулкининг ушбу минимумидан ташқари мулкнинг қолган бошқа барча турларига йўл қўйилади, шундай экан, жисмоний ва юридик шахслар товар-пул айланишида бўлган объектларнинг исталган бирини бозор қоидалари бўйича ўз имкониятлари даражасида ва ҳеч бир чеклашсиз ўз мулки этиб сотиб олишлари мумкин. Албатта, бундай (нофуқаровий) мулкнинг эгаси унга нисбатан ҳуқуқий эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг одатдаги бутун мажмуига эга бўлади.

Фуқаролик мулкидан ташқари йўл қўйиладиган мулкчиликнинг ушбу барча турларини, оддийгина қилиб «хусусий мулк» (индивидуал, гуруҳли ва ҳоказо) деб аташ мумкин эди, бироқ қатъий иқтисодий-ижтимоий маънода бу фуқаролик мулки эътироф этилгандан кейинги «хусусийлаштириш»дан принципиал фарқ қиладиган фуқаролик мулки эътироф этилгунча ва у эътироф этилмасдан ўтказиладиган ҳозирги хусусийлаштириш (яъни хусусий мулкчилик барпо этилиши) сингари, хусусий мулк эмас. Гап шундаки, хусусий мулкчилик (антик даврдан бошлаб энг ривожланган, буржуа мулкчилигигача) мулксизлар бўлишини, жамиятнинг мулкдорлар ва мулкдор бўлмаганларга бўлинишини тақозо этади. Барчага фуқаролик мулки берилиши мулкчиликнинг барча муносабатларини ҳамда **ижтимоий ва давлат-ҳуқуқий тузумнинг ўз типини** тубдан ўзгартиради: мулкдорлар билан мулкдор бўлмаганлар ўртасидаги антагонизм бир гап, ҳар бир кишининг ажралмас минимум мулки шароитида катта ва кичик мулклар эгалари ўртасидаги муносабатлар - бу бошқа гап.

Маълумки, хусусий мулкчилик, барча камчиликларига қарамай, умуминсоният тараққиётида муҳим аҳамиятга эга

бўлди ва эркинликнинг энг юқори даражасига (одамларнинг умумий расман-ҳуқуқий тенглиги, ҳуқуқ субъекти ва мулк эгаси, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат аъзоси бўлган шахс эркинлиги сифатида) ҳанузгача реал-тарихий жиҳатдан ривожланган буржуа хусусий мулкчилиги шароитида эришилди. Социалистик мулкнинг фуқаролик мулкига айлантирилиши тенглик ва адолатнинг (капитализмдагига қараганда) мазмунлироқ принципига, мулкчилик, эркинлик ва ҳуқуқнинг ривожланганроқ шаклига эга бўлган **янги тузумга** олиб боради.

Гарчи социализм реал ҳаётда чинакам мулксиз, эркинликсиз ва ҳуқуқсиз тузум бўлиб чиққан бўлса ҳам, бироқ капитализмнинг социалистик рад этилиши натижасида тарихда биринчи марта «барчанинг биргаликдаги» социалистик мулки яратилди-ки, уни адолатли (умумий ҳуқуқий тенглик принципига мувофиқ) ўзгартириш цивилизмга олиб боради. Эркинлик, тенглик, ҳуқуқ ва мулкчилик муносабатларининг тарихий тараққиётида социализмнинг ўрни ва аҳамиятини холис баҳолашда мулкчиликнинг социалистик мулкчиликдан бошқа ҳеч қандай типни барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги принципи бўйича бундай ўзгартиришларга ҳамда бундай умумий ва текин индивидуаллаштиришга йўл қўймаслиги ҳолати принципиал аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир кишининг тенг фуқаролик мулкига ҳуқуқи эътироф этилиши - «давлат тасарруфидан чиқариш»нинг бошқа барча усулларида фарқ қилгани ҳолда - бу социалистик мулк объектларини бўлиш ёки ажратиш эмас, балки барча фуқароларнинг умумий мулкдаги тенг улушга бўлган ҳуқуқи эътироф этилиши ва мустақамланишининг зарур даражадаги юридик шаклидир. Бундан умумий мулкдан пулли фойдаланишдан олинадиган пул даромадларининг тенг қисмига ҳар бир фуқаронинг эгалик қилиш ҳуқуқи келиб чиқади. Цивил мулкчиликнинг ҳар бир киши юридик мулкдор мақомига эга бўладиган ва ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг носоциализациялаштирилган тенг улушининг реал мулкдорига айланадиган концепциясининг бараварчилик билан ҳеч бир умумийлиги йўқ. Ўз моҳиятига кўра бараварчилик - бу ҳамма вақт истемолчилик текисчилигидир, «амалдаги тенглик» деб аталган тенгликка эришиш ва уни таъминлаш учун тартибга солувчи воситадир. Бараварчилик

ҳуқуқни, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликни инкор этиб, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлмаган вазиятда фақат истеъмол буюмларини тақсимлаш билан (ижтимоий имтиёзлар қоидаларига кўра) иш кўради. Ҳар бир кишининг фуқаролик мулкига тенг ҳуқуқи эса бараварчиликка мутлақо зид бўлган ҳақиқий ҳуқуқни ва чинакам мулкчиликни назарда тутди.

Ҳар бир фуқаронинг реал мулкдор деб эътироф этилиши жамиятда ҳамда мамлакатда қудратли ва енгиб бўлмас **марказга интилувчи кучларни** туғдиради ҳамда барқарор ҳуқуқ-тартибот пойдеворига айланади. Мулкчилик муаммосининг ҳар бир индивид даражасида адолатли ҳал этилиши жамиятдаги қолган бошқа барча можароларнинг пайини жиддий равишда қирқади.

Цивил мулкчиликнинг жорий этилиши **мулкчилик муносабатларининг** реал умумий **инсонпарварлаштирилишини**, ҳар бир кишининг манфаатлари йўлида мулкдан **беғоналаштириш** ҳақиқатдан ҳам **бартараф этилишини** англатади. Бундай мулк «барчанинг биргаликдаги» ҳамжамятини иқтисодий ҳамда юридик жиҳатдан эркин ва мустақил индивидларнинг фуқаролик жамиятига айлантиради ҳамда ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ҳуқуқ ҳукмронлиги учун зарур шароит яратади.

Фуқаролик мулкига бўлган ҳуқуқ - бу индивиднинг ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликка эга бўлиши (ёки эга бўлмаслиги)нинг шунчаки абстракт (абстракт ҳуқуқий лаёқат) эмас, балки реал мулкка бўлган сотиб олинган, нақд ва ажралмас субъектив ҳуқуқидир. Шундай қилиб, **цивилитар ҳуқуқ - бу янги, буржуазиядан, социализмдан кейин пайдо бўлган ҳуқуқий тузилмадир**. У исталган (шу жумладан буржуа) ҳуқуқ принципини, яъни расман тенглик принципини сақлаб қолади ва, шу билан бирга, уни сифат жиҳатидан **янги нарса - ҳар бир кишининг барча учун умумий бўлган минимум мулкка бўлган сотиб олинган субъектив тенг ҳуқуқни билан** тўлдиради ва бойитади.

Фуқаролик мулки - бу ишлаб чиқариш воситаларига юридик индивидуаллаштирилган, бироқ буржуа хусусий мулки бўлмаган ҳақиқий мулкчилик бўлгани сингари, фуқаролик мулкига бўлган ҳуқуқ ҳам ҳақиқий ҳуқуқ, бироқ буржуа ҳуқуқи эмас. Цивилитар ҳуқуқ, шундай қилиб, ўз мазмуни ва ривожланиш даражасига кўра - ҳуқуқнинг олдинги типлари-



дан юқори туради, бинобарин, ҳуқуқий шаклда **кўп даражада одамлар эркинлигини** акс эттиради ва **инсоний муносабатлардаги тарихий тараққиётда юқорироқ босқични** ифодалайди.

Эркинликнинг бундан кейинги яққол тараққиёти расман-ҳуқуқий тенгликнинг таянч принципини ажралмас янги субъектив ҳуқуқлар билан бойитиш ва тўлдиришнинг **цивилитар модели** бўйича амалга оширилади, деб тахмин қилиш мумкин.

#### 4. Ҳуқуқ ва эркинлик тараққиётининг янги йўналишлари

Социализмдан цивилизмга ўтишнинг объектив-тарихий имкониятлари жиҳатидан реал шаклланган социализмни қайта ўзгартиришнинг қолган барча вариантлари тарихий тараққиёт йўналишидан очиқ ва шу маънода **тарихан регрессив оғиш** сифатида, **ўтмишнинг тарихий саъй-ҳаракатларини маънодан маҳрум қилиш**, унинг натижаларидан фойдаланишга ва тарихнинг мураккаб жабҳасида қолган ҳолда уни давом эттиришга қодир бўлмаслик сифатида муқаррар воқеъ бўлади.

Цивилизм концепцияси социализм тарихий хато эмаслигини ва бекор сарфланган вақт эмаслигини, бизнинг ўтмишдошларимиз ва ватандошларимиз бир неча авлоди берган қурбонлар бежиз кетмаганлигини кўрсатади, социализм даврида умуминсоний цивилизация ривожланишининг юқорироқ, адолатлироқ, инсонпарварроқ босқичига ўтиш учун биринчи марта шарт-шароит (социалистик мулк шаклида) барпо этилганлигини кўрсатади.

Социализмнинг реал тажрибаси ва социализм натижа-сида цивилизмга ўтиш учун объектив-тарихий тайёрланган шарт-шароитлар минг йиллар давомида изланган «амалдаги тенглик» абсолют эмас, балки нисбий эканлигидан далолат беради. Уни иқтисодий-ҳуқуқий шаклда ва чекланмаган максимумсиз барча учун ягона бўлган мулкчилик минимуми сифатида индивидуаллаштирилган тенг фуқаролик мулки доирасида **фақат «иқтисодий тенглик» жиҳати сифатида** ҳақиқатда амалга ошириш мумкин бўлади. Шундай қилиб, цивилизм **эркинлик ва тенглик тарихий тараққиётининг охири эмас, балки унинг ривожланишидаги янги босқичдир, холос.**

Социализмни муваффақиятли бартараф этиш ва социализмдан кейинги ҳуқуқий тузумга ўтиш учун ҳар бир фуқаронинг носоциализациялаштирилган бутун мулкда барча фуқаролар учун бир хилда бўлган улушга тенг ҳуқуқи принципига асосланган ўз «**жамоат шартномаси**» зарур. Социалистик мулкдан барча учун тенг бўлган фуқаролик мулкига қараганда кўпроқ олишни истовчи ҳар бир киши моҳиятан имтиёзга даъвогарлик қилади. Бироқ ижтимоий бойликдан ноқонуний олинган нарсани қоғозда қайд қилинган ҳақиқий мулк сифатидагина эмас, балки социалистик ўтмишга эга бўлган жамият томонидан жиддий равишда эътироф этилган мулк сифатида қонунийлаштиришнинг имкони бўлмаса керак.

**Фуқаролик мулки ғояси - бутун ўтмиш социализмдан чиқарилган асосий ҳулосадир.** Бундай ғояни ва тарих тараққиётининг бундай ривожланишини тажрибадан келиб чиқмай ва мушоҳадага асосланиб, социализмгача ва социализмсиз ўйлаб топиш мумкин бўлмас эди.

Цивилизация иллатларига қарши курашда «амалдаги тенглик»нинг коммунистик талаби умумцивилизация жараёнининг ўзининг қадриятлари ва ютуқларини рад этади. Фуқаролик мулки - бу, ниҳоят, цивилизациянинг ўз категорияларида, яъни мулкчилик ҳуқуқи шаклида ушбу емирувчи талабларни қондириш ва айни вақтда енгиб ўтишнинг тарихан топилган шаклидир. Цивилизация бунда **эркинликнинг янги шаклий тузилиши - ҳар бир кишининг фуқаролик мулкига бўлган ажралмас ҳуқуқи** билан бойитилиши туфайли ривожланади. Ўтмиш тенгликка қараганда катта тенглик бўлган ушбу жаҳоншумул-тарихий талабни социализмгача бўлган цивилизация воситалари билан ҳал этиб ва енгиб бўлмайди.

Цивилизм концепцияси капитализм учун ҳам тартибга солувчи салоҳиятга эгадир. Цивилизм ғоясининг ушбу тартибга солувчи-йўналтирувчи аҳамияти (**янги категориявий императив<sup>1</sup>** сифатида) умумий шаклда **социализмни четлаб**

---

1. Тушунчасидан биз бунда фойдаланаётган Кантда, маълумки, тенг фуқаровий мулкчилик ғояси йўқ, бу ғоя фақат социализмдан кейин тарихан ва мантиқан пайдо бўлиши мумкин. Буни абстракт ҳуқуқий лаёқат ва хусусий мулкчиликнинг ижтимоий-тарихий чегаралари билан чекланган апостериоризмнинг категориявий императивининг реал мазмунли максими жуда яхши намойиш қилади.

**ўтиб капитализмдан цивилизмга, деб мухтасар ифодалаш мумкин.** Аниқроқ ҳолда бу **фуқаролик (цивилитар) мулкка ажралмас ҳуқуқ ҳар бир кишига берилиши даркорлигини** англатади.

Социализмдан кейинги цивилизм концепциясида **омманинг коммунистик талабларига муқобил ҳуқуқий жавоб мавжуд.** Бу жавобдан капиталистик жамият ҳам реал социализм қулфатларидан халос бўлиш учун фойдаланиши мумкин (ва объектив олганда, мажбур бўлади). Бироқ бунинг учун камбағалларга ва «швед социализми» деб аталган социализмнинг мулкдор бўлмаганлар фойдасига кўрсатадиган таркиб топган ижтимоий хизматлари камлик қилади: ҳар бир кишига ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг етарлича минимуми бўйича ажралмас ҳуқуқни, яъни барчанинг умумий фуқаролик мулки доирасида ҳар бир кишининг шахсий белгиланган тенг улушини бериш зарур бўлади. Ушбу минимумнинг ва барча фуқаролар умумий мулкчининг ўзининг ҳажми тегишли жамиятдаги кучлар нисбатига, даволар ва манфаатларга, унинг бойлик даражасига, аҳоли турмуш даражасига ва жам бўлган ҳолда фуқаролик мулки тўғрисидаги тегишли «жамоат шартномаси»нинг аниқ мазмунини белгилаб берадиган бошқа бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Бироқ буржуа жамияти шароитида ҳар бир кишини фуқаролик мулки тенг улушининг эгаси қилишга асос бўладиган бундай умумий фуқаролик мулки қандай қилиб ва қандай аниқ усул билан барпо этилиши, капитализмдан кейинги цивилизмга ўз йўлини топиш, бу билан социализмни ўз **ортида** қолдириш, социализм тугдирадиган ва унга йўлдош бўладиган муаммолардан ва ҳоказолардан қутулиш эса капитализмнинг ўзининг қийинчиликлари ва муаммоларидир.

Ўртадаги фарққа қарамай, социализмдан кейинги цивилизм билан капитализмдан кейинги цивилизм ягона асос - фуқаролик мулкига ҳар бир кишининг ажралмас ҳуқуқи туфайли принципиал бирликка ва **типологик умумийликка** эга. Коммунизм билан капитализм ўртасидаги антагонизм фақат мана шундай принципиал янги асосда бартараф этилиши ва олиб ташланиши мумкин. Коммунизм ва капитализм фақат цивилизм базасида, яъни бўлғуси принципиал янги («учинчи») тузум негизида ва шароитидагина юзма-юз келиши ҳамда муроса қилиши мумкин. Цивилизм концепцияси шу орқали **капитализм билан социализм ўртасидаги конвер-**

**генция тўғрисидаги тасаввурларнинг хатолигини ва хомхаёл эканлигини** намоёиш этади. Сўз, аслида, капитализм ва социализмнинг конвергенцияси ҳақида эмас, балки социализмни ҳам, капитализмни ҳам енгиб ўтиш, социализмдан ҳам, капитализмдан ҳам цивилизмга ўтиш тўғрисида бориши лозим.

Эркинликнинг тарихий тараққиёти нуқтаи назаридан социализмнинг реал тарихи томонидан юзага келтирилган ва мустақамланган, ҳар бир кишининг фуқаролик мулки умумий мажбурий минимумига ажралмас ҳуқуқи тўғрисидаги категориявий императив мулкчилик соҳасида шаклланган муносабатлар қаршилигини енгиб ўтади ва уларни ўзининг регулятив таъсирига бўйсундиради. Тарихий кўламда ижтимоий амалиётнинг ривожланиш йўналиши гоёлар тараққиёти йўналишлари ва мўлжалларига мос келади.

Цивилизм гоёси тарихий ривожланишнинг янги босқичи сифатида **тарихдаги янги** нарса (умуман янги нарса каби) - машҳур мақолга зид равишда, ёддан яхшигина кўтарилган эски нарса, дегани эмас, балки вақти-соати келгунча бўлмаган, кўринмаган ва маълум бўлмаган навбатдаги **келажакдир**. Уни ўйлаб топиш ёки фақат ўтмиш ва ҳозирги замон материалдан қуриш мумкин эмас, чунки ушбу келажакдаги асосий ва тузувчи нарса, яъни янги нарсанинг ўзи келажак тўғрисидаги олдинги барча тасаввурларнинг кўриш мумкин бўлган доирасидан ташқарида туради. Айтиш мумкинки, тарихий фазо ҳам, физик фазо сингари, эгри ва бўлажак катта тарихий бурилиш ортидаги янги нарсани бундай бурилиш тарихан реал тайёрлангандан кейин ва у объектив мумкин бўлгачина кўриш мумкин. «Тарихнинг ниҳояси» ҳақида гапираётганлар аслида келажак истиқбол улар учун ҳақиқатдан ҳам кўринмас, билиб бўлмас ва номаълум нарса эканлигини этироф этаётганликлари амалда маълум бўлди.

**Гегель ва Марксни**нг фалсафий-тарихий концепцияларига татбиқан **фақат** реал социализм (радикал аксилкапитализм, капитализмдан кейинги эркинликсиз, ҳуқуқсиз ва мулксиз тузум)дан **кейингина** очилган ҳар бир кишининг тенг цивил мулкка **ажралмас** ҳуқуқи шакллантирилишининг объектив-тарихий имконияти ва умуман эркинлик ҳамда ҳуқуқ тараққиёти жараёнидаги юқорироқ босқич бўлган цивилизмга томон ҳаракат муқаррар равишда **уларнинг башора-**

ти ва назарий англаш кўлаמידан **ташқарид**а қолган, деб айтиш мумкин.

Бизнинг Гегель ва Маркс ёндашувига (цивилизм мавқеидан) қизиқишимиз бутун жаҳон тарихида айнан уларнинг нуқтаи назари ижтимоий-тарихий тараққиёт диалектикаси нуқтаи назаридан ҳозиргача капитализмнинг ва капитализмдан кейинги тузумнинг (социализмнинг ҳам) иккита энг ривожланган ва, шу билан бирга, типологик жиҳатдан бири-бирига тубдан зид бўлган талқини бўлиб келаётганлиги туфайли келиб чиққандир. Бунда, гап, албатта, тегишли равишда капитализм ва коммунизм мафкурачилари Гегель ва Маркс шаънига гносеологик ёки маънавий таъна ҳақида эмас, балки, энг аввало, бўлажак тарихий ривожланиш, ҳуқуқ, эркинлик, мулкчилик ва ҳоказоларнинг истиқболи тўғрисидаги тасаввурлари объектив-тарихий жиҳатдан муқаррар чекланганлиги ҳақида бормоқда.

Ҳар бир концепция **тарихнинг кўз кўрар бўлагини умуман тарихнинг поёни**, деб тақдим этиб, нисбийни ўзича абсолютлаштиради. Гегель концепцияси учун капитализм, марксизм учун аксилкапитализм тарихнинг мана шундай кўз кўрар қисми ҳисобланади. Ушбу концепциянинг ҳар бири **тарихнинг кўзига кўринмаган қисмини** тарихнинг кўзга кўринадиган қисмининг (аҳмоқона чексизликкача - «тарихнинг ниҳояси»гача) оддий ва тўғридан-тўғри давоми, деб талқин қилади. Тарихнинг истиқболда навбатдаги катта бурилиши ортида турган номаълум келажак тўғрисида **тўқилган шак-шубҳасиз тарихий афсона** мана шу билан боғлиқдир.

Цивилизм концепцияси нуқтаи назаридан эркинлик ва ҳуқуқнинг тарихий тараққиёти тўғрисидаги ўтмиш тасаввурларнинг ҳозирги даврда қайта текширилиши улардаги тўғри ва билишга доир қимматли фикрларни аниқлаш ҳамда уларни тарихан шакланган хомхаёл, бузилишлар, англашилмовчиликлардан фарқлаш имконини беради (ҳар қандай афсона аслида - **тўғри маънодаги англашилмовчилик, яъни муқобил тушунилмайдиган, ҳозирча ақл етмайдиган тўқимадир**).

Жумладан, цивилизм концепцияси нуқтаи назаридан капитализм эркинлик, ҳуқуқ, мулкчилик ва ҳоказолар тараққиётининг чўққиси ва ниҳояси эканлиги тўғрисидаги тасаввурларнинг афсонавийлиги аёндыр. Бироқ шу билан бирга ушбу тасаввурларда (Гегелда - айниқса, чуқур) эркинлик,

мулкчилик ва бошқалар фақат ҳуқуқий шаклда бўлиши мумкин эканлиги, тарихий тараққиёт - аслида ҳуқуқий тараққиёт эканлиги, демак, капитализм чегарасидан ташқари чиқиш, уни инкор этиш - бу айни вақтда умуман ҳуқуқ, эркинлик, мулкчиликни инкор этиш эканлиги ҳақидаги тўғри фикр ҳам мавжуддир. ХХІ аср реал (аксилкапиталистик) социализми буни ишонарли тасдиқлади.

Гўёки капитализм (хусусий мулкчилик, ҳуқуқий тенглик ва бошқалар)нинг инкор этилиши одамларни озод қилиши, уларга «амалдаги тенглик»ни кўпроқ бериши, тўла коммунизмга олиб бориши ва ҳоказолар тўғрисидаги коммунистик тасаввур афсона бўлиб чиқди. Бироқ ушбу ёндашувнинг кўпчилик танқидий қоидалари (хусусий мулкчилик нуқсонлари танқиди, абстракт ҳуқуқий лаёқатнинг чекланган характери кўрсатиш ва бошқалар), гарчи коммунистик далил-исботлар, мезонлар ва йўналишлар билан бузилган бўлса ҳам, аслида тўғри. ХХ асрда бир қанча мамлакатларда капитализмнинг айнан марксча-пролетарча аксилкапитализм руҳида амалда тугатилиши ушбу танқид асосли эканлигининг реал-тарихий тасдиқи ҳисобланади.

Коммунистик аксилкапитализм (реал тарихда - социализм) гарчи башорат қилинган «тўлиқ коммунизмга» олиб келмаган бўлса ҳам, бу унинг **капитализм билан цивилизм ўртасидаги ўтиш даври** сифатидаги жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини камайтirmайди. Эркинлик ва ҳуқуқ тараққиёти нуқтаи назаридан **социализмнинг жаҳоншумул-тарихий мазмуни цивилизмга ўтиш учун зарур шарт-шароитлар** тайёрланишидан иборатдир.

Эркинлик ва ҳуқуқнинг тарихий тараққиёти (капитализмдан - социализм орқали - цивилизмга) баён қилинган **диалектикаси** муносабати билан Гегелнинг ҳам, Маркснинг ҳам (умуман социализмнинг ҳозирги замон бухронигача) тарихий ва назарий нуқтаи назардан цивилизм кўринмайдигина эмас, балки умуман фараз қилиб ҳам бўлмайди, дейиш мумкин, чунки ўша пайтда у тафаккур ҳамда амалиётнинг мумкин бўлган тарихий доирасидан ташқарида ҳам ҳали йўқ эди. Гегелнинг чекланган **позитив диалектикаси** амалда капитализмга бориб тақалади, **Маркснинг радикал салбий диалектикаси** эса аксилкапитализм билан тугалланади. **Цивилизм концепцияси тарихий тараққиёт диалектикасининг гегелча чек-**

**ланганлиги ва марксча негативизмини енгиб ўтиб, тарихий тараққиёт диалектикасини ифодалайди, давом эттиради ва ривожлантиради.**

Агар XX аср реал социализми ҳатто цивилизмга ўтиш учун объектив имкониятни қўлдан бой берса ҳам, бу цивилизм ғоясининг ўзи (унинг автоном регулятив таъсири - концептуал «соф» кўринишда унинг тўғридан-тўғри амалда рўёбга чиқиши) ҳам, унга томон очилган йўл ҳам **абдий йўқотилганлигини** англамайди.

Ажралмас фуқаролик мулкчилиги ҳуқуқий институти эътироф этилмас ва қарор топмас экан, ҳар қандай индивидуал мулк унга табиатан хос бўлган барча антагонизмларга эга хусусий мулк бўлади, хусусий мулк бор жойда эса унга қарши кураш бўлиши шубҳасиздир, у ерда **мулкдор бўлмаганларнинг ўлмас мафкураси - коммунистик ғоя** табиий равишда пайдо бўлади.

Капитализмдан социализм томон қонли йўл тарихнинг ёруғ дунёдаги ялпи жаннат тўғрисидаги жозибали афсонанинг сеҳру жодуси билан кучайтирилган ҳамроҳ шамоли билан босиб ўтилди. Социализмдан капитализмга қайтиш лойиҳаси ҳар қандай катта тарихий иш учун мутлақо зарур бўлган шу каби **ҳаддан ташқари асослардангина** эмас, балки социалистик ўтмишга эга жамиятда ижтимоий тотувликка эришиш учун зарур бўлган **адолатли** ва тегиши оммавий мададдан ҳам маҳрумдир. Ҳатто олимп худолари ҳам бўлганни бўлмаган қила олмаган эдилар. Боз устига «бўлган нарса» (бизнинг мисолимизда социализм), цивилизм концепцияси кўрсатганидек, эркинлик, тенглик, ҳуқуқ ва адолатнинг тарихан юксақроқ босқичига эришиш учун зарур ва етарли саҳоятга эгадир.

## **5. Цивилизм Россиянинг миллий ғояси сифатида жаҳон тарихида**

**Социализм капитализм билан цивилизм ўртасидаги ўтиш тузуми сифатида** - жаҳоншумул-тарихий жараёндир. XX асрдаги Россия тарихининг қўламини лозим даражада англаш, биз йўлни қаердан бошлаганлигимизни ва қаёққа бораётганлигимизни, бизни қандай келажак кутаётганлигини, бизнинг ҳуқуқ томон, иқтисодий, юридик ва маънавий эркин

шахс томон, товар-пул муносабатлари, ҳуқуқий давлат томон боришимиз шарт-шароитлари қандай эканлигини тушуниш, ниҳоят, реал ҳаётимизнинг объектив имкониятларимиздан ва цивилизм томон бориш заруратидан четга чиқиши нималардан иборат эканлигини фақат унинг доирасида тушуниш мумкин<sup>1</sup>.

Реал социализм (айнан эса - коммунистик социализм) коммунистик истиқболсиз тарихий қопқонга тушиб қолди ва **ўтишларсиз ўтиш тузумига** айланди. Социализмнинг тарихий хато бўлганлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг боши берк шохобчаси тўғрисидаги тасаввурлар, жаҳон цивилизациясининг пировард ва олий бекати сифатида ишни коммунизмга қайтиш билан тўғрилашга қаратилган уринишлар мана шу билан боғлиқдир.

Бироқ тарих ва цивилизация капитализмда тўхтаб қолмади, капитализм - тарихнинг ниҳояси эмас, социализм эса Россиядаги, сўнгра бошқа бир қанча мамлакатлардаги юз миллионлаб кишиларнинг деярли юз йил давомидаги тарихий хатоси бўлмади.

Цивилизм, социализмдан кейинги тузум концепцияси сифатида, социалистик ўтмишга эга бўлган жамиятни **тарихий норасолик комплексидан** озод қилади ва социализм бекорга сарфланган вақт эмаслигини, балки инсон эркинлиги, тенглиги, адолат ва ҳуқуқнинг юқорироқ босқичи қарор топиши йўлида жаҳон тарихининг энг оғир ва энг шафқатсиз босқичи (салбий босқичи, келажак учун инкор этиш даври)дир.

Жаҳон тарихи гилдираги социалистик маконда ва замонда бўлганларни босиб ўтди. Бизнинг йўқотишларимиз ва фожиамиз мана шунда. Бироқ бунда келажакда қилинадиган ишлар кўп.

Ушбу барча мулоҳазалар ва муҳокама маълум сабабларга кўра энг аввало ва асосан коммунистик ғояни амалда рўёбга чиқариш бошланган ҳамда жуда катта саъй-ҳаракатлар ва қурбонлар эвазига охирига етказилган Россия жамиятига, Россияга тегишлидир. Мазкур жаҳоншумул-тарихий жараён-

---

1. Қаранг: Нерссянц В.С. Национальная идея России ва всемирно-историческом прогрессе равенства, свободы и справедливости. Манифест о цивилизме. М., 2000.



да Россия, Гегель тили билан айтганда, **жаҳон руҳининг ифодаловчиси**, унинг топшириқларини ижро этувчи бўлди. Шундай экан, XX асрда Россиянинг (СССР ва жаҳон социалистик тизими доирасида ҳамда шаклида) етакчиликка ва жаҳон тараққиётидаги биринчиликка бўлган даъвоси реал ижтимоий-тарихий асосга эга бўлган эди.

Бироқ коммунизм ўз муаммоларини ҳал эта олмади, ўз амалиёти реал мазмунини ва эволюциясининг чинакам тенденцияларини тушунмади. Улкан мафкурачилар (улар орасида коммунистик мафкурачилар ҳам бор) худбиндир: улар ҳатто ўзлигини **эскирган ва фош этилган эртакнамо афсона кўринишида бўлса**-да сақлаб қолиш учун ҳеч нарсани, шу жумладан ўз амалиёти келажагини ҳам эътиборга олишмайди.

Цивилизмнинг социализм келажаги сифатидаги белгилари коммунистик истиқболнинг хомхаёл эканлигини ва социализациялаштирилган мулкчилик негизида тўла коммунизмга томон ривожланиши керак бўлган, коммунизмнинг қуйи фазаси бўлмиш, социализм типидagi ақидавий тасаввурларнинг бир-бирига монанд эмаслигини аниқлаган реал социализмнинг стагнацияси ва тенглиги шароитидагина маълум бўлди.

Афтидан, амалда шаклланган социализм таназулга ва бухронга юз туган даврнинг тегишли объектив-тарихий воқеликлари пайдо бўлгунча унинг ривожланишининг ҳаққоний истиқболларини аниқлаш учун имкониятнинг ўзи йўқ эди. Чунки на XIX асрда, на XX асрнинг биринчи ярмида социализмнинг келажаги бўлмиш цивилизм тўғрисида тасаввур шаклланиши учун ҳатто шарт-шароит ҳам йўқ эди.

Ҳолбуки **келажакнинг мазмунли манзараси**, тегишли объектнинг, ҳодисанинг (бизнинг мисолимизда - социализмнинг), келажаги тўғрисида анланган тасаввур, бўлажак тузумнинг **муқобил концепцияси** амалиётни зарур даражада англаш ва ўзгартириш жараёнида, ўтмишни ҳамда ҳозирги замонни тарихий ривожланишнинг умумий контекстида лозим даражада тушунишда ва баҳолашда муҳим ўрин тутди.

Жумладан, марксистик таълимот томонидан тақдим этилган, келажаги коммунизм бўлган социализм концепцияси моҳиятан буржуа хусусий мулкчилиги, буржуа ҳуқуқи, буржуа товар-бозор хўжалиги, буржуа фуқаролик жамияти ва

буржуа ҳуқуқий давлатидан кейин ишлаб чиқариш воситаларига индивидуал мулкчиликнинг қандайдир янги (буржуазиядан кейинги) типига, ҳуқуқ, бозор, фуқаролик жамияти ва давлатининг янги типига йўл қўймаслиги аён, чунки, таълимотга мувофиқ (коммунизмнинг биринчи фазаси бўлган) социализмдан тўлиқ коммунизмга илгарилаб борган сари ушбу барча институтлар «ўлади».

**Социализм учун аини вақтда ҳам коммунистик, ҳам капиталистик истиқболни инкор этувчи цивилизм концепциясидагина** индивидуал мулкчиликнинг, ҳуқуқ, бозор, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг янги (социализмдан кейинги ва шу билан бирга нобуржуа) типи, янги нокапиталистик ва, аини маҳалда носоциалистик цивилитар тузумнинг объектив-тарихий жиҳатдан мумкинлиги илк бора аниқланди, очиб берилди ва асосланди.

Россия тажрибасининг XX асрдаги гоъвий-назарий якуни бўлган (Россия тақдирига ва Россия тарихига бевосита дахлдор) цивилизм анъанавий равишда рус миллий гоъси деб аталадиган эркинлик ва ҳуқуқнинг жаҳоншумул-тарихий тараққиётининг цивилизация учун умумаҳамиятли категорияларидаги замонавий ифодаси ҳисобланади<sup>1</sup>. Чунки бу қадар оғир ўтмишнинг саъй-ҳаракатларини фақат цивилизм концепцияси (ўз даъваткорлиги, ғайрат-шижоати, келажак учун ўзини қурбон қилиши ва ақл бовар қилмайдиган маҳрумликларга розилиги билан) оқлайди, кескинлигига кўра ноёб бўлган XXI аср Россия тарихига жаҳоншумул-тарихий мазмун ва мос истиқбол бахш этади.

**Социализмдан кейинги цивилизм концепциясида Россиянинг ўтмиши ва келажаги** ягона, илғор, ривожланаётган тарихий жараённинг босқичлари сифатида **ўзаро боглиқ ва анланган характер касб этади**. Шу туфайли Россиянинг ўтмишигина эмас, келажаги ҳам борлигини, ўзига хос давом этадиган **ўз тарихи** борлигини куруқ гап билан эмас, балки назарий таъкидлаш мумкин.

Социализмни бирон-бир мулоҳаза билан Россиянинг

---

1. Қаранг: Нерсеянц В.С. Цивилизм как русская идея // Рубежи, 1996, №4. С.129-153. - Ватан ва ғарб тафаккури нисбати контекстида мазмунли талқин Ю.С. Пивоваров ва А.И.Фурсовда мавжуд. Қаранг: Пивоваров Ю., Фурсов А. Послесловие к «Цивилизму» В.С.Нерсеянца. Уша жойда. 154-158-бетлар.

Ўтмишидан ўчириб ташлаш, социализмдан кейинги Россияни эса «ноқобил фарзанд» сифатида инқилобдан олдинги тартибларга ёки капитализмга қайтишга даъват этиш амалда Россияни ҳам ўтмишда, ҳам бутун келажак учун **тарихан ноллойиқ деб топишни** англатади. Агар, ортга қайтишга даъват этувчи мафкурачилар ўйлаганидек, Россия деярли бутун XX асрда, яъни у энг кўп даражада жаҳоншумул-тарихий фаоллик кўрсатган ва аҳамиятга эга бўлган даврда хато равишда ёки бошқа бирор зарар етказадиган тарзда ўзини ва бошқаларни боши берк кўчага олиб борган бўлса, бу ҳолда у қандай келажакка умид боғлаши мумкин?

XX асрдаги Россия тарихининг хатолиги ва чорасизлиги назариясини олга сурадиган мафкура, моҳиятан аксил-тарихий бўлганлиги туфайли, Россияни, унинг халқларини тарихан номукамалга чиқариб, мамлакатни ижтимоий-тарихий ривожланишнинг қолоқ марраларига улоқтиради.

Ваҳоланки, **XX аср социализми - айнан рус тарихи** эканлиги аён. Боз устига, бу, жаҳон тарихи мезонларига кўра, **Россиянинг бутун тарихидаги энг муҳим даврдир**. Миллий тарих бевосита жаҳон тарихи ишини бажарган юксак онлардир. Қодир бўлганлиги учун бу ишни қилади ва буни ўз иши ва ўзининг жаҳоншумул-тарихий миссияси деб билади. Бундай ишлар хато билан, алдов ва ҳоказолар билан қилинмайди. **Жаҳон тарихининг** умуминсоний коммунистик ғоянинг рўёбга чиқарилиши ва амалда текширилиши билан боғлиқ **барча қора ишлари** айнан Россияда бажарилди. Бу ҳар бир киши фуқаролик мулкига нисбатан ажралмас ҳуқуққа эга бўлган цивилизмдир. Бу бугунги кундаги ва келажакдаги рус ғоясидир, эркинлик, адолат, одамлар тенглигининг жаҳоншумул-тарихий жараёнига Россия томонидан қўшилган ҳиссадир.

## **Бешинчи боб. Совет тузумидан советлардан кейинги Конституция сари**

### **1. Умумий тавсиф**

Коммунистик партиявий-сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш типи ва шакли бўлган социализм шароитида қарор топган тоталитар тузум **этатизм** эмас, балки, аксинча, оммавий

ҳокимиятни ташкил этиш ва амалга оширишнинг лозим бўлган давлат-ҳуқуқий шакллари ҳамда принципларини сохталаштирган ва уларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилган ашаддий **аксилэтатизм ва аксилюридизмдир**.

Марксча-ленинча таълимотга кўра, (аксилпарламентаризм ҳукм сурган, ҳокимиятнинг бўлиниши бўлмаган, инсон ҳуқуқлари инкор этилган, зўрлик нормалари ва бошқалар ҳукмрон бўлган **пролетариат диктатураси**) «тўла коммунизм» гача сақланиб қолиши керак эди. Ушбу таълимотда социализм учун партиявий-синфий диктатурадан бўлак бошқа «давлатчилик» назарда тутилмаган эди.

Сталинча террор шароитида ўзини бадном қилган «пролетариат диктатураси» тушунчасидан халос бўлиш учун 60-йиллар бошида ҳукмрон коммунистик партия томонидан пролетариат диктатурасидан **умумхалқ диктатурасига** ўтиш тўғрисидаги қоида илгари сурилди. Бироқ ушбу қоиданинг ўзи ҳам, унинг 1977 йилдаги Брежнев конституциясида мустақамланиши ҳам қуруқ гапдан иборат эди, чунки яккаҳоким бўлган КПСС бошчилигидаги пролетариат диктатурасининг олдинги базис ва устқурма тузилмаларига аслида дахл қилинмади.

Партиявий-сиёсий диктатуранинг (...маъмурий-буйруқбозлик тизими» деб номланган) ушбу тузилмалари қайта қуриш **йилларида**, демократик кучларнинг сиқуви остида, бир қанча ён беришларга мажбур бўлгунига **қадар** ҳам ўз кучи ва мавқеини амалда сақлаб қолди. Бу вақтда илгари сурилган «социалистик ҳуқуқий давлат» тўғрисидаги қоида декларатив характерга эга эди, чунки тоталитар тузилмаларнинг реал бузиб ташланиши **социализмнинг ўзини бартараф этишни** талаб қилар эди.

Олдинги тизимдан чекиниш 1991 йил август фитнасининг барбод бўлиши ва шундан кейин СССРнинг (1991 йил декабрь) янги суверен давлатларга бўлиниб кетиши билан жадаллашди.

Россияда августдан кейинги ўзгаришлар сифат жиҳатидан янги характер касб этди ва улар аслида, (ҳозирги Фарб мамлакатларига хос бўлган муносабатлар, институтлар ва нормаларни умумий мўлжаллаган ҳолда), социализм доирасидан чиқишга йўналтирилган эди.

Янги ҳуқуқий нормалар (аслида - аксилсоциалистик нор-

малар) ўша пайтда амал қилган Конституция доирасида **эски ноҳуқуқий ва аксилҳуқуқий нормалар** (даврга ва келиб чиқишига кўра социалистик бўлган нормалар) билан тўқнашди.

Конституциянинг эски ноҳуқуқий нормалари билан янги ҳуқуқий нормалари ўртасидаги бундай қарама-қаршилик ортида коммунистикпараст ва аксилкоммунистик кучлар, манфаатлар, ғоялар зидлиги турар эди. Бу қарама-қарши қарашлар тўқнашувини конституциявий-ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш имконини бермади.

Ҳокимиятда 1993 йил сентябрь-октябрь ойларида юз берган бухрон муҳолифлик тусини олди ва Москвада совет-социалистик тузум тарафдорлари билан унинг душманлари ўртасида кичик фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Ушбу бухрон куч билан ҳал этилиши натижасида **Россия ўз ривожланишининг совет давридан кейинги босқичига кирди.**

1993 йил 12 декабрда умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул қилинган Россия Федерациясининг социализмдан кейинги биринчи Конституциясида замонавий ҳуқуқий давлатчиликнинг уч асосий қисми - инсонпарвар-ҳуқуқий (инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланиши), норматив-ҳуқуқий (амалдаги ҳуқуқ манбаларининг конституциявий концепцияси) ва институционал-ҳуқуқий (ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро ҳамкорлик қилиши тизими) қисмлар эътироф этилди ва норматив сифатида мустаҳкамланди.

Конституцияга мувофиқ (1-қисм 1-модда), «Россия Федерацияси - Россия бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган янги демократик федератив ҳуқуқий давлат». Бундан ташқари, Конституцияда Россия Федерацияси «ижтимоий давлат» (7-модда 1-қисм) ва «дунёвий давлат» (14-модда 1-қисм) сифатида белгиланди.

Россия Федерациясида Конституция бўйича (3-модда 1-қисм) кўпмиллатли халқ суверенитетни ифодаловчи ва ҳокимиятнинг ягона манбаидир. Россия Федерацияси суверенитети унинг бутун худудига ёйилади, Россия Конституцияси ва федерал қонунлар эса Россия Федерациясининг бутун худудида устунилик қилади (4-модда).

Конституция конституциявий тузумнинг асоси сифатида (1-боб) советлардан кейинги Россиянинг ижтимоий ва давлат-ҳуқуқий тузилишининг янгилигини белгилаб берувчи бир қанча бошқа принциплал қоидаларни ҳам мустаҳкамлаб беради.

Ҳуқуқий давлатчилик асослари қарор топиши учун, энг аввало, Конституциянинг инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрияти эканлиги (2-модда), ҳокимиятнинг бўлиниши (10-модда), Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ва амалдаги ҳуқуқ манбаларининг конституциявий-ҳуқуқий тавсифлари (15-модда) тўғрисидаги қоидалари белгиланган аҳамиятга эгадир.

Мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишининг асослари Россия Федерациясида хусусий, давлат, муниципал мулк ва мулкчиликнинг бошқа (шу жумладан ерга ва бошқа табиий ресурсларга) шакллари тенг даражада эътироф этилиши ва ҳимоя қилиниши, ягона иқтисодий макон, рақобатни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги ва ҳоказолар ҳақидаги (8, 9-модда) конституциявий нормаларда мустаҳкамланган.

Россия ҳуқуқий давлатчилигининг асосий федератив белгилари ва хусусиятлари Россия Федерацияси субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги, Россия Федерациясида халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши, Россия Федерациясининг ягона фуқаролиги, унинг давлат яхлитлиги ва давлат ҳокимияти тизими бирлиги, Федерация ва унинг субъектлари давлат ҳокимияти органлари ўртасида иш юритиш ва ваколатларнинг чегараланиши (5, 6, 11-моддалар) тўғрисидаги конституциявий қоидаларда ифодаланган.

Конституциявий тузумнинг мафкуравий ва сиёсий тавсифлари мафкуравий ва сиёсий ранг-баранглик, кўп партиялилик, жамоат бирлашмаларининг қонун олдидаги тенглиги (13-модда) эътироф этилишини ўз ичига олади.

## **2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг табиий-ҳуқуқий концепцияси**

Россия Федерациясининг янги Конституциясида советлардан кейинги тузумнинг асосий қоидаларини тартибга солишда инсоннинг туғилишидан бошлаб ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги табиий-ҳуқуқий ғояларга таянилади. Бундай ёндашувни тасдиқлаш учун Конституцияда (2-модда) қуйидагилар эълон қилинади: «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади». Конституция бунда (17-модданинг 2-қисми) «инсоннинг асосий ҳуқуқ ва

эркинликлари ажралмасдир ва ҳар бир кишига туғилгандан бошлаб тегишли бўлади», деган қоидадан келиб чиқади.

Конституцияга хос бўлган табиий-ҳуқуқий ёндашув, аслини олганда, инсон туғилишиданоқ юзага келадиган ва ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлар ўзида **бирламчи ҳуқуқий асосни** ифодалашини англатади.

Конституцияда фойдаланилган, биз учун янги бўлган, инсон туғилишиданоқ юзага келадиган ва ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликларнинг табиий-ҳуқуқий конструкцияси, аслида, одамлар ҳуқуқларининг илгари совет назарияси ва амалиётида ҳукмронлик қилган октроирланган (расмий маъмурлар томонидан юқоридан ҳады қилинган) характери тўғрисидаги тасаввурларга қарши қартилган. Мазкур конструкциянинг **аксиэлэтиатик мазмуни** шубҳасиз: асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир кишига давлат томонидан мажбур қилинадиган шарт-шароитларга, маъмурларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳал этишига боғлиқ бўлмаган, балки сўзсиз табиий бўлган асос бўйича (туғилишнинг табиий факти туфайли) тегишлидир. Инсоннинг туғилишиданоқ юзага келадиган ва ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликларига ҳавола қилиш бирламчи ва сўзсиз эркинликни, ҳар қандай индивиднинг қолган барча - давлат, жамият, бошқа индивидлар билан муносабатларида ҳуқуқий лаёқатлилиги ва ҳуқуқ субъекти эканлигини намойиш этишга қаратилган.

Конституцияда (2-боб) инсон ва фуқаронинг умуман халқаро стандартларга ва замонавий либерал-демократик ривожланган мамлакатлардаги конституциявий талабларнинг юксак даражасига мувофиқ бўлган шахсий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кенг доираси мустақамлаб қўйилган. Бунда уларда мустақамланган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамма нарсани қамраб олмаслиги ҳамда инсон ва фуқаронинг бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларига зарар етказган ҳолда талқин этилмаслиги лозимлиги таъкидланади.

### 3. Ҳуқуқий қонуннинг конституциявий концепцияси

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги конституциявий қоидалар, ҳуқуқни тушунишнинг табиий-ҳуқуқий типи мантиқи ва мазмунига кўра, иккитомонлама аҳамиятга эга:

ушбу қоидалар шахснинг индивидуал ҳуқуқий лаёқати ва ҳуқуқ субъекти эканлиги, унинг субъектив ҳуқуқлари ва ҳоказолар мустақамланиши жиҳатидангина аҳамиятга эга бўлмай, балки улар (бирламчи ҳуқуқий асослар сифатида) айни вақтда умумҳуқуқий аҳамиятга эга ҳамда расман ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий сифатига, давлат ҳокимияти барча шохобчалари ташкил этилиши ва мансабдор шахслар фаолиятига қўйиладиган конституциявий талабнинг умумий мажбурий ҳуқуқий стандарти сифатида амал қилади.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқи ҳамда эркинликлари тўғрисидаги конституциявий қоидалар, ўзининг ушбу умумҳуқуқий ва умумий тартибга солувчи аҳамиятига кўра, ҳуқуқнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, унга риоя қилиниши ёки рад этилиши мезони, амалдаги қонунчиликнинг (қонунлар ва «позитив» ҳуқуқнинг бошқа барча манбаларининг) ҳуқуқий характери мезони, ҳар хил давлат ҳокимиятлари ташкил этилиши ҳамда фаолиятининг ҳуқуқий типи ва умуман давлатнинг ҳуқуқий характери мезони ҳисобланади.

Шу муносабат билан олий қадрият сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тавсифланиши ҳамда инсоннинг туғилишидан оқ юзага келадиган, ажралмас ҳисобланадиган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилиши билан бирга, Конституцияда айни вақтда ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг умуман бутун давлат учун умумий аҳамияти ва мажбурийлиги таъкидланади: «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиш, уларга риоя қилиш ва уларни ҳимоялаш - давлатнинг бурчидир» (2-модда).

Конституцияда, шунингдек, инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий давлатнинг бошқа қисмлари учун умумҳуқуқий аҳамиятини аниқлаштирувчи бошқа бир қанча махсус нормалар ҳам мавжуддир. Бу тўғрида 18-моддада муҳим қоида берилган. Унга мувофиқ, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари «қонунларнинг маъноси, мазмуни ва қўлланилишини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг фаолиятини белгилаб беради ва одилсудлов томонидан таъминланади».

Агар мазкур моддада **ҳуқуқий қонун талаби**, давлат ҳокимияти барча шохобчалари ва ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари фаолиятининг ҳуқуқий характери (ҳуқуққа муво-



фиқлиги) мавжуд бўлса, Конституциянинг бошқа моддаларида (55-модданинг 2-қисми) **аксилҳуқуқий (ҳуқуқни бузувчи) қонун тўғридан-тўғри** тақиқланиши тўғрисидаги қоида мавжуд: «Россия Федерациясида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бекор қилувчи ёки камситувчи қонунлар чиқарилмаслиги керак». Бу жиҳатдан Конституциянинг 15-моддаси 3-қисмида ҳам муҳим норма мавжуд: «Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилувчи ҳар қандай норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, башарти улар умум эътибори учун расман эълон қилинмаган бўлса, қўлланилиши мумкин эмас».

Ушбу конституциявий қоидалар ҳуқуқий давлатнинг **норматив-ҳуқуқий тизими**га (норматив-ҳуқуқий қисми)га тегишли бўлиб қолмасдан, балки унинг **институционал-ҳуқуқий тизими**га - ҳокимиятнинг барча шохобчаларига, уларнинг ҳуқуқ ижодкорлигига, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятига ҳам тегишлидир.

#### 4. Ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро ҳамкорлиги тизими

Ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи Конституцияда (10-модда) куйидаги тарзда мустаҳкамланган: «Россия Федерациясида давлат ҳокимияти унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари мустақилдир».

Ҳокимиятларнинг бўлиниши тўғрисидаги ушбу умумий қоидалар Конституциянинг Россия Федерацияси Президентининг (4-боб), Федерал Йигилишнинг (5-боб), Россия Федерацияси Ҳукуматининг (6-боб), суд ҳокимиятининг (7-боб) мақоми ва ваколатларини белгилаб берувчи тегишли бобларида янада аниқлаштирилиши **президентлик республикасининг** ўзига хос **рус модели**нинг конституциявий мустаҳкамланишидан далолат беради.

Бу ўзига хосликнинг моҳияти ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро муносабати тизими, умуман, номутаносиб ва мувозанатланмаганлигидан, яъни Президент ваколатлари фойдасига ва, ҳокимият бошқа шохобчаларининг Президент ҳокимиятига нисбатан ошкора заифлиги билан бирга, дав-

лат ишларини ҳал этишда Президент ролининг устунлиги томонига аниқ оғишдан иборатдир.

Конституциянинг 10-моддасида қайд қилинган ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига мувофиқ **президентлик ҳокимияти** (Президентнинг конституциявий ваколатларининг бутун мажмуи) айнан **ижроия** ҳокимият эканлиги аниқ бўлса ҳам, бироқ Конституциянинг бошқа бир неча моддалари мазмунига кўра президентлик ҳокимияти ушбу классик учлик доирасидан чиқарилгандек ва одат бўлиб қолган ушбу учликдан юқори турувчи қандайдир алоҳида ҳокимият сифатида тузилгандек туюлади.

Чунончи, Конституцияда (11-модданинг 1-қисми) «Россия Федерациясида давлат ҳокимиятини Россия Федерацияси Президенти, Федерал Йиғилиш (Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси), Россия Федерацияси Ҳукумати, Россия Федерацияси судлари амалга оширади», деган қоида мавжуд. Бунда **тўртта ҳокимият** қайд этилади. Тўрт ҳокимият тўғрисидаги ушбу тасаввур бошқа конституциявий қоидалар билан ҳам мустаҳкамланади. Уларга мувофиқ, Президент «давлат ҳокимияти органларининг келишиб фаолият кўрсатишини ва ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди» (80-модданинг 2-қисми), «Россия Федерацияси ижроия ҳокимиятини Россия Федерацияси Президенти амалга оширади (110-модданинг 1-қисми).

Ижроия ҳокимият (Президент, Ҳукумат) конструкциясининг ўзи ноаниқлиги устига ижроия ҳокимиятнинг Россия парламенти (Федерал Йиғилиш) билан муносабатларида зарур баланс (мувозанат) йўқ. Россия парламенти, Конституция бўйича (94-модда), «Россия Федерациясининг вакиллик ва қонун чиқарувчи органи» ҳисобланади.

Президентлик ҳокимияти ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатда **Россия Федерацияси Президентининг ҳужжатлари билан федерал қонунлар ўртасидаги рақобат** алоҳида эҳтиборга сазовордир. Конституцияга мувофиқ (90-модда), Россия Федерацияси Президентининг Россия Федерациясининг бутун ҳудудида ижро этилиши мажбурий бўлган фармонлари ва фармойишлари «Россия Федерацияси Конституциясига ва федерал қонунларга зид бўлмаслиги керак». Бу ўринда, қисман қонунчиликдаги катта нуқсонлар туфай-

ли, ҳуқуқий давлат доирасида амалдаги ҳуқуқ (Конституция - қонун - фармон ва ҳоказолар) манбаларининг босқичма-босқичлиги принципи бузилганлиги аён кўриниб турибди. Мазкур принципни бошқача ифодалаш, айнан айтганда, қуйидагича ифодалаш талаб этилади: «Россия Федерацияси Президентининг фармонлари ва фармойишлари Россия Федерацияси Конституцияси ҳамда федерал қонунлар асосида **ва уларни бажариш юзасидан чиқарилади**».

Афтидан, **кўрсатмали қонун ижодкорлиги** қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг алоҳида ҳуқуқларини бузади ва қонун устуворлиги принципини қадрсизлантиради.

Умуман ҳуқуқий давлатнинг бутун концепцияси ва унинг асосий қисмлари учун Конституцияда назарда тутилган ҳуқуқ-тартиботнинг умумсуд ҳимояси шакллари ва тартиботлари, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларигина эмас, балки **амалдаги норматив ҳужжатларнинг ҳуқуқий ва конституциявий-ҳуқуқий сифати**, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларининг (**ёки ҳаракатсизлигининг**) **конституциявийлиги ва ҳуқуқий характери устидан махсус суд назорати** муҳим аҳамиятга эгадир.

Жумладан, Конституция (46-модданинг 2-қисми) умумий судлар суд-ҳуқуқ назоратининг давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ҳамда ҳаракатлари (**ёки ҳаракатсизлиги**) устидан судга шикоят қилиш каби муҳим шаклини мустаҳкамлайди. Конституцияга мувофиқ (120-модданинг 2-қисми) суд аниқ ишларни кўриб чиқишда қонун кучига эга ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини текширади. Агар бунда улар ўртасида мувофиқлик йўқлиги аниқланса, қарор қонунга мувофиқ қабул қилиниши керак. Бундан ташқари, судлар, Конституция бўйича (125-модданинг 4-қисми), аниқ ишда қўлланилган ёки қўлланилиши керак бўлган, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи қонунларнинг конституциявийлигини текшириш тўғрисида Россия Федерацияси Конституциявий судига сўров билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

**Россия Федерациясининг Конституциявий Судига Консти-**

туция томонидан (125-модда) давлат органларининг норматив ҳужжатлари ва ҳаракатлари устидан **конституциявий назорат** соҳасида кенг ваколатлар берилган. Ушбу назорат соҳасига қуйидагилар киради: федерал қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг Россия Федерацияси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни ҳал этиш, ваколатлилик тўғрисидаги низоларни ҳал этиш, фуқароларнинг шикоятлари ва судларнинг сўровлари бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган қонуннинг конституциявийлигини текшириш, Россия Федерацияси Конституциясини талқин қилиш.

Конституциявий суд конституциявий назоратни амалга оширишга доир фаолиятида янги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг умум тартибга солувчи аҳамияти мустақамланганлиги, шунингдек халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари Россия Федерацияси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида эътироф этилганлиги туфайли аслида Конституциянинг аниқ ҳуқуқий қоидаларигагина эмас, балки **умумҳуқуқий принципларга** амал қилиши мумкин ва бунга ҳақлидир. Янги Конституцияга хос бўлган ҳуқуқий ёндашув мантиғига кўра, **Конституциявий Суднинг конституциявий-ҳуқуқий назорати моҳиятан умумҳуқуқий назоратдир**. Конституциявий Суднинг функцияларини бундай тушуниш «Россия Федерациясининг Конституциявий Суди тўғрисида»ги Федерал конституциявий қонун қоидаларига ҳам мувофиқ келади (1994 йил 24 июнь). Унга кўра: «Россия Федерацияси Конституциявий Суди фақат ҳуқуқий масалаларни ҳал этади» (3-модданинг 7-қисми), **чунки, янги Конституцияга мувофиқ, ҳуқуққа нафақат «позитив ҳуқуқ», балки «табiiй ҳуқуқ» ҳам (инсоннинг туғилганидан бошлаб юзага келадиган ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари) тегишлидир.**

## 5. Конституциявий моделни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Россия ҳуқуқий давлатчилигининг конституциявий модели ҳали тугал шакллантирилмаган. Шу сабабли барча конституциявий институтларни шакллантириш жараёнини охирига етказиш, Россия ҳуқуқий давлатининг конституциявий

моделини барча даражаларда (умумфедерал, Федерация субъектлари даражасида ва маҳаллий даражада) тугаллаш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

**Россия ҳуқуқий давлатининг конституциявий модели жиддий фазилатлари билан биргаликда бир қанча нуқсонларга ҳам эга.** Уларга ҳокимиятнинг номутаносиб бўлинишини, турли ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вазминлик ва қарама-қаршиликларнинг самарали таъсир қилувчи тизими йўқлигини, ижроия ҳокимият (Президент, Ҳукумат)нинг Ҳукуматнинг парламентдан мустақиллиги билан бирга кўшилган ҳолда иккига бўлинишини, умуман Федерация билан унинг субъектлари ўртасида ваколатларни тақсимлашда зарур аниқлик йўқлигини, мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқ манбаларининг аниқ босқичма-босқичлиги йўқлигини, прокуратуранинг мақоми ноаниқлигини (у суд ҳокимияти тўғрисидаги бобда эсга олинган, аслида ижроия ҳокимиятга тегишли бўлиши керак эди), маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга бир қанча давлат-ҳуқуқий ваколатлари берилгани ҳолда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш нодавлат концепциясининг ички қарама-қаршилигини, конституциявий тузатишлар қабул қилиш тартибининг ҳаддан ташқари қаттиқлигини ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Россия ҳуқуқий давлати конституциявий моделининг барқарорлиги ва узоқ муддатлилиги** (ушбу моделнинг тўлиқлиги, тугалланганлиги ва ички келишилганлиги билан биргаликда) уни муваффақиятли равишда амалда рўёбга чиқаришнинг зарур шартлари ҳисобланади. Бу жиҳатдан умуман амалдаги Конституция доирасида қолган ҳолда, мумкин бўлган конституциявий воситалар билан (ҳозирги Конституцияни сақлаб қолиш учун турли ҳокимиятларнинг оқилона муросасаси, турли ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатларида вазминлик ҳамда қарама-қаршилиқ тизими ва механизми ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, Конституциявий Судни тегишли равишда талқин қилиш, Конституцияга зарур тузатишлар киритиш ва ҳоказолар) Президент ваколатини ижроия ҳокимият ўзани ва доирасига киритиш ҳамда **ҳокимиятнинг учта мустақил шохобчаси** келишиб ишлаши ва нормал фаолият кўрсатиши учун уларнинг зарур ва етарли бўлган реал мутаносиблигига эришиш асосий вазифа ҳисобланади.

## 6. Конституция ва воқелик

Россия Федерацияси Конституцияда эълон қилинган ҳуқуқий асослар ва талаблар (инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий тизим, фуқаролик жамияти асослари, ҳуқуқий давлат, федерализм ва бошқалар соҳасидаги), ўз ижтимоий-тарихий маъноси ва мазмунига кўра **мустақкам шаклланган буржуа либерал-демократик тузуми учун характерлидир.**

Советлардан кейинги Россияда (бугунги кунда ва етарлича узоқ истиқболда) бундай шарт-шароитларнинг бўлмаслиги тегишли конституциявий қоидалар билан амалда шаклланган воқелик ўртасида катта ажаралишни келтириб чиқаради. Ислоҳотларнинг танланган йўли (яъни собиқ социалистик мулкни хусусийлаштириш воситасида «давлат тасарруфидан чиқариш») ҳозирча капитализмга олиб келмади, балки асло **ривожланмаган, капитализмгача (буржуазиягача) бўлган** ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шакллар ва муносабатларга олиб келди.

Биз амалга оширилган ислоҳотлар натижасида **капитализмгача (неофеодал** деб айтиш ҳам мумкин) **бўлган вазиятга** тушиб қолишимизнинг сабаби бизда шаклланган ижтимоий ва сиёсий муносабатлар табиати, **мулкчилик ва ҳуқуқ тип**и билан боғлиқдир. Ушбу типология мулкчиликнинг социализмдан кейинги давлат тасарруфига киритилиши, яъни ҳали давлат ҳукмидан озод бўлмаган мулкчилик ва ҳали мулкчиликдан озод бўлмаган давлат ҳокимияти ташкил этилиши билан белгиланади. **Ижтимоий-тарихий мезонда** бундай вазият ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар ҳамда муносабатлар ривожланмаганлиги туфайли ҳали бир-биридан ажралиб улгурмаган ва нисбий мустақилликнинг, мустақил турмушнинг иккита ҳар хил соҳасини ташкил этмаган феодал босқич учун характерлидир. Ҳокимият ва мулкчиликнинг, сиёсат ва иқтисодиётнинг бундай симбиози **ижтимоий-сиёсий яхлитлик фуқаролик жамиятига ва сиёсий давлатга табақалаш**иш учун ҳали етилмаганлигини англатади.

Шаклланаётган давлатчиликка (барча - умумфедерал, минтақавий, маҳаллий даражаларда) мулкчилик туфайли кўшимча вазифалар юкланиши **мустақилликка ва мамлакатнинг неофеодал майдалаштирилишига қаратилган кучли ва узоқ**

**муддатли марказдан қочма тенденцияни келтириб чиқарди.** Давлат мулки умуман Федерация ва унинг субъектлари қўлида эканлиги Россияда ягона давлат суверенитети қарор топишига тўсқинлик қилмоқда. **Мулқдор-давлат ҳокимият-давлатга суверен ташкилот сифатида қарор топишда халақит бермоқда, чунки ўз моҳиятига кўра суверенитет - бу мулкчиликнинг эмас, балки ҳокимиятнинг ташкил этилишидир.**

Реал шаклланаётган вазиятга мамлакатда ягона ҳуқуқий маконнинг, умумий ҳуқуқ-тартибот ва ягона қонунийликнинг йўқлиги, қонуннинг роли пасайиши, умумий ҳуқуқий нормалар ва принципларнинг ишламаслиги, ҳуқуқ манбаларининг рақобати, турли норматив ҳужжатлар ўртасидаги ҳар хиллик ва зидлик, ҳуқуқий тартибга солишнинг майдалашиши, қурамалиги, чалкашлиги, ҳар хил ваколатлар ва ҳуқуқий мақомларнинг корпоративлиги, «табақавий-цехчилиги» каби **типик феодал ҳодисалар** хосдир. Янги Конституцияда тантанали равишда эълон қилинган инсон ва фуқаронинг умумий ҳуқуқлари ўрнига ва умумий ҳуқуқий тенглик принципига зид равишда реал ҳаётда корпоративизм руҳи ҳукмронлик қилади, умумфедерал ва минтақавий ҳокимиятлар томонидан норматив белгиланган кўплаб махсус ҳуқуқ-имтиёзлар, махсус ҳуқуқий режимлар, алоҳида шахслар, гуруҳлар, касблар, махсус табақалар, ҳудудлар ва ҳоказолар фойдасига ҳар хил ҳуқуқий истиснолар ва имтиёзлар устунлик қилади.

**Социализмнинг капиталлаштирилиши** (бундай ниятни амалга ошириш тўғрисидаги масалани бир четда қолдирган ҳолда) ўз табиатига кўра, жамланиб, цивилизм концепциясида ҳисобга олинган ва ифодаланган чуқур сабаблар инкор этилганлиги туфайли ҳуқуққа, мулкчиликка томон олиб борадиган низоли йўлдир. Айнан мана шу боисдан цивилизм концепцияси социализмдан капитализм томон бориш тарафдорлари ва душманларининг кучли ҳамда ожиз жиҳатларини, бундай ҳаракатга кўмаклашувчи ва қаршилиқ кўрсатувчи омилларни, мамлакат, жамият, давлатдаги ҳозирги ажралиш ва (мафкуравий, ижтимоий, сиёсий, миллий ва ҳоказо) курашнинг объектив табиатини ва чуқур мазмунини яхшироқ тушуниб олиш имконини беради.

**Цивилизм концепцияси** ўзининг барча (изоҳловчи, дастурий-йўналтирувчи, танқидий, юридик-дунёқарашли ва ҳоказо)

30) кўринишларида социализмдан кейинги бутун давр категорияли императивининг - ўтмиш тарихдагига қараганда юқори-роқ босқич, ҳуқуқий тенглик, эркинлик ва адолат босқичи томон бориш ғоялари ҳамда талаблари мутлақ маъносининг назарий асоси ва ифодаси сифатида намоён бўлади.



## ХУҚУҚ ФАЛСАФАСИ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

### Биринчи боб. Антик давр ҳуқуқ фалсафаси

#### 1. Дике ва номос: адолат асосларини излаб

«Ҳомер Юнонистони» давридаёқ (милоддан аввалги II минг йилликнинг охири) **Ҳомернинг** «Илиада» ва «Одиссея» дostonларида (милоддан аввалги VIII аср) тасвирланган эллилар, жумладан, дике (ҳақиқат, адолат), темис (ёки фемис - одат, одат ҳуқуқи), тиме (ор-номус, фахрий ҳуқуқ - даъво), номос (қонун)<sup>1</sup> каби тушунчаларни ишлатишган. Ўз табиатига кўра илоҳий бўлган адолат ҳуқуқий ҳолатнинг объектив асоси ва мезони сифатида намоён бўлган.

**Гесиод** (милоддан аввалги VII аср) адолат ва қонуннинг илдиzlари ҳамда асослари ягоналигини ўзининг «Теогония» ва «Меҳнатлар ва кунлар» дostonларида қуйидагича тасвирлаган: Адолат (Дике) ва Эзгу қонунчилик (Эвномия) Олимпия олий худоси Зевс ва одилсудлов худоси Фемиданинг қизлари бўлган икки опа-сингил маъбудалардир. Гесиод талқинидаги адолат ҳам Ҳомер асарларидаги каби кучга ва зўравонликка қарши қўйилган. Дике Олий худо (барча илоҳий мукамалликнинг тимсоли) Зевснинг ва (абადий, табиий тартибнинг рамзи) Фемиданинг қизи сифатида илоҳий адолатни муҳофаза қилган ва ундан чекинганларни жазолаган.

Оламлар ахлоқининг бузилиши ва илоҳий адолатли йўл-йўриқлардан чекиниш, Гесиоднинг сўzlари бўйича («Меҳнатлар ва кунлар», 174-193), «ҳақиқатнинг ўрнини мушт эгаллашига», «куч қаерда бўлса, ҳақиқат ўша ерда бўлишига» олиб келган. Бундай ўрин эгаллашни Гесиод ҳуқуқ ва адолат тўғрисидаги тасаввурларнинг сохталаштирилиши сифатида қоралаган.

**Эрнст Кассирер** Гесиоднинг ҳуқуқий ғояларини тавсифлаб бундай деб ёзган: «Эпос энг аввало ҳуқуқ ғояси ту-

---

1. Қадимги Юнонистонда ҳуқуқни тушувишнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида батафсил қаранг: Нерсеянц В.С. Политические учения Древней Греции. М., 1979.

файли янги қиёфага эга бўлди. Ҳуқуқ гоёси эпосга янгича ҳаёт бахш этди. У эпосга Ҳомерда мавжуд бўлмаган тарздаги шахсий тус берди»<sup>1</sup>.

Адолат ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги тасаввур кейинчалик «**етти донншманд**» ижодида ривожлантирилган. Уларнинг барча иш ва ҳаракатда муайян «ўлчов» ҳамда «ўртачалик»ка риоя қилиш зарурлиги ҳақидаги қарашлари ва қисқа ҳикматлари (ҳикматли шеърий сўзлари) кишиларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи нормаларнинг объектив табиати тўғрисидаги рационал-назарий тасаввурларни чуқурлаштириш борасида анча қизиқиш уйғотади. Масалан: «Ўрта йўл энг яхши йўл» (**Клеобул**), «Ҳеч нарса меъеридан ортиқ бўлмаслиги керак» (**Солон**), «Бошқалар қилганда сен танбеҳ берадиган ишни ўзинг қилма» (**Фалес**) каби ҳикматли сўзлар кенг ёйилган эди.

**Солон** ўзининг қонунлари билан (милоддан аввалги 594 й.) қарзли қулчиликни йўқ қилган, Афинада зодагонлар ва демоснинг, бойлар ва камбағалларнинг муросаси гоёси билан суғорилган мўътадил цензли демократияни жорий этган. Солон ўз элегияларида «кучни ҳуқуқ билан қовуштириб, қонун ҳокимияти» билан ислоҳ қилганлигини, барчага «тўғри ҳақиқат»ни кўрсатганлигини ва «оддий одамга зодагон билан тенг» қонунларни берганлигини қайд этган<sup>2</sup>.

**Пифагор** ва унинг издошлари (милоддан аввалги VI-V асрлар) одамларнинг турмуши ислоҳ қилиниши ҳамда фалсафанинг ҳуқуқ ва эркинлик тўғрисидаги хулосаларига мувофиқлаштирилиши кераклиги ҳақидаги тасаввурларни ривожлантирган. Улар «адолат бошқаларга тенг ажр (савоб) берилишидан иборат»дир, дейишган<sup>3</sup>. Ушбу таъриф ўзида қадимги талион принципи («**қонга қон, жонга жон**») нинг фалсафий абстракцияси ва талқинини ифодалаган эди.

Пифагорча қарашларнинг теранлиги ва янгилиги шунда эдики, «зарур мезон» ва «мутаносиблик» тушунчалари остида улар маълум (ўз табиатига кўра рақамли) мувозанатни, яъни қандайдир тенглаштиришни, хуллас, тенгликни назарда тутган эдилар. Ҳуқуқий тенглик гоёсини шакллантириш жараёнида бу муҳим аҳамиятга эга бўлган.

1. Cassirer Ernst. Logos, Dike, Kosmos in der Entwicklung. Goteborg, 1941.S.13.  
2. Қаранг: Аристотель. Афинская полития. М., 1937. С.19-21.  
3. Қаранг: Аристотель. Этика. СПб., 1908. С.91.

**Гераклит** (милоддан аввалги 530-470 йиллар атрофида) томонидан полис қонунларини объектив умумжаҳон қонуниятлари билан изоҳлашнинг чуқур концепцияси ривожлантирилган<sup>1</sup>. Адолат, қонун ва бошқалар - умуман олам, коинот ҳақидаги («тартибга солинган олами», «жаҳон тартиби» каби) билимларнинг бир қисмидир. Гераклитга кўра, коинот тақдири ўзгарувчан олов ўлчови билан боғлиқлиги - умумий қонуният, жаҳондаги барча воқеалар асосида ётувчи абадий логосдир. Жаҳондаги барча нарса мана шу логосга мувофиқ, кураш орқали ва заруриятга кўра содир бўлади. Адолат умумий илоҳий логосга амал қилишдан иборатдир. Логоссиз одамларда адолат (дике) тўғрисидаги тасаввурнинг ўзи бўлмас эди<sup>2</sup>. «Агар бу бўлмаганда эди, улар Ҳақиқатнинг номидан ҳам беҳабар бўлур эдилар» (В 23).

Хуқуқнинг объектив-ақлий табиати ва моҳияти тўғрисидаги кейинги барча концепциялар Гераклитнинг ҳақиқат ва адолат тўғрисидаги ўзгариб турадиган инсоний тасаввурларнинг объектив (илоҳий-космик) асоси бўлмиш ақл ҳақидаги, номос (қонун)нинг асоси бўлмиш логос тўғрисидаги голярига бориб тақалади.

## 2. Демокрит

Демокритга (милоддан аввалги 470-366 йиллар атрофида) кўра, полис ва унинг қонунлари одамларнинг пода бўлиб яшашдан цивилизацияли турмушга табиий, сабабий-боғланишли шартланган эволюцияси жараёнида улар томонидан белгиланган сунъий, инсоний тузилмаларни ўзида ифодалайди<sup>3</sup>. Табиийлик ва сунъийликнинг нисбати - бу «ҳақиқат

1. Гераклитдан парчалар куйидаги китоб бўйича келтирилмоқда: *Материалисти Древней Греции*. М., 1955. С.39-52.

2. Эрнст Кассирер «дике» «Хуқуқ тартиби»ни англатишини, бироқ Гераклит учун «дике» шу билан биргаликда «табиат тартиби»ни англатишини қайд этган, чунки хуқуқ ҳам, табиат ҳам умумий қоидага бўйсунди. Бу қоида: борлиқ логос орқали ва дике орқали ҳар қандай қайсарликдан ва якка тартиблагани тасаввурлар ва хомхаёллардан устун турувчи қандайдир универсалликни тасдиқлайди (амр этади). Бу билан хуқуқ ақл кўрсатмаси сифатида намоён бўлади, логос ва дике «умумий ва илоҳий» ҳолат сифатида эътироф этилиши керак (Cassirer Ernst. Op. Cit. S.10,21).

3. Демокрит асарларининг сақланиб қолган парчаларининг русча таржимасини қаранг: Лурье С.Я. Демокрит. Л., 1970. С.187-382; *Материалисти Древней Греции*. М., 1955. С.53-178.

бўйича» (яъни табиатга кўра, ҳақиқий воқелик бўйича) мавжуднинг ҳамда фақат «умумий фикр»га мувофиқ мавжуд бўлганнинг нисбатидир.

Демокрит табиатга монандликни этика, сиёсат, қонунчиликдаги адолат мезони сифатида баҳолаган. «Нимаики адолатли деб ҳисобланса, - деб қайд этган Демокрит, - адолатли эмас: табиатга зид нарса адолатсизликдир»<sup>1</sup>. Демокрит полис тартиблари ва қонунларини моҳиятан мана шу **табиий-хуқуқий нуқтан назардан** танқид қилган, чунки улар фақат «умумий фикр»ни ифодалайди, бироқ табиатдан айричадир. «Қонунларнинг кўрсатмалари, - деб ёзган Демокрит, - сунъийдир. Табиатга кўра атомлар ва бўшлиқ мавжуддир»<sup>2</sup>. Демокрит табиий ва сунъийни мана шу тарзда бир-бирига зид қўйиш орқали «қонунлар - аҳмоқона ихтиродир», деган, шу сабабли «донишманд қонунларга бўйсунмаслиги, эркин яшаши керак»<sup>3</sup>. Бу ўринда «эркин яшаш» одамларнинг «умумий фикри»га ва улар томонидан ҳосил қилинган шартли ва сунъий кўрсатмаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда «табиатга кўра», табиат «ҳақиқати бўйича» яшашни англаган.

### 3. Софистлар

Табиий ва сунъийни фарқлаш софистларнинг (милоддан аввалги V-IV асрлар) полис қонунлари ҳақидаги таълимотига асосланади.

Инсон «барча ашёларнинг ўлчови» деган машҳур таъриф софист **Протагорга** (милоддан аввалги 481-411 йиллар) тегишлидир (*Платон*. Теэтет, 152а). Протагорга кўра, полислар ва қонунлар табиат томонидан берилмаган, балки донишмандларча қилинган кашфиётдир. Табиий ва сунъийни, уларнинг нисбатини фарқлаш, Протагор талқинига кўра, инсоннинг сунъий нарса (полис, қонунлар) - «ашёлар» (ашёлар табиати)ни билиб олиши маҳсули, «ашёлар мезони» инсоний тушунчасининг ифодаланишидир. Бунда у демократик нуқтаи назардан бундай билиш полисининг барча аъзолари учун хос эканлигини таъкидлаган. Полис аъзолари

1. Материалисты Древней Греции. С.152.

2. Лурье С.Я. Юқоридаги асар, 373-бетлар.

3. Ўша жойда. 371-бет.

биргаликдаги полис ҳаёти учун зарур бўлган инсоний саховатлар (адолат, мулоҳазакорлик ва диёнат)га бир хил даражада дахлдордир.

Софист **Горгий** (милоддан аввалги 483-375 йиллар) «ёзилган қонунларни, адолатнинг ушбу муҳофизларини»<sup>1</sup> инсон маданиятининг муҳим ютуқлари қаторига киритган. Ёзилган қонун - маҳорат билан қилинган инсоний кашфиёт, яъни қандайдир сунъий нарса. Горгий ёзилмаган «адолат»ни «ёзилган қонун»дан фарқлаган, уни қадрига кўра полис қонунидан юқори кўйган ҳамда «ишнинг моҳияти», «илоҳий ва умумий қонун» деб таърифлаган<sup>2</sup>.

Софист **Гипсий** (милоддан аввалги 460-400 йиллар) табиат (фюсис) ва қонун (номос)ни аниқ-тиниқ қилиб бири-бирига зид кўйган<sup>3</sup>. Гипсий ҳар хил полислар фуқароси бўлган эллинлик ўз тингловчиларига қарата бундай деган: «Эй бу ерда йиғилган одамлар! Мен сизларнинг барчангизнинг қонун бўйича эмас, табиатан қариндош, қуда-анда ҳамда бир хил фуқаро деб ҳисоблайман: чунки бундай қариндошлик табиатга хосдир, қонун эса одамлар устидан ҳукмронлик қилиб, кўп нарсаларга мажбур этади, бу табиатга зиддир» (Платон, Протагор, 337). У табиатнинг талаби (табиат бўйича ҳуқуқ) деганда «ҳар бир мамлакатда бир хилда ижро этиладиган» (*Ксенофонт*, Воспоминания о Сократе, IV, IV, 19) ёзилмаган қонунларни тушунган.

Софист **Антифонт** (милоддан аввалги 400 йиллар атрофида) барча одамларнинг табиатан тенглиги тўғрисидаги қоидани асослаган: «Ҳаммамиз - варварлар ҳам, эллинлар ҳам барча муносабатларда табиатан бир хилда тенгимиз. (Бу ўринда) табиатга кўра барча одамларнинг эҳтиёжи бир хилда эканлигига эътиборни қаратиш жоиздир»<sup>4</sup>.

Антифонт полис қонунларини ва табиат амрини фарқлаб, иккинчисига аниқ устунликни раво кўрган. «Қонунга кўра - адолатли (деб эъгироф этиладиган) кўплаб нарсалар (кўрсатмалар), - деб айтган у, - инсон (табиатига) душмандир. Чунки қонунларнинг кўрсатмалари ўзбошимчалик би-

1. Қаранг: Маковельский А. Софисты. Вып.1. Баку, 1940. С.43.

2. Уша жойда. 34-бет.

3. Қаранг: Heinemann F. Nomos und Physis. Basel, 1945 S.110 u.ff.

4. Антология мировой философии. Т.1. Ч.1.М., 1969. С.321.

лан (сунъий) чиқарилган, табиат (амри эса) зарурдир. Ва (боз устига) қонунларнинг кўрсатмалари ўзидан ўзи пайдо бўлган (табиатнинг маҳсули) эмас, балки (одамларнинг) битишуви (келишуви) натижасидир; табиат амри эса битим (одамларнинг ўзаро) келишуви маҳсули эмас, балки ўзидан ўзи пайдо бўлади (асли туғма)»<sup>1</sup>.

Софист **Каллик** табиий ҳуқуқнинг аристократик концепциясини ривожлантирган ва полис қонунларини шу нуқтаи назардан танқид қилган. «Менимча, - деган у, - қонунларни кўпчилик эмас, балки энг ожизлар ўрнатади. Улар ҳам мақтов, ҳам танбеҳларни ёғдириб, қонунларни ўзи учун ва ўз фойдасини кўзлаб белгилайдилар» (*Платон*, Горгий, 483-б.) Кўпчиликни ташкил этувчилар ўз пасткашликлари туфайли барча учун тенг бўлган улуш билан кифояланадилар. Табиат қонунига кўра эса, деб таъкидлаган у, ҳамма жойда (ҳайвонлар, одамлар орасида, давлатлар ва халқларда) адолат кучли кучсизга буюришидан ва ожиздан юқори туришидан иборатдир.

Софист **Ликофрон** полисни одамларнинг биргаликда яшаш тўғрисидаги ўзаро шартномаси натижаси сифатида талқин қилган. «Ҳа, бундай ҳолда қонун ҳам оддий шартнома бўлиб чиқади ёки, софист Ликофрон айтганидек, шунчаки шахсий ҳуқуқлар кафолатидир, фуқароларни эзгу ва адолатли қилишга эса у қодир бўлмай қолади» (*Аристотель*, Политика, III,5,11,1280а,33).

Горгийннинг шоғирди **Элейлик Алкидам** (милоддан аввалги IV асрнинг биринчи ярми) одамлар табиатан тенглиги тўғрисидаги фикрни ривожлантирган. Куйидаги машҳур сўзлар унга тегишли деб ҳисобланади: «Худо барчани эркин қилиб яратган, табиат эса ҳеч кимни қул қилиб яратмаган»<sup>2</sup>.

#### 4. Сукрот

**Сукротнинг** (милоддан аввалги 469-399 йиллар) полис ва унинг қонунларининг объектив ахлоқий табиати тўғрисидаги фалсафий таълимоти<sup>3</sup> асосида «адолат ва бошқа ҳар қан-

1. Ўша жойда. 320-321-бетлар.

2. Қаранг: Аристотель. Политика. М., 1911. С.408.

3. Қаранг: Нерсеянц В.С. Сократ. М., 1977 (Новое изд. -М., 1996)

дай эгзулик билимдир», деган рационалистик тасаввур ётади (*Ксенофонт*, Воспоминания о Сократе, III,IX,5).

Ёзилмаган илоҳий қонунлар ҳам, инсонлар томонидан ёзилган қонунлар ҳам, Суқротга кўра, айти бир хил адолатни назарда тутати. У ўзининг адолат тўғрисидаги таълимоти мазмунини софист Гиппийга қуйидагича тушунтирган: «Мен шахсан адолатсизликни истамаслик адолатнинг етарлича исботи бўлиб хизмат қилади, деган фикрдаман. Агар сен бунга қаноат қилмасанг, у ҳолда, сенга қуйидаги фикр маъкул келадими: таъкидлайманки, нимаики қонуний бўлса, у адолатлидир» (*Ксенофонт*, Воспоминания о Сократе, IV, IV, 12). Суқрот «инсон учун ҳам, давлат учун ҳам гўзал ва улғувор бойлик бўлган» полис эркинлиги мавжудлигининг ўзини оқилона ва адолатли қонунлар ҳукмронлиги билан боғлаган (*Ксенофонт*, Воспоминания о Сократе, IV,V,2).

Суқрот ахлоқий ва ҳуқуқий муаммоларни муҳокама қилишни **майтиқий дефинициялар ва тушунчалар** даражасига кўтарган, бу билан мазкур соҳада **назарий** тадқиқотларга асос солган. Бу жиҳатдан Платон ва Аритотель Суқротнинг умум-фалсафий ва фалсафий-ҳуқуқий ютуқларининг тўғридан-тўғри давомчилари бўлганлар.

## 5. Платон

**Платон** (милоддан аввалги 427-347 йиллар) фалсафасида «Ҳақиқий борлиқ - бу қандайдир ақл билан англанадиган ва танасиз ғоялардир» (*Платон*, Софист, 246b).

Ғоя - образ ва унинг бирламчи асоси ҳамда принципини белгилаб берувчи ашё моҳиятидир. Ғоялар олами - ашёлар ва ҳодисалар оламининг мазмун ҳосил қилувчи жиҳатидир. Ҳодисалар ва муносабатларни (масалан, полис ҳаёти, қонунлар ва бошқаларни) дунёвий оламга хос бўлган оқилона ҳақиқий борлиққа ва илоҳий бирламчи намунага мувофиқ бўлган) тартибга солиш ҳақида гап борган жойда ғоя нафақат ҳодисалар оламининг онтологик асоси ва бирламчи сабаби, балки уни ташкил этишнинг амал қилинадиган принципи, андозаси ва намунаси (парадигма) сифатида ҳам намоён бўлади.

Идеал давлат ва оқилона, адолатли қонунлар Платон то-

монидан гоёларнинг амалга оширилиши ва гоёлар оламининг дунёвий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётда энг кўп ифодаланиши сифатида талқин қилинган<sup>1</sup>.

**Адолат гоё ҳамда полис ва унинг қонунларининг моҳияти сифатида** ҳар бир ибтидо (ҳар бир табақа ва давлатнинг ҳар бир аъзоси) ўз иши билан шуғулланишидан ва ўзгаларнинг ишига аралашмаслигидан иборатдир. Платон идеал давлатдаги адолатни тавсифлаб бундай деб ёзган: «Ҳар бир кишининг ўз иши билан шуғулланиши адолатли иш бўлур эди»; «адолат ҳар кимнинг ўз иши бўлишидан ва ўз ишини бажаришидан иборатдир» (Государство, 433b,e). Адолат «ҳеч ким ўзганинг молини эгаллаб олмаслигини ва ўз молидан маҳрум бўлмаслигини» талаб этади (Государство, 433e).

Адолатнинг (*dikaioyne*) ва ҳуқуқнинг (*dikaion*) ушбу тавсифи ва хоссалари, табиий ҳуқуқни<sup>2</sup> полис ҳуқуқидан фарқлаган ҳолда, платонча тушунишнинг маъносини аниқлаб беради. Бироқ Платон табиий ҳуқуқнинг ва полис қонунининг ушбу тафовутини Сукрот сингари уларни бир-бирига зид қўйиш ва бир-биридан ажратиш маъносида эмас, балки полис қонунларининг объектив (пировард натижада - илоҳий, оқилона, идеал) илдиэларини очиб бериш учун талқин қилган.

Платонга кўра, адолат «зарур меъёр»ни, муайян тенгликни тақозо этади. Бунда у (Сукротга ҳавола қилган ҳолда) тенгликнинг икки турини: «геометрик тенглик» (қадр-қиммат ва хайрихоҳлик тенглиги) ва «арифметик тенглик» («ўлчов, тарози ва сон тенглиги»)ни фарқлаган. Платон бундай фарқлашнинг мазмунини изоҳлаб, «агар зарур даражадаги ўлчовга риоя қилинмаганда, тенг бўлмаганлар учун тенг тенг бўлмаган бўлур эди», деб қайд этган (Законы, 757a).

1. Қаранг: Нерсеянц В.С. Платон. М., 1984.

2. Табиий-ҳуқуқий концепцияларнинг таниқли немис тадқиқотчиси, «ҳар кимники ўзига» принципини табиий ҳуқуқнинг асосий қоидаи сифатида тавсифловчи Г.Райнер ушбу принципнинг ҳуқуқнинг платонча таърифланиши билан алоқасини таъкиллайди. ҳуқуқнинг платонча таърифи «ҳар ким ўзиникига эга» деган маънони ифодалайди. Платоннинг адолат ва ҳуқуқ тўғрисидаги тегишли мулоҳазаси (Давлат, 433 e) Г.Райнер таржимасида, асл нусханинг атамаларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидагича тушунилади: «ҳуқуқ (*dikaion*) ва адолат (*dikaioyne*) ҳар ким ўз ишини қилишидан ҳамда ўзганинг молига эгаллик қилмаслиги ва ўзиникидан маҳрум бўлмаслигидан иборат». (Қаранг: Reiner H. Die Hauptgrundlagen der fundamentalsten Normen des Naturrechts. Basel, 1976. S.2).



«Геометрик тенглик» - бу энг ҳақиқий ва энг яхши тенгликдир: «у табиатига яраша инъом этиб, каттага катта, кичикка кичик эътибор беради» (Законы, 757b,c).

Полис ва қонунларнинг ўзаро алоқаси ҳамда бирлиги Платоннинг бутун сиёсий фалсафасининг муҳим принципи ҳисобланади. «Мен, - деб ёзган Платон, - қонун кучга эга бўлмаган ва кимнингдир ҳокимияти остида бўлган давлатнинг ҳалокати яқинлигини кўраман. Қонун ҳукмдорлар устидан хоқон, ҳукмдорлар эса унинг кули бўлган жойда мен давлат қутқарилади ҳамда худолар давлат орқали барча нарсани инъом этади, деб ҳисоблайман» (Законы, 715d)<sup>1</sup>.

Платон томонидан «Қонунлар»да қайд этилган давлат айнан ҳукмдорларга ҳам қонунлар ёзиб берилган давлатга тегишлидир - бу қонунлар «ақлни аниқлаб олишдир» (Законы, 713e).

Платон илоҳий ва мўъжизавий қонун (nomos) ва ақл (noys)нинг бир хилда жаранглаши бежиз эмас, деб ҳисоблаб, қонунлар тўғрисидаги фанни жуда юксакка қўйган. «Чунки барча фанлар ичида, - деб қайд этган Платон, - қонунлар тўғрисидаги фан инсонни барчасидан кўпроқ камолга етказди» (Законы, 957 c). Шу муносабат билан у ҳуқуқ тўғрисидаги асарларни ўрганишни қатъият билан тавсия қилган.

## 6. Аристотель

**Аристотель** (милоддан аввалги 384-322 йиллар) сиёсат тўғрисидаги фанни ҳар томонлама ишлаб чиқишга уринган. Бу фан, шунингдек, сиёсий адолат шакллари сифатида ҳуқуқ ва қонун тўғрисидаги таълимотни ҳам ўз ичига олган эди.

Аристотель (Этика, V, §-2) бундай деб ёзган: «Шундай қилиб, «адолат» тушунчаси айни бир вақтнинг ўзида қонунийликни ҳам, тенг ўлчовлиликни ҳам, адолатсизлик эса - қонунга зидлик ва тенгсизликни (одамларга нисбатан) ан-

---

1. Эрнст Кассирер бошқарувнинг турли шакллариининг платонча тавсифи асосида уларда қонунга қандай роль ажратилишига қараб, Платон концепциясидаги қонун ва сиёсий эркинликнинг ўзаро алоқасини адолатли равишда қайд этган эди. «Қонун, - деб ёзганди Кассирер, - эркинликнинг ягона чинакам ифодаси ҳисобланади. Платоннинг давлат тўғрисидаги фикрлар образи ва унинг сиёсий донишмандлиги жами шундан иборатдир». - Cassirer Ernst. Op. cit. S.22.

латади». У адолатни муайян тенг ўлчовлилик сифатида таҳлил этиш жараёнида тақсимловчи адолатни ва тенглаштирувчи адолатни фарқлайди.

Тақсимловчи адолат - бу ҳокимиятни, иззат-икромни, тўловларни ва ҳоказоларни «муносиб» тақсимлашда адолатнинг намоён бўлишидир (Этика, V, §-6). Тенглаштирувчи адолат алмашув соҳасида амал қилади ва «алмашув мавзусини ташкил этганни тенглаштиришда намоён бўлади» (Этика, V, §-5). Адолатнинг ушбу тури фуқаролик-ҳуқуқий битишувларида, зарарни қоплашда, жазо ва жиноятда қўлланилади.

**Сиёсий адолат**, Аристотелга кўра, **фақат эркин ҳамда тенг одамлар ўртасида бўлиши мумкин** ва ўзида ҳокимиятнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий шакллари бўлмаган деспотизмдан фарқли равишда ҳукм юритишнинг сиёсий шакли принципини ифодалайди.

Аристотель сиёсий адолатни сиёсий ҳуқуқ сифатида талқин қилиб, бундай тушунтирган: «Биз томонимиздан изланган тушунча умуман адолатдан ҳам, шунингдек сиёсий алодатдан (ҳуқуқдан) ҳам иборат эканлиги эътиборимиздан четда қолмаслиги керак. Сиёсий адолат бир жамоага тегишли бўлган ва мақсади уларнинг ўзидан ўзи қониқиши бўлиб, боз устига тенг ва эркин кишилар, мазмун ёки муносиблик, ёхуд умуман сонига кўра тенг одамлар ўртасида мавжуд бўлади. Бундай муносабатда бўлмаган одамлар бир-бирларига нисбатан сиёсий адолатга (ҳуқуққа) эга бўлмайдилар, бироқ олдинги кўринишига ўхшашлиги учун шундай деб аталадиган бирмунча адолатга эга бўладилар. Бундай одамлар ҳуқуққа эга бўладилар, улар учун уларнинг муносабатини белгилаб берувчи қонун мавжуд; қонун эса жиноятни назарда тутади, суд - ҳақиқат ва ҳақиқатсизликнинг тақсимланишини назарда тутади» (Этика, V, §-10).

Аристотель ҳуқуқни умуман сиёсий ҳодиса сифатида «сиёсий ҳуқуқ» деб атаган. Бу, жумладан, умуман муомаланинг, ижтимоий тузилишнинг ва бошқарувнинг носиёсий (деспотик) шаклиларида ҳуқуқнинг мавжуд эмаслигини англатади. Ҳам табиий, ҳам шартли (одамлар томонидан ўрнатилган, ҳукм билан белгиланган) ҳуқуқ - сиёсий ҳодиса бўлиб, сиёсий тусга эга. «Сиёсий ҳуқуққа келганда эса, - деб ёзган Аристотель (Этика, V, §-10), - у табиийнинг,

шартлининг бир қисмидир. Табиий ҳуқуқ - ҳамма жойда бир хил аҳамиятга эга ва унинг эътироф этилиши ёки эътироф этилмаслигига боғлиқ эмас. Шартли ҳуқуқ, даставвал, жиддий тафовутсиз шундай ёки бошқача бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқ, бироқ унга таъриф берилган экан (ушбу тафовут тўхтатилади) ва тутқунни бир милага сотиб олиш ҳамда икки қўй ўрнига бир эчкини қурбон қилиш орасида фарқ бор. Айрим якка ҳоллар учун тавсия этиладиган, масалан, Бразилда қурбонлик қилишга тегишли бўлган қонун-қоидалар, овоз бериш йўли билан кучга эга бўладиган қонун-қоидалар шу жумлага кирилади». Шартли (инсоний) ҳуқуқ, «гарчи энг яхши нарса табиатан ягона бўлса ҳам», сиёсий тузилма шакли сингари ҳамма жойда бир хил эмас (Этика, V, §-10).

Сиёсий ҳуқуқнинг Аристотель табиий ҳуқуқнинг бир қисми деб атайдиган қисми<sup>1</sup>, энг аввало, сиёсий, инсоннинг сиёсий табиатига муқобил бўлгани учун табиийдир ва бундан келиб чиқувчи инсоний муносабатлардаги сиёсий адолат тўғрисидаги талаблар ва тасаввурларни ифодалайди.

Қонуннинг сиёсий адолатга, ҳуқуққа мувофиқлиги унинг сиёсий фазилатининг муҳим жиҳати ҳисобланади. «Ҳар қандай қонун, - деб ёзган у (Политика, I, 2,18,1255a,19), - ўз асосига кўра ўзига хос ҳуқуқни назарда тутди». Қонуннинг адолатсизлиги ҳокимият сиёсий шаклининг деспотик зўравонликка томон оғишини ифодалайди. «Нафақат ҳуқуқ бўйича, балки ҳуқуққа зид равишда ҳукмронлик қилиш, - деб таъкидлаган Аристотель (Политика, VII, 2,4,1324b,11), - қонуннинг иши бўлиши керак эмас; зўрлик билан бўйсундиришга қаратилган интилиш, албатта, ҳуқуқ ғоясига зиддир».

Аристотель таълимотида очиб берилган, деспотизмга қарши қўйиладиган сиёсий ва ҳуқуқий шакллар ҳамда ҳодисаларнинг принцип жиҳатидан умумийлиги унинг давлатни

---

1. Аристотелнинг ҳуқуқий қарашлари талқиқотчиси В.Зигфрид унинг табиий-ҳуқуқий тасаввурини қуйидагича тавсифлайди: «Менимча, табиий ҳуқуқнинг олий ва умумий мақоми мухтасар ифодалаганда қуйидагича жанрлангайди: ҳар кимга ўзиники, лозим бўлгани... Ўзида биринчи қонуннинг қўлланиш шаклини ифодаловчи иккинчи асосий қоиди қуйидагича жанрлангайди: тенгларга тенг, тенг эмасларга (тегишли равишда) тенг бўлмагани». - Siegfried W. Der Rechtsgedanke bei Aristoteles. Zurich, 1947 S.64-65.

ҳуқуқий тушунишидан ва талқин қилишидан далолат беради<sup>1</sup>.

Сиёсий бошқарув - бу, Аристотелнинг фикрича, одамлар бошқаруви эмас, қонунлар бошқарувидир. Бунда гап сиёсий адолат, яъни табиий ҳуқуқ талабларини ифодаловчи оқилона қонунлар ҳақида бормоқда<sup>2</sup>.

## 7. Эпикур

Эпикур (милоддан аввалги 341-270 йиллар) фалсафасида ҳуқуқ ва давлат одамлар ўртасидаги уларнинг умумий фойдаси ва ўзаро хавфсизлиги тўғрисидаги табиат (табиий ҳуқуқ) талабларига мувофиқ келадиган **шартнома натижаси сифатида талқин қилинади**. «Табиатдан келиб чиқувчи адолат, - деб ёзган эди у, - бир-бирига зиён етказмаслик ва зиён топмаслик мақсадидаги фойдалилик ҳақидаги шартномадир»<sup>3</sup>.

У адолатнинг шартномавий хусусиятини куйидагича изоҳлаган: «Адолат асли бирон-бир нарса эмас, бироқ одамларнинг қандай жойда бўлмасин бир-бирлари билан алоқаларида ҳамма вақт зиён етказмаслик ва зиён кўрмаслик тўғрисида қандайдир шартнома мавжуд... Умуман адолат ҳамма учун бир хил, чунки у одамларнинг бир-бирлари билан алоқасидаги фойдали нарсадир»<sup>4</sup>.

Ҳар бир жой ва вақт учун ўзининг «адолат тўғрисидаги табиий тасавури»<sup>5</sup> мавжуд, бироқ ушбу ўзгариб турувчи

1. Шу муносабат билан **В.Зигфрид** қайд этали: «Бизнинг кунларимизда биз ҳуқуқий давлат идеали тўғрисида гапирамиз. Ушбу ифодага қандайдир даражада мос келувчи фикр Аристотелда куйидагичадир: эвномия (мақбул қонунга). У деспотизмнинг аристотелча талқини ҳақида куйидагиларни ёзди: «Деспотиклик (мустабиллик) табиий ёки позитив тартиб билан тўсилмаган чекланмаганинг англатгани, биз ушбу ўринда тоталитар деган замонавий сўздан фойдаланишимиз мумкин» - Siegfried W. р. Cit. S.47,68.

2. Қонуннинг оқилоналигида унда табиий ҳуқуқ талабларини аниқ ифодалаш жиҳати мавжуддир. «Табиий ҳуқуқ - оқилона ҳуқуқ эканлиги, - деб ёзди **В.Зигфрид**, - гарчи Аристотель, менга маълум бўлишича буни ҳеч қерда аниқ айтмаган бўлса ҳам, унинг бир-бирига мос келишининг ўзи туфайли аниқдир, табиат - тўғри учун олий норма, ақл - бу тўғрилиқ нимадан иборат эканлигини бизга маълум қилиш мумкин бўлган юқори босқичдир». Siegfried W. Op. Cit. S.63.

3. Материалисты Древней Греции. С.217.

4. Ўша жойда.

5. Ўша жойда. 218-бет.

тасаввурлар учун бу тасаввурларнинг барчаси фойда тўғрисидаги умумий келишувнинг ифодачиси эканлиги умумий ҳолат ҳисобланади, «Адолатли деб эътироф этилган хатти-ҳаракатлар жумласидан,- деб қайд этган Эпикур, - фойдалилиги одамларнинг ўзаро муомалага бўлган эҳтиёжи билан тасдиқланадигани, ушбу ўзаро муомала ҳамма учун бир нарса ёки бир нарса эмаслигидан қатъи назар, адолат гаровидир. Агар кимки қонун чиқарса, бироқ у одамларнинг ўзаро муомаласи учун фойдали бўлиб чиқмаса, унда адолатлилик табиати бўлмайди. Ҳатто агар адолатда мавжуд бўлган фойдалилик ўзгарса (йўқолса), бироқ бирмунча вақт мобайнида адолат тўғрисидаги табиий тасаввурга мувофиқ бўлиб турса, у ҳолда ўша вақт мобайнида ўзини бефойда товушлар (сўзлар) билан уялтирмай, фактларга қарайдиганлар кўз ўнгида унинг адолатлилиги асло камаймайди»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Эпикур таълимотида **«қонун билан нисбатда «адолат» - (жой, вақт ва ҳолатга боғлиқ равишда) ўзгарувчан табиий ҳуқуқдир**. Ўзаро муомаладаги ўзгарувчан умумий фойда мана шудир. **Адолатга мувофиқ бўлган қонунлар «донишмандлар»ни «оломон»дан тўсиш ва ҳимоя қилиш воситаси сифатида, индивиднинг эркинлиги, хавфсизлиги ва автономиясининг оммавий қафолати сифатида намоён бўлади. «Қонунлар, - деган Эпикур, - донишмандлар учун улар ёмонлик қилмасликлари учун эмас, балки уларга ёмонлик қилинмаслиги учун чиқарилган»<sup>2</sup>.**

Давлат ва ҳуқуқнинг Эпикурча шартномавий талқини шартномавий жамият аъзоларининг тенглиги, эркинлиги ва мустақиллигини назарда тутати ҳамда аслида тарихан **либерализм ва либерал индивидуализмнинг биринчи фалсафий-ҳуқуқий концепцияси** ҳисобланади.

## 8. Стоиклар

Қадимги юнон ва қадимги рим стоиклари **ҳаммабоп табиий ҳуқуқнинг умуман фаталистик концепцияси** ҳар хил вариантларини ривожлантирганлар.

Тақдир бошқарувчи ва ҳукмрон асос (hegemonikon) сифа-

1. Ўша жойда. 217-218-бетлар.

2. Ўша жойда. 235-бет.

тида - бу, стоикларга кўра, айна вақтда «олам ақли ёки башорат бошқарадиган оламдаги бутун борлиқнинг қонуни, ёхуд ақл бўлиб, унга биноан воқеъ бўлган - бўлди, бўлаётган - бўлади ва келгуси - қарор топади»<sup>1</sup>. Бунда тақдир айна вақтда илоҳий хусусият ва маъно ташувчи «**табиий қонун**» («умумий қонун») сифатида намоён бўлади. Стоицизмнинг асосчиси **Зенонга** мувофиқ, «табиий қонун илоҳийдир ва тўғри иш қилишга буюрувчи ва унинг зиддини тақиқловчи кучга эгадир»<sup>2</sup>.

Стоицизмнинг асосий табиий-ҳуқуқий талаби табиат билан иноқликда, оламнинг табиий (умумий) қонуни талабларига мувофиқ яшашдан иборат. Шу муносабат билан стоик **Хрисипп** бундай деб ёзган эди: «Шу сабабли (олий) мақсад - табиат билан иноқликда - умумий қонун томонидан тақиқланадиган ҳеч бир ишни қилмай, балки барча нарсага кириб борувчи тўғри қонун билан ўз табиатига ва умумий табиатга мувофиқ яшаш; у бутун борлиқнинг яратувчиси ва бошқарувчиси Зевсга ҳам хосдир»<sup>3</sup>.

Юнон стоиклари Зенон ва Хрисипп давлат тўғрисидаги асарларида, уларнинг изидан римлик издошлари (Сенека, Марк Аврелий, Эпиктет) табиий ҳуқуқнинг универсал хусусиятга эга эканлиги тўғрисидаги тасаввурларга (ва тегишлича - табиат бўйича адолатга) таяниб, барча одамлар (ўз табиатига кўра ва умуман олам қонуни бўйича) - ягона жаҳон давлатининг фуқаролари эканлиги ва инсон оламнинг фуқароси эканлиги тўғрисидаги **космополитик ғояларга** асос солганлар.

«Стоиклар мактабига асос солган Зенон ифодалаб берган бошқарув шаклида, - деб ёзган эди **Плутарх** стоикларнинг ушбу ғояси муносабати билан, - биз шаҳарлар ва музофотларда истиқомат қилишимиз ва ўзимизнинг алоҳида қонунларимиз ҳамда қоидаларимиз билан фарқ қилишимиз эмас, балки барча кишиларни ўз биродарларимиз деб қарашимиз, олам ягона бўлгани сингари ҳаёт ҳам битта деб қаралиши жуда ҳайрон қоларлидир. Бу умумий қонунга кўра умумий яйловда боқиладиган подага ўхшайди»<sup>4</sup>.

1. Антология мировой философии. Т.1. Ч. М., 1969. С.490.

2. Ўша жойда. 490-бет.

3. Ўша жойда. 493-бет.

4. Ўша жойда. 503-бет.

Стоикларнинг табиий-ҳуқуқий тасаввурларига кўра **қулчиликни** оқлаб бўлмайди, чунки у умумий қонунга ва одамларнинг биродарлигига зиддир.

Сенекага кўра, **Олам**, - **ўзининг табиий ҳуқуқларига эга бўлган табиий давлатдир**. Уни эътироф этиш зарурий ва оқилона ишдир. Табиат қонунига мувофиқ, буни улар тан оладими - йўқми, бундан қатъи назар, барча одамлар ушбу давлатнинг аъзоларидир. Алоҳида давлат тузилмалари ва уларнинг қонунларига келганда эса, улар тасодифийдир ва бутун инсоният қавми учун эмас, балки чекланган сонли одамлар учун аҳамиятлидир. «Биз, - деб ёзган эди Сенека, - ўз хаёлимизда икки давлатни тасаввур қилишимиз керак: улардан бири худо ва одамларни ўз ичига олади; бу давлатда бизнинг назаримиз ернинг у ёки бу бурчаги билан чекланмаган, биз ўз давлатимиз чегарасини қуёшнинг ҳаракати билан ўлчаймиз; бошқа давлат - бу бизни тасодифий равишда рўйхатдан ўтказиб қўйган давлатдир. Бу иккинчи давлат Афина ёхуд Карфаген ёки бошқа бирор шаҳар билан боғланган бўлиши мумкин; у барча одамларга эмас, балки уларнинг муайян гуруҳига тегишлидир. Шундай одамлар борки, бир вақтнинг ўзида катта давлатга ҳам, кичик давлатга ҳам хизмат қилади, шундайлар борки, фақат катта давлатга хизмат қилади, баъзилар эса фақат кичик давлатга хизмат қилади»<sup>1</sup>. Сенека концепциясига мувофиқ, «катта давлат» ахлоқий қимматли ва шак-шубҳасиз ҳисобланади.

Сенека табиий ҳуқуқ тўғрисида барча учун умумий мажбурий ва тенг дунёвий қонун сифатидаги тасаввурдан келиб чиқиб, барча одамларнинг, шу жумладан қулларнинг маънавий эркинлиги ва тенглиги гоёсини стоиклар ичида энг изчил равишда ҳимоя қилган.

«Ўзингга раво кўрмагани бошқага ҳам раво кўрма», деган **табиий-ҳуқуқий принципни** ҳимоя қилган **Эпиктет** шунга ўхшаш тасаввурни ривожлантирган<sup>2</sup>.

Стоик **Марк Аврелий Антонин** (161-180 йилларда Рим императори бўлган) «қонунлари барча учун тенг бўлган, барчанинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлилигига мувофиқ бошқариладиган ҳамда табаанинг эркинлигини ҳамма нарсадан ор-

1. Ўша жойда. 507-бет.

2. Ўша жойда. 519-бет.

тиқ улуғлаган подшолик давлати» тўғрисидаги тасаввурни ривожлантирган<sup>1</sup>.

## 9. Цицерон

Цицероннинг (милоддан аввалги 106-43 йиллар) ҳуқуқ, қонун, давлат тўғрисидаги фалсафий таълимоти табиий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган.

Цицеронга кўра, ҳуқуқ асосида табиатга хос бўлган **адолат** ётади. У **табиий ҳуқуққа** бундай кенг таъриф берган: «Ҳақиқий қонун - бу табиатга мувофиқ бўлган, барча одамларга тааллуқли, доимий, абадий бўлган, буйруқ берган, тақиқлаган ҳолда бурчни адо этишга чақирувчи, кўрқитган ҳолда жиноятдан қайтарувчи оқилона қонундир, бироқ бу қонун зарур бўлмаганда ҳалол одамларга ҳеч нимани буюрмайди ва тақиқламайди ҳамда виждонсиз одамларга бирор нарсани буюриб ёки тақиқлаб таъсир кўрсатмайди. Бундай қонунни тўлиқ ёки қисман бекор қилишни тақлиф этиш - куфрдир; унинг амал қилишини бирор даражада чеклашга йўл қўйилмайди; уни тўлиқ бекор қилиш мумкин эмас ва биз на сенатнинг қарори билан, на халқнинг қарори билан ушбу қонундан озод бўла олмаимиз» (О государстве, III, XXII, 33).

Ушбу «ҳаққоний қонун» - ҳамма жойда ва ҳамма вақт бир хилдир ва «битта азал-абад ва ўзгармас қонун исталган вақтда барча халқларга ёйилади, боз устига барча одамларнинг бамисоли устози ва йўлбошчиси, яъни қонуннинг яратувчиси, ҳаками, муаллифи бўлган умумий битта худодир» (О государстве, III, XXII, 33).

Цицерон **адолатнинг** маъноси ва моҳиятини «у ҳар кимга раво кўрилганни ато этишида ва улар ўртасида тенгликни сақлаб қолишида» кўрган (О государстве, III, VII, 10). Адолат бошқаларга зарар етказмасликни ва ўзгаларнинг мулкини бузмасликни талаб этади. «Адолатнинг биринчи талаби, - деб ёзган у, - адолатсизлик туфайли найранг қилинмаса, у ҳеч ким ҳеч кимга зиён етказмаслигидан иборат, сўнгра, барча умумий мулкдан умумий мулк сифатида, хусусий мулк-

1. Ўша жойда.



дан ўз мулки сифатида фойдаланишидан иборатдир» (Об обязанностях, I,20).

Табиий ҳуқуқ (олий, ҳақиқий қонун), Цицеронга кўра, «ҳар қандай ёзма қонундан олдин, аниқроғи, умуман давлатга асос солинганидан илгари» (О законах, II,19) пайдо бўлган. **Давлатнинг ўзи (умумий ҳуқуқ-тартибот сифатида)** қонунлари билан биргаликда табиатан адолат ва ҳуқуқ бўлган нарсанинг ифодаланиши ҳисобланади.

Ҳуқуқ одамларнинг қарори билан эмас, балки табиат томонидан ўрнатилади. «Агар ҳуқуқ халқларнинг хоҳиши, илғор одамларнинг қарорлари, судьяларнинг ҳукмлари билан ўрнатишганда, - деб ёзган Цицерон, - ушбу оломоннинг овоз бериши ёки қарори билан маъқулланиши мумкин бўлганда, босқинчилик ҳуқуқи, зинокорлик ҳуқуқи, сохта васиятлар тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд бўлган бўлур эди» (О законах, I,143).

Инсоний қонунларнинг табиатга (ва табиий ҳуқуққа) мувофиқлиги ёки номувофиқлиги уларнинг адолатлилиги ёки адолатсизлиги мезони сифатида намоён бўлади. Цицерон, жумладан, милоддан аввалги 404-403 йилларда Афинада ҳукмронлик қилган ўттиз мустабид қонунларини ҳамда Суллага римлик фуқароларга нисбатан чексиз ваколатлар, шу жумладан тирик қолдириш ва ўлдириш ҳуқуқини берган милоддан аввалги 82 йилдаги Рим Қонунини **адолат ва ҳуқуққа зид бўлган қонунлар** мисоли сифатида қайд этган. Цицероннинг сўзларига қараганда, бунга ўхшаш адолатсиз қонунлар, кўплаб бошқа «халқларнинг ҳалокатли қарорлари» сингари, «қароқчиларнинг умумий розилиги билан қабул қилинган қарордан бошқа нарса бўлмаган қонун, деб аталишга лойиқдир» (О законах, II,13).

## 10. Рим ҳуқуқшунослари

Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот билан бир қаторда давлат тўғрисидаги таълимотни ҳам ўз ичига оладиган мустақил фан - **ҳуқуқшунослик (юриспруденция)**нинг яратилиши қадимги рим ҳуқуқий тафаккурининг салмоқли ютуғидир.

Шу муносабат билан ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ульпианга мувофиқ (Д.1.1.1.3.), оммавий ҳуқуқ «Рим давлати қонидаси-

га тегишлидир», хусусий ҳуқуқ эса, «алоҳида шахслар фойдасига» тегишлидир. Хусусий ҳуқуқ, ўз навбатида, куйидаги уч қисмни ўз ичига олган: **табиий ҳуқуқ** (*ius naturae, ius naturale*), **халқлар ҳуқуқи** (*ius gentium*) ва **цивил ҳуқуқ** (*ius civile*).

Табиатнинг ҳуқуқ нуқтаи назаридан барча аҳамиятли кўрсатмалари **табиий ҳуқуққа** тегишли эди. Ульпиан (Д.1.1.1.3.) бундай деб ёзганди: «Табиий ҳуқуқ - бу табиат барча жонли нарсага ўргатган ҳуқуқдир: чунки бу ҳуқуқ фақат инсон қавмига эмас, балки ерда ва денгизда туғиладиган барча ҳайвонларга ҳамда паррандаларга ҳам хосдир». Ульпиан (ўша жойда) табиий ҳуқуқ институтларига, жумладан, никоҳ ва болалар тарбиясини ҳам киритган, «ҳайвонлар, ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам ушбу ҳуқуқ тўғрисидаги билимларга эга» эканлигини қайд этган.

**Халқлар ҳуқуқини** рим ҳуқуқшунослари инсоният фойдаланадиган ҳуқуқ сифатида тушунганлар. Унинг табиий ҳуқуқдан фарқини осон тушуниб олиш мумкин. Табиий ҳуқуқ барча ҳайвонлар учун умумий бўлган ҳуқуқ, халқлар ҳуқуқи эса - одамлар учун (уларнинг) ўзаро муносабатларида) амалда бўлган ҳуқуқдир (Ульпиан -Д.1.1.1.4.). Шундай қилиб, халқлар ҳуқуқи Ульпиан томонидан табиий ҳуқуқнинг бир қисми сифатида талқин қилинган.

Хусусий ҳуқуқнинг бир қисми бўлган **цивил ҳуқуқ** деганда аслида Рим ҳуқуқи тушунилган. «Цивил ҳуқуқ, - деб изоҳлаган Ульпиан (Д.1.1.6.), - табиий ҳуқуқ ёки халқлар ҳуқуқидан тамомила ажратилмайди ва барча нарсада унга амал қилавермайди; агар биз умумий ҳуқуққа нимадир қўшсак ёки ундан ниманидир чиқариб ташласак, биз ўз ҳуқуқимизни, яъни цивил ҳуқуқни яратамиз. Бизнинг ушбу ҳуқуқимиз ёзилган ёки ёзилмаган (ҳуқуқдан) иборатдир».

Рим ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқни тушунишига мувофиқ, табиий ҳуқуқ адолат талабини ифодалайди ва **ҳуқуқ умуман адолатлидир**, деган асос гоёни ифодалайди. «Ҳуқуқ» сўзи, - деб ёзганди ҳуқуқшунос Павел, - бир неча маъноларда қўлланилади: биринчидан, «ҳуқуқ» адолатли ва эзгу бўлган нарса ни англатади - табиий ҳуқуқ шундайдир» (Д.1.1.11). «Табиий ҳуқуққа кўра барча эркин бўлиб туғилади» (Ульпиан - Д.1.1.4.). Қулчилик ва қулчиликдан озод бўлиш ҳамда одамларни эркин одамларга, қулларга ва озод қилинган одамларга ажра-

тиш, рим ҳуқуқшунослари талқинига мувофиқ, халқлар ҳуқуқи бўйича жорий этилган (Д.1.1.4.).

Ҳуқуқни адолат ва эзгулик сифатида тавсифлаш милоддан аввалги I асрдаги машҳур ҳуқуқшунос **Цельсга** бориб тақалади. Шу муносабат билан Ульпиан (Д.1.1.1.) бундай деб ёзган эди: «Ҳуқуқ билан шуғулланувчилар дастлаб ҳуқуқ (*ius*) атамаси қаердан келганлигини аниқлашлари зарур. У адолатга (*iustitia*) бориб тақалади: чунки Цельс назокат билан таърифлаганидек, *ius est ars boni et aequi* («ҳуқуқ эзгулик ва тенглик санъатидир»). Адолатли ва адолатсиз ҳуқуқ ўртасидаги қарама-қаршилик Рим ҳуқуқшунослигида *aequum ius* (муқобил тенг ҳуқуқ)ни *ius iniquum*га (муқобил бўлмаган, тенг бўлмаган ҳуқуққа) қарама-қарши қўйиш йўли билан ифодаланади.

**Ҳуқуқий адолат принципи бўлган Aequitas** позитив ҳуқуқ нормаларини талқин қилишда раҳбарий ғоя ролини бажарган ва кўп ҳолларда, аслида, амалдаги ҳуқуқ нормаларига қўшимча бўлган, позитив ҳуқуқдаги бўшлиқни тўлдирган.

## Иккинчи боб. Ўрта асрлар ҳуқуқ фалсафаси

### 1. Фома Аквинский

Фома Аквинский (1226-1274 йиллар) христиан теологияси нуқтаи назаридан оригинал фалсафий-ҳуқуқий концепция ишлаб чиққан. Ҳозирги даврга қадар таъсирга эга бўлган **томизм** (янгиланган кўринишда **неотомизм**) ғоявий оқими унинг номи билан боғлиқдир. Унинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари «Теология мажмуи», «Ҳукмдорларнинг бошқаруви тўғрисида» трактатларида ҳамда Аристотелнинг «Сиёсат» ва «Ахлоқ» асарларига ёзилган шарҳларда баён қилинган<sup>1</sup>.

Унинг қонун ва қонун остидаги ҳуқуқ нисбати концепциясида энг умумий кўринишда кимнингдир у орқали ҳаракатга келтириладиган ёки бундан тийилтириладиган хатти-

1. Батафсил қаранг: Релкин П.Г. Энциклопедия юридических и политических наук. СПб., 1872/1873. С.809-858; История политических и правовых учений. Средние века и Возрождение. М., 1986. С.27-39; Боргош Ю. Фома Аквинский. М., 1975; Антология мировой философии. Т.1. Ч.2. М., 1969. С.823-862; Das Naturrecht in der politischen Theorie. Wien, 1963.

ҳаракатларнинг маълум қоида ва ўлчови назарда тутилади. У қонунни аниқроқ қилиб қуйидаги тарзда таърифлаган: «Қонун жамиятга васийлик қиладиганлар томонидан эълон қилинган умумий манфаатга хизмат қиладиган ақлнинг машхур низомномасидир» (Сумма теологии, I, q.90).

Фома қонунларни қуйидагича тавсифлаган: 1) абадий қонун (lex aeterna), 2) табиий қонун (lex naturalis), 3) инсоний қонун (lex humana) ва 4) илоҳий қонун (lex divina).

**Абадий қонун** олам тартиботининг умумий қонунидан иборат. У ҳодисалар ва коинотни (шу жумладан табиий ва ижтимоий жараёнларни) умумий алоқа билан бошқарадиган ва унинг муайян мақсадга қаратилган ривожланишини таъминлайдиган олий умумдунёвий йўналтирувчи асос, абсолют қоида ва принцип сифатида илоҳий ақлни ифодалайди.

Абадий қонун умумий қонун сифатида бирмунча хусусийроқ тусга эга бўлган бошқа барча қонунларнинг манбаи ҳисобланади. **Табиий қонун** ушбу қонуннинг бевосита намоён бўлишидир. Ушбу қонунга мувофиқ худо томонидан яратилган бутун табиат ва табиий мавжудотлар (шу жумладан инсон ҳам), ўзларига хос бўлган туғма хоссаларига кўра, ўз табиатлари қоидалари (яъни қонун) билан белгилаб берилган ва тақозо этилган мақсадни амалга ошириш йўлида ҳаракат қилади.

Алоҳида мавжудот сифатида худо томонидан қалб ва ақл (ақл-идрок ва билишнинг тугма, табиий зиёси билан) ато этилган инсон учун табиий қонуннинг мазмуни шундаки, инсонга эзгулик ва ёвузликни фарқлаш қобилияти табиатан ато этилган, у мақсад сифатидаги эзгуликни амалга оширишга қаратилган эзгуликка алоқадор ва эркин иродавий саъй-ҳаракатларга мойилдир. Бу инсоннинг амалий хулқ-атвори соҳасида (эзгулик уруғини сочиш, ёвузликдан қочишни талаб этувчи амалий ақл соҳасида) инсоннинг туғма майллари, (**ўзини ўзи сақлашга, никоҳга ва фарзандни дунёга келтиришга, жамоа бўлиб яшашга, худони танишга, ҳар бир кишининг кадр-қимматини ҳурмат қилишга** ва бошқаларга қаратилган) инстинктлари ва ҳамда интилишлари, туфайли инсоний ўзаро муносабатлар табиий равишда белгилаб берувчи қоидалар ва майллар амал қилишини англатади.

Фома талқинида **инсоний қонун** - бу унинг бузилишига қарши мажбурий жазо билан таъминланган ижобий қонун-

дир. Камолга етган ва яхши фазилатли одамлар, деб қайд этган у, инсоний қонунга эҳтиёж сезмасликлари мумкин, улар учун табиий қонун ҳам етарлидир. Бироқ ёмон хулқли ҳамда ишонтириш ва насихат билан яхши йўлга етаклаб бўлмайдиган одамларни зарарсизлантириш учун жазолаш билан таҳдид қилиш ва мажбурлаш зарур.

Фома таълимотига мувофиқ фақат **табиий қонунга** (инсоннинг жисмоний ва ахлоқий табиати майлларига) **мувофиқ келувчи** ижтимоий низомномалар инсоний (ижобий) қонун ҳисобланади, акс ҳолда ушбу низомномалар қонун эмас, балки фақат қонунни бузиш ва ундан четга чиқишдир. **Адолатли инсоний (позитив) қонуннинг адолатсиз қонундан фарқи** шу билан боғлиқ.

Фома **адолатсиз қонуннинг икки турини** фарқлаган. Биринчи турга кирувчи адолатсиз қонунлар (уларда қонуннинг бирон-бир мажбурий белгилари мавжуд бўлмайди, масалан, умумий манфаат ўрнига қонун чиқарувчининг хусусий манфаати мавжуд бўлади, у ўз ваколатларини ошириб юбориши мумкин ва бошқалар), **уларга рюя қилиниши**, гарчи улар табаа учун мажбурий бўлмаса ҳам, умумий хотиржамлик ва қонунга рюя қилмасликни хоҳламасликни ёйиш жоиз эмаслигидан келиб чиқиб **тақиқланмайди**.

Табиий ва илоҳий қонунларга зид бўлган қонунлар адолатсиз қонунларнинг иккинчи турига киради. Бундай қонунлар мажбурий эмаслигидан ташқари, уларга **рюя қилинмаслиги ва улар ижро этилмаслиги ҳам** керак.

**Илоҳий қонун деганда** одамларга илоҳий (Таврот ва Инжилда) инъом этилган қонун (истигфор қоидалари) назарда тутилади.

Фома қонунларга берган ўз талқинини **ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот** билан тўлдирган.

**Ҳуқуқ (ius)** – бу, Фомага мувофиқ, инсоннинг жамоа бўлиб яшашида илоҳий адолатнинг (iustitia) амал қилишидир. Адолат – **ҳар кимнинг ўзиники бўлган, ўзига тегишли ажрдан** иборат бўлган ахлоқий савоб ишлардан биридир. Фома Ульпианнинг изидан бориб, **адолатни ҳар кимга ўзига тегишини беришдан иборат ўзгармас ва доимий хоҳиш-ирода сифатида** тавсифлаган. У Аристотелнинг **адолатнинг икки тури – тенглаштирувчи ва тақсимловчи турлари** тўғрисидаги таълимотини ҳам маъқуллаган.

Шунга мувофиқ ҳуқуқ (шунингдек ҳақиқий ва адолатли деб тушуниладиган ҳуқуқ) Фома томонидан **тенглаштиришнинг муайян усули** туфайли бошқа одамга нисбатан тенглаштирилган маълум ҳаракат сифатида тавсифланади.

Ашёларни табиатига кўра бараварлаштиришда сўз **табиий ҳуқуқ** (*ius naturae*), инсоннинг хоҳиш-иродаси билан тенглаштириш - **цивил, позитив ҳуқуқ** (*ius civile*) ҳақида боради. Инсоннинг хоҳиш-иродаси (ёки инсоний қонун) билан белгиланадиган ҳуқуқни Фома, шунингдек, **инсоний ҳуқуқ** (*ius humanum*), деб атаган.

Умуман олганда, Фоманинг талқинига мувофиқ, инсоний қонун табиий қонунга ва илоҳий қонунга ҳамда табиий ҳуқуқ талабларига мослашиб, позитив (инсоний, цивил) ҳуқуқнинг зарур (қонуний ва ҳақиқий) манбаи сифатида намоён бўлиши мумкин.

## 2. Ўрта асрлар ҳуқуқшунослари

Умум назарий жиҳатдан ўрта асрлар ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқни тушуниши кўп жиҳатдан Рим ҳуқуқшунослиғи ғоялари ва қоидалари таъсири остида бўлган<sup>1</sup>.

Жумладан, **Павия мактаби (X-XI асрлар)** ҳуқуқшунослари аequitasни ҳар қандай ҳуқуқнинг олий мезони сифатида талқин қилганлар. «Aequitas тушунчаси бунда *ius naturale* тушунчаси билан айнанлаштирилган ва шундай қилиб, бу давр ҳуқуқшунослиғи ўзининг умумий ҳамда асосий йўналишига кўра сўнгги давр **табиий-ҳуқуқий мактабининг** ўтмишдоши ҳисобланади»<sup>2</sup>.

Ушбу йўналиш ўрнига кейинчалик (XI аср охири - XIII аср ўртасида) **гlossаторлар** (ёки экзегетлар) **мактаби** келган. Уларнинг вакиллари (Ирнерий, Булгар, Ацо ва бошқалар), Рим ҳуқуқи манбалари, айниқса, Дигест матнининг ўзини (яъни экзегезасини, glossаторлик фаолиятини) талқин қилишга асосий эътиборни қаратишган.

Glossаторлар позитив ҳуқуқни ишлаб чиқишга, амалдаги қонунчиликни талқин қилишнинг **юридик-догматик мето-**

1. Стоянов А. Методы разработки положительного права и общественное значение юристов от glossаторов до конца XVIII столетия. Харьков, 1852. С. 250-251.

2. Покровский И.А. История римского права. Петроград., 1918., С.191-192.

**дини** шакллантириш ва ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшганлар. Глоссаторлар адолат (aequitas) билан позитив ҳуқуқ ўртасидаги низони расмий қонунчилик фойдасига ҳал этганлар ва шу маънода улар Европа ўрта аср легизми бошида турган қонунчилар бўлганлар.

XIII-XV асрларда ҳуқуқшуносликда устун мавқени эгаллаган **постглоссаторлар (ёки шарҳловчилар)** асосий эътиборни ўз глоссларини шарҳлашга қаратганлар. Ушбу мактаб вакиллари (Раванис, Луллий, Бартолус, Балдус ва бошқалар) яна **табиий ҳуқуқ ғояларига** ҳамда рим ҳуқуқшунослари ва бошқа ўтмишдошларининг тегишли таълимотларига мурожаат қилганлар. Бунда улар табиий ҳуқуқни ашёлар табиатидан чиқарилган абадий, оқилона ҳуқуқ сифатида талқин қилишган. Унга мувофиқлик позитив ҳуқуқнинг у ёки бу нормаларини (қонунчилик ва оддий ҳуқуқ нормаларини) эътироф этиш мезони бўлган.

Ушбу мактабнинг таниқли вакили **Раймунд Луллий** (1234-1315 йиллар) унинг бир қанча асосий қоидаларини таърифлаб берган. Луллий ҳуқуққа нисбатан ўз ёндашуви усуллари ва «юридик санъат»ни ўзича тушунишини баён қилиб, жумладан, куйидаги талабларни таърифлаб берган: *reducere ius naturale ad syllogismum* («табиий ҳуқуқни силлогизмга редукция қилиш»); «*ius positivum ad naturale reducatur et cum ipso concordet*» («позитив ҳуқуқни табиий ҳуқуққа редукция қилиш ва у билан мувофиқлаштириш»)<sup>1</sup>.

**Ҳуқуқ ва қонун нисбатини** Луллий табиий ҳуқуқнинг позитив ҳуқуқдан устунлигини эътироф этиш улар ўртасида мослик ва мувофиқликни излаш билан қўшиб олиб борилиши кераклиги шаклида ҳал этган. «Ҳуқуқшунос, - деб ёзган у, - ёзилган қонун адолатли ёки сохта эканлигини тадқиқ этиши керак. Башарти ёзилган қонунни адолатли деб топса, ундан тўғри хулосалар чиқариши керак. Агар уни сохта деб топса, катталарни (яъни қонун чиқарувчиларни) иснодга қолдирмаслик учун уни койимаслиги ва уни ошкор қилмаслиги ҳамда ундан фойдаланмаслиги керак»<sup>2</sup>.

Табиий ҳуқуқ принципатдан, ҳукмдорнинг ҳукмидан куч-

1. Стоянов А. Юқоридаги асар. 11-бет.

2. Қаранг: Уша жойда.

лироқ («*potius est ius naturale quam principatus*»), деб таъкидлаган **Балдус** табиий ва позитив ҳуқуқ нисбатининг хусусияти тўғрисидаги шунга ўхшаш қарашларни ривожлантирган<sup>1</sup>.

XVI аср бошидан бошлаб ҳуқуқшуносликда постглоссаторларнинг таъсири сезиларли даражада сусайдиган. Бу даврда **инсонпарварлик мактаби** (юриспруденцияда инсонпарварлик йўналиши) пайдо бўлган. Ушбу йўналиш XVI аср ҳуқуқшунослари (Будаус, Альциатус, Цазий, Куяций, Донелл, Дуарен ва бошқалар) учун ҳуқуқ - бу энг аввало позитив ҳуқуқ, қонунчилик бўлган. XVI аср ҳуқуқшунослари асосан феодал тарқоқликка қарши чиқувчи, давлат ҳокимиятининг марказлаштирилиши, ягона дунёвий қонунчилик, амалдаги позитив ҳуқуқни кодекслаштириш тарафдори бўлган **легистлар** бўлганлар. Бундай легизм қиролларнинг мутлақ ҳокимиятини ҳимоя қилиш билан бирга, бир қанча ҳуқуқшуносларнинг ижодида кенг маънодаги **қонунийлик ва легизм ғоясини** (умумий эркинлик, барчанинг қонун олдидаги тенглиги ғоясини, крепостной қарамликнинг ҳуқуққа зид ҳодиса сифатидаги танқидини ва бошқаларни) ўз ичига олган эди. Шу муносабат билан, жумладан, «ҳар бир киши эркиндир»<sup>2</sup>, деб таъкидлаган ва ушбу ғояни ўзининг юридик қоидалари ва фикр-мулоҳазаларида амалга оширишга интилган таниқли француз ҳуқуқшуноси **Бомануарнинг** аксилкрепостной нуқтаи назари характерлидир.

Мазкур йўналишдаги ҳуқуқшуносларнинг эътибори позитив ҳуқуққа жамланиши айни вақтда табиий-ҳуқуқий ғоялар ва тасаввурлар тўлиқ инкор этилиши билан бирга кечмаган. Жумладан, **Донелл** табиий ҳуқуқни ва халқлар ҳуқуқини Рим ҳуқуқининг энг яхши қисми сифатида тавсифлаган ва уларнинг ҳаммабоп аҳамиятини эътироф этган<sup>3</sup>.

Ўрта асрлар (табиий-ҳуқуқий ва легистик ихтисосдаги) ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқни тушуниш концепцияси ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ҳамда нисбати муаммосини ишлаб чиқишни сезиларли чуқурлаштирган ва кейинчалик Янги

1. Қаранг: Покровский И.А. Юқоридаги асар. 198-бет.

2. Қаранг: Стоянов А. Юқоридаги асар. 35-бет.

3. Қаранг: Уша жойда. 72-бет.



давр ҳуқуқ фалсафаси ҳамда юридик фани шаклланиши жараёнида салмоқли ўрин тутган.

## Учинчи боб. Янги давр ҳуқуқ фалсафаси

### 1. Гроций

Гуго Гроций (1583-1645 йиллар) - Янги давр «юридик дунёқараши»нинг илк ижодкорларидан бири. У халқаро ҳуқуқнинг замонавий таълимоти қарор топишида, **ҳуқуқ ва давлатнинг янги рационал фалсафаси** асослари шакллантирилишида жуда улкан ҳисса қўшган.

Гроцийнинг бутун ёндашуви асосида **ҳуқуқнинг зарур белгиси сифатида адолат** ғояси ётади. «Негаки, - деб қайд этган у, - ҳуқуқ бу ўринда адолатдан бошқа нарсани англамайди, боз устига тасдиқловчи маънода эмас, балки асосан инкор этувчи маънода англатади, чунки адолатга зид бўлмаган нарса ҳуқуқдир. Адолатга эса ақлга эга бўлган мавжудотларнинг табиатига зид бўлган нарса қарши туради»<sup>1</sup>.

Гроций ҳам, Аристотель изидан бориб, ҳуқуқни **табиий ва хоҳиш-ихтиёр билан ўрнатилган** ҳуқуққа ажратган. «Ҳуқуқни қабул қилинган қийматида энг яхши тақсимлаш, - деб қайд этган у, - Аристотель томонидан тақдим этилган. Аристотелга мувофиқ, бир томондан, табиий ҳуқуқ, иккинчи томондан эса, - хоҳиш-ихтиёр билан ўрнатилган ҳуқуқ мавжуд. Аристотель буни «қонун» сўзидан торроқ маънода ишлатган ҳолда қонуний ҳуқуқ деб атаган. Баъзан эса у буни, ўрнатилган ҳуқуқ деб ҳам атайди. Мана шундай фарқлаш яҳудийларда ҳам учраган. Улар табиий ҳуқуқни «митсвот», ўрнатилган ҳуқуқни эса «кукким» деб атаб, аниқ ифодани беришган, биринчи сўзни эллинчи яҳудийлар юнонча «адолат», иккинчи сўзни эса «юнонча «буюриш»<sup>2</sup> сўзлари билан ифодалаганлар.

**Табиий ҳуқуқ** яҳудийлар томонидан «соғлом ақл кўрсатмаси»<sup>3</sup> сифатида таърифланган.

1. Гроций Г. О праве войны и мира. Три книги, в которых объясняются естественное право и права народов, а также принципы публичного права. М., 1956. С.68.

2. Ўша жойда. 71-бет.

3. Ўша жойда.

Давлат ички ҳуқуқи Гроций томонидан фуқаролик ҳоқимиятидан келиб чиқувчи ҳуқуқ сифатида тавсифланган. Бу - позитив ҳуқуқ (фуқаролик қонунлари) дир. Давлат «ҳуқуққа ва умумий фойдага риоя қилиш учун тузилган эркин одамларнинг мукамал иттифоқи»<sup>1</sup> сифатида таърифланган. Демак, гап **давлатнинг шартномавий концепцияси тўғрисида** бормоқда. «Давлат ички ҳуқуқининг онаси эса, - деб ёзган у, - ўзаро келишувга кўра қабул қилинган мажбуриятнинг ўзи ҳисобланади, ўзаро келишув табиий ҳуқуқдан куч олар экан, табиат давлат ички ҳуқуқининг асосчиси сифатида ном қозониши мумкин»<sup>2</sup>. Шартномаларга (шу жумладан давлатни ўрнатиш тўғрисидаги шартномаларга ва, бинобарин, давлат қонунларига ҳам) риоя қилиш принципини табиий ҳуқуқ тақозо этади, негаки, деб қайд этган Гроций, одамлар ўртасида ўзаро мажбуриятларнинг қандайдир тартиби бўлиши зарур.

Гроцийда табиий ҳуқуқ **илмий тизим** кўринишида давлат ички ҳуқуқи учун зарур асос сифатида намоён бўлган. Давлат ички ҳуқуқи вақт эътибори билан ўзгарувчан ва ҳар хил жойларда (ҳамжамиятларда) ҳар хилдир. Гроцийнинг фикрича, «юриспруденциянинг табиий, ўзгармайдиган қисмини»<sup>3</sup> ташкил этадиган табиий ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот туфайлигина юриспруденцияга илмий, назарий фан шакли ва хусусиятини бахш этиш мумкин.

Гроций, табиий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан, маъмурларнинг ҳуқуққа зид ҳаракатлари устидан табаанинг қаршилик кўрсатишга бўлган ҳуқуқини эътироф этган: «табиатан барча ўзига нисбатан зўравонлик қилинишига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эга» ва шу сабабли маъмурларнинг табиий ҳуқуққа ҳамда илоҳий амрга зид бўлган буйруқларига амал қилмаслик керак»<sup>4</sup>.

Гроций уруш ва тинчлик ҳуқуқини тадқиқ этишда уруш табиий ҳуқуққа зид эмаслигини, «табиатан ҳар ким ўз ҳуқуқининг ҳимоячиси бўлиб, бизга қўл шунинг учун»<sup>5</sup> берилганлигини қайд этган. Уруш, шунингдек, илоҳий қонун-

1. Ўша жойда. 74-бет.

2. Ўша жойда. 48-бет.

3. Ўша жойда. 52-бет.

4. Ўша жойда. 159-бет.

5. Ўша жойда. 50-бет.

лар ва халқлар ҳуқуқи билан ҳам тақиқланмаган. Бироқ бу, барча урушлар адолатлидир, деган гап эмас. Гроций адолатли ва адолатсиз урушларни фарқлаб, ушбу муаммога ўз юридик ёндашуви руҳида «уруш бошланишининг адолатли сабаби ҳуқуқ бузилишидан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас»<sup>1</sup>, деб қайд этган.

Гроций **жаҳон ҳамжамиятининг** барча одамлар, халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда тенглик, ҳамкорликнинг рационал-ҳуқуқий принципларига, суверен давлатлар томонидан ихтиёрий ўрнатиладиган ва изчил риоя этиладиган **ягона халқаро ҳуқуқ-тартибот ғоясига** асосланган, **янги типини** шакллантириш зарурлигини асослаб берган.

## 2. Фрэнсис Бэкон

Фрэнсис Бэкон (1561-1626 йиллар) қонун назарияси соҳасида янги фалсафий-ҳуқуқий ғояларни асослаган. Унинг «Фанларнинг буюк тикланиши» дастурий асарида фалсафий-ҳуқуқий муаммоларга махсус бўлим бағишланган. Бўлим «Бир бобда, афоризмлар шаклида умумий адолат, ёки ҳуқуқ манбалари тўғрисидаги трактат намунаси»<sup>2</sup>, деб ўзига хос номланган.

«Умумий адолат» муаммоси Бэкон томонидан **позитив ҳуқуқнинг зарур сифатлари**, унинг манбалари ва бошқалар жиҳатидан талқин қилинади. «Фуқаролик жамиятида, - деб ёзади у, - ё қонун, ёки зўравонлик ҳукмронлик қилади. Бироқ зўравонлик баъзан қонун қиёфасига киради ва, баъзи қонунларда ҳуқуқий тенгликдан кўра кўпроқ зўравонлик тўғрисида сўз боради. Шундай қилиб, адолатсизликнинг учта манбаи мавжуд. Булар: зўравонлик, қонунни ниқоб қилиб олган бадният маккорлик ва қонуннинг ўзининг ёвузлиги» (Афоризм I).

Бэкон асл қонун («ҳуқуқий тенглик» принципини ўз ичига олувчи зўравонликка қарши турувчи ҳамда «умумий адолат» талабини ифодаловчи адолатли қонун) билан расмий

1. Ўша жойда. 68-бет.

2. Қаранг: Бэкон Ф. Соч. Т.1. М., 1971. С.507-536. Ушбу трактат қоидаларига ҳаволалар кейинчалик матннинг ўзида тегишли ҳикматли сўзларнинг тартиб рақами курсатилган ҳолда келтирилади.

қонун (фақат «қиёфасига», шакли ва номига кўра, бир сўз билан айтганда, адолатсиз, зўравон, қонунга зид қонун) ўртасидаги фарқни кўрган. Гап, аслида, **ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш** тўғрисида боради<sup>1</sup>. Бэкон айнан адолатли (ҳуқуқий) қонунларни назарда тутиб, «қонунлар - давлатнинг лангаридир», деб ёзган эди (Афоризм XXVIII).

Қонун жавоб бериши керак бўлган асосий талаблар қуйидагича ифодаланган: «Қонунни, агар унинг маъноси аниқ бўлса, агар унинг талаблари адолатли бўлса, агар у осон ижро этилса, агар у давлат шаклига мувофиқ келса, агар у фуқароларда эзгулик уйғотса, яхши қонун дейиш мумкин» (Афоризм VII).

Умуман Бэконнинг позитив қонун хоссалари, позитив қонун (позитив қонуннинг бошқа манбалари) қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги мулоҳазалари зарур ва адолатли қонун тўғрисидаги табиий-ҳуқуқий тасаввурларнинг фалсафий-ҳуқуқий аниқлаштирилиши ва позитив экспликацияси ҳисобланади.

### 3. Гоббс

Томас Гоббснинг (1588-1679 йиллар) ҳуқуқ ва давлат фалсафасига яққол ифодаланган этатик хусусият хосдир.

Гоббснинг таълимотида табиий ҳолатнинг (барчанинг барчага қарши уруши ҳолатининг) давлатга (фуқаролик ҳолатига) принципиал зид қўйилишига муҳим аҳамият берилади.

Табиий ҳолатда умумий ҳокимият йўқ, қонун йўқ, адолат йўқ. Бунда, шунингдек, мулк, эгалик, сеники билан меники ўртасида фарқ йўқ. Ҳар ким табиий ҳолатда барча нарсага ҳуқуқлидир - унинг табиий ҳуқуқи ва табиий эркинлиги мана шундадир.

Гоббс бўйича, **табиий ҳуқуқни** (*ius naturale*) **табиий қонун** (*lex naturalis*) билан - кўрсатма ёки ақл билан топилган, инсонга унинг ҳаёти учун ҳалокатли бўлган ёки унинг яшаши учун уни воситалардан маҳрум этадиган ишларни қилиш ва

1. Қонунни адолат сифатида бэконча бундай тавсифлашнинг табиий-ҳуқуқий аҳамияти унинг қуйилаги сўзларилан кўриниб турибди: «Одамлар табиатдан табиий-ҳуқуқий олам ва табиий қонунлар таъсири остида шаклланган эзгу иш, иллат, адолат, адолатсизлик, ёвузлик сингари айрим ахлоқий тушунчаларга эга эканлиги олий даражада тўғридир». - Бэкон Ф. Соч. Т.1. С.539.

у ҳаётини сақлаб қолиши учун энг яхши восита деб ҳисобланганларини қўлдан чиқариб юбориш тақиқланадиган умумий қоида билан аралаштириб юбормаслик керак. «Гарчи бу ҳақда ёзувчилар, одатда, ушбу тушунчаларни аралаштириб юборсалар ҳам, ius ва lex ўртасидаги, ҳуқуқ билан қонун ўртасидаги тафовутни фарқлаш зарур: негаки ҳуқуқ бирор нарсани қилиш ёки қилмаслик эркинлигидан иборат, боз устига қонун ушбу муқобилнинг у ёки бу аъзосига нима қилиш кераклигини белгилаб беради ва юклайди, шундай экан қонун ва ҳуқуқ айни бир нарсага нисбатан келиша олмайдиган мажбурият ва эркинлик сингари бир-биридан фарқ қилади»<sup>1</sup>.

Инсон - ақлли мавжудот, умумий қоида ва ақлнинг кўрсатмаси эса, Гоббсга кўра, бундай жаранглайди: *«Ҳар қандай киши тинчликка эришиши керак, чунки унда унга эришиш умиди бор, агар у бунга эриша олмаса, у ҳолда урушда афзаллик берадиган ҳар қандай воситадан фойдаланиши мумкин»*<sup>2</sup>. Гоббснинг ақл максимининг биринчи қисми биринчи ва тағзаминли табиий қонун сифатида намоён бўлади: **тинчликни излаш ва унга амал қилиш зарур.**

Гоббс, дедукцияга мурожаат қилиб, ушбу асосий табиий қонундан одамлар ўртасидаги фуқаролик тотувлигини излаш қоидаларини аниқлаштирувчи бир қанча бошқа табиий қонунларни келтириб чиқарган.

**Табиий қонулар ўзгармас ва абадийдир.** Гоббс табиий қонулар тўғрисидаги фанни инсон хатти-ҳаракатлари ва ижтимоий ҳаётдаги эзгулик ҳамда ёвузлик тўғрисидаги фан сифатида, ягона ва ҳақиқий **ахлоқ фалсафаси**, деб тавсифлаган.

Гоббс давлатнинг (civitas) шартномавий тузилиши жараёнини тавсифлаб ёзган: «Ўша буюк Левиафаннинг, ёки, аниқроғи, (кўпроқ эҳтиром маъносида), ўша ўлмас худонинг туғилиши мана шу тахлит юз берди. Биз ўлмас худо ҳукмронлиги остида ўз тинчлигимиз ва ҳимояланганлигимиз учун қарздормиз. Чунки давлатдаги ҳар бир кишининг унга берилган ваколати туфайли кўрсатиб ўтилган инсон ёки шахс-

1. Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского. М., 1936. С.115. - Қонун ва ҳуқуқнинг бундай бир-бирига қарама-қарши қўйилиши уларнинг умумийлигини инкор этади ҳамда одамларнинг эркинлигини ҳуқуқий эътироф этиш ва ҳимоя қилишни рад этади.

2. Ўша жойда. 118-бет.

лар йиғини ўзида жамланган шундай улкан куч ва ҳокимиятга эгаки, ушбу улкан куч ва ҳокимият соладиган даҳшат ушбу инсонни ёки шахслар йиғинини барча одамларнинг иродасини ички тинчликка ва ташқи душманга қарши ўзаро ёрдамга йўналтиришга лаёқатли қилади. Давлатнинг моҳияти мана шу инсонда ёки шахслар йиғинидадир. У алоҳида шахс сифатида белгиланиши мумкин. Ушбу шахс уларнинг барчасининг кучи ва воситаларидан уларнинг тинчлиги ва умумий ҳимояси учун зарур деб ҳисоблаган миқдорда фойдаланиши мумкин»<sup>1</sup>. Ушбу шахсни ифодаловчи, суверен табаага нисбатан олий ҳокимиятга эгадир. «Суверен ҳокимият, - деб таъкидлаган Гоббс, - давлатнинг қалбидир»<sup>2</sup>.

**Давлатнинг исталган** (демократия, аристократия ёки монархия) **шаклидаги** олий ҳокимият, Гоббснинг фикрича, **мутлақ характерга эга:** у «тасаввур қилиш мумкин бўлган даражада кенгдир»<sup>3</sup>. **Сувереннинг ягона чекланиши** шундаки, у **табiiй қонунларга** риоя қилиши керак, уларнинг бузилганлиги учун у фақат худо олдида жавоб беради.

Фуқаролик (давлат) ҳолатида сўз фуқаролар тўғрисида эмас, балки фақат давлатнинг эркинлиги тўғрисида бориши мумкин. Фуқаролик қонунларининг мақсади айнан «алоҳида одамларнинг эркинлигини чеклашдан»<sup>4</sup> иборатдир. Гоббс ўзининг қонунга **легистик-этатик ёндашишини** қуйидаги дастурий сўзларда шакллантирган: «қонуннинг ҳуқуқий кучи фақат у сувереннинг буйруғи эканлигидадир»<sup>5</sup>.

Умуман Гоббснинг ҳуқуқ ва давлат фалсафаси аксиллиберал ва аксилиндивидуалистик характерга эга. Унда **ҳуқуқий қонун ғояси**, қонун ва давлатни цивилизацияли, фуқаролик ҳолатидаги эркинлик шакли сифатида тушуниш **мавжуд эмас**.

#### 4. Локк

Шаклланаётган либерализм ғоялари Жон Локкнинг (1632-1704 йиллар) фалсафий-ҳуқуқий таълимотида изчил асосланган ва ҳимоя қилинган.

1. Ўша жойда. 146-147-бетлар.

2. Ўша жойда. 179-бет.

3. Ўша жойда. 171-бет.

4. Ўша жойда. 210-бет.

5. Ўша жойда. 214-бет.

Табиий (давлатдан олдинги) ҳолатда, Локк бўйича, табиий қонун, табиат қонуни ҳукмронлик қилади. Локк Гоббсдан фарқли ўлароқ, инсон табиий ҳолатда ўз манфаатларини кўзлаб ва **ўзини (ўз ҳаётини, эркинлигини ва мулкни)** ҳимоя қилиб, бошқаларга зиён етказмасликка интилади, деб ҳисоблаган<sup>1</sup>. Бироқ ҳимоя қилишнинг ушбу ҳолатда мавжуд бўлган уюшмаган якка тартибдаги воситалари ва шакллари ҳаёт хавфсизлигини, мулк дахлсизлигини ва бошқаларни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

Табиий ҳолат нуқсонларини оқилона енгиб ўтиш, Локк фикрича, сиёсий ҳокимият ва давлатни таъсис этиш тўғрисидаги **жамоа шартномаси тузилишига** олиб боради. Ҳар бир кишининг яшашга, эркинликка ва мулкка бўлган табиий ҳуқуқларини таъминлаш «одамларнинг давлатга бирлашиши ва ўзларини ҳукуматнинг ҳокимияти остига топширишларининг буюк ва бош мақсади ҳисобланади»<sup>2</sup>. Бунда Локк (Гоббсга зид равишда) давлат таъсис этиш тўғрисидаги шартнома бўйича **одамлар ўзларининг асосий табиий ҳуқуқларидан воз кечмайдилар, бунинг устига табиат қонуни ҳам (ақл қонуни сингар)** давлат ҳолатида ҳам амал қилишда давом этади, бу билан сиёсий ҳокимиятнинг ваколатлари ва фаолияти хусусияти ҳамда чегараларини белгилайди, деб таъкидлаган.

Сиёсий ҳокимият ўзининг шартномавий вазифасига мувофиқ келиши ва бир шахс ёки органнинг қўлида тўпланган мутлақ ва деспотик кучга айланмаслиги учун ҳокимиятлар тегишлича (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федератив ҳокимиятга) бўлиниши зарур. Барча учун мажбурий бўлган қонунлар чиқаришга доир мутлақ ҳуқуққа эга бўлган қонунчилик ҳокимияти, Локк фикрича, олий ҳокимият, қолган ҳокимиятлар унга бўйсунувчи ҳокимиятлар ҳисобланади. У, айниқса, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бир органда тўпланишига йўл қўйиб бўлмаслигини ва бу хавфли эканлигини қатъият билан таъкидлаган.

«Ҳокимиятнинг ҳар қандай ноқонуний намоён бўлишига қаршилик кўрсатиш доктринаси»<sup>3</sup> давлатнинг Локкча шартномавий концепциясининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бун-

1. Локк Д. Избранные философские произведения. Т.2. М., 1960. С.8.

2. Ўша жойда. 72-бет.

3. Ўша жойда. 116-бет.

дай қаршилиқ кўрсатишнинг қонунийлиги, шу жумладан деспотик ҳокимиятга қарши **халқнинг қўзғолон кўтаришга бўлган ҳуқуқи** давлатни таъсис этган халқнинг суверен ваколатларига бориб тақалади.

Локк фалсафий-ҳуқуқий таълимотининг катта фазилати **эркинлик ва ҳуқуқ, эркинлик ва қонун** (табиий ва фуқаролик) ўртасида зарур ички алоқанинг талқин қилинишидан иборатдир. Локк Гоббснинг ёндашувини танқид қилиб бундай деб таъкидлаган: «Ҳар хил сохта талқинларга қарамай, эркинликни чеклаш ва йўқ қилиш эмас, балки уни кенгайтириш қонуннинг мақсади ҳисобланади. Негаки қонунга эга бўлишга қодир бўлган жонли мавжудотларнинг барча ҳолатида қонунлар бўлмаган жойда эркинлик ҳам йўқдир»<sup>1</sup>. Локк давлат ҳолатида эркинлик ва қонуннинг ўзаро алоқасини ўзича тушунишни куйидаги тарзда шакллантирган: «Ҳукуматнинг ҳокимияти остидаги одамларнинг эркинлиги ушбу жамиятда ҳар бир киши учун умумий бўлган ва қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан белгиланган, унда барпо этилган ҳаёт учун доимий қоидага эга бўлишдан иборатдир; бу - қонун тақиқламаган барча ҳолларда ўз хоҳишимга амал қилишим эркинлиги ва бошқа инсоннинг беқарор, ноаниқ, номаълум ўзбошимча иродасига боғлиқ бўлмаслиқдир»<sup>2</sup>. Давлат ҳолатида эркинликнинг кафолатланганлиги, Локк фикрича, муайян ва барча учун умумий бўлган қонун, ўз ишини яхши билган ва холис одилсудлов, ниҳоят, одил суд қарорларини ҳаётга татбиқ этишга қодир бўлган ҳукмга эга оммавий кучнинг мавжудлиги билан таъминланади.

Давлатда олий (қонун чиқарувчи) ҳокимият томонидан чиқариладиган қонунлар, Локк таълимотига кўра, табиий қонуннинг (табиат қонунининг) хоҳиш-иродаси, унинг томонидан назарда тутилган инсоннинг туғма ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларига мувофиқ бўлиши керак.

## 5. Монтескье

Монтескье (1689-1755 йиллар) фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотларининг асосий мавзуси - сиёсий эркинликдир. Адолат-

1. Ўша жойда. 34-бет.

2. Ўша жойда. 16-бет.



ли қонунлар ва давлатчиликнинг зарур даражада ташкил этилиши уни таъминлашнинг зарур шартлари ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш ва уларнинг нисбати муаммоси Монтескье таълимотида табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқ нисбатининг анъанавий шаклида эмас, балки **«қонунлар руҳи» ва қонунларнинг ўзининг нисбати** сифатида тақдим этилади. Бунда «қонунлар руҳи» деганда қонунлардаги қонунийлик (оқилоналик, зарурлик) назарда тутилади. Монтескье инсоннинг ақлли табиати, нарсалар табиати ва бошқалар тўғрисидаги рационалистик тасаввурларга таяниб, тарихан ўзгарувчан позитив қонунлар мантигини, уларни тугдирадиган омиллар ва сабабларни англаб олишга интилган.

Монтескье ўз ёндашувини тавсифлаб бундай деб ёзган эди: «Мен одамларни ўрганишдан бошладим ва уларнинг қонунлари ҳамда ахлоқининг барча чексиз тафовутлари фақат улар фантазиясининг ўзбошимчалигидан келиб чиқмаганлигини аниқладим. Мен умумий асосларни аниқладим ва хусусий ҳодисалар гўё ўз-ўзича унга бўйсунини, ҳар бир халқнинг тарихи оқибат сифатида ундан келиб чиқишини ва ҳар қандай хусусий қонун бошқа қонунлар билан алоқадор ёки кўпроқ умумийроқ бошқа қонунга боғлиқ эканлигини кўрдим»<sup>1</sup>.

Бундай ёндашув мазмунига кўра, ҳуқуқий асос (ҳуқуқнинг мазмуни ва моҳияти) - бу позитив ҳуқуқдан принципиал жиҳатдан фарқ қиладиган табиий ҳуқуқ эмас, балки позитив қонунларнинг ўзининг «руҳи»дир, яъни қонунларнинг «умумий асоси»ни белгилаб берувчи, уларнинг ўзида яшовчи қонунийликдир. Шу билан бирга Монтескье «қонунлар руҳи»нинг табиий қонундан принципиал фарқини аниқ белгилашга ва пухта амалга оширишга муваффақ бўлмаган. Шу сабабли унинг қонунлар тўғрисидаги таълимотида «қонунлар руҳи»га тақаштириладиган табиий-ҳуқуқий келиб чиқиш тўғрисидаги қоидалар (масалан, қонунларнинг оқилоналиги ва адолатлилиги тўғрисидаги априор қоидалар) юридик-позитивистик ва легистик-социологик кўринишдаги тасаввурлар билан (айниқса, «қонунлар руҳи» қонунларнинг хусусиятига таъсир кўрсатувчи ҳар хил ижтимоий, сиёсий, жуғро-

1. Монтескье Ш. О духе законов // Избранные произведения. М., 1955. С.159.

фий ва бошқа омиллар мажмуасининг амал қилиши натижасида тушуниладиган ўринларда) ёнма-ён юради.

Монтескье талқинида ижобий (инсоний) қонун адолатнинг ва адолатли муносабатларнинг ҳолисона хусусиятини тақозо этади. «Одамлар томонидан яратилган қонунлардан олдин, - деб таъкидлаган Монтескье, - адолатли муносабатлар бўлиши керак эди. Ижобий қонунлар томонидан йўл берилган ёки тақиқлангандан ташқари на адолатли, на адолатсиз ҳеч нарса йўқ дейиш, демак, доира чизилмасдан олдин унинг радиуслари ўзаро тенг бўлмаган, дейишдир»<sup>1</sup>.

Монтескьенинг ушбу қоидаларидан у сўз юритаётган «адолат» унинг томонидан анъанавий табиий ҳуқуқ хазинасидан олинганлиги ва табиий-ҳуқуқий мазмунга эга эканлиги яхши кўриниб турибди. Ҳар ҳолда унинг концепциясида «қонунлар руҳи» нима учун ва қай тарзда қонунлар **адолатини** тақозо этиши ва **ушбу адолат табиий-ҳуқуқий адолатдан** нима билан фарқ қилиши кўрсатилмаган.

Қонунни юзага келтирувчи зарур муносабатларни (яъни қонун ҳосил қилувчи муносабатлар ва омилларни) тадқиқ этиш жараёнида Монтескье, энг аввало, мазкур халқ учун ўрнатиладиган қонун мувофиқ бўлиши керак бўлган халқнинг хусусиятлари ва хоссаларига эътиборни қаратган. Сўнгра ижобий қонунларнинг табиатга ва ҳукуматни ўрнатиш принципларига (яъни бошқарув шаклига), мамлакатнинг жуғрофий омиллари ва физик хоссаларига, унинг мавқеига ва ҳажмларига, унинг иқлимига (совуқ, иссиқ ёки мўътадил иқлимига), тупроқнинг сифатига, аҳолининг турмуш тарзига (деҳқонлар, овчилар, савдогарлар ва ҳоказолар), унинг сонига, бойлигига, майлларига, ахлоқига, урф-одатларига ва бошқаларга мувофиқ бўлиши зарурлигига катта эътибор берилган.

Жумладан, Монтескье бошқарувнинг турли шакллари табиатининг қонунчиликка таъсири тўғрисида сўз юритиб, овоз бериш ҳуқуқини ҳамда сайланган вакиллар (давлатнинг мансабдор шахслари) устидан назоратни белгиловчи қонунлар **демократия учун** асосий қонун эканлигини таъкидлаган. **Аристократия учун** халқнинг бир қисмининг қонунлар чиқа-

1. Ўша жойда. 164-бет.

риш ва уларнинг ижросини кузатиш ҳуқуқини белгилаб берувчи қонунлар асосий қонунлар ҳисобланади. Монтескье **монархиянинг** асосий қонунларига дворянларнинг мавқеи ва ҳокимиятини белгилаб берувчи қонунларни киритган. Қонунлар аслида мавжуд бўлмаган ва уларнинг ўрнини ўзбошимчалик ва мустабиднинг инжиқлиги, дин ва урф-одатлар эгаллаган **мустабидлик бошқаруви** шароитида тўлиқ ҳокимиятга эга бўлган вазир лавозимини таъсис этиш асосий қонун ҳисобланади.

Бошқарувнинг «қонунлар ўз манбаидан чиқиб келгандек келиб чиқадиган»<sup>1</sup> тегишли шакли принципи қонунчиликка янада катта таъсир кўрсатади. Республикада (айниқса демократик республикада) - **саховат**, монархияда - **шон-шараф**, мустабидликда - **қўрқув** мана шундай принцип ҳисобланади.

Монтескье **қонун ва эркинлик нисбатини** тадқиқ этиб, сиёсий эркинлик тўғрисидаги қонунларнинг икки турини фарқлаган: 1) сиёсий эркинликнинг давлат тузилишига муносабатини белгиловчи қонунлар ва 2) сиёсий эркинликнинг фуқарога муносабатини белгиловчи қонунлар. Сўз, бинобарин, қонунчилик йўли билан мустаҳкамланиши керак бўлган **институционал ва шахсий жиҳатлар** ҳақида бормоқда.

Монтескье фикрича, сиёсий эркинлик демократия ёки аристократияда, айтиқса, мустабидликда эмас, балки **муътадил бошқарувларда** мумкиндир. Бироқ муътадил бошқарувларда ҳам, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш имконияти мавжуд бўлмаган жойларда, сиёсий эркинлик бўлади, бунинг учун давлатда **ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишига** эришиш зарур.

Ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро тийилиши тизими, Монтескьега мувофиқ, сиёсий эркинликнинг давлат тузилиши билан муносабатларида сиёсий эркинликни таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Бунда у сиёсий эркинлик ким нимани хоҳласа, шуни қилишини англатмаслигини таъкидлаган. «Давлатда, яъни қонунлар мавжуд бўлган жамиятда, - деб ёзган Монтескье, - эркинлик хоҳламаган нарсани қилишга мажбур этилмасдан, хоҳлаган нарсани қилиш имконияти мавжуд бўлишидангина иборат бўлиши мумкин...

1. Ўша жойда. 169-бет.

Эркинлик қонунлар томонидан ижозат берилган барча нарсани қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро ушбу қонунлар билан тақиқланганини қила олганда эди, у ҳолда унда эркинлик бўлмаган бўлур эди, чунки бошқа фуқаролар ҳам шу ишни қилган бўлур эдилар»<sup>1</sup>. Сиёсий эркинлик эса, Монтескьёга кўра, унинг давлат тузилишига муносабати жиҳатидан эмас, балки алоҳида фуқарога нисбатан (эркинликнинг шахслантирилган жиҳати), фуқаронинг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Монтескьёга мувофиқ, мўтадиллик қонунчилиқнинг асос принципи ҳисобланади: «мўтадиллик руҳи қонунчилик руҳи бўлиши керак»<sup>2</sup>. Умуман олганда, Монтескьё таълимотида **қонун ва ҳуқуқнинг нисбати «қонунлар руҳи» ва позитив қонунчилик нисбати** сифатида намоён бўлади, боз устига «қонунлар руҳи»да табиий-ҳуқуқий ва юридик-позитивистик хусусиятга эга бўлган элементлар зоҳир бўлади.

## 6. Руссо

Ж.Ж.Руссонинг (1712-1778 йиллар) ҳуқуқ, давлат, қонун тўғрисидаги фалсафий таълимоти асосида халқ суверенитети ғояси ётади.

Унинг талқинида табиий ҳолат - умумий эркинлик ва тенглик тизимидир. Бироқ табиий тенгликка зид бўлган хусусий мулкчилик ва ижтимоий тенгсизлик пайдо бўлиши билан камбағаллар ва бойлар ўртасида кураш бошланади. Барча бўйсунадиган давлат ҳокимияти ва қонун барпо этиш тўғрисидаги битим ёрдамида бундай ҳолатдан чиқиш йўли топилган. Бироқ камбағаллар ўзларининг табиий ҳуқуқларини йўқотиб, сиёсий эркинлик олмаганлар. Сиёсий нотенглик билан тўлдирилган хусусий мулкчиликнинг нотенглиги, Руссога мувофиқ, пировард натижада деспотизм шароитида мутлақ нотенгликка олиб келган. Бундай шароитда мустабидга нисбатан барча ўзининг қуллиги ва ҳуқуқсизлиги билан тенгдир.

Руссо жамият ва давлатни ривожлантиришнинг бундай йўналиши инсоният учун сохталлиги, иллатлилиги ва ҳало-

1. Ўша жойда. 289-бет.

2. Ўша жойда. 642-бет.

катли эканлигини фoш этиб, тарихни «тўғрилаш»нинг ўз лойиҳасини - халқлар ва ҳукмдорлар ўртасидаги чинакам шартнома сифатида Сиёсий организм ташкил этилиши зарурлигини илгари сурган. Руссонинг фикрича, ижтимоий шартноманинг оқибатлари қуйидагилардан иборат: «Ушбу уюшмавий ҳужжат шартномавий муносабатларга киришувчи алоҳида шахслар ўрнига дарҳол шартли жамоавий Яхлитни барпо этади, ушбу Яхлит умумий йиғилиш қанча овозга эга бўлса, шунча аъзога эга бўлади. Ушбу Яхлит бундай ҳужжат натижасида ўз бирлигига, ўз умумий менига, ўз ҳаёти ва иродасига эга бўлади. Бошқа барчанинг бирлашиши натижасида шаклланган юридик шахс қачонлардир *Фуқаролик жамоаси* деб аталган, ҳозир эса *Республика* ёки *Сиёсий организм* деб аталади; унинг аъзолари ушбу Сиёсий организмни пассив бўлганда *Давлат* деб, фаол бўлганда *Суверен* деб, унинг ўзига ўхшашлар билан таққослаганда *Салтанат* деб аташади. Уюшма аъзоларига келганда эса, улар жам бўлиб *халқ* деган, алоҳида ҳолда эса олий ҳокимиятда иштирок этувчилар сифатида *фуқаро* деган, Давлатнинг қонунига бўйсунувчилар сифатида *табаа* деган ном олади<sup>1</sup>.

**Аниқ-тарихий жиҳатдан** Руссо гоялари бевосита унга замондош бўлган феодал тузумга қарши қаратилган ва илғор эди.

Бироқ Руссо таълимотида **назарий-концептуал жиҳатдан** доимий равишда эркинликка, тенглик ва ҳуқуққа мурожаат қилинганига қарамай, ушбу таълимотни ҳуқуқий эркинлик ва ҳуқуқий қонун қадриятлари, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан мувофиқлаштириш қийин.

Умумий шартнома асосида ётадиган **умумий ирода** суверен ва унинг ҳужжатлари (қонунлари)да ўз ифодасини топади. Бунда Руссо умумий иродани **барчанинг иродасидан** фарқлаган: умумий ирода умумий манфаатларни назарда тутади, барчанинг иродаси эса - хусусий манфаатларни ифодалайди ва ўзида бор-йўғи хусусий шахсларнинг индивидуал хоҳишлари мажмуидан иборат бўлади. «Бироқ, - деб изоҳлаган Руссо, - ушбу хоҳиш-иродадан ўзаро бир-бирини йўқ қилувчи

1. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре, или Принцип политического права // Трактаты. М., 1969. С.161-162.

зидликни чиқариб ташланг; қолган тафовутларни қўшиш натижасида умумий иродага эга бўлинади»<sup>1</sup>.

Руссонинг ушбу таълимотидан жамоа шартномаси сиёсий организмга (давлатга) унинг барча аъзолари (битим қатнашчилари) устидан чекланмаган ҳокимиятни беради, деган фикр келиб чиқади; умумий ирода томонидан йўналтириладиган ушбу ҳокимият **халқнинг ягона, бўлинмайдиган ва олиб қўйилмайдиган суверенитетидир**.

Руссо шу нуқтаи назардан **инсоннинг ажралмас табиий ҳуқуқлари ғоясини** инкор этади. Бироқ Руссо ҳар бир алоҳида индивиддан ижтимоий шартнома бўйича ташкил этиладиган бутун (халқ, суверен, давлат) фойдасига табиий ҳуқуқ ва эркинликлар кўринишидаги **ажралмас** нарса шартномавий белгиланган (позитив) ҳуқуқ ва эркинликлар сифатида **унга қайтарилади** (бирок ушбу бутуннинг ажралмас қисми сифатида - фуқарога қайтарилади), деб ҳисоблаган. Унинг сўзлари билан айтганда, бамисоли одамлар табиий турмуш тарзи фуқаролик турмуш тарзи билан «алмаштирилади». Боз устига айрим ҳуқуқлардан воз кечиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш «муқобил» бўйича, «тенг қийматли қоплаш»<sup>2</sup> тартибида юз беради. Бошқача айтганда, зарур санкциясиз табиий ҳуқуқ зарур санкцияга эга бўлган муқобил шартномавий (позитив) ҳуқуқ билан алмаштирилади.

Бироқ суверен билан табаа ўртасидаги ушбу идилистик муносабатлар Руссонинг ўзининг **суверен ўз қонунларига боғланиб қолмаган** ва «судьялардан ҳам, Қонундан ҳам юқори туради»<sup>3</sup>, деган фикри туфайли тамомила емирилади. Суверен табаага ҳаёт бахш этиш ва уни ўлимга маҳкум қилишда сўзсиз ҳуқуққа эга.

Руссонинг давлат тўғрисидаги таълимотида, ҳуқуқий эркинлик ва ҳуқуқий давлатчилик ғоялари ва конструкцияларида мажму ҳолда ифодаланган барча назарий ва амалий далиллар **инкор этилади**. Шунингдек, қонун ва қонунчиликнинг Руссоча демократик концепцияси учун ҳам айнан ҳуқуқий асослар, мезонлар ва йўналишлар, бир сўз билан айтганда, **юридик ҳуқуқни тушуниш ва ҳуқуқий қонун ғояси**

1. Ўша жойда. 175-бет.

2. Ўша жойда. 156, 161, 174-бетлар.

3. Ўша жойда. 170-бет.

**етишмайди**, чунки қонунчилик соҳасидаги барча нарса бирор-бир объектив ҳуқуқий асос билан чекланмаган сувереннинг умумий иродаси билан белгиланади.

## 7. Кант

И. Кант (1724-1804 йиллар) ижодида ҳуқуқ ва давлат муаммоларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилган.

Кант агностицизми мазмуни (фақат ҳодисаларни билиш мумкинлиги, «наrsa» ўзида»ни, шунингдек «ирода эркинлиги», «руҳ ўлмаслиги», «худолар турмуши» ва бошқа типдаги моҳиятларни билиб бўлмаслиги)га кўра, **назарий ақл** «инсон нима қилиши мумкин?», «инсон нимага умид қилиши мумкин?» деган саволларга эмас, балки фақат «инсон нимани билиши мумкин?» деган саволга жавоб бериши мумкин, холос. Назарий ақл билан билиб бўлмайдиган сўнгги икки савол, Кант фикрича, амалиёт, **амалий иш** - лозимлик соҳаси муаммоларидир. Бунда ақлнинг трансцендентал ғоялари билиш ролини эмас, балки атиги регулятив (тартибга солувчи) роль ўйнайди. Шу сабабли Кантнинг **метафизикаси (ахлоқ ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимоти)** социал регуляторлар, ижтимоий муносабатлардаги ва умуман инсон хатти-ҳаракатларидаги лозимлик ва нолозимлик тўғрисидаги таълимот, ўзига хос **соционормативистика** сифатида намоён бўлади.

Трансцендентал ғояларнинг регулятив аҳамияти улар ақл фаолиятига (ва ақлли мавжудот сифатида инсоннинг хатти-ҳаракатларига) йўналиш, мўлжал ва мақсад бахш этишида намоён бўлади: **ақлнинг апрор максимлари лозимлик кўринишида амалий соҳа учун қонун ва қондалар сифатида намоён бўлади**, бу билан ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни англатади.

**Инсон эркинлиги**, шахснинг маънавий мустақиллиги ва автономиясини, унинг лозимлик қоидаларини ўзи белгилаш, ташқаридан бўладиган мажбурлашсиз ва тазйиқларсиз уларга риоя қилиш қобилияти ҳамда ҳуқуқини белгиловчи эркин иродаси Кант этикасининг асосий трансцендентал ғояси ва биринчи постулати ҳисобланади.

Инсон эмпирик моҳият ва унинг хулқ-атвори, бутун хатти-ҳаракати (табиатнинг, умуман ҳодисалар оламининг бир

қисми) сифатида умумий каузалликка ва ташқи заруриятга бўйсундирилган, шундай экан, умуман эркинлик бўлмаган моҳият нуқтаи назардан инсон ва унинг хулқ-атвори ҳам эркин эмас. Бироқ модомики инсон эмпирик ҳодиса (феномен)гина эмас, балки трансцендентал моҳият (ноумен) экан, унга эркинлик хосдир ва бу жиҳатдан унинг хулқ-атвори ташқи (феноменал) заруриятдан, детерминациялар ва каузаликлардан мутлақо мустақил бўлган эркин ирода ҳодисаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

Эркин ирода айни вақтда ахлоқий қонун чиқарувчи (ўрнатувчи) ва ахлоқий қоидаларни (ақл максимларини) ихтиёрий ижро этувчи ҳам ҳисобланади, боз устига Кант эркин ахлоқий хулқ-атворда шахс *«фақат ўз қонунига, лекин шунга қарамай, умумий қонунчиликка»*<sup>2</sup> бўйсунганини (ахлоқ соҳасидаги ўз кашфиёти сифатида) алоҳида таъкидлаган.

Ушбу фикр қуйидаги **қатъий талабда** аниқ зоҳир бўлади: «Унга амал қилиб сен айни вақтда у умумий қонунга айланишини истайдиган максимга мувофиқ иш тут»<sup>3</sup>.

Кантнинг қатъий талаби ҳуқуққа татбиқан қуйидагини амр этади: «...Зоҳиран шундай иш тутгинки, сенинг ўзбошимчалигинг эркин намоён бўлиши умумий қонунга мувофиқ бўлсин, ҳар бир кишининг эркинлигига мос келсин»<sup>4</sup>.

**Ақл ғоялари талаб этадиган ҳуқуқни** назарда тутган ҳолда, Кант уни қуйидагича таърифлаган: «Ҳуқуқ - эркинликнинг умумий қонуни нуқтаи назаридан бир киши (шахс)нинг ўзбошимчилиги бошқа кишининг ўзбошимчилигига мувофиқ келадиган шарт-шароитлар мажмуидир»<sup>5</sup>.

Кант ҳуқуқни бундай тушунишда шахснинг маънавий автономияси гоёсига, унинг мутлақ ўзини-ўзи қадрлашига, унинг ўзига ўзи қонун бера олиш қобилиятига, ўз бурчини

1. Кант И. Соч. Т.4. Ч.1. С.413.

2. Ўша жойда. 274-бет. - Ушбу мос келиш кантча ахлоқнинг юридиклаштирилишига мувофиқ келади: аслида ҳуқуқ принципи - «умумий қонунчилик» принципи Кантда (ҳамма ва ҳар ким учун) ахлоқ принципидир (унинг тоифали императиви мазмунига кўра).

3. Ўша жойда. 260-бет.

4. Ўша жойда. Т.4. Ч.2. С.140.

5. Ўша жойда. 139-бет.



билиши ва уни амалга ошира олишига таянади<sup>1</sup>. Эркинликнинг ва барча одамлар учун умумий қонуннинг бўлиши мумкинлигининг илдизи, Кантнинг фикрича, шахснинг ушбу маънавий автономиясида (яъни ўзини ўзи қадрлашида, ўзи қонун эканлигида ва мустақиллигида)дир.

**Кантнинг маънавий қонун принципи** аслида **расмий-ҳуқуқий тенглик принципининг** (умумийлиги, индивиднинг мустақиллиги, унинг ирода эркинлиги ва ҳоказолар билан биргаликда) **замонавийлаштирилиши ҳисобланади, холос**. Бошқача айтганда, Кантнинг ҳуқуқнинг ахлоқийлиги концепцияси ҳуқуқий мазмунга эга ва ушбу ахлоқийлик **моҳиятига кўра юридик эканлиги** туфайли ҳуқуқ фалсафаси учун аҳамиятлидир.

Айнан мана шу сабабдан, Кантнинг ҳуқуқ тўғрисидаги ахлоқий таълимотида «амалий ақл қонунлар материясидан тамомила маҳрум этилган ва энг юқори қонун сифатида фақат ихтиёрийлик максимининг яроқлилиги шаклини ўрнатишга қодир»<sup>2</sup>, деган ва гўёки Кантнинг қатъий талаби ёрдамида ахлоқий қонун сифатида тақдим этилиши мумкин бўлмаган ҳеч нарса йўқ, деган Гегелча фикрга қўшилиб бўлмайди.

Кантда давлатчилик соҳасида қатъий талабларнинг амалга оширилиши **ҳокимиятлар** (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига) **бўлинган ҳолда давлатнинг ҳуқуқий ташкил этилиши** сифатида намоён бўлади. Давлат - бу, Кант фикрича, «ҳуқуқий қонунларга бўйсундирилган кўплаб одамларнинг бирлашмасидир»<sup>3</sup>. У ҳокимиятнинг бўлиниши мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги белгисига кўра бошқарувнинг икки: **республика** (ҳуқуқий давлатнинг кантча эквиваленти) ва **деспотизм** шаклини фарқлаган ва бир-бирига қарама-қарши қўйган. «Республика, - деб ёзган эди у, - ижро этувчи ҳокимиятни (ҳуқуматни) қонун чиқарув-

1. Ушбу гоёларнинг сезиларли таъсири остида И.Г.Фихте ҳуқуқни ақли, маънавий автоном ва эркин индивидлар уртасидаги муносабат сифатида таърифлаган. - Қаранг: Fichte J. G.Samtliche Werke. Berlin, 1845. В.3. S.557.

2. Гегель. Политические произведения. М., 1978 С.208.

3. Кант И. Соч. Т.4. Ч.2. С.233. - Кант «ҳуқуқий қонунлар» деб давлат қонунларини айтади (айтайлик, ахлоқий қонунлардан фарқлаган ҳолда). Бошқача айтганда, бу биз томонимиздан ривожлантириллаган либертар-юридик ҳуқуқни тушуниш маъносида ҳуқуқий қонун эмас.

чи ҳокимиятдан ажратишнинг давлат прин-ципидир; дес-потизм - ижро этувчи ҳоқимиятга уларнинг ўзлари томонидан берилган давлат қонунларининг ўз ҳукми билан ижро этилиши принципидир; демак, оммавий ирода ҳукмдорнинг хусусий иродаси сифатида намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Умуман **ҳуқуқ ва қонунни** фарқлаш муаммоси Кантда **ахлоқ ва ҳуқуқ** нисбати маъносида очиб берилади (ва алмаштирилади)<sup>2</sup>.

Кантда ахлоқий асосланган қонун - бу трансцендентал го я тақозо этган оқилона ҳуқуқдир. Ахлоқ ва қонуннинг кантча талқинидаги умумийлиги шундан иборатки, уларнинг ҳар иккаласи ақл го яси билан тақозо этилган лозимлик қоидасини ифодалайди<sup>3</sup>. Ахлоқнинг ўзига хослиги, Кантнинг фикрича, ахлоқ (ва унинг қоидалари) бурчни айнан бурчнинг ўзи учун, ҳар қандай ташқи ҳисоб-китобларсиз, аралашувсиз, тақдирлаш ва мажбурлашсиз автоном белгилаш ва ижро этишни талаб қилади.

Кант ахлоқийлик ва легалликни, ахлоқий ва легал хуққатворни инсоннинг ахлоқий қонун талабларига муносабатини белгилаб берувчи мотивлар хусусиятидан келиб чиқиб фарқлаган: биринчи ҳолатда хатти-ҳаракатни соф ахлоқий мотив тақозо этади ва ахлоқий қонуннинг ўзи учун содир этилади, иккинчи ҳолатда хатти-ҳаракатни бошқа (ахлоқий бўлмаган, эҳтимол ахлоқсиз) мотивлар келтириб чиқаради, бироқ ахлоқий қонун талаблари (яъни қонунийлик, легаллик) бузилмайди.

Трансцендентал ақл амри (шахс эркинлиги, унинг ахлоқий автономияси, ахлоқ соҳасида ўзини ўзи ихтиёрий қур-

1. Кант И. Соч. Т.6. С.269.

2. Кант ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотни ахлоқий фалсафа соҳасига киритали (чунончи, у ахлоқ ҳақида «ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот» маъносида гапиради). Бундан фарқли равишда унинг томонидан «юрист, агар у айни маҳалда (ахлоқий жиҳатдан) файласуф бўлмаса», уни «ҳоқимият билан ёнма-ён» турувчи, вазифаси «қонунлар яхшиланишига муҳтожлигини талқин қилмай «мавжуд қонунларни қўлланишдан» иборат қилиб қўйилган қонуншунос сифатида баҳоланади. - Кант И. К вечному миру // Трактаты о вечном мире. М., 1963. С.173,191.

3. Э.Ю.Соловьев бу муъммони «ахлоқ ва ҳуқуқнинг «ўзаро бир-бирини тўлдириши» сифатида талқин қилади. -Қаранг.: Соловьев Э.Ю. Кант: взаимодополнительность морали и права. М., 1992.

бон қилиш принципи, низолар ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ҳамда ҳал этишнинг ҳуқуқий шакли)ни кафолатлаш учун ақл ғояси, қатъий талаби ҳисобланган **мажбурлаш ҳокимияти зарурдир**. «Жазоловчи қонун, - деб таъкидлаган Кант, - қатъий талабидир... Чунки агар адолат йўқ бўлиб кетса, одамларнинг ердаги ҳаётининг ҳеч бир қиммати қолмайди»<sup>1</sup>.

Давлат-ҳуқуқ муаммоларига кантча фалсафий ёндашишнинг муҳим фазилати, жумладан, шундаки, ушбу мавзунини у жаҳоншумул-тарихий кўламда, нафақат алоҳида олинган халқ, жамият, давлат ичидаги муносабатларга татбиқан, балки халқаро ва давлатлараро муомала жиҳатидан - **жаҳоншумул-ҳуқуқий ҳолатни ва халқлар ўртасидаги абадий тинчликни қарор топтириш** томон (ақл ғояларининг тоифали талабларига мувофиқ) илғор ҳаракати жиҳатидан қўяди ва ишлаб чиқади. Барча инсоний муносабатларда (индивидуал ва жамоавий хулқ-атворда, давлат тузилишида, маъмурлар хатти-ҳаракатида, бутун ички ва ташқи сиёсатда) ақлнинг регулятив ғояларига риоя қилиш ва уларни амалга ошириш, Кантга кўра, ушбу идеални амалга ошириш мумкин бўлган ягона йўлдир.

Кант бу жиҳатдан, **бир томондан, ахлоқ ва ҳуқуқ, иккинчи томондан, сиёсат ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш муаммосига** катта эътибор берган. У реал сиёсатнинг ахлоқ ва ҳуқуққа нисбатан мунофиқлигини, унинг бузуқ қоидаларини ва инсон табиатининг ожизлиги ҳамда ички ва ташқи муносабатларда ёвузликка қарши курашнинг ёвузлик ҳамда зўравонликка асосланган воситалари ва усуллари зарурлигини сабаб қилиб олиб, аслида ўзининг гаразли мақсадларида уларни кўпайтирадиган ва абадийлаштирадиган, ахлоқий ҳамда ҳуқуқий тараққиётга тўсқинлик қиладиган ярамас принциплари ва амалиётини кескин танқид қилган. Кант ахлоқ ва ҳуқуқни сиёсат билан бирлаштириш, уларни ягона ахлоқий сиёсатда мужассамлаштириш тарафдори бўлиб, **сиёсатнинг «чекловчи шарт» бўлмиш ҳуқуқ тўғрисидаги фикрни асослаган**<sup>2</sup>.

1. Кант И. Соч. Т.4. Ч.2. С.256.

2. Кант И. К вечному миру. С.176.

## 8. Гегель

Гегель (1770-1831 йиллар) ижодида ҳуқуқ фалсафаси ва давлат муаммолари катта ўринни эгаллаган.

Гегель «Табиий ҳуқуқни тадқиқ этишнинг илмий усуллари, унинг амалий фалсафадаги ўрни ва позитив ҳуқуқ тўғрисидаги фанга муносабати» (1802-1803 йиллар) асаридаёқ табиий ҳуқуқни талқин қилишнинг уч усулини фарқлаган. Бу усуллар эмпирик (Гоббс, Руссо ва Кантгача бўлган бошқа мутафаккирлар концепцияси); расмий (Кант, Фихте ва уларнинг издошларининг ёндашуви) ҳамда мутлақ (ўз ёндашуви) усуллардир<sup>1</sup>.

Шу маънода Гегель ўз ҳуқуқ фалсафасини табиий ҳуқуқни (ёки, унинг учун шунинг ўзи бўлган «ҳуқуқ фалсафаси»ни) талқин қилишнинг чинакам илмий усули, деб билган.

Кант ва Фихте таълимотларида бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган **маънавийлик ва легаллик**, Гегелга мувофиқ, бор-йўғи яхлитликнинг абстракт жиҳатларинигина ифодалайди. Улар **ахлоқийлик тизимидан** «олиб ташланади» ва шу билан бирга унда сақлаб қолинади. Ушбу фикр Гегель томонидан «Ҳуқуқ фалсафаси», тўлиқ номи «Табиий ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги фан очерклари. Ҳуқуқ фалсафаси асослари»да (1820 йил) кенг ва мунтазам ривожлантирилган. Асарнинг мазмуни ҳам Гегель табиий ҳуқуқ ғоясининг ўзини инкор этмасдан, унинг айнан **фалсафий** (ушбу тушунчанинг Гегелча маъносида) талқин қилиниши тарафдори бўлганлигини кўрсатади.

Гегель ҳуқуқ фалсафасида объектив (объектив эркин) руҳни ҳуқуқ тушунчасининг мавжуд борлиқ шаклларида амалга оширилиши кўринишида аниқлаш шаклларини ёритган. Модомики, Гегелга кўра, тушунчанинг объектив воқеликда амалга оширилиши ғоя экан, «**ҳуқуқ ғояси - ҳуқуқ тушунчаси ва унинг амалга оширилиши**»<sup>2</sup> **ҳуқуқ фалсафаси ғояси** ҳисобланади.

Абстракт ҳуқуқ, ахлоқ, ахлоқийлик ҳуқуқ тушунчасини аниқлаштиришнинг уч асосий шакли ҳисобланади. Абстракт ҳуқуқ соҳасида ирода бевосита ва абстрактдир. Ахлоқ соҳаси-

1. Гегель. Политические произведения. М., 1978. С.185-275.

2. Гегель. Философия права. М., 1990. С.59.

да умумийга - дунё ҳуқуқига нисбатан субъектив ирода ҳаракат қилади. Ахлоқийлик соҳасида ушбу икки олдинги абстракт жиҳатнинг синтезига эришилади.

**Абстракт (мавҳум) ҳуқуқ** эркин ирода диалектикасида тушунчанинг абстрактдан аниқ нарса томон ҳаракатининг биринчи босқичини ифодалайди. Ҳуқуқ тушунчаси ҳозирча мавҳум. Инсон бу ўринда мутлақо абстракт ва эркин «мен» сифатида намоён бўлади. Бундай камдан-кам учрайдиган ирода ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган қиёфа, шахсдир. Ҳуқуқнинг «**шахс бўлгил ва бошқаларни шахс сифатида ҳурмат қилгил**»<sup>1</sup>, деган амри фармони шундан келиб чиқади. Абстракт ҳуқуқ эса ҳуқуқ ва эркинликнинг барча кейинги аниқроқ таърифларининг абстракт ва яланғоч имконияти сифатидагина намоён бўлади.

Ахлоқ босқичида абстракт ҳуқуқ шахси ахлоқ субъектига айланади. Субъект хатти-ҳаракатларининг сабаблари ва мақсадлари бунда илк бора аҳамият касб этади. Субъектив эркинликнинг талаби инсон тўғрисида унинг ўзини ўзи белгилаши бўйича ҳукм чиқаришдан иборатдир. Субъектив ирода объективликка ва, бинобарин, ҳуқуқнинг амал қилиш соҳасига фақат хулқ-атвор орқали эришади; ахлоқий ирода ўз-ўзича жазоланмайди.

Абстракт ҳуқуқ ва ахлоқ иккита биртомонлама жиҳат ҳисобланади. Мавжуд дунёда эркинлик тушунчаси **оила, фуқаролик жамияти ва давлат** кўринишида объективлашганда бу жиҳатлар **ахлоқийликда** ўз воқелиги ва аниқлигини топади.

Гегелда объектив руҳ ривожланишининг ҳар бир босқичи (абстракт ҳуқуқ, ахлоқ, ахлоқийлик) ҳуқуқдир ва «ўз шахсий ҳуқуқига» эгадир, «чунки у эркинликнинг таърифлардан бирида мавжуд бўлишидир»<sup>2</sup>.

Бундай тавсиф абстракт ҳуқуққа, ахлоққа, оилага, жамиятга, давлатга тегишлидир. Ушбу махсус ҳуқуқлар тарихан ва хронологик жиҳатдан бир вақтда (объектив руҳнинг битта формацияси доирасида) берилган; улар чекланган, ўзаро бўйсундирилган ва ўзаро коллизияга киришиши мумкин. Олдинги махсус ҳуқуқни диалектик «олиб ташловчи» (яъни бартараф этувчи ва шу билан бирга маъно ва моҳия-

1. Ўша жойда. 98-бет.

2. Ўша жойда. 90-бет.

тини сақлаб қолувчи) навбатдаги махсус ҳуқуқ абстрактроқ бўлиб, унинг асосини ва ҳақиқатни ифодалайди. Аниқроқ махсус ҳуқуқ абстрактроққа қараганда бирламчидир. **Давлат ҳуқуқи** (ҳуқуқий тузилма, нисбатан аниқроқ ҳуқуқ бўлмиш давлат) махсус ҳуқуқлар иерархияси чўққисиди туради.

Қонун эркинлик таърифларидан ва ҳуқуқ тушунчаси объективлашиши шаклларида бири ҳисобланади. Гегель «ҳуқуқни қонун сифатида» таърифлаб, бундай деб ёзган эди: «Ҳуқуқ ўзида бўлган нарса унинг объектив мавжуд борлиги асосига қўйилган, яъни онг учун фикр билан аниқланган ва қандай бўлса шундайлигича маълум ва ҳуқуқ томонидан қонун сифатида эътироф этилган; ушбу таърифга кўра, ҳуқуқ умуман позитив ҳуқуқдир»<sup>1</sup>.

Қонунчилик жараёнида ҳуқуқ қонунга айланади (позитивлашади), бу билан ҳуқуқ умумийлик ва чинакам аниқлик шаклига келтирилади. Қонунчилик мавзуси, деб қайд этади Гегель, одамларнинг хатти-ҳаракати, инсоний муносабатларнинг ички соҳаси эмас, балки фақат ташқи жиҳатлари бўлиши мумкин.

Гегель ҳуқуқ ва қонунни бир-биридан фарқлашга доир ўз концепциясида уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишни истисно этишга интилган. «Табиий ёки фалсафий ҳуқуқ билан позитив ҳуқуқни, гўёки улар бир-бирига қарама-қарши ва бир-бирининг зидди, деб тасаввур қилиш, - деб қайд этган Гегель, - мутлақо нотўғри бўлган бўлур эди; пандектга нисбатан институция қандай бўлса, уларнинг биринчиси иккинчисига нисбатан шундайдир»<sup>2</sup>.

Гегелнинг эътироф этишича, қонунчилик ҳуқуқнинг мазмунини бузиши мумкин: «нимаики қонун бўлса, у ўзида ҳуқуқдан фарқ қилиши мумкин»<sup>3</sup>. Шу сабабли, деб тушунтиради Гегель, «позитив ҳуқуқда қонуний бўлган нарса, ҳуқуқни билиш манбаидир, ёки, аслини айтганда, ҳақдир»<sup>4</sup>.

Гегелни позитив ҳуқуқдаги мана шу қонунийлик қизиқтиради, холос. Шу сабабли Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасида табиий (фалсафий) ҳуқуқ билан қонунни бир-бирига қара-

1. Ўша жойда. 247-бет.

2. Ўша жойда. 62-бет.

3. Ўша жойда. 250-бет.

4. Ўша жойда.

ма-қарши қўйиш ҳақида эмас, балки айтиб бериш ҳуқуқ тушунчасини аниқлаштиришнинг ҳар хил босқичларида (ва турли шаклларда) турлича аниқлаш ҳақида сўз боради. Гегель бундай ёндашувни оқлаб ёзади: «Зуравонлик ва истибдод позитив ҳуқуқ элементи бўлиши мумкин бўлган ҳолат унинг учун қандайдир тасодифийдир ва унинг табиатига даҳл қилмайди»<sup>1</sup>. Идеал табиатига кўра позитив ҳуқуқ (қонун) ҳуқуқ тушунчасининг моҳияти сифатида оқилона ҳуқуқдир.

Табиий ҳуқуқни намойиш бўлиш шаклларида бири қонун (позитив ҳуқуқ) ҳисобланган ҳуқуқнинг фалсафий тушунчаси сифатида гегелча талқин қилиш ўзидан олдинги табиий-ҳуқуқий таълимотлардан жиддий чекинишни ифодалайди. Бироқ бир қанча жиҳатларда (ҳуқуқнинг ахлоқ ва ахлоқийлик билан аралаштирилиши ва бошқаларда), у табиий-ҳуқуқий тасаввурлар таъсири остида қолади, шу туфайли унда ҳуқуқни ахлоқ ва ахлоқийликдан фарқлаш принципи мавжуд эмас. Мана шу сабабдан Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасида ҳуқуқий қонуннинг юридик жиҳатдан муайян концепцияси йўқ.

## Тўртинчи боб. Россияда ҳуқуқ фалсафаси

### 1. Умумий тавсиф

Россияда ҳуқуқ фалсафасини ўқитиш ва унинг муаммоларини илмий ишлаб чиқишга киришиш XVIII асрдан бошланган<sup>2</sup>. «Бизнинг Фарб фанига бўлган муносабатимизни, - деб ёзган эди XIX аср охири - XX аср бошида яшаб ўтган рус ҳуқуқшуноси **Н.М.Коркунов**, - глоссаторларнинг Рим юриспруденциясига муносабатига қиёслаш мумкин. Биз ўзгаларнинг иши маҳсулини ўзлаштиришга ҳам, энг аввало ўзга ерликлар фани даражасига кўтарилишга ҳам мажбур бўлдик... Лекин шунга қарамай, биз олти асрдан ортиқ вақт давомида бизни Фарб ҳуқуқшуносларидан ажратиб турган тафовутнинг ўрнини қандайдир юз эллик йилда деярли тўлдиришга муваффақ бўлдик»<sup>3</sup>.

1. Ўша жойда. 62-бет.

2. Батафсил қараг: Кузнецов Э.В. Философия права в России. М., 189. С.26 и далее.

3. Коркунов Н.М. История философии права. СПб., 1908. С.233.

**С.Е.Десницкий** (1740-1789 йиллар) биринчи рус ҳуқуқшунос профессори эди. У кўп жиҳатдан Г.Гроцийнинг табиий ҳуқуқ тўғрисидаги қарашларига қўшилган эди. **В.Т.Золотницкий**нинг «Россия жамияти фойдасини кўзлаб ҳар хил муаллифлардан танлаб олинган мухтасар табиий ҳуқуқ» (СПб., 1764) асари (тўғри, кўп жиҳатдан кўчирма асар) ҳуқуқ фалсафаси бўйича рус ҳуқуқшуносларининг илк ишларидан бири эди. 1818 йилда рус ҳуқуқшуноси **А.П.Кунцинининг** Кант гоялари таъсири остидаги «Табиий ҳуқуқ» китоби дунё юзидан кўрган. Ушбу китоб «зарарли таълимотни» тарғиб этувчи китоб сифатида тез орада ҳуқумат томонидан тақиқланган, унинг муаллифи эса Петербург университетидан ва Александровский лицейидан ҳайдалган.

Киев университети профессори **К.А.Неволин**нинг «Қонуншунослик қомуси»<sup>1</sup> деб номланган тадқиқоти Россияда фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг қарор топишида сезиларли босқич бўлган. У Гегелнинг Берлин университетидagi унча кўп бўлмаган рус тингловчиларидан бири (П.Г.Редкин, И.В.Киреевский билан биргаликда) бўлган ва ўша даврда Европа ҳуқуқ фалсафасининг ҳолатидан яхши хабардор бўлган.

Неволин илмий қонуншунослик вазифасини табиий ҳуқуқ (табиий қонун) билан позитив ҳуқуқ (ижобий қонун)ни бири-биридан фарқлаш нуқтаи назаридан ёритди. Бунда у **табиий ҳуқуқни «қонунчилик гояси» сифатида, позитив ҳуқуқни эса - «унинг намоён бўлиши» сифатида талқин қилди**<sup>2</sup>. У қонунга ўзининг фалсафий-ҳуқуқий ёндашувини қуйидагича асослади: қонуннинг моҳияти - бу ҳақиқатдир, «ҳақиқатнинг моҳияти эса фақат фалсафада аниқланиши мумкин»<sup>3</sup>.

Фалсафий-ҳуқуқий муаммолар XIX аср ўрталарида **П.Г.Редкин** асарларида асосли ишлаб чиқилган. У дастлаб гегелчи бўлган, сўнгра позитивистик нуқтаи назар томонга ўтган.

Ҳуқуқ фалсафаси, Редкинга кўра, юридик фан ҳисобла-

1. Неволин К. Энциклопедия законоведения. Киев, т.1, 1839. - Инқилобга қадар рус ҳуқуқшуноси, Б.Н.Чичериннинг шоғирди И.В.Михайловский Неволинни Россияда ҳуқуқ фалсафасининг асосчиси сифатида таърифлаган эди. - Қаранг: Михайловский И.В. Очерки философии права. Т.1. Томск, 1914. С.36. Шунингдек қаранг: Кузнецов Э.В. Юқоридаги асар. 101-бет.

2. Неволин К. Юқоридаги асар. 52-бет.

3. Ўша жойда. 23-бет.



нади, чунки ҳуқуқ ҳуқуқ фалсафасининг ҳам, позитив ҳуқуқшуносликнинг ҳам умумий предмети ҳисобланади. Бунда «ижобий ҳуқуқ, реал ҳуқуқ, ҳақиқий, яъни қачондир ва қасрдадир воқеликда, амалиётда, бирор-бир давлатда ёки умуман жамиятда қонунчилик ёхуд оддий ҳуқуқ соҳасида асос солинган, ўрнатилган ҳуқуқ»<sup>1</sup> ижобий ҳуқуқшуносликнинг мазмуни ҳисобланади.

Ҳуқуқ фалсафаси «мазмуни фалсафий, табиий ёки табиатдан олинганлиги, рационал эканлиги, яъни инсоннинг ақли билан тасаввур қилиш мумкинлиги, ҳуқуқ ёки идеал ҳуқуқ, нима ҳуқуқий ва адолатли (iustum) ёхуд ҳақиқат ва адолат (iustitia) нимадан иборат эканлигини тасаввур қилган ҳолда ҳуқуқнинг бирламчи образи (ius naturale ёки ius naturae) эканлиги»<sup>2</sup> **ҳуқуқ фалсафасининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.**

**Б.А.Кистяковский**нинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларида неокантчилик ғояси ва либерализм қадриятлари, шахснинг ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳуқуқий давлатчилик ва бошқалар руҳидаги табиий ҳуқуқ талқини «одамларнинг биргаликдаги манфаатлари»<sup>3</sup> амалга оширилиши тўғрисидаги насроний тасаввурлар асосида ижтимоий масалани адолатли ҳал этиш зарурлиги ва йўқсилларни ҳимоя қилиш маъносида «социализм ҳақиқати»ни диний-ахлоқий идрок этиш билан бирга қўшиб олиб борилган.

**Г.Ф.Шершеневич** (1863-1912 йиллар) Россияда юридик позитивизмнинг энг таниқли вакилларида бири бўлган. У ўз асарларида<sup>4</sup> О.Конт ва Ж.С.Миллнинг позитивистик фалсафасига таяниб ҳамда инглиз аналитик мактаби (Ж.Остин) ва континентал юридик позитивизм (илк Р.Иеринг, К.Бергбом ва бошқалар) анъанасини давом эттириб, ҳуқуқнинг расмий-догматик талқинини ривожлантирган.

Тарихан шакланган ҳуқуқ фалсафасини табиий ҳуқуқ фалсафаси сифатида танқид қилиб (уни позитив ҳуқуққа

1. Редкин П.Г. Из лекций по истории философии права в связи с историей философии вообще. Т.1. СПб., 1889. С.200.

2. Ўша жойда.

3. Кистяковский Б.А. Социальные науки и право. Очерки по методологии социальных наук и общей теории права. М., 1916. С.554.

4. Қаранг: Шершеневич Г.Ф. История философии права. СПб., 1907; Он же. Общая теория права. Выпуски 1-4. М., 1911-1913.

қарши қўйган ҳолда), Шершеневич у ҳақиқий ҳуқуқни ва ҳуқуқшуносликнинг вазифаларини профессионал даражада билмаган файласуфлар томонидан яратилган, деб ҳисоблаган. Бунга зид равишда Шершеневич **позитив ҳуқуқ фалсафасини ёқлаб** чиққан. Позитив ҳуқуқ фалсафаси амалдаги ҳуқуқни ва ҳуқуқшуносликнинг тушунчалари аппаратини танқидий тадқиқ этиши ва ҳуқуқни такомиллаштириш тўғрисидаги ўз таклифлари (ҳуқуқ қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги қоидалар) билан «ҳуқуқнинг танқиди ва сиёсати соҳасида»<sup>1</sup> ҳуқуқшуносликнинг муҳим вазифаларини ҳал этиши керак эди. Бундай позитивистик ҳуқуқ фалсафаси, Шершеневичга кўра, ҳуқуқнинг умумий назариясини (ҳуқуқ фалсафасининг назарий қисми сифатида), ҳуқуқ фалсафаси тарихини ва ҳуқуқ сиёсатини ўз ичига олган.

**В.Д.Катков** XX аср бошида неопозитивистик қарашларни кескин тарзда ривожлантирган. У «ҳуқуқ кенг маънода қонундир», деб ҳисоблаган ва «ҳуқуқ» тушунчасини «схоластика меваси ҳамда тафаккурнинг қуллиги» сифатида тўла энгиб ўтишга ҳамда «ҳуқуқ»ни ҳукм ўтказувчи «қонун» билан алмаштиришга интилган<sup>2</sup>. «Қонун», «давлат», «қоида» ёки «хулқ-атвор нормаси» сингари алоҳида ҳодисалар мавжуд бўлган маънодаги «ҳуқуқ» деган алоҳида ҳодиса йўқ<sup>3</sup>, деб ёзган у.

## 2. Б.Н.Чичерин

Чичериннинг (1829-1904 йиллар) умумфалсафий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашларида Гегель ва Кант гоёларининг таъсири сезиларли бўлган. У объектив идеализм фалсафасини такомиллаштиришга интилган ва ўз нуқтаи назарини универсализм деб атаган<sup>4</sup>. Чичерин априоризм, автоном «асослар» ва индивидуализм принципларидан (кантчилик руҳида) фойдаланиб, фалсафанинг Гегель концепциясини сезиларли даражада трансформация қилган.

1. Шершеневич Г.Ф. Философия права. Т.1. Вып.4. М., 1911. С.805

2. Катков В.Д. Реформированная общим языковедением логика и юриспруденция. Одесса, 1913. С.407.

3. Уша жойда. 391-бет.

4. Батафсил қаранг: Зорькин В.Д. Из истории буржуазно-либеральной мысли России второй половины XIX- начала XX в. (Б.Н. Чичерин). М., 1975; Он же. Чичерин. М., 1984.

XIX асрнинг II ярмида позитивистик таълимотлар томонидан метафизиканинг сиқиб чиқарилиши, Чичериннинг баҳосига кўра, илгари «бир неча юридик фанлар ичида етакчи ўринни» эгаллаган ва «университетларда ўқитиладиган муҳим фанлардан бири»<sup>1</sup> бўлган ҳуқуқ фалсафасининг таназзулга юз тутишига олиб келган. Чичерин ўзининг **метафизик ҳуқуқ фалсафаси** билан ушбу илмий фаннинг аввалги аҳамиятини тиклашга кўмаклашишга интилган.

Ҳуқуқнинг фалсафий асослари, Чичериннинг фикрича, **амалиётнинг амал қилувчи асослари** бўлиб хизмат қилиши керак. Ҳуқуқ фалсафасининг зарурлиги ва теран маъноси, деб қайд қилган у, «ҳуқуқ соҳаси ижобий қонунчилик билан кифояланиб»<sup>2</sup> қолмаслиги билан изоҳланади.

Чичерин Гегелча ҳуқуқ фалсафасининг муайян нуқсонларини қайд этиб, шу билан бирга, вужудга келган вазиятдан чиқиш учун айнан Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси тикланаётган ҳуқуқ фалсафасига асос қилиб олиниши керак, деб ҳисоблаган. Шу боисдан, деб ёзган у, «идеалистик фалсафанинг сўнгги сўзини ифодалайдиган Гегелга эргашишимиз керак»<sup>3</sup>.

Кишилиқ жамиятида, Чичеринга кўра, **бир-бирига зид иккита элемент** мавжуд: «Шахснинг маънавий табиати эркинликда; эркинликнинг чекланиши соҳасидаги ижтимоий асос қонунда ифодаланади. Шу сабабли асосий масала қонуннинг эркинликка муносабатидан иборатдир»<sup>4</sup>.

Ушбу қонуннинг эркинликка муносабати икки томонлама - мажбурий (давлат қонуни) ва ихтиёрий (ахлоқий қонун) бўлиши мумкин. «Биринчиси, - деб изоҳлаган Чичерин, - зоҳирий эркинлик соҳасини ташкил этувчи ташқи ҳаракатларга тегишлидир, бу зоҳирий эркинлик мажбурлашга дучор қилинади; иккинчиси ботиний эркинликдан келиб чиқувчи ички эҳтиёж, турткига мурожаат қилади. Биринчисидан ҳуқуқ туғилади, иккинчиси ахлоқийлик манбаини ташкил этади»<sup>5</sup>.

1. Чичерин Б.Н. Философия права. М., 1900. С.1.

2. Ўша жойда. 1-бет.

3. Ўша жойда. 24-бет.

4. Ўша жойда. 83-бет.

5. Ўша жойда.

Чичерин ҳуқуқ ва ахлоқийликнинг аралаштириб юборилишига қарши чиққан, гарчи юридик қонун билан ахлоқий қонуннинг манбаи умумий, яъни инсон шахсини тан олиш бўлса ҳам, уларнинг мустақил асослар сифатида талқин қилинишини ёқлаган. «Ҳуқуқ, - деб таъкидлаган у, - ахлоқийлаштирувчи ҳуқуқшунослар ва файласуфлар қайд этганидек, ахлоқийликнинг энг қуйи босқичидангина иборат эмас, балки инсоннинг маънавий табиатида ўз илдизларига эга бўлган мустақил асосдир. Бу илдизлар кишилик жамияти эҳтиёжларига бориб тақалади»<sup>1</sup>. Ва бу жамиятдан келиб чиқувчи «юридик қонунлар ахлоқийликдан мустақилдир»<sup>2</sup>. Бироқ ҳуқуқ ва ахлоқийликнинг ўзаро муносабати маъносида Чичерин «ахлоқийлик баъзан ҳуқуқни тўлдириш учун хизмат қилишини», юридик қонун етарлича бўлмаган жойда «ахлоқийлик ички эҳтиёжга кўра, масалан, юридик кучга эга бўлмаган мажбуриятларни бажарганда ички эҳтиёж бўйича ҳаракатларни содир этишни талаб қилиши мумкин»лигини<sup>3</sup> қайд этган.

Чичерин ҳуқуққа қуйидагича таъриф берган: «*ҳуқуқ инсоннинг умумий қонун билан аниқланадиган зоҳирий эркинлигидир*»<sup>4</sup>. Ахлоқийликдан фарқ қилган ҳолда, деб таъкидлаган у, ҳуқуқ мажбур қилишга асосланади.

Ижобий ва салбий ҳуқуқнинг нисбати ҳамда иккинчисининг биринчисига таъсири муносабати билан Чичерин қуйидагиларни қайд этган: «Ижобий ҳуқуқ мажбурлаш аҳамиятига эга бўлмаган, бироқ қонун чиқарувчилар ва ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қиладиган назарий нормалар таъсири остида ривожланади. Ижобий ҳуқуққа зид равишда табиий ҳуқуқ тўғрисидаги тушунча мана шундан туғилади. Бу - амал қилувчи, шунинг учун мажбурловчи бўлган қонун эмас, балки инсон ақлидан келиб чиқувчи ва ижобий қонунчилик ўлчови ҳамда унга дастуриламал бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган умумий юридик нормалар тизимидир. Ҳуқуқ фалсафасининг мазмунини ана шу ташкил этади»<sup>5</sup>.

1. Ўша жойда. 89-бет.

2. Ўша жойда. 90-бет.

3. Ўша жойда. 91-бет.

4. Ўша жойда. 84-бет.

5. Ўша жойда. 94-бет.

Шундай қилиб, Чичерин ҳуқуқ фалсафасини **табiiй ҳуқуқ фалсафаси** сифатида тушунган.

Ҳап аниқ тарихий жиҳатдан Россия мустабид ҳокимият тузуми ислоҳ қилиниши ҳамда буржуа фуқаролик жамияти ва мерос қилиб олинган конституциявий монархия томон бориш зарурлигининг Чичерин томонидан асосланганлиги ҳақида боради. Бунда Чичерин **муҳофазаловчи либерализм** ғоясини ривожлантирган, унинг шиорини «либерал чоралар ва кучли ҳокимият»<sup>1</sup>, деб таърифлаган.

Чичерин ўз ҳуқуқ фалсафаси, юридик-позитивистик концепцияларни танқид қилиши, либерализмнинг давлат-ҳуқуқий шаклларини ва шахс эркинлигини изчил ҳимоя қилиши билан Россияда юридик ва фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг янгилаиши ва ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Унинг ғоялари Е.Н.Трубецкой, И.В.Михайловский, П.И.Новгородцев, Н.А.Бердяев ва кўплаб бошқа рус ҳуқуқшунослари ва ҳуқуқ файласуфларига таъсир кўрсатган.

### 3. П.И.Новгородцев

Новгородцевнинг (1866-1924 йиллар) фалсафий-ҳуқуқий концепцияси **ахлоқий идеализм ва ҳуқуқ фалсафасини** қарор топтиришга интилиш билан суғорилгандир. Унинг ҳуқуқнинг зарурий маънавий ва ахлоқий асоси сифатида табiiй ҳуқуқни тиклашга қаратилган чақириқлари мана шу билан боғлиқдир. Фақат мана шундай идеал қурилмалар воситасида замонавий ҳуқуқий онгда юзага келган тангликни бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблади у. Шу сабабли у ҳуқуқнинг кантча ахлоқий асосланишини, идеал ва воқеликнинг зид қўйилишини юқори баҳолаган ҳамда, гарчи гегелча ҳуқуқ фалсафасининг бир қанча ғояларини ёқласада, Гегель этатизмини мана шу жиҳатдан танқид қилган<sup>2</sup>.

Замонавий позитивистик ҳуқуқшуносликка ахлоқий идеалларни жорий этиш учун, Новгородский фикрича, табiiй ҳуқуқни унинг «априор методи, идеал интилишлари, ахлоқий асосда ва норматив кўриб чиқишдаги мустақил аҳамия-

1. Чичерин Б.Н. Несколько современных вопросов. М., 1862. С.200.

2. Новгородцев П.И. Кант и Гегель в их учениях о праве и государстве. Два типических построения в области философии права. М., 1901.

ти эътироф этилиши билан айнан тиклаш талаб этилади»<sup>1</sup>. Унинг фикрича, «табиий ҳуқуқ ўзида инсон тафаккурининг бениҳоя эҳтиёжини ва ҳуқуқ фалсафасига азалдан тегишлилигини ифодалайди»<sup>2</sup>. Табиий ҳуқуқнинг моҳияти «этикавий критицизм»дан иборатдир ва унга «мавжудлик фактини этика нуқтаи назардан баҳолашга интилиш хосдир. Бироқ ҳуқуқ фалсафасининг вазифаси айнан мана шундан иборатдир»<sup>3</sup>.

Табиий ҳуқуқ «ижобий кўрсатмаларнинг нуқсонлари ва тақомиллашмаганлиги туфайли яратиладиган»<sup>4</sup> ижобий ҳуқуқнинг идеали бўлганлиги учун ижобий ҳуқуққа зид қўйилади. Новгородцев табиий-ҳуқуқий нуқтаи назарининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан унга хос бўлган лозимлик ва моҳиятнинг, идеал (идеал, табиий ҳуқуқ) билан воқеликнинг (позитив ҳуқуқ, қонуннинг) принципаал ажралиши, зидлиги ва мос келмаслиги тўғрисидаги кантча ёндашувлар билан изоҳланади. Шу сабабли табиий ҳуқуқ Новгородцев талқинида қонунга (амалдаги табиий ҳуқуққа) нисбатан ҳуқуқ (ҳуқуқий асос) сифатида эмас, балки қонунчиликни тақомиллаштириш учун ислоҳ қилувчи ахлоқий идеал сифатида намоён бўлган.

#### 4. В.С.Соловьев

В.С.Соловьев (1853-1900 йиллар) ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий таълимотида ижобий ҳуқуқни ва табиий ҳуқуқни фарқлаган. У табиий ҳуқуқни ҳуқуқнинг умумий ғояси, унинг оқилона асоси сифатида талқин қилган. Соловьев таъкидлашича, «ҳар гал умуман ҳуқуқий муносабатлар ҳақида сўз борар экан», табиий ҳуқуқ тўғрисида сўз боради. «Ҳуқуқнинг умумий ғояларига ёки унинг нормаларига эга бўлинмаса, ҳуқуқ соҳасидан бирор-бир фактни, ҳуқуқнинг бирор-бир намоён бўлишини баҳолаш ва улар ҳақида ҳукм чиқариш мумкин эмас»<sup>5</sup>.

Қандайдир мушоҳадакор ҳодиса бўлган табиий ҳуқуқ - бу, бинобарин, ижобий ҳуқуқ билан биргаликда реал амал

1. Новгородцев П.И. Из лекций по общей теории права. Часть методологическая. М., 1904. С.12.

2. Новгородцев П.И. Лекции по истории философии права. Учения Нового времени. XVI-XIX вв. Изд.3-е. М., 1914. С.110.

3. Ўша жойда. 111-бет.

4. Ўша жойда. 111-бет.

5. Соловьев В.С. Оправдание добра. М., 1996. С.325.

қилувчи ҳуқуқ эмас, балки ҳар қандай амалдаги ҳуқуқнинг мазмунидир. «Шундай қилиб, - деб ёзган Соловьев, - табиий ёки рационал ҳуқуқ деганда, биз ҳар қандай бундай ҳуқуқнинг ақлини ёки маъносини (рацио, логос) тушунамиз. Бир вақтлар юридик фанда ижобий ҳуқуқдан олдин тарихан мавжуд бўлган табиий ҳуқуқ назариясининг ижобий ҳуқуқнинг мантиқий *prius*<sup>1</sup> бўлган табиий ҳуқуқнинг ушбу тушунчаси билан ҳеч бир умумий жиҳати йўқ»<sup>2</sup>.

Ҳуқуқ асосида «шахснинг характерли белгиси бўлган эркинлик»<sup>3</sup> ётади. Бироқ, деб тушунтирган Соловьев, барчанинг эркинлиги бир хилда эътироф этилгандагина шахс эркинлиги ҳуқуққа айланади. «Шундай қилиб, - деб ёзган у, - менинг эркинлигим фақат куч сифатида эмас, балки ҳуқуқ сифатида бошқа барчанинг тенг ҳуқуқи эътироф этилишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бундан биз ҳуқуқнинг асосий таърифига эга бўламиз: *ҳуқуқ тенглик билан белгиладиган эркинликдир*. Ҳуқуқнинг ушбу асосий таърифида эркинликнинг индивидуалистик асоси тенгликнинг ижтимоий асоси билан узвий боғлиқ, шундай экан, *ҳуқуқ эркинлик ва тенгликнинг синтезидан бошқа нарса эмас, деб айтиш мумкин*»<sup>4</sup>. Ушбу синтез, Соловьевга кўра, табиий ҳуқуқ мазмуни ифодасидир.

Бироқ тенглик Соловьев томонидан расмий-юридик маънода эмас, балки ахлоқий-мазмунли маънода, айнан айтганда - ахлоқий-адолатли маънода талқин этилган. У адолатли тенгликни назарда тутган ҳолда: «Адолат шубҳасиз ахлоқий тушунчадир», - деб таъкидлаган<sup>5</sup>. Соловьевнинг нуқтаи назарига хос бўлган ҳуқуқ ва ахлоқийликни аралаштириб юбориш **ҳуқуқни ахлоқий ҳолиса** сифатида тушуниш билан боғлиқдир: «*Ҳуқуқ (юридик қонунлар учун талаб этиладиган ҳуқуқ) барча учун тенг даражада мажбурий бўлган ахлоқийликнинг қуйи чегараси, ёки маълум бир минимумидир*»<sup>6</sup>. «Эзгуликни оқлаш»да ҳам мана шундай тавсиф мавжуд: «*ҳуқуқ ахлоқийликнинг қуйи чегараси ёки муайян минимумидир*»<sup>7</sup>.

1. Олдинги, бирламчи (лот.).

2. Соловьев В.С. Право и нравственность // Власть и право. Из истории русской правовой мысли. Л., 1990. С.98-99.

3. Ўша жойда. 97-бет.

4. Ўша жойда. 98-бет.

5. Ўша жойда. 101-бет.

6. Ўша жойда. 108-бет.

7. Соловьев В.С. Оправдание добра. С.328.

Умуман олганда Соловьев ҳуқуқни ахлоқийликка муносабатда мана бундай таърифлаган: «*Ҳуқуқ ёмонликнинг маълум кўринишларига йўл қўймайдиган муайян энг кам эзгуликни, ёки тартибни амалга оширишни мажбурий талаб қилишдир*»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ҳуқуқ, Соловьевга кўра, **мажбурий ахлоқий адолатнинг** ифодаланишидир.

Соловьев давлатни «акс эттирилган ҳуқуқ»<sup>2</sup> ва ижобий ҳуқуқнинг тўлиқлигини ҳамда ягона олий ҳоқимиятни ўзида ифодаловчи ижтимоий бутуннинг ҳуқуқий ташкилоти сифатида талқин қилган. Унинг мулоҳазаларида сўз учта ҳар хил ҳоқимиятга – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятига эга бўлган «ҳуқуқий давлат»<sup>3</sup> тўғрисида боради.

Соловьев «давлатнинг ахлоқан зарурлигини» инсониятнинг ахлоқий бирдамлиги борасидаги насронийлик идеаллари маъносида таъкидлаган ва уни «*ийғма уюштирилган шафқат*»<sup>4</sup> сифатида таърифлаган. Ҳуқуқнинг ахлоқийлик билан алоқаси, деб қайд этган Соловьев, «*христианлик давлати*» ҳақида ва шу муносабат билан давлатнинг илгор вазифаси тўғрисида ҳам сўз юритиш имконини беради. Давлатнинг вазифаси, унингча, «одамларнинг муносиб ҳаёт кечирishi ва камолга етиши учун ташқи шарт-шароитларни имкони борича аниқ ва кенг»<sup>5</sup> таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, Соловьев аслида нафақат **ҳуқуқий, балки** (христианча-ахлоқий талқиндаги) **ижтимоий давлат** тўғрисида сўз юритган.

## 5. Н.А.Бердяев

XX асрнинг йирик рус диний файласуфларидан бири Н.А.Бердяев (1874–1948 йиллар) ижоди марказида эркинлик муаммоси турган. У ўзини «эркинлик фарзанди», деб атаган ва: «Мен ўз ишимга эркинликда асос солдим»<sup>6</sup>, – деб таъкидлаган.

Бердяев ўзининг инсон эркинлиги ҳақидаги шахсланти-

1. Ўша жойда. 329-бет.

2. Ўша жойда. 338-бет.

3. Соловьев В.С. Нравственность и право. С.95.

4. Соловьев В.С. Оправдание добра. С.40.

5. Ўша жойда. 40-41-бетлар.

6. Бердяев Н.А. Экзистенциальная диалектика божественного и человеческого // Бердяев Н.А. О назначении человека. М., 1993. С.254.



рилган таълимотида **шахсни индивиддан** фарқлаган. Индивид натуралистик, биологик, социологик, эркин бўлмаган категориядир, шахс эса - маънавий, эркин категориядир. «Шахс, - деб таъкидлаган Бердяев, - инсоннинг табиатга, жамиятга, давлатга нисбатан эркинлиги ва мустақиллигидир»<sup>1</sup>.

Қуллик ва эркисизликнинг объектив, тарихан ато этилган олами (жамият, давлат, қонун ва бошқалар) - бу **Кесар(подшо)нинг шоҳлиги. Руҳ подшолиги** ва инсон эрки унга принциал қарши туради.

Қадриятлар даражасида шахс қадрияти давлат қадриятидан юқори туради. Улар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини Бердяев ушбу оламда ҳар қандай ҳокимиятнинг суверенитетини умумий ва изчил инкор этиш нуқтаи назаридан шахснинг устуңлиги ва унинг ажралмас ҳуқуқлари фойдасига ҳал этган.

Инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари Бердяевнинг талқинида шахсий эркинликнинг ёруғ дунёда (Кесарь подшолигида) ифодаланиши ва мавжуд бўлиши шакли сифатида, яъни Руҳ подшолигидан келиб чиқувчи трансцендент (ва илоҳий) феномен шаклида намоён бўлади. Бунда у **инсоннинг ажралмас ҳуқуқларини табиий ҳуқуқлар эмас, балки айнан маънавий ҳуқуқлар** сифатида талқин қилган. «Ҳақиқатда, - деб таъкидлаган у, - жамият устидан ҳукмронлик чегараларини белгиловчи ажралмас ҳуқуқлар *табиат томонидан* эмас, балки *руҳ томонидан* белгиланади. *Бу табиий ҳуқуқ эмас, маънавий ҳуқуқдир*, табиат ҳеч бир ҳуқуқни белгиламайди»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Бердяев фалсафасида **ҳуқуқ** деганда, фақат **инсоннинг ажралмас маънавий ҳуқуқлари** - «инсон шахсининг субъектив ҳуқуқлари»<sup>3</sup>, руҳ эркинлиги, виждон эркинлиги, фикр ва сўз эркинлиги назарда тутилган. Ушбу ажралмас субъектив ҳуқуқ ва эркинликни у, шунингдек, «идеал ҳуқуқ» ҳам деб атаган<sup>4</sup>.

Бердяев талқинида **ҳуқуқ ва қонуннинг нисбати**, умуман олганда, эркинлик (эркин шахс) ва давлат нисбати манти-

1. Бердяев Н.А. О рабстве и свободе человека. Опыт персоналистической философии // Бердяев Н.А. Царство Духа и царство Кесаря. М., 1995. С.5.

2. Уша жойда. 307-бет.

3. Бердяев Н.А. О назначении человека. С.175.

4. Уша жойда. 172-бет.

қига мувофиқ келади ҳамда «идеал ҳуқуқ» (яъни инсоннинг ажралмас маънавий субъектив ҳуқуқлари) ва мажбурловчи қонун нисбати сифатида намоён бўлади. Қонун ҳам, давлат сингари, гуноҳга ботган: «мажбур қилувчи қонун» - «эркинликнинг зиддидир»<sup>1</sup>. Бердяевнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари доирасида ҳуқуқ ва қонун - муросасиз қарама-қарши нарсалардир, шундай экан, ушбу ўринда ҳуқуқий қонун бўлиши мумкинлиги принцип жиҳатидан истисно этилади. Боз устига Бердяев таълимотида тенгликнинг **ҳуқуқий мазмунини, унинг адолат ва эркинлик билан алоқаларини** тушуниш мавжуд эмас. Аксинча, у тенгликни инкор этади ва тенгсизликни оқлайди<sup>2</sup>.

Шу билан бирга Бердяев давлат томонидан «минимум эзгулик ва адолат»<sup>3</sup> қўллаб-қувватланишини эътироф этган. Тўғри, давлат буни ўзига ёт бўлган эзгуликка муҳаббати туфайли эмас, балки эзгулик ва адолатнинг ушбу энг оз даражасисиз давлатнинг кучи ва барқарорлигига хавф солувчи ўта тартибсизлик бошланиб кетиши мумкинлиги учун қилган. Шу маънода Бердяев «мажбур қилувчи қонуннинг ўзи ҳам эркинликни инсоннинг ўзбошимчилигидан қўриқлаши»<sup>4</sup> мумкинлигини эътироф этган. Мана шу ўзанда у ҳуқуқий давлатнинг мутлақ (абсолют) давлат билан нисбатидаги муайян фазилатларини эътироф этган ва шу ондаёқ «Ҳуқуқий давлат - жуда нисбий тушунча... Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги, масалан, умумий сайлаш ҳуқуқи, парламент тузуми ва ҳоказоларга қараганда ғоят терандир, ҳуқуқ ва эркинликда муқаддас асос мавжуд»<sup>5</sup>, - деган.

Бироқ ҳуқуқнинг ушбу «муқаддас асоси» гуноҳкор дунё билан туташмаслиги туфайли дунёвий давлат ва қонун учун реал асос бўла олмайди ва принцип жиҳатидан (Бердяевнинг насроний персонализми доирасида) бўлиши ҳам мумкин эмас.

1. Бердяев Н.А. Царство Духа и царство Кесаря. С.323.

2. Бердяев Н.А. Оправдание неравенства. М., 1990. С.193,200.

3. Бердяев Н.А. О назначении человека. С.172.

4. Бердяев Н.А. Царство Духа и царство Кесаря. С.323.

5. Бердяев Н.А. Философия неравенства. С.155. Шунингдек қаранг: Бердяев Н.А. Государство // Власть и право. Из истории русской правовой мысли. Л., 1990. С.290.

## Бешинчи боб. XX асрда ҳуқуқ фалсафаси: асосий концепциялар

### 1. Умумий тавсиф

XX асрда фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотлар кенг қўлам касб этди. Олдинги фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар (неокантчилик, неогегелчилик) билан узвийлик янги ғоялар ва ёндашувлар, ишлаб чиқилган бир қатор янги (онтологик, экзистенциалистик, антропологик ва шунга ўхшаш) концепциялар билан тўлдирилди.

Шу муносабат билан асосий фалсафий-ҳуқуқий концепциялар (жумладан, «тикланган» табиий ҳуқуқ, «ашёлар табиати», неогегелчилик, неокантчилик, экзистенциализм, онтологик фалсафа концепциялари ва бошқалар) юридик фан вакиллари томонидан ишлаб чиқилганлиги жуда ибратлидир.

Ушбу тенденция XX асрнинг иккинчи ярмида сезиларли даражада кучайди. Тўғри, юридик ихтисосдаги тегишли фалсафий-ҳуқуқий концепциялар муаллифлари ҳуқуқ фалсафаси предмети, мақсадлари ва вазифаларини тушунишда, ўзларининг ҳуқуққа нисбатан методологик ёндашувларида, ҳуқуқ ва қонуннинг нисбатини фалсафий талқин қилишда, позитив ҳуқуққа баҳо беришда ва ҳоказоларда бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, австриялик таниқли ҳуқуқшунос **А. Фердросснинг**<sup>1</sup> ёндашувиға мувофиқ ҳуқуқ фалсафасининг юридик фан сифатидаги вазифаси позитив ҳуқуқ назарияси билан чекланиб қолмай, позитив ҳуқуқ мажбурийлигини ахлоқий-маънавий асослаб беришдан ҳам иборат. Юридик позитивизм бу вазифани бажара олиш ҳолатида эмас. У фалсафий-юридик таҳлилни фалсафий тафаккурнинг умумий эволюцияси билан қовуштириш зарурлигини таъкидлайди. Ўзининг ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий тасаввурларини у «табиий ҳуқуқ тўғрисидаги онтологик-телеологик таълимот» ўзанида ривожлантиради.

**В. Кубеш** ҳуқуқ фалсафасини фундаментал юридик фан сифатида талқин қилади. У ҳуқуқ фалсафасини **ҳуқуқнинг** адолат, инсон эркинлиги, хавфсизлиги ва мақсадга муво-

1. Verdross A. Abendlandische Rechtsphilosophie. Ihre Grundlagen und Hauptprobleme in geschichtlichen Schau. 2. Aufl., Wien, 1963.

фиқлиги диалектик синтез қилинган **норматив ғояси** сифатида таърифлайди. Кубешга кўра, ҳуқуқ фалсафаси умум-фалсафий муаммолар билан ҳам, соф юридик (юридик догматика, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқ психологияси ва ҳуқуқий сиёсат билан бирга) муаммолар билан ҳам шуғулланиши керак. У ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифалари ҳуқуқ дунёсини тадқиқ этиш, унинг моҳиятини очиб бериш, айрим юридик фанлар учун ҳуқуқ тўғрисидаги фундаментал билимларнинг аҳамиятини аниқлаш, илмий ҳуқуқий дунёқарашни яратишдан иборат, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Немис ҳуқуқшуноси **А.Кауфманнинг**<sup>2</sup> фалсафий-ҳуқуқий концепцияси марказида умумий муаммоларнинг бирмунча бошқа доираси туради. Унинг қарашларида гап, энг аввало, ҳуқуқдаги инсон, ҳуқуқ ҳокимият ўлчови сифатида, табиий ҳуқуқ ва ҳуқуқий позитивизмнинг нисбати, ҳуқуқий релятивизмни енгиб ўтиш, ҳуқуқий давлат табиати, суд давлати, қонун давлати ва ҳоказо муаммолар ҳақида боради. Ҳуқуқ фалсафаси, деб таъкидлайди у, «ашёлар табиатини» ва ҳуқуқнинг онтологик тузилмасини, айбнинг теран мазмуни ва айб учун жазолашни, ҳуқуқнинг адолатсизликка қаршилиқ сифатидаги мазмунини тадқиқ этишга даъват этилган. Умунан олганда, замонавий ҳуқуқ фалсафаси, Кауфманга кўра, «умиднинг ҳуқуқий фалсафаси»<sup>3</sup> сифатида ишлаб чиқилиши керак.

Немис ҳуқуқшуноси **Г.Коингнинг** фикрича, адолат принциплари, позитив ҳуқуқ моҳияти ва юридик тафаккур спецификаси ҳуқуқ фалсафасининг уч асосий масаласи ҳисобланади<sup>4</sup>. Коингга кўра, ҳуқуқ фалсафаси доирасида юридик муаммоларни кўриб чиқиш фалсафанинг умумий муаммоларини тадқиқ этиш, ҳуқуқни умуминсоний маданиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида тушуниш, ҳуқуқнинг ахлоқий асослари ва этик аҳамиятини тушуниш билан қўшиб олиб борилиши керак<sup>5</sup>.

1. Қаранг: Kubes V. Grundfragen der Philosophie des Rechts. Wien, New York, 1977. S.2-3.

2. Қаранг: Kaufmann A. Rechtsphilosophie im Wandel: Stationen eines Weges. Frankfurt am Main, 1972.

3. Ibid. S.41.

4. Қаранг: Coing H. Grundzuge der Rechtsphilosophie. Berlin, 1969. S.1, 87f.

5. Ibid. S.3,127,159,173f.

Бошқа бир немис ҳуқуқшуноси **К.Бринкман**<sup>1</sup> ҳуқуқ фалсафасини **ҳуқуқий қадриятлар ва аксилқадриятлар тўғрисидаги фан** сифатида ишлаб чиқади. Унинг фикрича, адолат олий қадриятдир, ҳуқуқий қадриятларни ва аксилқадриятларни ва, тегишли равишда - ҳуқуқий тартиб ҳамда ахлоқий тартибни фақат адолат билан боғлиқликда аниқлаш мумкин. Бунда у мутлақ асос сифатида Худога бориб тақаладиган эътиқод орқали эришиладиган метафизик типдаги адолат нормасини ва рационал типдаги адолат нормасини фарқлайди.

Ҳуқуқ фалсафасини, деб таъкидлайди Бринкман, зарур ва адолатли ҳуқуқ тўғрисидаги масалани қўймайдиган амалдаги ҳуқуқни позитивистик оқлашга мойил бўлган ҳуқуқнинг умум назариясидан ва ҳуқуқ социологиясидан фарқ қилувчи **мустакил юридик фан** сифатида ривожлантириш керак.

**Г.Хенкель** ҳуқуқ фалсафасини юридик фан соҳаси ва ҳуқуқнинг асоси сифатида талқин қилади. «Ҳуқуқ фалсафасининг асоси, - деб ёзади у, - бу ҳуқуқнинг умумий кўриб чиқилиши, унинг мазмунини асослаш ва мана шу негизда ҳуқуқнинг барча алоҳида феноменлари ўзаро нима билан боғланишини аниқлашдир»<sup>2</sup>. Ўз концепцияси асосида ётадиган ҳуқуқ ғоясини адолат, мақсадга мувофиқлик ва ҳуқуқий хавфсизлик тушунчаси орқали очиб беради. Умумий манфат ҳуқуқнинг асосий қадрияти сифатида намоён бўлади. Хенкель ҳуқуқни ҳокимият мезони сифатида тушуниб, позитив ҳуқуқни ҳуқуқий ҳокимият деб ҳисоблайди. У мана шу нуқтаи назардан **қонун** ижодкорлигини, ҳуқуқ, давлат ва ижтимоий тузилмалар нисбатини, ҳуқуқнинг социал мақсадини тадқиқ этади.

Шу билан бирга Хенкель ҳуқуқ фалсафасини умумий фалсафа тармоғи сифатида (табиат фалсафаси, тарих фалсафаси, дин фалсафаси билан биргаликда) ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди.

Француз ҳуқуқшунос профессори **Г.А.Шварц-Либерман фон Валендорф** ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифасини позитив ҳуқуққа қадриятли ёндашувда баҳо беришда, - деб

1. Қаранг: Brinkmann K. Lehrbuch der Rechtsphilosophie. Bonn, 1975.

2. Қаранг: Henckel H. Einführung in die Rechtsphilosophie: Grundlagen des Rechts. München, 1964. S.51.

ҳисоблайди, чунки «фалсафа ўз моҳиятига кўра бизни ўраб турган оламга нисбатан қадриятлар иерархияси белгиланишидир»<sup>1</sup>. Ҳуқуқнинг ўзи Валендорф томонидан «қадриятлар мантиқи» сифатида, қонунлар эса «мазкур жамият аъзолари ўртасидаги кўпроқ ёки камроқ даражада аниқ бўлган интерсубъектив битишувнинг анча нозик натижаси»<sup>2</sup> сифатида таърифланади.

Валендорфга мувофиқ «ҳуқуқнинг уч асосий хоссаси»<sup>3</sup> - тенглик, мувозанат ва изчиллик (қарама-қаршиликларнинг йўқлиги) бор. Ҳуқуқ ўзининг мана шу хоссалари туфайли тинчлик ва бирликни таъминлайди. Тинчлик - бу одилсудловга таянувчи хавфсизликдир, такомиллашган одилсудлов мавжуд бўлган жойда мукамал тинчлик бўлади. Айрим ишларни ҳал этишда суд томонидан тенгликнинг аниқлаштирилиши амалдаги ҳуқуққа (умумий мажбурий нормаларга) **позитивдан юқори турувчи ҳуқуқий асосни** - «позитив ҳуқуқ»дан устун бўлган «мезонни»<sup>4</sup> киритиш қонуний усулдир.

Вена университети юридик факультетининг профессори **Г.Луф** ҳуқуқ фалсафасининг асосий муаммоларини ҳуқуқ фалсафаси тарихи билан боғлаб ёритади. Луфга кўра, ҳуқуқни одамларнинг биргаликда яшашининг норматив тартиби, «тўғри» (адолатли) тартиб, давлат йўли билан мажбур қилиш воситаларига эга бўлган тартиб сифатида таърифлаш ҳуқуқ тушунчаси **элементлари** ҳисобланади. Бунда у «ҳуқуқ ҳар қандай ўзбошимча мазмунга эга» эмаслигини, «у адолатнинг муайян олий ахлоқий асос бўлувчи қоидалари билан боғлиқ»лигини<sup>5</sup> таъкидлайди.

Ҳуқуқ одамларнинг биргаликда яшаш тартиби сифатида одамларнинг турмуши ва яшаши учун инсонпарварлик шароитларини кафолатлаш мақсадини кўзлайди. «Ҳуқуқнинг ушбу ахлоқий мақсади барча позитив кўрсатмалардан олдин зарур тарзда мавжуд бўлади», шу сабабли «ҳуқуқни ва унинг институтларини адолат талабига бўйсундириш» зарурдир<sup>6</sup>. Шу

1. Schwarz-Liebermann von Wahlendorf H.A. Elements d'une introduction a la philosophie du droit. Paris, 1976. P.9.

2. Ibid. P.26.

3. Ibid. P.67.

4. Ibid. P.77,78.

5. Luf G. Grundfragen der Rechtsphilosophie. 3 Aufl. Wien, 1983. S.14.

6. Ibid. S.52.

муносабат билан у бундай деб ёзади: «Бизнинг бугунги вази-  
ятимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини талаб этиш,  
ҳуқуқий давлат принципларини амалга ошириш, қарорлар  
қабул қилишнинг демократик тартиботларини ва ҳуқуққа  
қўйиладиган бошқа элементар ахлоқий талабларни ўрнатиш-  
дан иборатдир. Бу билан ушбу талаблар муайян тарихий ша-  
роитлар доирасида ҳуқуқни яратиш ва тегишлича, танқид  
қилиш учун хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Гамбург университетининг ҳуқуқ профессори **Ш.Смид**  
ўзининг ҳуқуқ фалсафаси концепциясида «ишчи гипотеза»-  
дан келиб чиқиб, «ҳуқуқ можароларни ҳал этишда тенглик-  
нинг таъминланиши функциясини бажаради ва шу сабабли  
у, энг аввало, ўзининг яратувчилик вазифасини бажаришга  
қодирдир», деган фикрни илгари суради<sup>2</sup>. Бундай ёндашув  
доирасида у ҳуқуқни **алоҳида бир кишининг ҳокимияти ва**  
**эркинликнинг умумий тартиби сифатида** талқин қилади. Ҳуқуқ  
тарихи, деб қайд этади у, имтиёзлардан (бировларнинг бош-  
қалардан ҳуқуқ томонидан рухсат берилган) устунлигидан  
ҳуқуқий тенгликка томон ривожланиши руҳи билан суғо-  
рилган. Ҳуқуқий тенглик гоёси яҳудий-юнон-христиан ма-  
данияти соҳасида шаклланди ва Европа ҳуқуқининг асосини  
ташқил этади. Смидга кўра, тенглик ва тенгсизликни ҳуқуқий  
фарқлаш «ҳуқуқни янада ривожлантириш моторидир», чун-  
ки ҳуқуқнинг ривожланишининг ўзи - бу «тенгликнинг та-  
комиллашувидир»<sup>3</sup>.

Испаниялик ҳуқуқ файласуфи **П.Белда** фалсафий фан  
бўлмиш табиий ҳуқуқ тўғрисидаги фан Коинотдаги умумий  
тартиб масалалари билан ва табиат инсонга юклайдиган маж-  
буриятлар билан (инсоннинг ижтимоий мажбуриятларидан  
фарқ қилган ҳолда) шуғулланади, деб ҳисоблайди<sup>4</sup>. Вазифа  
инсоннинг жамиятдаги хулқ-атворини унинг табиати талаб-  
ларига мувофиқлаштиришдан иборат.

Белда табиий ҳуқуқни позитив ҳуқуқ асоси сифатида тал-  
қин этади. У **инсоннинг аниқ табиий ҳуқуқлари орасида** яшашга  
ва шахсий яхлитликка бўлган ҳуқуқни, шахсий қадр-қиммат

1. Ibid.

2. Smid S. Einführung in die Philosophie des Rechts. Munchen, 1991. S.145.

3. Ibid. S.151.

4. Belda P. Derecho natural. Madrid, 1974.

ҳуқуқини (бунга барчанинг қонун олдида тенглиги принципини, ирқий, миллий ва бошқа тафовутлардан қатъи назар барча одамлар учун тенг имкониятлар принципини, аёллар ва эркалар тенглиги принципини киритади), меҳнат қилиш ҳуқуқини ва шахсий эркинлик ҳуқуқини айтиб ўтади.

Севилья университетининг ҳуқуқ профессори **Х.Ф.Лорка-Наваретте** ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг вазифасини ҳуқуқнинг моҳиятини ва ҳуқуқнинг бошқа ижтимоий воқеалар билан ўзаро алоқаларини тадқиқ этишда, инсон табиатидан келиб чиқувчи табиий ҳуқуқ принципларини асослашда, позитив ҳуқуқ билан табиий ҳуқуқ ўртасидаги нисбатни таҳлил этишда кўради. **Табиий ҳуқуқ** бунда амалдаги ҳуқуққа ва унга бириктирилган ижтимоий тартибга нисбатан **баҳолаш категорияси (ахлоқий тусдаги)** сифатида талқин этилади. «Ахлоқий асосдан маҳрум этилган, адолатга етишишга интилмайдиган ҳуқуқ, - деб ёзади у, - одамларни лақиллатиш воситасига, уйдирма орқали утопик вазифаларни ҳал этиш қуролига айланади»<sup>1</sup>. Табиий ҳуқуқ тарафдорларининг миссияси (бинобарин, ҳуқуқ фалсафасининг ҳам вазифаси) мавжуд қонунчиликни инсон табиатида илдиз отган табиий ҳуқуқ принциплари нуқтаи назаридан танқид қилишдан иборатдир.

**Неопозитивизмга** айланган юридик позитивизм ҳам XX асрда жиддий ўзгаришларга учради. Олдинги аналитик юриспруденцияни ривожлантириш доирасида бир қанча янги йўналишлар пайдо бўлди (Г.Кельзеннинг нормативизми, Харт концепцияси ва бошқалар). Ҳуқуққа бир неча янги юридик позитивистик ёндашувлар (лингвистик, юридик-мантқиқий, тузилмавий ва ҳуқуқ тўғрисидаги неопозитивистик таълимотнинг бошқа айрим кўринишлари) шаклланди ва анча кенг ёйилди.

Бироқ ҳуқуқни тушуниш моҳияти нуқтаи назаридан XX асрдаги юридик позитивизмга, ўтмишдаги позитивизм билан бўлгани сингари, **ҳуқуқни тушунишнинг айнан легистик тип**и хосдир. Ҳуқуқ ва қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг) устомонлик билан ва янгичасига легистик айнан бир нарса деб қаралиши (буни неопозитивистлар ҳимоя қилмади) ўз мо-

1. Lorca-Navaratte J. F. El deecho natural hoy: A proposito de las Ficciones juridicas. Madrid, 1976. P.6.



ҳиятига кўра ҳуқуқ фалсафасини (замонавий позитивистик фалсафа, мантиқ, лингвистика, структурализм ва бошқаларнинг усул ва воситалари ёрдамида) инкор этади ҳамда, Г.Гуго ва Д.Остин сингари, **фақат позитив ҳуқуқ фалсафасини** эътироф этади. Бундай ёндашувга кўра, бошқа ҳар қандай ҳуқуқ фалсафаси - бу **ахлоқий фалсафадир**.

Айни маҳалда бир-бирига зид ёндашувлар тарафдорларининг нуқтаи назарини яқинлаштиришга қаратилган уринишлар бўлмоқда.

Масалан, юридик позитивизм тарафдори бўлган **К.Роде** ҳуқуқ фалсафасини ҳуқуқий тафаккурнинг икки асосий йўналиши - табиий ҳуқуқий таълимотлар ва юридик позитивизмнинг<sup>1</sup> кураши ва ўзаро таъсири диалектикаси билан суғорилган ҳуқуқ **фалсафаси тарихи** сифатида талқин қилади.

Немис ҳуқуқ профессори **Р.Циппелиус** ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» дарслигида ҳуқуқни «кўп қатламли тузилма» сифатида талқин қилади ва мана шу нуқтаи назардан ҳуқуқ тўғрисидаги бир томонлама «соддалаштирилган тасаввурларни» рад этади<sup>2</sup>. Ҳуқуқни фалсафий кўриб чиқиш жараёнида, деб таъкидлайди у, ҳуқуқнинг барча жиҳатлари (норматив, ижтимоий, антропологик жиҳатлари, шунингдек «адолатлилик жиҳати», «эркинлик жиҳати») ҳисобга олинishi керак, чунки «ҳуқуқ - бу эркинликни авж олдириш регулятиви умумийлигини қўллаб-қувватловчидир»<sup>3</sup>.

Циппелиус ўзининг ҳуқуққа кўп қиррали ёндашувида **«тентатив, тажрибадан ўтказувчи тафаккур»** методига амал қилади. «Синаб кўрувчи (намуна олувчи) метод, - деб ёзади у, - ҳуқуқ тушунчаси ривожланишига ва адолат мезони аниқлаштирилишига хизмат қилиши керак. Бундай тентатив, тажрибадан ўтказувчи олга силжиш, умуман ҳанузгача инсон тафаккурининг муваффақиятли методи ҳисобланади. Ушбу метод уни инсоннинг дунёдаги йўналишининг асосий намунаси сифатида билиш учун биринчи марта фақат бизнинг кунларимизда етарлича ўйлаб кўрилган. Ушбу метод табиий фанлар предметларига нисбатангина эмас, балки этика ва

1. Rode K. Geschichte der evropaischen Rechtsphilosophie. Dusseldorf, 1974, S.VI, 1-3.

2. Zippelius R. Rechtsphilosophie. Munchen, 1982. S.1.

3. Ibid. S.2.

ҳуқуқ масалаларига нисбатан ҳам қўлланилади»<sup>1</sup> «Тентатив тафаккур» методи, Циппелиусга мувофиқ, нафақат айрим ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда, балки тарихи «тафаккурнинг бир қанча тажрибаси (синови)»<sup>2</sup> сифатида қаралиши мумкин бўлган барча нарсани қамраб олувчи ҳуқуқ ва адолат назариясини ёритишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Париж университетининг ҳуқуқ фалсафаси профессори **А.Батиффоль** XX асрнинг II ярмида француз ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқ фалсафасига қизиқиши ошганлигини «*ҳуқуқнинг асосий, олий мазмуни*»ни<sup>3</sup> фалсафий тадқиқ этмасдан туриб ҳуқуқни чуқур ишлаб чиқиш мумкин эмаслиги билан боғлайди.

Батиффоль ҳуқуқ фалсафаси предмети ва вазифасини умуман аналитик юриспруденциянинг юридик-позитивистик ғоялари, айниқса Кельзеннинг «ҳуқуқ тўғрисидаги соф таълимоти» таъсири остида талқин этади. Шу нуқтаи назардан у юридик феноменни (яъни позитив ҳуқуқнинг ҳар хил тизимларини) фалсафий ўрганиш давомида ҳуқуқшуноснинг саъй-ҳаракати **ҳуқуқий ечимларни ифодаловчи таклифларни ташкил этишга қодир бўлган ғояларни излашга йўналтирилган**, деб ҳисоблайди. **Ҳуқуқий ечимларни** (ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашни) **оқлаш, асослаш ва ташкил этиш жараёнида** амалдаги ҳуқуқда дедуктив конструкцияларнинг аҳамиятини, табиий ва халқаро ҳуқуқнинг ролини, «инсон табиати», «тенглик» тушунчаларини ишлаб чиқишда юридик тажриба ҳиссасини ва бошқаларни аниқлаш зарур<sup>4</sup>.

Батиффоль ҳуқуқни тушуниш масалаларидаги бундай **«ўрталик» нуқтаи назарни** қуйидаги тарзда асослайди: экстремистик нуқтаи назарлар индивидуализмни амалга ошириб бўлмаслиги, тоталитаризм эса мақбул эмаслиги туфайли асоссиздир; шу сабабли «ечимнинг ўрта йўлини излаш талаб этилади»<sup>5</sup>. Хавфсизлик, адолат ва умумий манфаат бундай «ўрта йўл»нинг мақсадидир. Амалдаги норматив тизим мана шунга интилиши керак.

1. Ibid.

2. Ibid. S.3.

3. Batiffol A. Problemes de base de philosophie du droit. Paris, 1979. P.8.

4. Ibid. P.140.

5. Ibid. P.391.

Умуман олганда, «**ҳуқуқнинг учинчи назарияси**»ни **излаётган муаллифлар (Р. Дворкин)**<sup>1</sup> учун кўп жиҳатдан ҳуқуқни тушунишнинг бир-бирига зид икки концепцияси гоյлари ва ёндашувнинг эклектик бирикуви характерлидир.

## 2. Ҳуқуқ фалсафасининг неокантча концепцияси

Немис ҳуқуқшуноси **Р.Штаммлер** (1856-1938 йиллар) неокантча ҳуқуқ фалсафаси шаклланиши ва ривожланишига сезиларли ҳисса қўшди. Штаммлер лозимлик ва борлиқнинг, расмий ва амалдагининг нисбати тўғрисидаги кантча қоидалар ўзанида ижтимоий амалиётларга нисбатан «тартибга солувчи шакл» сифатида ҳуқуқнинг мантиқий устунлигини ҳимоя қилди ва «одамлар ижтимоий турмушининг қонунийлиги унинг юридик шакли қонунийлигидир»<sup>2</sup>, деб таъкидлади.

Штаммлер ҳуқуқ деганда (унинг қонун билан фарқланиши ва нисбатида) **мазмунни ўзгариб турадиган табиий ҳуқуқни** назарда тутди. Сўз табиий ҳуқуқни априор тушуниш ҳақида борар экан, унинг «**ўзгарувчи мазмуни**» - амалдаги (ижтимоий) мазмун эмас, балки **ҳуқуқнинг расмий тавсифи** (ақлнинг априор мақсадни кўзлаши)дир.

Штаммлер ишлаб чиққан «тўғри ҳуқуқ»<sup>3</sup> тушунчаси кейинги фалсафий-ҳуқуқий тафаккурга сезиларли таъсир кўрсатди. У ушбу тушунчадан позитивистик ҳуқуқни тушунишда фойдаланди.

Бошқа бир немис ҳуқуқшуноси **Г.Радбрух** неокантча ҳуқуқ фалсафасининг таниқли вакили эди. Ҳуқуқ унда (унинг қонун билан фарқланиши ва нисбатида) айрим кантчилар сингари, «табиий ҳуқуқ» тушунчаси орқали эмас, балки «ҳуқуқ гоյлари», қонундан юқори турувчи ҳуқуқ» тушунчалари билан ифодаланган. Бироқ унинг юридик позитивизмнинг фалсафий-ҳуқуқий танқиди ҳамда юриспруденцияда «ҳуқуқ гоյси»ни ва «қонундан юқори турувчи ҳуқуқ» концепцияси-

1. Қаранг: Dworkin R. Taking rights seriously. London, 1977. Idem. Law's empire. London, 1986.

2. Штаммлер Р. Хозяйство и право с точки зрения материалистического понимания истории. СПб., 1899. С.169,281.

3. Stammler R. Die Lehre von dem richtigen Rechte. Berlin, 1902 (2. Aufl. 1926).

ни тиклашга қаратилган изчил чақириқлари Фарбий Европада табиий ҳуқуқнинг урушдан кейинги «ренессанси»га жиддий равишда кўмаклашди.

Бу жиҳатдан Радбрухнинг «Қонуний ноҳуқуқ ва қонундан юқори турувчи ҳуқуқ» (1946 й.) асари алоҳида роль ўйнайди. Радбрух ўзининг ушбу асарида юридик позитивизм национал-социализм даврида ҳуқуқнинг сохталаштирилганлиги учун масъул эканлигини таъкидлади, чунки у «ўзининг «қонун қонундир» деган эътиқоди билан немис ҳуқуқшуносларини ўзбошимча ва жиноий мазмунли қонунлар олдида қуролсизлангирди»<sup>1</sup>. Радбрух бундай ёндашувга ҳуқуқ гоёси элементи сифатида адолатнинг неокантча талқинини қарши қўйди. «Чунки адолат, - деб ёзади Радбрух, - бизга айнан «тенг тенг, нотенг нотенг» дейиш билан кифояланишни кўрсатади, бироқ у тенг ёки нотенг деб тавсифланиши керак бўлган нуқтаи назар тўғрисида бизга ҳеч нима демайди, у фақат муносабатни белгилаб беради, муомала қилиш услубини белгилаб бермайди»<sup>2</sup>.

Адолат ва тенгликни бундай тушуниш унинг ёндашувида ҳуқуқни «қонуний ноҳуқуқдан» фарқлашни белгилаб беради. «Тенг - тенг, нотенг - нотенг» дейиш билан кифояланишга қаратилган, ирода хос бўлмаган кўрсатма позитив бўлиши, мақсадга мувофиқ бўлиши ва, ҳатто, зарур бўлиши мумкин ва шу сабабли мутлақо қонуний деб эътироф этилиши мумкин, бироқ унга ҳуқуқ номидан рад жавоби берилиши керак, чунки ҳуқуқнинг мақсади камида адолатга хизмат қилишидир»<sup>3</sup>.

Адолат билан (яъни «ҳуқуқ гоёлари» элементлари билан) чиқишмайдиган позитив ҳуқуқ ҳақиқий ҳуқуқ ҳисобланмайди, шу сабабли, Радбрухга биноан, унга қулоқ солишдан қочиш керак. «Агар қонунлар, - деб таъкидлайди у, - адолатга бўлган иродани онгли равишда инкор этса, масалан, инсон ҳуқуқлари кафолатларини ўзбошимчалик билан рад этса, у ҳолда бундай қонунлар амал қилмайди, халқ уларга қулоқ солмаслиги керак ва ҳуқуқшунослар ҳам уларнинг

1. Radbruch G. Gesetzliches Unrecht und ubergesetzliches Recht (1946). - In: Radbruch G. Rechtsphilosophie. Heidelberg, 1983. S.352.

2. Zit. Nach: Luf G. Zur Verantwortlichkeit des Rechtspositivismus fur «gesetzliches Unrecht» // Nationalsozialismus und Recht. Wien, 1990. S.22.

3. Ibid. S.22.

хуқуқий характерини рад этиш учун мардлик кўрсатишлари керак»<sup>1</sup>.

«Хуқуқни янгилаш» ва юридик фанни тиклаш учун, деб қайд этади Радбрух, қонун усти (қонунчиликдан юқори турувчи) хуқуқ гоёсига қайтиш зарур. «Юридик фан, - деб ёзади у «Хуқуқнинг янгилаши» асарида, - антик давр, ўрта асрлар христианлиги ва Маърифат даврининг қонундан кўра юксакроқ хуқуқ - табиий хуқуқ, илоҳий хуқуқ, оқилона хуқуқ, қисқаси, унга биноан нохуқуқ қонун шаклига солинган бўлса ҳам, нохуқуқ нохуқуқ бўлиб қоладиган қонун усти хуқуқи борлиги ҳақидаги минг йиллик донишмандлигини яна эсга олиш зарур»<sup>2</sup>.

Юридик позитивизмни инкор этиш сифатидаги ушбу «қонун усти хуқуқи» гоёси кўшлар учун табиий хуқуқнинг эътироф этилиши билан бир нарса эди ва уни «тиклаш» тарафдорлари доираси кенгайишига жиддий кўмаклашди. Бироқ неокантчилар учун **анъанавий табиий хуқуқнинг мазмуни ва аҳамияти расмийлаштирилиши** ва ушбу мазмунни расмий-хуқуқий конструкциянинг хоссаси сифатида (хуқуқнинг трансцендентал ва априор гоёси руҳида) ифодалашнинг у ёки бу тахмини хосдир. «Чинакам хуқуқ фалсафаси, - деб қайд этади испаниялик неокантчи **А.Оллеро**, - расмий хуқуқий принципни абадий излайди»<sup>3</sup>.

Франкфурт университети юридик факультетининг профессори **В.Науке** ўзининг фалсафий-хуқуқий концепциясини Кант ва кантчилар (Штаммлер ва бошқалар) гоёлари ўзанида ривожлантирди. «Хуқуқ фалсафаси, - деб таъкидлайди у, - тўғри хуқуқ тўғрисидаги таълимотни, адолат тўғрисидаги таълимотни ривожлантирмоқчи. Бу мураккаб юмуш. Ҳар бир кишининг кундалик турмуши ушбу ишнинг муваффақиятига боғлиқ»<sup>4</sup>. У **«тўғри хуқуқ»** ва **«позитив хуқуқ»**ни бири-биридан фарқлаб, тўғри хуқуқ деганда «оқилона хуқуқ»ни, «адолатли хуқуқ»ни<sup>4</sup> назарда тутди. «Тўғри хуқуқ муаммо-

1. Radbruch G. Rechtsphilosophie. S.336.

2. Zit. nach: Luf G. Zur Verantwortlichkeit des Rechtspositivismus für «gesetzliches Unrecht». S.25.

3. Қаранг: Четвернин В.А. Современные концепции естественного права. М., 1988. С.65.

4. Naucke W. Rechtsphilosophische Grundbegriffe. Frankfurt a. Main, 1982. S.5.

си, - деб ёзади у, - ҳуқуқ фалсафаси предметиدير. Ҳуқуқ фалсафаси - тўғри ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотдир»<sup>1</sup>.

Бир томондан, ҳуқуқ фалсафаси, иккинчи томондан, ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ социологияси ва ҳуқуқ сиёсати (ҳуқуқий сиёсат) ўртасида рақобат мавжуд ҳамда таъсир доираси учун кураш бормоқда. «Ҳар ҳолда, - деб ёзади Науке, - тўғри ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот сифатида ҳуқуқ фалсафасининг имкониятларига шубҳа қанчалик кучли бўлса, ҳуқуқ сиёсати, ҳуқуқ социологияси ва ҳуқуқ назарияси шунчалик кучли бўлади»<sup>2</sup>.

### 3. Ҳуқуқ фалсафасининг неогегелча концепцияси

Гегель сиёсий-ҳуқуқий фалсафасининг неогегелча талқинининг асосий жиҳатларини асосан **немис неогегелчилари** беришди. Немис неогегелчилиги Вильгельм Германиясининг агрессив кўрсатмалари шароитларида туғилиб, «1914 йил ғояси»ни назарий жиҳатдан асослади, Кайзер Германияси ҳалокатга учрагандан кейин эса Веймар республикасининг буржуа-демократик принциплари ва институтларига ҳужум қилди, куч ишлатадиган давлат тарафдори бўлиб чиқди. Немис неогегелчилари Гитлер рейхини қутлашди ва Гегель ҳуқуқ фалсафасининг бир қанча консерватив ғояларини ўз талқинларида (кўпинча сохталаштириб) рейхнинг ички ва ташқи сиёсати мақсадларига мослаштиришга ҳар томонлама интилишди. «Неогегелчилик, - деб қайд этади неогегелчи **К.Ларенц**, - ўз асосини айнан ҳуқуқ фалсафасидан олиши характерлидир»<sup>3</sup>.

«Немис мутафаккирларининг давлат тўғрисидаги фикрлари томон орқага!», - деб даъват этди 1920 йилда **О.Шпани**. У мазкур мутафаккирлар (энг аввало Гегель назарда тутилар эди) Веймар республикаси немисларини давлатни «индивидуал тушуниш сиртмоқлари»дан озод қилишига умид боғлар эди<sup>4</sup>.

1. Ibid. S.16,182. Ibid. S.17.

2. Ibid. S.20.

3. Larenz K. Rechts-und Staatsphilosophie des deutschen Idealismus // «Handbuch der Philosophie», Bd. «Staat und Geschichte». Munchen - Berlin, 1934. S.186.

4. Қаранг: Spann O. Uber die Erziehung des Deutschen zum Verstandnis des Staates // «Deutschen Volkstum», 1920, Hf. 5.S. 195.

Хуқуқ фалсафасига мурожаат қилган **Ю.Биндер** неогегелчилар даврасидаги етакчи сиймо эди. «Давлат асоси ва ахлоқийлик» (1929 й.) асарида у агрессив урушнинг сиёсий ва ахлоқий оқланишини неогегелчилик нуқтаи назаридан асослади.

Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши ва нацистик режим ўрнатилишини Биндер ўзи кутган авторитар (мустабид) давлатнинг ўрнатилиши сифатида қабул қилди. У 1934 йилда «Немис халқ давлати» асарида «Биз Адольф Гитлернинг сиёсий ихтироси туфайли қарздор бўлган бу давлат - гоёлар давлати - тўғри тушунилган давлатнинг рўёбга чиқарилишигина эмас, балки у, шунингдек, агар уни тўғри тушунилса, ўзи унинг турмуш шакли бўлишни истаган халқнинг моҳиятига мувофиқлигини ҳам кўрсатиши керак»<sup>1</sup>.

Биндернинг неогегелчи гоёларини унинг шогирди **К.Ларенц** ёқлаб чиқди ва ривожлантирди. У хуқуқ фалсафаси вазифасини «мазкурнинг, яъни воқеликнинг, эмпирик хуқуқнинг оқилоналигини англаб етишда»<sup>2</sup> кўрди. У ушбу руҳда нацист қонунчилигининг «ахлоқийлиги» ва «халқчиллигини», барчанинг қонун олдида тенглигини инкор қилишини ва хуқуқ соҳасига ирқий тасаввурлар жорий этилишини оқлади<sup>3</sup>. «Биринчи марта фақат бизнинг замонамиз, - деб таъкидлади Ларенц, нацистлар даврини назарда тутиб, - Гегелнинг ҳақиқий ва теран интилишини - халқнинг барчани чинакам қамраб олувчи умумийлигини, «ахлоқий умумийликни» тўғри тушуниш ва баҳолашга қодирдир, Гегелнинг сохта образи билан ўзини адаштирган бутун XIX асрда буни англаб етилмади»<sup>4</sup>.

**Т.Гаеринг** Гегель таълимотининг замонавийликка яқинлигини, айниқса «тотал давлат» масаласида яқинлигини таъкидлайди. Ушбу тоталликнинг чинакам ифодачиси фюрер ҳисобланади, бамисоли касал организмга врач зарур бўлга-

1. Binder J. Der Deutsche Volkstaat. Tübingen, 1934. S.5-6.

2. Larenz K. Rechtswahrer und Philosoph // «Zeitschrift für Deutsche Kulturphilosophie», Bd.6. Tübingen, 1940. S.4.

3. Қаранг: Beyer W. Hegel-Bilder. Berlin, 1970, S.154; Topitsch E. Die Sozialphilosophie Hegels als Heilslehre und Herrschaftsideologie. Neuwied-Berlin, 1967. S.80.

4. Larenz K. Hegelianismus und preussische Staatsidee. Hamburg, 1940. S.15.

нидек, анархизмга қарши курашда ва давлатни емиришда у шунчалик зарур<sup>1</sup>.

**В.Шмидт** Гегелнинг герман миллати даври тўғрисидаги қоидасига таяниб, «рейхнинг тартибга солувчи ҳокимияти остидаги раҳбарлик тизими бўлган Европа тартиби»ни асослади<sup>2</sup>.

Италян неогегелчиси **Д.Джентиленинг** саъй-ҳаракати фашизм мафкураси ва амалиётини оқлашга қаратилди<sup>3</sup>. У Гегелнинг ахлоқий қадрият бўлган давлат ғоясидан фашистик режимни ахлоқийлик ва эркинликнинг олий ифодаси сифатида талқин қилиш учун фойдаланди<sup>4</sup>.

**Голланд неогегелчилари** орасида ҳуқуқ фалсафаси билан XX асрнинг 30-йилларда **Б.Телдерс** шуғулланди. У Гегелга таянган ҳолда «давлат якка ҳокимияти»ни чекловчи халқаро ҳуқуқ қоидаларига ҳужум қилди<sup>5</sup>.

**Француз неогегелчилари**, айниқса, дастлабки пайтларда Гегелнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти билан эмас, балки фалсафаси билан қизиқишди. Улар Гегелга тоталитар донишманд сифатида умуман ёндашишмайди. Масалан, **А.Куайре** Гегелнинг реакционер сифатида баҳоланишини рад этди ва унинг таълимотини индивиднинг эркинлиги ва ижтимоий яхлитликни яраштиришга интилувчи мўътадил назария сифатида талқин қилишга қўшилди<sup>6</sup>.

**Ж.Ипполит** француз неогегелчиларининг таниқли сиймоси эди. Ипполитнинг фикрича, Гегель Платон сингарии антик полис утопиясини эмас, балки воқелигини асослади, замонавий давлатни ҳамда фуқаролик жамиятини тасвирлаб берди, унинг куртакларини кўра билди, ўз давридан илгарилаб кетиб, ушбу жамиятни ва давлатни ҳимоя қилди<sup>7</sup>. Би-

1. Қаранг: Haering T. Hegels lehre von Staat und Recht. Ihre Entwicklung und ihre Bedeutung für die Gegenwart. Stuttgart, 1940. S.26.

2. Schmidt W. Hegel und die idee der Volksordnung. Leipzig, 1944. S.158.

3. Қаранг: Gentile G. Grundlagen des Faschismus. Stuttgart, 1936. S.33.

4. Қаранг: Gentile G. Il concetto dello Stato in Hegel // «Verhandlungen des zweiten Hegelkongresses», Berlin, 1932. S.121 u. ff.

5. Telders B. M. Die Geschichte als Gottes Gericht // «Verhandlungen des dritten Hegelkongresses». Tübingen, 1934. S.229,234.

6. Қаранг: Koure A. Rapport sur l'état des études hegeliennes en France. // Verhandlungen des ersten Hegelkongresses. S.80-105.

7. Hippolite J. L'état du droit (La condition juridique). Introduction a un commentaire // «Hegel-Studien» Bhf.3. Bonn, 1966. P.P.183.



роқ Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси тарихнинг фожиали кечишини енгиб ўтишга қодир эмас. Шу сабабли, - деб қайд этади Ипполит, - бу «биз бундан кейин фараз қилолмайдиган оптимизм шаклидир»<sup>1</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин фашистик ва нацистик режимларни оқлашга йўналтирилган неогегелчилик (биринчи навбатда немис ва итальян неогегелчилиги) тарих саҳна-сидан тушди.

Гегелнинг ижодий меросини неогегелчиликнинг сохта-лаштиришидан тозалаш, Гегель ҳуқуқ фалсафасига ёндашишдаги қарама-қаршилиқни бартараф этиш, унинг фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётидаги ўрни ва ролига холис баҳо бериш **урушдан кейинги гегелчиликнинг муҳим йўналишлари бўлди**<sup>2</sup>.

#### 4. Г.Кельзеннинг ҳуқуқ тўғрисидаги соф таълимоти

Г.Кельзеннинг (1881-1973 йиллар) ҳуқуқ тўғрисидаги соф таълимоти ўзида мантиқий-таҳлилий юриспруденция нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган позитив ҳуқуқнинг неопозитивистик назариясини ифодалайди. Кельзен XIX-XX асрларнинг анъанавий ҳуқуқшунослигини танқид қилиб ва ўз таълимотини ҳуқуқ тўғрисидаги қатъий ва изчил соф таълимот сифатида тавсифлаб, бундай деб ёзган эди: «У ҳуқуқ қандай бўлиши керак ёки қандай яратилиши керак, деган саволга эмас, балки ҳуқуқ нима ва у қандай, деган саволга жавоб беришга интилади. У ҳуқуқ сиёсати эмас, балки ҳуқуқшунослиқдир»<sup>3</sup>.

Ушбу таълимотнинг «софлиги» мазмуни, Кельзенга мувофиқ, у ўрганилаётган предметни (ҳуқуқни) ҳуқуқ бўлмаган барча нарсадан «тозалашидан», ҳуқуқшунослик эса пси-

1. Hyppolite J. Le tragique et le rationnel dans la philosophie de Hegel // «Hegel-Jahrbuch 1964». Meisenheim / Glan. 1965. P.13, 15.

2. Батафсил қаранг: Нерсеянц В.С. Гегелевская философия права: история и современность. М., 1974. С.226-272; он же. Философия права Гегеля. М., 1998. С.249-303

3. Чистое учение о праве Ганса Кельзена. Вып.1. М., ИНИОН АН СССР, 1987. С.7. Кельзеннинг асари 1934 йилда нашр этилган. Асарнинг биз ушбу ўринда кўчирма олаётган иккинчи (қайта ишланган ва кенгайтирилган) варианты муаллиф томонидан 1960 йилда эълон қилинган.

хология, социология, этика, сиёсий назария ва ҳоказолардан иборатдир.

Ушбу «тозалаш» Кельзен томонидан ҳуқуқни нормаларнинг махсус тизими сифатида ўрганиш ва тавсифлашнинг специфик норматив методи ёрдамида амалга оширилади. Бунда, Кельзенга мувофиқ, «специфик метод специфик предметни аниқлаб беради»<sup>1</sup>. «Норма» тушунчаси, - деб тушунтиради Кельзен, - нимадир бўлиши кераклигини ёки содир этилишини ва, айниқса, инсон муайян тарзда ҳаракат қилишини (ўзини тутишини) назарда тутати»<sup>2</sup>.

Кельзеннинг ҳуқуқ ва унинг нормативлиги тўғрисидаги қоидаси борлиқ дуализми ва лозимлик тўғрисидаги неокантча тасаввурга таянади. Бундай дуализм доирасида ҳуқуқ сабабийлик қонунига бўйсунган моҳият соҳасига эмас, балки лозимлик ва мазмун (қиймат) соҳасига тегишли бўлади.

Бунда **норма (борлиқ) мавжудликни талқин этиш ва унга ҳуқуқий мазмун бериш** схемаси сифатида намоён бўлади. «Ҳужжатга ҳуқуқий (ёки ҳуқуққа зид) ҳужжат тусини берадиган норма, - деб ёзади Кельзен, - ҳуқуқий ҳужжат воситасида ўзи яратилади. Ҳуқуқий ҳужжат, ўз навбатида, бошқа нормадан ҳуқуқий қиймат олади»<sup>3</sup>. Нормаларнинг **ушбу иерархиясида** кейинги норма «юксакроқ» норма сифатида воқеъ бўлади, нормаларнинг бутун тизими эса пировард натижада умуман асосий нормага бориб тақалади. «Субъектив жиҳатдан зарурлик мазмунига эга бўлган қонун ҳужжати, - деб тушунтиради Кельзен, - объектив равишда ушбу маънога (ҳақиқий норма маъносига) эга бўлади, чунки конституция қонун чиқарувчи фаолият ҳаракатига ушбу объектив мазмунни берган. Конституцияни барпо этиш (амалга киритиш) иши, агар конституцияни яратувчи кўрсатганидек амал қилиши керак деб мўлжалланса, нафақат субъектив, балки объектив норматив мазмунга эгадир... Норманинг объектив воқелигини асословчи бундай йўл қўйишни мен асосий норма, деб атайман (Grundnorm)»<sup>4</sup>.

Барча социал норматив тартиблар (ҳуқуқий-тартибот,

1. Kelzen H. Der soziologischen und der juristische Staatbegriff. Tübingen. 1928. S.106.

2. Чистое учение о праве Ганса Кельзена. Вып.1. С.11.

3. Ўша жойда. 10-11-бет.

4. Ўша жойда. 51-52-бет.

ахлоқий тартиб, диний тартиб) ўзининг ўзига хос санкцияларини белгилайди ҳамда ушбу норматив тартиблар ўртасидаги муҳим тафовут, Кельзенга мувофиқ, тегишли санкциялар хусусиятидан иборатдир. «Хуқуқ, - деб таъкидлайди у, - бошқа социал тартиблардан мажбурий тартиб эканлиги билан ажралиб туради. Унинг ўзига хос белгиси - мажбурлашдан фойдаланишдир»<sup>1</sup>.

Бундай ёндашув «ҳар қандай ўзбошимча мазмун ҳуқуқий бўлиши мумкинлигини» тақозо этади. Инсон хулқ-атвори «ўз ҳолича мазмунан мавжуд бўлмайди - ҳуқуқий норманинг мазмунини атайлаб ташкил этиши мумкин эмас»<sup>2</sup>. Шу сабабли Кельзен тоталитаризмнинг мажбурий қоидаларини ҳам ҳуқуқ деб ҳисоблайди.

Асосий норма - позитив норма эмас, балки фикрлаш мумкин бўлган нормадир, яъни мажбур қилишнинг амалдаги тартиби амалдаги ҳуқуқий нормалар тизими сифатида талқин қилинганда **ҳуқуқ-тартиботнинг шарт-шароити** сифатида тушуниладиган нормадир. Бироқ ушбу муносабатларни, деб қайд этади Кельзен, «шарт-шароитсиз, асосий норма постулатисиз ҳукмрон муносабатлар, яъни одамларга буйруқ берувчи ва бўйсундирувчи (ёки бўйсунмайдиган) ўзаро муносабатлар, бошқача қилиб айтганда, *юридик* эмас, балки *социологик* норма сифатида талқин қилиш мумкин»<sup>3</sup>.

Бошқача айтганда, Кельзен таълимотида **позитив ҳуқуқнинг амалда қўлланилиши деганда ҳокимият** (ҳуқуқни белгиловчи ҳокимият), **ҳуқуқнинг ҳақиқийлиги деганда эса - ушбу ҳокимият томонидан ўрнатилган позитив ҳуқуқ**, яъни норманинг ақлга мувофиқ асосидан келиб чиқувчи лозимликнинг ҳуқуқий нормалари тизими сифатида талқин этиладиган ҳар қандай ўзбошимчалик мазмунига эга бўлган ҳокимиятнинг буйруқлари тушунилади. Шу муносабат билан Кельзен бундай деб ёзади: «Агар (ҳуқуқ-тартиботнинг амал қилиши сифатида талқин қилинадиган) реаллик тушунчасини ҳокимият тушунчаси билан алмаштирилса, у ҳолда воқелик ва ҳуқуқ-тартиботнинг таъсирчанлиги нисбати тўғрисидаги ма-

1. Ўша жойда. 18-бет.

2. Чистое учинение о праве Ганса Кельзена. Вып.2. М., ИНИОН АН СССР, 1988. С.74

3. Ўша жойда. 98-бет.

сала ҳуқуқ ва ҳокимият нисбати тўғрисидаги маълум масалага яхши мос келади. У ҳолда ушбу ўринда таклиф этилган қарор гарчи ҳуқуқ ҳокимиятсиз мавжуд бўла олмаса ҳам, у ҳокимият билан бир нарса эмас, деган кўҳна ҳақиқатнинг қатъий, илмий шаклга солингани бўлиб чиқади, холос. Ушбу ўринда баён қилинган назария нуқтаи назаридан ҳуқуқ ўзида *ҳокимият тартибини (ёки ташкилотини)* ифодалайди»<sup>1</sup>.

Кельзен шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, **давлат ва ҳуқуқнинг анъанавий дуализмига қарши чиқади ҳамда давлатни ҳуқуқ-тартибот сифатида талқин этади.** «Биз, - деб ёзади Кельзен, - давлат деганда ҳуқуқ-тартиботни назарда тута бошлар эканмиз, ўша заҳоти, оддий этик-сиёсий постулатларга зид бўлган давлатнинг «ҳақиқийлиги» ёки «реаллиги» ҳуқуқнинг позитивлиги эканлиги маълум бўлади. «Ҳақиқий» давлат ўзида адолатдан, яъни сиёсат талабларидан фарқ қилган ҳолда позитив ҳуқуқни ифодалайди»<sup>2</sup>.

Шу сабабли *«ҳар қандай давлат ҳуқуқий давлатдир, ушбу атаманинг ўзи эса плеоназмдан иборатдир»*<sup>3</sup>. Кельзен айнан **позитив-ҳуқуқий** давлатни назарда тутиб, оддий тушунчадаги ҳуқуқий давлатни инкор этади ва уни «табиий ҳуқуқ назариясига асосланган хурофот»<sup>4</sup> сифатида тавсифлайди.

Кельзен ўзининг **табиий-ҳуқуқий назарияни** танқидида мазкур назариянинг асосий саъй-ҳаракатлари, одатда, позитив ҳуқуқни адолатли ёки адолатсиз ҳуқуқ сифатида баҳолаш мумкин бўлган мезонларни излашга жамланишини таъкидлайди. Бироқ, деб қайд этади Кельзен, **мутлақ адолатнинг бундай мезони йўқ.** Бундан ташқари, Кельзен бўйича «адолат маънавий сифатдир; шу сабабли адолат ахлоқ соҳасида туради»<sup>5</sup>. Кельзен табиий-ҳуқуқий концепцияларга хос бўлган ҳуқуқ ва ахлоқнинг аралаштириб юборилишини асосли танқид қилади. Бироқ у ҳуқуқ ва қонунни айнанлаштиргани учун, ҳуқуқнинг фарқланувчи белгисини мажбур қилишда кўрар экан, аслида (ва мантиқан, амалда), ҳуқуқни ноҳуқудан ва барча **ноҳуқуқийликдан** (ўзбошимчалик, зўравон-

1. Ўша жойда. 93-бет.

2. Kelsen H. Allgemeine Staatslehre. Berlin, 1925. S.45.

3. Чистое учение о праве Ганса Кельзена. Вып.2. С.146. Плеоназм - словесное излишество.

4. Ўша жойда. 153-бет.

5. Ўша жойда. 156-бет.

лик ва бошқалардан) **фарқ қилувчи ҳуқуқнинг ўзига хос специфик принципи борлигини рад этади.** Шу сабабли ўзининг асосий вазифасини - ҳуқуқшуносликни ахлоқдан ва барча ноҳуқуқийликдан тозалаш вазифасини ҳал этиш учун **Кельзенда энг асосий нарса, айнан олганда, ҳуқуқнинг ноҳуқуқдан фарқининг объектив мезони йўқ.** Кельзенча шакл - бу соф ҳуқуқий шакл эмас, балки лозимликнинг соф шаклидир, у расмий-ҳуқуқий маънода мутлақо мазмунсиздир ва шу боис исталган ихтиёрий фактик мазмун билан тўлдирилиши мумкин.

### 5. «Тикланган» табиий ҳуқуқ концепцияси

XX аср бошида турли хил Европа тилларида, шу жумладан рус тилида янграган «табиий ҳуқуқни тиклаш»га қаратилган даъватлар фалсафа ва ҳуқуқшуносликда позитивизмнинг ҳукмронлигидан норозиликни ифодалаганди.

Бироқ табиий ҳуқуқнинг ҳақиқий тикланиши, унинг Фарбий Европадаги (айниқса, Австрия, ГФР, Швейцария, Италиядаги) шиддатли «ренессанси» иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки ўн-ўн беш йилга тўғри келди.

Табиий ва позитив ҳуқуқни бир-бирига қарши қўйишнинг анъанавий модели ушбу янги маънода янги мазмун билан бойиди ҳамда **тоталитаризмнинг аксилҳуқуқий мафкураси ва амалиётини ҳамда унга хос бўлган ҳуқуқни бузувчи қонунчиликни танқид қилиш учун бирламчи ҳуқуқий асос сифатида кенг фойдаланила бошланди.** Юридик позитивизм ҳар қандай ҳукмрон ўзбошимчалikka ҳуқуқ сифатида назарий жиҳатдан қонуний тус бериши билан ҳуқуқнинг объектив қадриятларини бузишда ва тоталитаризм шароитида қонунийлаштирилган ҳуқуқсизликни қарор топтиришда айбланди.

Умуман, «тикланган» табиий ҳуқуқ учун табиий-ҳуқуқий тафаккурнинг воқеликнинг долзарб муаммоларига сезгирлик билан муносабатда бўлишдан ва синовдан ўтган қадриятлар томон анъанавий равишда йўналиш олган ҳолда энг янги оқимлар, кутишлар ва тенденциялар, давр руҳи билан қоришган жавоблари ва ечимларини беришга қодирлигидан далолат берувчи ҳуқуқий амалиётнинг реал ва аниқ жиҳатларига сезиларли бурилиш хосдир.

**Теологик таълимотлар** анъанавий равишда бутун табиий-ҳуқуқий ёндашув доирасида устунлик мавқеини эгаллаб келди. Теологик таълимотлар доирасида иккита асосий йўналиш: Фома Аквинскийнинг олам тузилишининг илоҳий тартибга солиниши оқилона эканлиги тўғрисидаги таълимотига ва ушбу оқилона тартибнинг ифодаси сифатида табиий ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотга йўналтирилган томистик (неотомистик) йўналиш ҳамда Августиннинг табиий ҳуқуқнинг асоси ва манбаи бўлган худонинг иродаси тўғрисидаги қоида-сига бориб тақалувчи протестантлик (неопротестантлик) йўналиши мавжуддир. Протестантлик таълимоти вакиллари, илоҳий тартибдаги ақлни билиш мумкинлигини эътироф этувчи томистлардан фарқ қилган ҳолда, бундай билиш мумкинлигини инкор этади ва, энг аввало, илоҳий кўрсатмаларнинг манбаи сифатида Муқаддас китобни назарда тутди.

Неотомизмнинг XX асрдаги йирик вакилларида бири, Вашингтондаги католик университет профессори француз илоҳиётчиси **Ж.Маритен** табиий ҳуқуқнинг шахслантирилган концепциясини ривожлантирди<sup>1</sup>. Ушбу концепцияга мувофиқ, табиий ҳуқуқ инсон табиатига, Фома Аквинский томонидан қолган барча қонунларнинг манбаи ва олам тузилишининг умумий қонуни сифатида талқин қилинган абадий қонун билан, азалдан жойлаштирилган. Табиий қонуннинг бевосита намоеён бўлиши ҳисобланади. Инсоннинг ҳуқуқлари абадий қонундан келиб чикувчи табиий қонундир. Уни Маритен **инсон шахси қадр-қимматининг** табиий-ҳуқуқий эътироф этилиши сифатида талқин қилди.

Барча инсоний қоидалар, кўрсатмалар ва йўриқномалар боғлиқ бўлган ҳамда келиб чиқадиган, шу жумладан позитив ҳуқуқ ва ахлоқни ҳам ўз ичига оладиган, абадий ва ўзгармас табиий ҳуқуқ концепциясини бельгиялик неотомист **Ж.Дабен** ёқлаб чиқди. Унинг ёндашувига мувофиқ табиий ҳуқуқ позитив ҳуқуққа ахлоқ орқали таъсир кўрсатади.

Австриялик неотомист **Й.Месснер** табиий ҳуқуқни «анъанавий табиий-ҳуқуқий этика»<sup>2</sup> руҳида тадқиқ этиш тарафдори бўлиб чиқди. Месснерга мувофиқ, инсон табиатан, ара-

1. Қаранг: Maritam J. The Rights of Man and Natural Law. N.V.1947.

2. Messner J. Das Naturrecht. 7. Aufl. Berlin, 1984. S.35.

лаш ахлоқий-ҳуқуқий онга эга. «Инсоннинг бевосита ахлоқий-ҳуқуқий онгининг ўзи, - деб ёзган эди Месснер, - ахлоқий-табиий қонун, умумий ахлоқий-ҳуқуқий принципларни виждонан табиий тушуниш орқали ижтимоий муносабатлар тартибининг асосий талаблари тўғрисида унга маълум қилади. Табиий виждон нафақат бурч виждони ва қадрият виждони, балки шунингдек сўзнинг ҳақиқий маъносида ҳуқуқий виждон ҳамдир»<sup>1</sup>.

«Ўзгармас табиий ҳуқуқ»нинг маъносини ифодалайдиган ҳамда шу билан бирга унинг қўлланиш ва аниқлаштирилиш йўналишларини белгилайдиган, априор билинадиган умумий ҳуқуқий принциплар орасида Месснер **асосий (бош) принцип** («адолатсизликдан қочиб адолатли иш тут»)ни ажратиб кўрсатади. Ундан кейинчалик ўлчов, тинчлик, ҳалоллик, ташқи тартиб ва ҳоказоларга риоя этилишини талаб этувчи **«бирламчи элементар принциплар»** ҳамда ёлгон, ўғрилик кабиларни ёвузлик сифатида рад этувчи **«иккиламчи элементар принциплар»** чиқарилади.

Месснер «ахлоқий жавобгарлик»ни ахлоқийликнинг умумий чегараларида «ахлоқийликдан ҳуқуқ томон олиб борувчи боғловчи тушунча» сифатида қарайди, уни «жамиятнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлган ахлоқийлик минимуми»<sup>2</sup> сифатида белгилайди.

**Қонун**, Месснерга мувофиқ, **ҳуқуқнинг** (табиий ҳуқуқнинг) **ахлоқий моҳиятига** мувофиқ бўлиши керак. Шу сабабли табиий-ҳуқуқий таълимот, деб қайд этади у, ҳамма вақт ҳуқуқни ўрнатувчи ҳокимият ушбу мақсадларга зид бўлган даражада зўравонлик билан эгаллаб олинган ҳокимиятдир, у ҳақиқий ҳуқуқий асослардан маҳрум этилган, деган фикрда қаттиқ турди.

Неотомист **А.Ауэр** концепциясига мувофиқ, «табиий ҳуқуқ - бу инсонни унинг метафизик инсоний фазилатлари билан кўриб чиқувчи *фалсафий антропология* масаласидир»<sup>3</sup>. У анъаналар ва замонавийликнинг юснатурализмдаги нисбатини

1. Ibid. S.233. «Виждон» сўзида аксиологик жиҳат билан биргалликда гносеологик жиҳат ҳам назарда тутилди: виждон (немисча Ge-wissen) билим демакдир.

2. Ibid. S.234.

3. Auer A. Elemente aus dem modernen Naturrecht für die demokratische Gesellschaftsordnung // Das Naturrecht in der politischen Theorie. Wien, 1963. S.61.

тушунтириб, бундай деб ёзади: «Замонавий табиий ҳуқуқ»ни ифодалаш асосий аксиомалар мазмунига дахл қилиши мумкин эмас, бироқ, фақат уларнинг қўлланилиши материясига тегишли бўлиши керак. Табиий ҳуқуқ (унинг ҳуқуқни ифодаловчи таянчларида) ўзининг *назарий-фалсафий аксиомаларида* ўз ҳолича қолиши керак ва фақат янги материяда янгича нур сочиши керак»<sup>1</sup>. Бизнинг табиий ҳуқуқ асосий принципларини тушунишимиз чуқурлаштирилиши ва аниқлаштирилиши мумкин, бироқ уларнинг ўзи ўзгармасдан қолади. «Шунингдек келажакда ҳам - ҳар қандай ҳўжалик ва сиёсий вазиятда - барча давлат-сиёсий, социал ва ҳўжалик тафовутлари абадий амал қилувчи метафизик табиий ҳуқуқ ёрдамида тўғриланади»<sup>2</sup>.

**Табиий ҳуқуқни талқин этишининг неопротестант йўналиши** ичида ҳам хилма-хил вариантлар мавжуддир.

Табиий ҳуқуқ эътиқод масаласи (**Х.Домбоис**, **Эрнст Вольф** ва бошқалар) ёки Библиянинг тегишли матнлари (масалан, **Ф.Хорст** томонидан Тавротнинг конституциявий ҳужжат руҳида талқин этилиши) ҳамда амрлари (**Эрик Вольф** концепциясида «яқин кишига муҳаббат» тўғрисидаги янги амрнинг «яқин киши ҳуқуқи»га ўзгартирилиши) норматив-ҳуқуқий ўзгариш ва ифода сифатида талқин этилади.

Табиий ҳуқуқнинг барча диний концепциялари **теоном хусусиятга** эгадир, чунки уларда табиий-ҳуқуқий лозимлик бевосита ёки билвосита илоҳий нуфуздан келиб чиқади.

**Г.Райнернинг** ёндашуви автоном табиий ҳуқуқ дунёвий концепциясининг ўзига хос мисоли ҳисобланади<sup>3</sup>. Райнернинг фикрича, табиий ҳуқуқнинг умумий принципи «**ҳар кимга ўзиники**» формуласида анча аниқ ифодаланган. Шу муносабат билан у тикланган табиий ҳуқуқнинг таниқли вакили **Г.Роммен** томонидан ушбу принципга берилган талқинга қўшилади. Г.Роммен «Табиий ҳуқуқнинг абадий қайтиши» асарида бундай деб ёзган эди: «Табиий ҳуқуқ мазмунига муайян принциплар сифатида иккита норма: *адолатли иш ту-*

1. Ibid. S.60.

2. Ibid. S.67.

3. Reiner H. Die Hauptgrundlagen der fundamentalen Normen des Naturrechts. Basel, 1979.



*тиш, адолатсизликдан қочиш, шунингдек эски эътиборли қоида: ҳар кимга ўзиники тегишлидир»<sup>1</sup>.*

Райнер «**ҳар кимга ўзиники» принципи руҳида ҳар бир инсон учун дастлаб унинг ўз танаси «ўзиникидир»,** у ўз танаси бошқа барча киши томонидан ҳурмат қилинишига (эътироф этилишига) асос бўлувчи ҳуқуққа эгадир, деб таъкидлайди. «Тананинг инсон моҳиятига тегишлилиги, - деб қайд этади у, - бундан *инсоннинг энг фундаментал табиий ҳуқуқларини* чиқариш учун етарлидир»<sup>2</sup>. У бундай ҳуқуқлар сифатида инсоннинг ўз ҳаётига, ўз танасининг ва унинг қисмларининг (аъзоларининг) дахлсизлиги ва зарар кўрмаслигига, тана эркинлигига, шунингдек мулкка (тана ҳаётини қўллаб-қувватлаш учун) бўлган ҳуқуқларини айтади. Бу ҳуқуқ, Райнерга мувофиқ, кам деганда танага эгалик қилиш ва инсоннинг бундан келиб чиқувчи фундаментал ҳуқуқлари билан қисман асосланган. У инсон борлигининг маънавий жиҳатида тегишли бўлган табиий ҳуқуқларга ор-номус ҳуқуқини, эзгу ном қозониш ҳуқуқини, пок номни киритади.

## 6. Экзистенциал ҳуқуқ фалсафаси

Ҳуқуққа нисбатан экзистенциал ёндашиш мавжудлик фалсафаси сифатидаги экзистенциализм таъсири остида XX асрда шаклланди. Фалсафий экзистенциализм турли йўналишлари асосчиларининг ўзи (**М.Хайдеггер, К.Ясперс, Ж.П.Сартр** ва бошқалар) ҳуқуқ ва қонун муаммолари билан маҳсус шуғулланишмади ва ҳуқуқ тўғрисидаги экзистенциалистик таълимотнинг тегишли концепцияларини қолдиришмади. Бироқ улар томонидан ишлаб чиқилган фалсафий экзистенциализм гоёлари ва қоидалари экзистенциалистик соҳадаги бир қанча фалсафий-ҳуқуқий концепцияларнинг шаклланиши учун бирламчи асос бўлди.

Экзистенциализмда инсоннинг чинакам мавжудлиги (**экзистенция**), «борлиқ-оламда бўлиш» мужассамланиш оламида (шаклланган маданият, жамият, давлат, қонун ва бошқалар соҳасида) унинг ҳақиқий бўлмаган мавжудлигига зид қўйи-

1. Rommen H. Die ewige Wiederkehr des Naturrechts. 2. Aufl., 1947. S.225-226.  
2. Reiner H. Op. cit. S.4.

лади. Экзистенцияда инсон **чинакам шахе** сифатида ҳаракат қилади ва ўз ўзича бўлади. Ушбу экзистенциал ҳолатдан ташқарида у ўзи учун ва бошқалар учун **«бошқалар каби», «бошқа»** сифатида намоён бўлади, мужассамланган қадриятлар, муносабатлар ва муомала шакллари оламида шахссиз мавжудотга айланади (Хайдеггерда **«тап»**). Бундай шахссиз оламда инсон фақат чуқур гулгулалар вазиятида (Ясперсда **«чегара вазиятлари»**) ўз экзистенцияси моҳиятини, ўзининг оламдаги борлиғи мазмунини билиб олади.

Бундай фалсафа нуқтаи назаридан ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифаси ҳуқуқнинг **расмий қонун** (позитив ҳуқуқ) билан фарқланиши ва нисбатида **экзистенциал ҳодиса сифатида** тушунилиши ҳамда талқин этилишидан иборатдир. Шу маънода экзистенциал ҳуқуқ ҳақиқий ҳуқуқ сифатида (**«чинакам мавжуд бўлишининг»**, экзистенциянинг ифодаси сифатида), **қонун** (позитив ҳуқуқ) эса - қандайдир ҳақиқий бўлмаган, инсондан бегоналаштирилган ва унинг экзистенциалистик моҳиятига зид бўлган, «ҳақиқий бўлмаган мавжудлик»нинг шахссизлантирилган, мужассамлантирилган шакли сифатида намоён бўлади.

Экзистенциалистик ҳуқуқни тушунишнинг ушбу умумий гоёси экзистенциализмнинг ҳар хил фалсафий-ҳуқуқий концепцияларида турлича ифодасини топади ва рўёбга чиқади. Таниқли немис ҳуқуқшуноси **В.Майхофер** асарларида ҳуқуққа нисбатан экзистенциалистик ёндашувнинг ҳар хил жиҳатлари ишлаб чиқилган<sup>1</sup>. Майхофер индивидуал борлиқ ижтимоий борлиқ билан алоқадор бўлган инсоний экзистенцияни ўзича тушунишини **«Als-Sein» (борлиқ-сифатда)** тушунчаси ёрдамида ифодалайди. Бундай талқинга кўра, экзистенциал тақозо қилинган ҳар хил инсон ўз экзистенциясининг ҳар хил аниқ вазиятларида ижтимоий ролларда (ота ёки ўғил, эр ёки хотин, харидор ёки сотувчи, кредитор ёки қарздор ва ҳоказо) намоён бўлади. Инсон экзистенциясининг бундай ролларда намоён бўлишида бир индивиднинг **«ўзига хослиғи»** одамларнинг ижтимоий **«ҳам-борлиғи»**нинг умумий маъносида бошқа

1. Қаранг: Maihofer W. Sein und Recht. Frankfurt a. V76 19548 Idem. Naturrecht als Existenzrecht. Frankfurt a. V76 19638 Idem. Die Natur der Sache // Archiv für Rechts - und Sozialphilosophie. Berlin, 1958, №2.

индивидларнинг «Ўзига хослиги» билан муносабатларда амалга оширилади.

Майхофер инсоний экзистенциянинг ролли намоён бўлишининг бундай аниқ вазиятларига татбиқан **«аниқ табиий ҳуқуқ»** тўғрисида сўз юритади. «Аниқ табиий ҳуқуқ» деганда, аслида, «ашёлар табиати»нинг<sup>1</sup> анъанавий табиий-ҳуқуқий категориясининг экзистенциалистик талқини назарда тутилади. Бунда у бундай «аниқ табиий ҳуқуқ»нинг мазмунини одамларнинг оламдаги борлигининг экзистенциал тақозо қилинган аниқ вазиятларида ўзларини ролли тутишларининг максими кўринишида **«олтин қонда»** (**«бошқалар сенга муносабатда бўлиши учун сен уларга ўзинг истаган тарзда муносабатда бўл»**)нинг аниқлаштирилиши сифатида очиб беради.

**«Табиий ҳуқуқнинг экзистенция ҳуқуқи сифатидаги»** вазифаси, Майхофернинг фикрича, индивидларнинг инсоннинг қадр-қиммати ва инсоний ҳаёт қадриятларига муносиб мавжудлиги ва уларнинг ўзаро муносабатлари намунасини беришдан иборатдир<sup>2</sup>. Бунда у инсон қадр-қиммати тўғрисидаги анъанавий табиий-ҳуқуқий қондани барча одамларнинг, уларнинг хавфсизлигига риоя қилган, эҳтиёжларини қондирган ва қобилиятларини ривожлантирган ҳолдаги энг кўп эркинлиги талаби сифатида талқин этади. Инсон қадр-қимматига мос бўлган бундай табиий-ҳуқуқий тартиб унинг **ҳуқуқий давлат** концепцияси асосида ётади.

Умуман Майхофернинг фалсафий-ҳуқуқий таълимотида ҳуқуқ деганда (уни ҳуқуқдан фарқлаган ҳолда) **рационалистик табиий ҳуқуқ талабларининг аниқ-вазиятли намоён бўлиши** сифатида талқин этиладиган экзистенциал ҳуқуқ (экзистенция ҳуқуқи) назарда тутилади. Бундай экзистенциал ҳуқуқнинг қонун (позитив ҳуқуқ) билан нисбати эса принцип жиҳатдан табиий ва позитив ҳуқуқ нисбатининг анъанавий модели доирасида қолади.

Немис экзистенциалистик ҳуқуқ фалсафасининг бошқа бир вакили **Э.Фехнер**<sup>3</sup> ҳам экзистенциал ҳуқуқни табиий-

1. Maihofer W. Die Natur der Sache. S.145 ff.

2. Maihofer W. Naturrecht als Existenzrecht. S.3ff.

3. Қаранг: Fechner E. Rechtsphilosophie. Tübingen, 1962; Idem. Naturrecht und Existenzphilosophie // Naturrecht oder Rechtspositivismus. Hrsg. Von W. Maihofer. 3. Aufl. Darmstadt, 1981. S.384-404.

ҳуқуқий қоидалар нуқтаи назаридан қарайди. Фехнер Ясперснинг экзистенциалистик фалсафасининг бир қанча қоидаларига таяниб, **инсоннинг ҳуқуқ билан «учрашуви»ни** ва кўшлаб эҳтимол тутилган қарорлардан биттасини **«чегара вазияти» сифатида** танлаш ва қабул қилиш билан боғлиқ заруриятни талқин қилади. «Чегара вазияти» экзистенцияни фаоллаштиради ва «борлиқни у яширинган жойдан олиб чиқишга»<sup>1</sup> кўмаклашади. Бундай вазиятда изланган ва индивид томонидан қабул қилинган ҳақиқий қарорни (яъни экзистенциал ҳуқуқни) Фехнер инсон экзистенциаллигидан келиб чиқувчи жонли, **«мазмунга айлана бошлаган» табиий ҳуқуқ** сифатида қарайди.

Экзистенция юзага келтирадиган бундай жонли, табиий ҳуқуқни, нормалари механик, ўлик бўлган позитив ҳуқуқдан фарқ қилган ҳолда, Фехнерга кўра, норматив қамраб олиб ва ифодалаб бўлмайди.

Индивиднинг, қонун чиқарувчининг, ҳуқуқни қўлланувчининг ва бошқаларининг экзистенциал ҳуқуқий қарори, Фехнернинг фикрича, бу ҳамма вақт мазкур ҳуқуқий вазиятга (мазкур ҳуқуқий коллизияга, зиддиятга ва ҳ.к.) ўз мазмуни билан ўхшаш бўлган кутилаётган жонли, табиий ҳуқуқни экзистенция томонидан юзага келтириш мўлжалланган субъектив-иродавий қарордир.

Фехнерга кўра, фақат мана шундай (яъни ўз асосига кўра экзистенциалистик бўлган) ҳуқуқий қарор ҳақиқий бўлиши мумкин. Бу **ҳақиқий ҳуқуқ** - ҳамма вақт ва фақат **экзистенциал ҳуқуқ** эканлигини англатади. Бироқ Фехнер бундай экзистенциал қарор нотўғри бўлиши ва **нотўғри қарор қабул қилиш хавфини** келтириб чиқариши мумкинлигини эътироф этади. Аммо бундай таваккалчиликсиз умуман ҳақиқий ҳуқуқий қарор ва чинакам ҳуқуқ бўлиши мумкин эмас.

Фехнернинг талқинида **ҳуқуқ ва қонуннинг нисбати** муаммоси, бинобарин, қуйидагича кўринишда бўлади. Чинакам ҳуқуқ сифатида **экзистенциал ҳуқуқни** (яъни жонли, мазмунга эга бўла бораётган табиий ҳуқуқни) Фехнер **механик ва ўлик позитив ҳуқуққа кескин қарши қўяди**. Қонун (позитив ҳуқуқ) ва унинг қўлланилиши ҳуқуқ (яъни экзистенциал ту-

1. Fechner E. Rechtsphilosophie. S.256-257.

ғиладиган табиий ҳуқуқ) талабларига мувофиқ бўлиши учун, Фехнернинг фикрича, қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни қўлла- нувчи, ҳуқуқий қарорларни «чегара вазияти»да экзистенци- ал ташвишдаги индивид сингари қабул қилиши (яъни ҳуқуқни ижод қилиши ва уни қўлланиши) керак.

Индивидуал экзистенцияга таянувчи ва аниқ вазиятга мўлжалланган экзистенциалистик ҳуқуқни тушуниш унинг- сиз умуман ҳуқуқ мавжуд бўлмайдиган **ҳуқуқий асоснинг умумийлиги ва умумий аҳамиятини** (ҳуқуқий принципни, ҳуқуқий шаклни, нормаларни ва бошқаларни) **азалдан инкор этади** ҳамда, аслида, ҳуқуқни вазият билан боғлиқ индивидуал қоидалар билан алмаштиради.

Бу швейцариялик ҳуқуқшунос **Г.Коннинг** экзистенциа- листик ёндашувида ҳам аниқ намоён бўлади. «Бизнинг кон- цепциямизга мувофиқ, - деб таъкидлайди у, - оғирлик мар- кази аниқ вазиятдадир. Мазмун ва ҳуқуқ ундадир. Айнан у қонунга ва ҳуқуқнинг бошқа манбаларига аҳамиятлилик ва мавжудлик бахш этади. Аниқ вазият уларни ўзига жалб этади ва, аксинча, эҳтиёж сезмаганда уларни фаолиятсиз қолди- ради»<sup>1</sup>.

Аргентиналик файласуф **К.Коссио** экзистенциалистик ҳуқуқни (индивид томонидан ўзининг эркин ҳаракатини «эк- зистенциал мажбурийлик» сифатида интуитив кечиришни) **хулқ-атворнинг индивидуал нормаси** сифатида талқин қила- ди.

Экзистенциалистик ҳуқуқни тушуниш концепцияларида **вазиятли ҳуқуқ билан умумий қонун ўртасидаги ажралиш**, ас- лида, уларнинг ўзаро алоқаси ва нисбатининг бирор-бир ички изчил концепциясини истисно этади. Шу сабабли тегишли **экзистенциалистик эркинлик**, яъни умумий талаблардан та- шқари ва уларсиз эркинлик, аслида, **ўзбошимчалик** сифати- да намоён бўлади.

## 7. Р.Марчичнинг онтологик ҳуқуқ концепцияси

Австриялик ҳуқуқшунос **Р.Марчичнинг** ҳуқуқ фалсафаси- да ҳуқуқнинг онтологик талқини мавжуд. У ўз ёндашувини

1. Cohn G. Existenzialismus und Rechtswissenschaft. Basel, 1955. S.44.

изоҳлаб бундай деб ёзган эди: «Мен ҳуқуқнинг қатъий онтологиясини ифода этаман ва ҳуқуқда тартиб ҳамда нормадаги каби трансценденталликни эътироф этаман... Айнан олганда мен борлиқнинг ёки оламнинг ҳақиқийлигига ҳуқуқнинг ҳақиқийлиги сифатида қарайман. Ҳуқуқ борлиқ (табиат, натура) белгисидир... Борлиқ тартиби ва ҳуқуқ тартибининг асоси бир-бирига ўхшаш, улар асосига кўра бир нарсанинг ўзидир»<sup>1</sup>.

Бундай ҳуқуқий онтологияга мувофиқ, тарихан берилган, позитив ўрнатилган ҳар қандай тартиб (яъни позитив ҳуқуқ-тартибот, позитив ҳуқуқ) асосида борлиқ (табиий тартиб, нарсалар тартиби)нинг олдпозитив (допозитив) тартиби ётади. У Марчич томонидан олдпозитив ҳуқуқ сифатида, борлиқ ҳуқуқи сифатида, табиий ҳуқуқ сифатида талқин этилади. Позитив ҳуқуқ, унинг амал қилиши ва унинг ўзгариши бунга имкон беради. «Инсон, - деб ёзган эди у, - ҳуқуқни, аниқроғи - борлиқда жойлашган ҳуқуқнинг ўзагини ҳамма вақт олдидан топади»<sup>2</sup>.

**Позитив ҳуқуқ олдпозитив, табиий ҳуқуққа нисбатан чекли-чексизга, тақозо - сўзсизга, ўзгарувчи - ўзгармасга, чекланган - мутлаққа муносабатда бўлгани каби муносабатда бўлади.** «Табиий ҳуқуқ, - деб қайд этади Марчич, - мутлақ мутлақлик сифатидаги позитив ҳуқуқнинг олдпозитив асосидир; буни мантиқан исбот қилиб бўлмайди, бироқ онтологик жиҳатдан аниқлаш мумкин - *феноменологик йўл* билан аниқлаш мумкин»<sup>3</sup>.

Марчич ҳуқуқнинг ўзига хос онтологик мақомини ёритар экан, «ҳуқуқ рационал борлиқ эмас, балки реал борлиқдир», деб таъкидлайди, боз устига ҳуқуқнинг ушбу «реал борлиғи» «идеал борлиқ» сифатида, «борлиқ ҳуқуқи» эса мутлақо «идеал ҳуқуқ»<sup>4</sup> сифатида талқин этилиши мумкинлигига йўл қўяди.

Марчичнинг ҳуқуқни тушунишида **олдпозитив ҳуқуқ** (борлиқ ҳуқуқи, табиий ҳуқуқ) **позитив ҳуқуқнинг «асосий нор-**

1. Marcic R. Rechtsphilosophie. Freiburg, 1969. S.129.

2. Ibid. S.131.

3. Marcic R. Das Naturrecht als Grundnorm der Verfassung // Das Naturrecht in der politischen Theorie. S.85-86.

4. Ibid. S.143-144.

**маси»** сифатида қаралиши жуда муҳим роль ўйнайди. «Менинг ҳуқуқ фалсафам, - деб таъкидлайди у, - борлиқ ҳуқуқини позитив ҳуқуқнинг онтологик ва мантиқий асосий нормаси сифатида очиб беришга интилади»<sup>1</sup>. Бу ерда у, ўз сўзларига қараганда, Австрия ҳуқуқий маданияти ва XVIII-XIX асрлар тафаккури ҳамда Вена ҳуқуқий мактабининг ҳуқуқий изланишлари (**А.Меркель, А.Фердросс, Г.Кельзен** ва бошқалар) ўзанида туради. Кельзен позитив ҳуқуқнинг изланган олдпозитив асосларини **«асосий норма»** деб атайди, Меркель - **«келиб чиқиш нормаси»** - ёки **«бошланғич норма»**, Фердросс - **«асосий тартиб»** ёки мантиқий-ҳуқуқий мазмундаги конституция деб атайди, бироқ бунда, Марчичга мувофиқ, айти бир хил нарса - **«ҳуқуқнинг бутун олами бирлигининг асоси»** назарда тутилади<sup>2</sup>.

**Табиий ҳуқуқ**, борлиқ ҳуқуқи, асосий норма, олдпозитив ҳуқуқ, метафизик ҳуқуқ ва бошқалар - Марчичга кўра, **«ҳуқуқий ҳодисалар»**, **«ҳуқуқий феноменлар»** эмас; уларнинг барчаси борлиқ оламга тегишлидир, уларнинг **ҳодисалар оламидаги** ҳуқуқий мазмуни **позитив ҳуқуқ** кўринишида ифодаланади (намоён бўлади). «Позитивлаштириш, - деб ёзади у, - табиий ҳуқуқ мазмунидир. Гарчи инсон борлиқ ҳуқуқи тўғрисида узуқ-юлуқ ва аниқ бўлмаган тасаввурга эга бўлса ҳам, у расмиятчиликни аниқ кўриши мумкин: позитив ҳуқуқ борлиқ ҳуқуқи учун зарурдир. Бу, гарчи позитив ҳуқуқ борлиқ ҳуқуқини тақозо этса ҳам, бироқ борлиқ ҳуқуқи, ўз томонидан, позитив ҳуқуқсиз зарур даражада амал қилиши мумкин эмаслигидан келиб чиқади. Позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуқнинг институцияси, унинг институционаллашувидир; «позитив» ва «институционал» - сўзлари ўз асосига кўра синоним сўзлардир. Позитив ҳуқуқ айнан табиий ҳуқуқни **тақдим қилади** (ифодалайди)»<sup>3</sup>.

Табиий ва позитив ҳуқуқнинг айти бир нарсанинг (яъни ҳуқуқнинг) олдпозитив ва позитив модулари сифатидаги нисбатининг бундай концепцияси уларнинг **моҳиятан бирлигини** тақозо этади. Бироқ Марчич **ҳуқуқий қонуннинг** абстракт - умумий **тушунчасини**, яъни ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий

1. Marcic R. Rechtsphilosophie. S.135.

2. Marcic R. Das Naturrecht als Grundnorm der Verfassund. S.83.

3. Marcic R. Rechtsphilosophie. S.174.

ҳодисанинг юридик расмийлаштирилган ва келишилган бирлигини шакллантиришга муваффақ бўлмади, чунки бунинг учун, умуман олганда, бутун табиий-ҳуқуқий ёндашишни назарий жиҳатдан принципиал енгиб ўтиш зарурдир.

## 8. Г.Хартнинг неопозитивистик концепцияси

Хартнинг ҳуқуқий назарияси аналитик юриспруденция ўзанида ривожлантирилган ва у Бентам ҳамда Остинга бориб тақалади.

Харт ҳуқуқнинг Остин томонидан «сувереннинг буйруғи» сифатида таърифланишидан четланиб, шу билан бирга табиий-ҳуқуқий назарияларни танқид қилади ҳамда табиий-ҳуқуқий қоидаларни «адолатсиз ҳуқуқ - бу ҳуқуқ эмас», парадокс, бўрттириш ёки «шунчаки хато» деб таърифлайди<sup>1</sup>. Бундай деб таъкидлаш, дейди у, «қонунлар - бу ҳуқуқ эмас» деган хато фикр билан тенгдир<sup>2</sup>. Хартнинг ушбу мулоҳазаларида унинг ҳуқуқни тушунишдаги неопозитивистик концепциясининг легистик моҳияти жуда ёрқин намоён бўлади.

Харт ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотида одамлар ижтимоий турмушда энг камида омон **қолишни мақсад** қилиб қўйишидан келиб чиқади. Хартга кўра, **ҳуқуқ ва ахлоқда** ҳулқ-атворнинг муайян нормалари бўлиши кераклиги ҳақидаги оқилона асослар шу билан боғлиқдир. Ушбу оқилона ва зарур нормалар (шахсни, мулкни ва ваъдаларни ҳимоя қилиш) «ўз-ўзидан англашиладиган ҳақиқат сифатида табиий-ҳуқуқий доктринанинг маъно ядросига эга бўлибгина қолмасдан, бундан ташқари, улар ҳуқуқ ва ахлоқни тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга ҳам эгадир ҳамда ҳуқуқ ва ахлоқнинг муайян мазмун ёки ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олмайдиган соф расмий дефиницияси бу қадар қониқарсиз бўлиб чиқишини ҳам изоҳлайди»<sup>3</sup>.

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг бундай генетик турдошлигини ҳамда уларнинг фундаментал (оқилона ва зарур) нормаларининг бирлигини эътироф этиш билан биргаликда, Харт уларнинг фарқи ҳақида ҳам сўз юритади: «табиий фактлар» (ушбу нормаларнинг ҳимояланмаганлиги, уларнинг бузилиши) одам-

1. Hart H. The Concept of Law. Oxford, 1961. P.8.

2. Ibid.

3. Ibid. P.20.



ларнинг хулқ-атворини назорат қилишнинг фақат маънавий нормаларидан ташкилий, ҳуқуқий шаклларига ўтишни талаб этади. Ҳуқуқ, шундай қилиб, ахлоқдан **мажбурлаш санкцияси** билан фарқ қилади. Ушбу санкциялар, деб изоҳлайди Харт, уларсиз умуман ҳуқуққа бўйсунмиш учун мотивлар бўлмаганлиги учун талаб этилмайди: улар ҳуқуққа ихтиёрий равишда риоя қиладиганларнинг манфаатлари мажбурлан-маса нормаларга риоя қилмайдиганларнинг қурбони бўлмаслиги учун кафолат сифатида, зарурдир. Мажбурлаш санкциялари тизимсиз нормага риоя қилиш алданишга учраши мумкин. Шундай хавф бўлгани учун **ақл** одамларнинг биргалликдаги ихтиёрий фаолияти **мажбурлаш** доирасида амалга оширилишини талаб этади.

Ҳуқуқ (позитив ҳуқуқ), Хартнинг фикрича, ўз таркибига кўра, қоидалар (нормалар)дан иборатдир. Бу қоидаларни у бирламчи ва иккиламчи қоидаларга ажратади.

**Бирламчи ҳуқуқий қоидалар** - бу мажбурият юклаш қоидаларидир. Улар тегишли шахслар хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай мажбурият юклайди. Улар санкция хавфи билан боғлиқ бўлиб, бу санкция тақиқланган хулқ-атвордан мотив сифатида тийиб туриши керак.

**Иккиламчи ҳуқуқий қоидалар** хусусий ёки оммавий ҳуқуқдан иборат. Хусусий ҳокимият берувчи қоидалар хусусий шахсларга ўзининг бошқалар билан ҳуқуқий алоқаларини шартномалар, васиятлар ва бошқалар ёрдамида қуриш лаёқатини беради. Оммавий ҳокимият берувчи қоидалар қонунчилик, одилсудлов, бошқарув соҳасидаги фаолиятни белгилаб беради. Иккиламчи қоидалар унга йўналтирилганлардан ўзларини муайян тарзда тутишни талаб этмайди, балки айрим шахсларга муайян шароитларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар яратиш имкониятини беради.

Агар, дейди Харт, фикрий эксперимент руҳида, ҳуқуқий тизим фақат бирламчи қоидалардан иборат бўлганда эди, у **ноаниқлик** (тегишли қоиданинг амал қилиши ёки ҳаракатсизлиги мезони йўқлиги туфайли), **статиклик** (қоидаларни ўзгарувчи вазиятларга мослаштириш имконияти йўқлиги туфайли), унинг ижтимоий тазйиқнинг **таъсирчан эмаслиги** (муайян ҳаракат билан бирон-бир қоида бузилиши ёки бузилмаслигини узил-кесил ва нуфузли ҳал этадиган инстанциянинг йўқлиги) каби нуқсонларга учрар эди.

Ушбу нуқсонларни, Харт бўйича, **қондалар ҳақидаги қондалар** сифатида амал қиладиган иккиламчи қондалар ёрдамида бартараф этиш мумкин. Жумладан, ҳуқуқ тизимининг қондаси бўлиши мумкин бўлган қоида қандай яратилиши кераклигини белгилаб берадиган **этироф этиш қондаси** ноаниқликка қарши мана шундай восита ҳисобланади. Бошқа нормалар амал қиладиган шартлар кўрсатилган ҳолда бирламчи қондаларнинг белгиланган этиборли рўйхати (реестри) оддий ҳолатда мана шундай этироф этиш қондаси бўлиши мумкин. **Ўзгартириш қондалари** жорий этилиши ҳуқуқий тизимнинг статиклигига қарши восита ҳисобланади. Ушбу қондалар индивидларга ёки гуруҳларга ҳуқуқий тизимга янги қондалар киритиш ва эскиларини бекор қилиш ваколатини беради. Тизимнинг ишламаслиги бошланғич қондалардан қарор **қабул қилиш қондаси** ёрдамида бартараф этилади. Ушбу қондалар муайян инстанцияларга бирор-бир бирламчи қоида бузилгани ёки йўқлигини нуфузли белгилаш ваколатини беради.

Мураккаб ҳуқуқий тизимларда этироф этиш қондаси - бу бирламчи қондалар амал қилиши учун мезонларни ўз ичига олган қандайдир битта қоида эмас, балки (конституция ва қонунчилик нормаларидан) мураккаб **нерархияни** ташкил этувчи **этироф этиш қондаларининг бутун бир мажмуидир**. Тизимнинг бошқа барча қондалари амал қилиши учун мезон берадиган этироф этиш қондаларини Харт **«охирги қоида»** деб атайди. У тизим қондалари амал қилишининг олий мезонидир.

Кельзеннинг **мушоҳадага асосланган-гипотетик** «асосий нормаси»дан фарқ қилган ҳолда, Хартнинг «охирги қондаси» **фактик** характерга эга ва ўзи ҳуқуқ (амал қилувчи ҳуқуқий қоида) ҳисобланади.

Бирламчи ва иккиламчи нормаларнинг бирлашиши (иттифоқи) ҳуқуқни (ҳуқуқий тизимни) келтириб чиқаради. Ҳуқуқий тизим мавжуд бўлиши учун, деб хулоса қилади Харт, **иккита минимал шарт** зарур ва етарлидир: «Биринчидан, ҳақиқийлиги охирги ва олий мезон билан белгиланган хулқ-атвор қондаларига барча риоя этиши керак, иккинчидан эса, ҳуқуқий воқелик мезонлари учун этироф этиш қондалари, ўзгартириш қондалари ва қарор қабул қилиш қондалари расмий хулқ-атворнинг умумий оммавий стан-

дарти сифатида хизматчилар томонидан ҳақиқатда идрок этилиши керак»<sup>1</sup>.

Хартнинг ҳуқуқни таркибий талқин этишида Кельзен нормативизмидаги бир қанча неопозитивистик ғоялар ва кўрсатмалар мавжуддир.

Жумладан, Кельзен неопозитивистик ҳуқуқни тушунишнинг этатистик илдизларини хаспўшлаб, ҳуқуқнинг эски позитивизм учун хос бўлган талқинини «социологик» ёндашув орқали давлат ҳоқимияти (суверен) ўрнатилиши (буйруғи), деб ҳисоблайди. Ҳуқуқшуносликни бундан тозалаш лозим. «Юридик» ёндашувга мувофиқ, Кельзеннинг ўзида ҳуқуқ лозимлик нормалари тизими сифатида ўз мавжудлигини давлатдан эмас, балки «асосий норма»дан олади.

Аслида Харт ҳам мана шундай мантиқ ва тизимни қўллаб-қувватлайди. Унинг концепциясида **қондалар (нормалар) тизими сифатида ҳуқуқ ўз мавжудлигини давлатдан эмас, балки қандайдир фундаментал нормадан - охириги, олий қоидадан олади.** Харт бундай деб ёзади: «...Биз юридик жиҳатдан чекланмаган суверенга бўйсунуш одати ҳуқуқий тизимнинг асоси бўлган нуқтаи назардан воз кечамиз ва уни қоидалар тизимига воқелик мезонини берувчи этироф этишнинг олий қоидалари концепцияси билан алмаштирамиз»<sup>2</sup>.

Бироқ ҳуқуқни тушуниш моҳияти нуқтаи назаридан эски ва янги позитивистларни нима бирлаштириши айнан принципал аҳамиятга эгадир: ҳуқуқ деганда (уни ноҳуқуқдан, масалан, ахлоқдан фарқлаган ҳолда), униси ҳам, буниси ҳам, гарчи улар ҳуқуқни ҳар хил тавсифласалар ҳам, айнан бир нарсани - сувереннинг буйруғини, ҳукмронлик билан мажбурлашни назарда тутадилар.

## 9. Ҳуқуқнинг билиш-танқидий назарияси

Ҳуқуқ фалсафасининг ушбу неопозитивистик концепцияси австриялик ҳуқуқшунослар **О.Вайнбергер, П.Колер, П.Штрассер ва М.Пришингнинг «Ҳуқуқ фалсафасига кириш»<sup>3</sup>**

1. Ibid. P.163.

2. Ibid. P.7,201.

3. Einführung in die Rechtsphilosophie. Htsg. Von Prof. Weinberger O. in Zusammenarbeit mit Koller P., Strasser P., Priscing V76 Graz, 1979.

асарида берилган. Улар «ҳуқуқий фанларнинг асосий фанлари»га қуйидагиларни киритадилар: ҳуқуқнинг умумий назарияси (ҳуқуқ фалсафаси), догматик ҳуқуқ, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқ тарихи, қиёсий ҳуқуқ.

**Ҳуқуқ фалсафаси (ёки умумий ҳуқуқ назарияси)** неопозитивистик юриспруденциянинг таркибий қисми сифатида «дунёқарашга оид тизимнинг таркибий қисми сифатида эмас, балки **ҳуқуқий фанлар асосларининг акслантирувчи таҳлили** сифатида»<sup>1</sup> тушунилади ва ишлаб чиқилади.

Курс муаллифлари ҳуқуқ фалсафасининг ҳар хил таҳминлари мавжудлигини қайд этиб, **«қуруқ муҳокамага асосланган ҳуқуқ фалсафаси»** (яъни, аслида, ҳуқуқ фалсафасининг барча неопозитивистик концепциялари) ва **«илмий-танқидий ҳуқуқ фалсафаси»** (яъни позитивистик ҳуқуқ фалсафасининг ҳар хил вариантлари)нинг зидлигини таъкидлайдилар. Бундай талқинга мувофиқ, фақат позитивистик ҳуқуқ фалсафаси илмий хусусиятга эга бўлади, бу ҳолда «қуруқ муҳокамага асосланган ҳуқуқ фалсафаси» ноилмий бўлиб чиқади, чунки у «метафизик» муаммолар ва «трансцендент гоёлар»<sup>2</sup> билан шуғулланади.

Курс муаллифлари «аналитик ҳуқуқ фалсафасини (ёки аналитик юриспруденцияни)» ва «аналитик ҳуқуқ фалсафасининг бир тури бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги соф таълимот деб аталадиган таълимот»ни<sup>3</sup> «илмий-танқидий ҳуқуқ фалсафаси»га тегишли, деб ҳисоблайдилар. Кўриб чиқиладиган курс, унинг муаллифларининг фикрича, «аналитик концепция»дан иборат бўлиб, улар томонидан **«ҳуқуқнинг билишга доир танқидий назарияси»**<sup>4</sup>, яъни **аналитик юриспруденциянинг яна бир тури** сифатида таърифланади.

Курс муаллифлари ушбу ёндашувларнинг маъносини изоҳлаб бундай деб ёзадилар: «Ўз изланишлари марказига тузилмали ҳуқуқ назариясини қўядиган, умумий назарий-ҳуқуқий таълимотлар аналитик ҳуқуқ фалсафаси (ёки аналитик юриспруденция) сифатида белгиланади, яъни у ҳуқуқий назариянинг барча муаммоларини энг аввало расмий маънода

1. Ibid. S.35.

2. Ibid. S.35-36.

3. Ibid. S.35.

4. Ibid. S.36.

ўрганади ва таркибий тушунчалар ҳамда схемаларнинг ушбу аппаратида барча юридик изланишлар учун зарур воситаларни кўрадиган, бироқ аналитик ҳуқуқ фалсафасининг кўплаб вакиллари ҳар хил жиҳатлар ва фактларни, яъни ҳуқуқ энг аввало ижтимоий феномен эканлигини назардан қочирмайдилар»<sup>1</sup>.

Курс муаллифлари ўзларининг «билишга доир танқидий ҳуқуқ назария»ларини бундай тавсифлайдилар: ушбу назария «аналитик концепция» сифатида, «барча назарий-ҳуқуқий мулоҳазалар учун тушунча аппаратига эга бўлиш мақсадида, энг аввало, ҳуқуқнинг таркибий муаммоларини, юридик далиллаш ва ҳуқуқий динамикани аниқлашга уринали»<sup>2</sup>. Гарчи ушбу назария «муаммонинг қўйилиш хусусиятини аниқлаш зарурлигини, масалан, догматик талқин қилишни социологик талқин қилишдан ёки ҳуқуқ сиёсати нуқтаи назаридан талқин қилишдан фарқлаш зарурлигини эътироф этса ҳам, ҳуқуқ тўғрисидаги соф таълимотдан фарқ қилган ҳолда нафақат «соф», балки, шунингдек, ҳуқуқнинг комплекс талқин қилиниши, шу жумладан *de-lege-ferenda* мулоҳазаси ҳам юриспруденцияга тегишлидир, деган фикр тарафдоридир»<sup>3</sup>.

Курс муаллифлари **ҳуқуқ тушунчасига таъриф беришда** умуман ҳуқуқни позитивистик (принцип жиҳатидан - легистик) тушунишнинг бирмунча мўътадил вариантига амал қиладилар. «Ҳуқуқ (ҳуқуқ-тартибот) деганда «объектив маънодаги ҳуқуқ»<sup>4</sup>, яъни позитив ҳуқуқ (қонун) назарда тутилади.

---

1. Ibid. S.37.

2. Ibid. S.36.

3. Ibid. S.37.

4. Ibid.

---

# «ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ»

## курси бўйича

### ДАСТУР\*

#### **1-мавзу. Ҳуқуқ фалсафаси предмети ва методологияси**

Ҳуқуқ ва давлат фалсафий тадқиқот объекти. Ҳуқуқ (уни қонундан фарқлаган ҳолда) ҳамда давлат ва қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг) ҳуқуқий хоссалари тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳуқуқ фалсафаси концепцияларининг кўп хиллилиги: тарих ва замонавийлик. Ҳуқуқ фалсафасининг либертар-юримдик концепцияси.

Фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг методлари, усуллари ва услублари.

Юридик фанлар тизимида ҳуқуқ фалсафасининг ўрни ва аҳамияти.

#### **2-мавзу. Ҳуқуқ фалсафаси тарихи ва замонавийлик**

Фалсафа ва ҳуқуқ тарихида ҳуқуқшунослик фалсафасининг асосий мактаблари, гоялари ва концепциялари шаклланиши ва ривожланиши жараёни.

Антик даврнинг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари (софистлар, Платон, Аристотель, Цицерон, Рим ҳуқуқшунослари).

Ўрта асрларнинг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари (Фома Аквинский, Ўрта аср ҳуқуқшунослари).

Янги давр ва энг янги давр ҳуқуқ фалсафаси концепциялари (Гроций, Гоббс, Локк, Монтескье, Кант, Гегель, юридик позитивизм вакиллари).

XX асрда ҳуқуқ фалсафаси (неокантчилик, неогегелчилик, экзистенциализм, «тикланган» табиий ҳуқуқ, аналитик юриспруденция концепциялари).

---

\*Нерсеянц В.С. Философия права. Учебная программа. М.: Академический правовой университет.

Россияда ҳуқуқ фалсафаси (Б.Н.Чичерен, П.И.Новгородцев, В.С.Соловьев, Н.А.Бердяев).

Ҳуқуқ фалсафаси ривожланиши жараёнида анъанавийлик ва янгилик. Ҳуқуқ фалсафаси тарихининг замонавий фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотлар учун аҳамияти.

### **3-мавзу. Ҳуқуқнинг моҳияти ва тушунчаси**

Ҳуқуқ ва давлатда моҳият ва ҳодисанинг фалсафий муаммолари.

Ҳуқуқни таърифлашнинг кўп хиллилиги ва ҳуқуқ тушунчасининг ягоналиги.

Ҳуқуқнинг ягона тушунчасида ҳуқуқнинг ҳар хил таърифлари синтези муаммоси. Ҳуқуқ тушунчаси ва давлатнинг ҳуқуқий тушунчаси. Ҳуқуқ ва давлат моҳияти ва тушунчасини аниқлашда фалсафий-ҳуқуқий концепциялар: тарих ва замонавийлик.

### **4-мавзу. Расман тенглик ҳуқуқ принципи сифатида**

Расман тенглик ҳуқуқий принципнинг мазмуни ва маъноси.

Ҳуқуқий тенгликнинг абстракт-умумий ва расмий хусусияти. Расман тенглик умумий тенг ўлчов, адолат ва эркинликнинг уч бирлиги сифатида.

Расман тенглик ва «амалий тенглик». Ҳуқуқ ва бараварчилик (бараварлаштириш).

### **5-мавзу. Ҳуқуқ эркинлик шакли ва ўлчови сифатида**

Ҳуқуқ эркинликнинг умумий ва зарур шакли ҳамда тенг ўлчови сифатида.

Ҳуқуқдаги ирода: ақлга мувофиқлик (мантиқийлик) муаммоси ва ироданинг эркинлиги. Ирода эркинлиги ва ўзбошимчалик.

Ҳуқуқий эркинликнинг умумий нормаси бўйича бир субъект эркинлигининг бошқа субъектлар эркинлиги билан мувофиқлаштирилиши. Ҳуқуқий эркинликнинг тузилмаси ва чегаралари. Ҳуқуқдаги рухсат бериш (жоизлик) ва тақиқлар.

### **6-мавзу. Ҳуқуқ ва адолат**

Ҳуқуқ ва адолат нисбатининг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари тарихи.

Адолат ҳуқуқий категория ва ҳуқуқнинг абстракт ифодаланиши сифатида.

Ноҳуқуқий «адолат» ва адолатсиз «ҳуқуқ» ижтимоий муносабатларда ўзбошимчаликнинг ифодаланиши ва намоён бўлиши шакли сифатида.

Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида ҳуқуқий тенглик ва адолат мазмунининг ривожланиши.

**7-мавзу. Тенглик, эркинлик ва адолатнинг ҳуқуқий синтези**  
 Ҳуқуқда тенглик, эркинлик ва адолатнинг бирлиги жиҳати.

Ҳуқуқий тенглик эркинлик ва адолатнинг ифодаланиши сифатида.

Ҳуқуқий тенглик ва адолатни инкор этувчи эркинлик куч ишлатиш ва имтиёз сифатида.

Адолат тенглик ва эркинликнинг ҳуқуқий ифодаланиши сифатида.

### **8-мавзу. Ҳуқуқ ва қонун**

Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ва нисбати ҳуқуқ фалсафасининг бирламчи ва асос бўлувчи муаммоси сифатида. Ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқшунослик ва қонуншунослик.

Ҳуқуқни тушунишнинг икки асосий типи: ҳуқуқни тушунишнинг ҳуқуқ ва қонун ўртасидаги тафовутни белгиловчи юридик типи ҳамда ҳуқуқ ва қонунни айнан бир нарса деб билувчи ҳуқуқни тушунишнинг легистик типи.

Ҳуқуқни тушунишнинг юридик типи ичидаги ҳар хил назариялар: табиий-ҳуқуқий таълимотлар, либертар-юридик назария.

Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ва нисбати концепциялари тарихи.

Ҳуқуқий қонун ва ҳуқуқни бузувчи қонунчилик муаммоси.

### **9-мавзу. Юридик онтология, гносеология ва аксиология муаммолари**

Ҳуқуқ ва давлатнинг онтологик, гносеологик ва аксиологик муаммоларининг фалсафий-ҳуқуқий таҳлили.

Юридик онтология (ҳуқуқ ва давлат нима?), гносеология



(улар қандай билиб олинади?) ва аксиологиянинг (уларнинг қиммати нимада?) ўзаро алоқаси.

Юридик онтология, гносеология ва аксиологиянинг позитивистик концепциялари.

Юридик онтология, гносеология ва аксиологиянинг табиий-ҳуқуқий концепциялари.

Юридик онтология, гносеология ва аксиологиянинг либертар-юридик концепцияси.

### **10-мавзу. Табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқ**

«Табиий ҳуқуқ» тушунчасининг «позитив ҳуқуқ» тушунчаси билан нисбатида фалсафий-ҳуқуқий аҳамияти.

Табиий ҳуқуқ концепцияси (унинг позитив ҳуқуқдан фарқланиши ва у билан нисбатида) ҳуқуқ ва қонунни фарқлашнинг умумий назариясида хусусий ҳоллардан бири сифатида.

Позитив ҳуқуқ ҳуқуқ фалсафаси объекти сифатида.

Қадимги давр, ўрта асрлар, Янги давр ва энг янги даврнинг асосий табиий-ҳуқуқий концепциялари.

### **11-мавзу. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари**

Ҳуқуқ инсоннинг мавжудлиги ва эркинлиги рўёбга чиқилишининг шакли сифатида.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари концепциялари: тарих ва замонавийлик.

Инсоннинг табиий, туғма, ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси.

Ҳада қилинган ҳуқуқлар концепцияси.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари: уларнинг фарқланиши ва нисбати.

### **12-мавзу. Умумий манфаат концепцияси ва унинг фалсафий-ҳуқуқий аҳамияти**

«Умумий манфаат» тушунчаси ҳуқуқ фалсафасининг фундаментал категорияси сифатида. Антик давр, ўрта асрлар, Янги давр ва энг янги даврнинг фалсафий-ҳуқуқий концепцияларида умумий манфаат ғояси.

Умумий манфаат, тенглик ва адолат. Давлат ва қонун умумий манфаат ифодаланиши ва қарор топиши шакли сифатида.

Умумий манфаат концепциясида манфаатларнинг мувофиқлаштирилиши ва мурасасаси. Умумий манфаат концепциясида индивидуал манфаатнинг ўрни ва аҳамияти.

«Умумий манфаат», «умумий ирода» ва «барчанинг иродаси» тушунчаларининг фалсафий-ҳуқуқий таҳлили, уларнинг фарқланиши ва нисбати.

### **13-мавзу. Соционорматив тизимнинг фалсафий-ҳуқуқий таҳлили**

Жамиятда ижтимоий тартибга солиш шакллари ва ижтимоий нормалар турлари. Мазкур ҳар хил нормаларнинг табиати ва мазмуни.

Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқнинг ўрни, роли ва ўзига хослигининг фалсафий-ҳуқуқий таҳлили. Ижтимоий тартибга солиш ҳуқуқий типининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқ ва дин. Ҳуқуқ ва ахлоқ. Ҳуқуқ ва ахлоқийлик. Ҳуқуқ ва сиёсат.

### **14-мавзу. Ҳуқуқ ва давлат нисбатининг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари**

Давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар. Ҳуқуқ давлатнинг маҳсули сифатида талқин қилиниши (ҳуқуқнинг этатистик концепцияси). Ҳуқуқнинг ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг оммавий-ҳуқуқий уюшмаси сифатида талқин қилиниши (давлатнинг ҳуқуқий концепциялари).

Ҳуқуқ ва давлатнинг ўзаро муносабати: давлат ташкил этилишининг ҳуқуқий шакллари ҳамда ҳуқуқнинг эътироф этилиши, ифодаланиши ва ҳимоя қилинишининг давлат шакллари.

Инсоннинг мавжудлиги ва эркин кишиларнинг ижтимоий турмуши ташкил этилиши шакли сифатида ҳуқуқ ва давлатнинг мазмуни, мақсадлари ва вазифаси.

### **15-мавзу. Ҳуқуқий давлат**

Ҳуқуқий давлатчиликнинг фалсафий-ҳуқуқий ғоялари ва концепциялари тарихи.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси оммавий ҳокимиятнинг ҳуқуқий ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг маҳсул конструкцияси сифатида. Ҳуқуқий давлат ва қонунлар

давлати («қонунийлик давлати»). Ҳуқуқий давлат шаклланиши ва қарор топишининг зарур шартлари.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат.

Ҳуқуқий давлат хоссаларининг фалсафий-ҳуқуқий таҳлили. Ҳуқуқий давлатнинг асосий қисмлари: инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий қонуннинг устунлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши.

Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши. Ҳокимиятлар бўлиниши шароитида «тийилиш ва қарама-қаршилиқлар тизими». Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятларнинг ўзаро келишиб ишлаши ва бирлиги муаммоси.

Россия ҳуқуқий давлатчилигининг конституциявий модели: фалсафий-ҳуқуқий тавсиф.

### **16-мавзу. Совет даври ҳуқуқни тушунишининг асосий концепциялари**

Социализм даврида ҳуқуқ ва давлат тарихий тақдирининг фалсафий-ҳуқуқий тавсифи. Социализм шароитида буржуа «тенг ҳуқуқи» сақланиб қолиши тўғрисидаги марксча қоида: прогнозлар ва реаллик.

Ҳуқуқни тушуниш совет концепциялари эволюцияси. Ижтимоий муносабатлар тартиби сифатида ҳуқуқ концепцияси (П.И.Стучка). Ҳуқуқнинг айирбошлаш концепцияси (Е.Б.Пашуканис). Синфий ҳуқуқнинг психологик концепцияси (М.А.Рейснер). Ҳуқуқ ижтимоий онг шакли сифатида (И.П. Разумовский). Совет легизми 30-80-йилларда расмий ҳуқуқни тушуниш сифатида (А.Я.Вишинский ва бошқалар).

Ҳуқуқни кенг тушуниш (С.Ф.Кечекьян, А.А.Пионтковский, Я.Ф.Миколенко ва бошқалар).

Ҳуқуқни тушунишнинг либертар концепцияси.

### **17-мавзу. Россия Федерациясининг амалдаги Конституциясида ҳуқуқни тушуниш концепцияси**

Россиянинг янги Конституциясида юридик ҳуқуқни тушунишнинг фалсафий-ҳуқуқий таҳлили. Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ва нисбати умумий концепциясининг ўзига хос табиий-ҳуқуқий варианты сифатида конституциявий ҳуқуқни тушуниш хусусиятлари. Конституциявий ҳуқуқни тушунишнинг бирламчи асоси сифатида инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва

эркинликлари. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида конституциявий қоидаларнинг умумҳуқуқий мазмуни ва умумтартибга солувчи аҳамияти.

Конституциявий ҳуқуқни тушунишнинг қисмлари: табиий-ҳуқуқий (инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг табиийлиги ва ажралмаслиги) ва аксиологик (инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида) қисмлари.

Конституцияда ҳуқуқ ва қонуннинг нисбати. Ҳуқуқий қонун талабларини ва аксилҳуқуқий (ҳуқуқни бузувчи) қонунни ифодаловчи конституциявий қоидалар.

Конституциявий ҳуқуқни тушунишни ифодалаш ва расмийлаштиришнинг институциявий-ҳукми жиҳати сифатида ҳуқуқий давлатнинг конструкцияси. Давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг қонун чиқарувчилик, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятига нисбатан қўйиладиган ҳуқуқий талаблар.

### **18-мавзу. Социализмдан кейинги тузумнинг фалсафий-ҳуқуқий муаммолари**

Социализмни енгиб ўтиш, янги, социализмдан кейинги давлат-ҳуқуқий тузумга ўтиш жараёнининг бутунжаҳон-тарихий мазмуни. Социализмдан кейинги тузумнинг ҳар хил концепциялари: фалсафий-ҳуқуқий таҳлил.

Россиядаги замонавий ислоҳотларнинг мафкураси ва амалиёти. Иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида ривожланмаган (буржуазиягача бўлган) шакллар, нормалар ва муносабатлар қарор топиши тенденцияси. Социализмдан кейин реал шаклланаётган ҳуқуқ ва давлатнинг фалсафий-ҳуқуқий тавсифи.

Социализмнинг капитализмлаштирилиши ва неототалитаризмга муқобил сифатида цивилизм (маърифий тузум) концепцияси. Социалистик мулкни ўзгартиришнинг ҳуқуқий усулининг объектив имкониятларининг, ҳар кимнинг тенг фуқаролик (цивил, цивилитар) мулкига бўлган реал субъектив ажралмас ҳуқуқининг эътироф этилиши ва мустақамланишининг фалсафий-ҳуқуқий таҳлили. Цивилитар ҳуқуқ янги, буржуа ҳуқуқига қараганда юқори ҳуқуқ, тенглик, эркинлик ва адолатнинг тарихий тараққиётидаги босқич сифатида.

---

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

- Власть и право. Из истории русской правовой мысли. Л., 1990.  
Гегель. Философия права. М., 1990.  
Кант И. Метафизические начала учения о праве // Критика практического разума. СПб., 1995.  
Коркунов Н.М. История философии права. СПб., 1915.  
Кузнецов Э.В. Философия права в России. М., 1989.  
Нерсесянц В.С. История идей правовой государственности. М., 1993.  
Нерсесянц В.С. Наш путь к праву. От социализма к цивилизму. М., 1992.  
Нерсесянц В.С. Права и закон. М., 1983.  
Нерсесянц В.С. Право - математика свободы. М., 1996.  
Нерсесянц В.С. Философия права. М., 1997.  
Новгородцев П.И. История философии права. М., 1897.  
Новгородцев П.И. Лекции по истории философии права Нового времени XVI-XIX вв. М., 1914.  
Проблемы ценностного подхода в праве: традиции и обновление. М., 1996.  
Соловьев В.С. Нравственность и право // Соч. В 2 т. М., 1988. Т.1.  
Четвернин В.А. Понятие права и государства. М., 1997.  
Четвернин В.А. Современные концепции естественного права. М., 1988.  
Чистое учение о праве Ганса Кельзена. М., 1987, 1988. Вып. 1, 2.  
Чичерин Б.Н. Философия права. М., 1900.

## ИСМЛАР КЎРСАТКИЧИ

<b>А</b>		Гессен В.М.	110
Августин	66, 254	Гиппий	181
Адамс Джон	110	Гоббс Т.	204
Алкидам	182	Горгий	181
Амос Ш.	44	Гроций Г.	56, 88, 201, 22
Антифонг	181	Гуго Г.	39
Аристотель	56, 66, 72, 185		<b>Д</b>
Ауэр А.	225	Дабен Ж.	254
<b>Б</b>		Дворкин Р.	243
Балдус	220	Демокрит	179
Батиффоль А.	242	Десниций С.Е.	224
Белда П.	239	Джентиле Д.	248
Бентам И.	66	Домбоис Х.	256
Бергбом К.	44	Донелл	100
Бердяев И.А.	56, 232		<b>Ж</b>
Биндер Ю.	247	Жефферсон Т.	110
Бомануар Ф.	200		<b>З</b>
Бринкман К.	236		
Бэкон Ф.	203		
<b>В</b>		Зенон	190
Вайнбергер О.	267	Зигфрид В.	187
Валендорф Шварц-		Золотницкий В.Т.	224
Либерман Г.А.	237	Зорькин В.Д.	226
Велькер К.	110		<b>И</b>
Виндельбанд В.	76	Иеринг Р.	225
Вольф Эрик	256	Ипполит Ж.	248
Вольф Эрнст	256	Ирнерий	198
Вышинский А.Я.	129		
<b>Г</b>		<b>К</b>	
Гаеринг Т.	246	Калликл	56, 182
Гегель Г.В.	36, 40, 66, 79, 110, 141	Кант И.	40, 66, 110, 215
Гераклит	36, 189	Кассирер Эрнст	177
Гербер К.	44	Катков В.Д.	44, 66, 226
Гесиод	177	Кауфман А.	236
		Кельзен Г.	44, 248

Кечекьян С.Ф.	132	Новгородцев П.И.	229
Кистяковский Б.А.	224		
Клеобул	178		<b>О</b>
Козловский М.Ю.	125	Оллера А.	245
Коинг Г.	236	Остин Д.	44, 66
Колер П.	267		
Кон Г.	261		<b>П</b>
Констан Б.	111		
Коркунов Н.М.	223	Павел (юрист)	194
Коссио К.	261	Палиенко Н.И.	110
Критий	56	Пашинский А.И.	134
Ксенофонт	183	Пашуканис Е.Б.	126
Куайре А.	248	Петражицкий Л.И.	128
Кубеш В.	235	Пивоваров Ю.С.	162
Кузнецов Э.В.	223	Пионтковский А.А.	132
Куницын А.П.	224	Пифагор	178
Курский Д.И.	125	Платон	183
		Плутарх	190
<b>Л</b>		Покровский И.А.	198
Лабанд П.	44	Пол Агригентский	57
Ларенц К.	246	Полибий	110
Ленин В.И.	121	Пришинг М.	267
Ликофрон	182	Протагор	180
Локк Д.	66, 110, 206		
Лорка-Наваретте Х.Ф.	241		<b>Р</b>
Луллий Р.	199		
Луф Г.	238	Радбрух Г.	244
		Разумовский И.	129
<b>М</b>		Райнер Г.	256
Майхофер В.	258	Редкин П.Г.	224
Малицкий А.	129	Рейснер М.А.	128
Мариген Ж.	254	Роде К.	241
Марк Аврелий	191	Роммен Г.	256
Маркс К.	36, 56, 120	Руссо Ж.Ж.	56, 72, 212
Марчич Р.	79, 261		
Медисон Д.	110		<b>С</b>
Меркель А.	263	Сартр Ж.П.	257
Месснер Й.	254	Смид Ш.	239
Миколенко Я.Ф.	132	Сукрат	182
Михайловский И.В.	229	Соловьев В.С.	79, 230
Моль Р.	110	Соловьев Э.Ю.	218
Монтескье Ш.Л.	110, 208	Солон	178
		Стоянов А.	220
<b>Н</b>		Стучка П.И.	125
Науке В.	245		
Неволин К.А.	224		<b>Т</b>
Нишше Ф.	56	Тедлерс Б.	248

	<b>У</b>		<b>Ч</b>
Ульпиан	193	Четвернин В.А.	245
		Чичерин Б.Н.	226
	<b>Ф</b>		<b>Ш</b>
Фалес	178	Шершеневич Г.Ф.	44, 224
Фехнер Э.	259	Шмидт В.	248
Фердросс А.	235, 263	Шпанн О.	246
Фихте И.Г.	220	Штаммлер Р.	243
Фома Аквинский	66, 88, 195	Штрассер П.	267
Фукуяма Ф.	140		
Фурсов А.И.	162		
	<b>Х</b>		<b>Э</b>
Хомер	177	Энгельс Ф.	36
		Эпиктет	191
		Эпикур	188
	<b>Х</b>		<b>Я</b>
Хайдеггер	257	Ясперс К.	257
Харт Г.	44, 264		
Хенкель Г.	237		
Хорст Ф.	256		
Хрисипп	190		
	<b>Ц</b>		
Цельс	195		
Циппелиус Р.	241		
Цицерон М.Т.	66		